


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

А. Х. ДОНИЁРОВ, О. БЎРИЕВ, А. А. АШИРОВ

406181

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ
ЭТНОГРАФИЯСИ, ЭТНОГЕНЕЗИ
ВА ЭТНИК ТАРИХИ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА



ТОШКЕНТ
«YANGI NASHR»
2011

UDK: 39 (575) (09) (075)
63.5(54)
Д71

Мазкур ўқув қўлланма Тошкент давлат шарқшунослик институти-да бажарилган ИТД – 4 – 156 “Ёшларда диний бағрикенглик маданиятини шакллантиришнинг мазмуни ва ўқув методик мажмуасини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида нашр қилинди.

Тошкент давлат шарқшунослик институти Илмий кенгаши томонидан (баённома №2 2011 йил 29. IX) нашрга тавсия этилган.

Масъул муҳаррир: т. ф. д. У. АБДУЛЛАЕВ

Такризчилар: т. ф. д. Р. БАЛЛИЕВА, т. ф. н. Н. АЗИМОВА

Қўлланма ижтимоий-гуманитар йўналишда таҳсил олаётган талабаларга Марказий Осиё худудида яшовчи халқлар этнографияси ҳақида маълумот беради. Шунингдек, китобда кенг камровли тарихий-этнографик адабиётлар асосида минтақа халқлари этногенези ва этник тарихи, анъанавий хўжалиги, моддий ва маънавий маданиятининг энг асосий томонлари ҳақида маълумотлар берилган. Қўлланма талабаларни Марказий Осиё халқлари этнологиясига оид этнографик материаллар йиғиш ва тўпланган маълумотларни мустақил таҳлил қилишга ҳам ўргатади.

Китоб ижтимоий-гуманитар фанларга ихтисослашган олий ўқув юртаринининг бакалаврият ва магистратура талабалари ҳамда этнология билан кизикувчилар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

ББК 63.5(54)

ISBN-978-9943-22-039-3

© YANGI NASHR, 2011

Мундарижа

Мукаддима.....	6
I БОБ. ЭТНОГРАФИЯ ФАНИ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ, ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ. МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИГА ОИД МУҲИМ ЭТНОГРАФИК МАНБАЛАР.....	9
I. 1. Этнография фани предмети, моҳияти ва муаммолари. Этнография фанининг кискача тарихи ҳамда тадқиқот усуллари ва методологияси	9
I. 2. Этнографияга оид дастлабки ёзма манбалар	15
I. 3. Марказий Осиё халқлари этногенезига оид рус ва гарб манбалари	23
II БОБ. МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИНИНГ ТАРИХИЙ - ЭТНОГРАФИК ТАВСИФИ	29
II. 1. Туронзамин ҳудудининг номланиш тарихидан	29
II. 2. Марказий Осиё халқлари антропологияси ва тилларига умумий тасниф.....	39
II. 3. Марказий Осиё халқларининг шаклланиш жараёни	48
III БОБ. ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЭТНОГРАФИЯСИ ЭТНОГЕНЕЗИ ВА ЭТНИК ТАРИХИ.....	56
III. 1. Ўзбек халқининг шаклланиш тарихи.....	56
III. 2. Ўзбек этносининг антропологик типи	61
III. 3. Ўзбек халқининг анъанавий ҳўжалиги	71
III. 4. Анъанавий моддий маданият.....	81
IV БОБ. ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚИНИНГ ЭТНОГРАФИЯСИ, ЭТНОГЕНЕЗИ ВА ЭТНИК ТАРИХИ.....	109
IV. 1. Қорақалпоқ халқининг этногенези ва этник тарихи	109
IV. 2. Анъанавий ҳўжалиги ва моддий маданияти	121

V БОБ. ТОЖИК ХАЛҚИНИНГ ЭТНОГРАФИЯСИ, ЭТНОГЕНЕЗИ ВА ЭТНИК ТАРИХИ.....	127
V. 1. Тоҷик халқининг этногенези ва этник тарихи.....	127
V. 2. Анъанавий ҳўжалиги ва моддий маданияти	132
V. 3. Помир халқлари	137
VI БОБ. ТУРКМАН ХАЛҚИНИНГ ЭТНОГРАФИЯСИ, ЭТНОГЕНЕЗИ ВА ЭТНИК ТАРИХИ.....	144
VI. 1. Туркман халқининг этногенези ва этник тарихи	144
VI. 2. Анъанавий ҳўжалиги	150
VI. 3. Моддий маданияти.....	156
VII БОБ. ҚОЗОҚ ХАЛҚИНИНГ ЭТНОГРАФИЯСИ, ЭТНОГЕНЕЗИ ВА ЭТНИК ТАРИХИ.....	162
VII. 1. Қозоқ халқининг этногенези ва этник тарихи	162
VII. 2. Анъанавий ҳўжалиги.	175
VII. 3. Моддий ва маънавий маданияти	176
VIII БОБ. ҚИРҒИЗ ХАЛҚИНИНГ ЭТНОГРАФИЯСИ, ЭТНОГЕНЕЗИ ВА ЭТНИК ТАРИХИ.....	180
VIII. 1. Қирғиз халқининг этногенези ва этник тарихи.....	180
VIII. 2. Анъанавий ҳўжалиги	190
VIII. 3. Моддий ва маънавий маданияти.....	195
IX БОБ. МАРҚАЗИЙ ОСИЁДАГИ БОШҚА ХАЛҚЛАР ЭТНОГРАФИЯСИ, ЭТНОГЕНЕЗИ ВА ЭТНИК ТАРИХИ.....	203
IX. 1. Минтақадаги бошқа халқларнинг этногенези ва этник тарихи.. ..	203
IX. 2. Анъанавий ҳўжаликларининг ўзига хос хусусиятлари	229
IX. 3. Моддий ва маънавий маданияти	234
Хотима	246
Реферат мавзулари	251
Талабалар учун мустақил ишлар (ТМИ) мавзулари	252
Тест намунавий саволлари	257

Талаба луғати.....	271
Курс иши намунавий мавзулари.....	287
Вариант саволлари.....	291
Манба ва адабиётлар.....	297

МУҚАДДИМА

Мустакиллик ўзбек халқи тарихида янги уйғониш даврини бошлаб берди. Бу жараённинг дастлабки босқичидаёқ миллий ўзлигини англашга бўлган интилиш анча кучайди ҳамда ўтмиш тарихга, аجدодларимизнинг шонли йўли ва бой маънавий меросига ҳолисона назар ташлашга киришилди.

Хозирги пайтда юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро ўзлигини англаши, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуғ аجدодларимизнинг улкан меросини чуқурроқ ўзлаштириш, бугунги шитоб билан ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаши ва диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик гуйғуси билан яшаши зарурлиги учун қулай шароит пайдо бўлди.

Мустақиллик даврида Ўзбекистонда юз бераётган кенг қамровли сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ўзгаришлар тарихни чуқур ва ҳолисона тарзда ҳамда теран тафаккур асосида илмий тадқиқ этишни тақозо этмоқда. Президент И. А. Каримов таъкидлаганидек: “Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ”¹.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз тарихчилар олдига қўйган энг долзарб ва устувор вазифалардан бири ўзбек халқининг келиб чиқиши (этногенези) ва миллий давлатчилигимиз тарихини ҳолисона тадқиқ этишда этнография – элшунослик (халқшунослик) фани ҳам салмоқли ўринга эгадир. Этнография кўп қиррали хусусиятга эга бўлиб, унинг энг асосий тадқиқот объекти ер юзидаги барча этнослар – уруғ-қабилалар, элатлар, халқлар ва миллатлар ҳисобланади.

Этнография жаҳон халқларининг этногенези, ўзига хос моддий ва маънавий маданияти, антропологик ва лингвистик белгилари, анъанавий хўжалиги, маросимлари ва маиший турмуш тарзларини ўрганиш жараёнида ҳар бир этноснинг жаҳон цивилизациясида ўз ўрнига эга эканлиги ҳақида маълумотлар беради. Шу боисдан ҳам этнография бўйича ўқув машғулотлари ер юзидаги маълум бир минтақада яшовчи халқларнинг табиий-географик жойлашуви, этногенези ва этник тарихи, антропологик (иркий) ва этнолингвистик (лисоний) хусусиятлари, моддий маданияти, маиший турмуш

¹ Каримов И. А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т., 2008. – 4-бет.

тарзи, ижтимоий ҳаёти ва оила-никоҳ муносабатлари, маросимлари ва урф-одатлари. маънавий ҳаёти ва диний эътиқодларини ўзида мужассамлаштирувчи энг устувор масалалар тизимидан таркиб топган.

Жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаган мустақил Ўзбекистоннинг ёш тарихчи талабаларини, жаҳондаги турли этнослар, жумладан, ўзбек халқи ва Марказий Осиёдаги бошқа халқлар этногенези ва этник тарихи, хўжалиги, моддий ва маънавий маданияти билан яқиндан таништиришда этнография энг асосий ўринлардан бирини эгаллайдиган фанлардан ҳисобланади.

Этнография фани ёш авлодни Ватанга садоқатли, эътиқодли ва етук даражадаги комил инсон қилиб тарбиялашда муҳим воситалардан бири ҳисобланади. Ёшлар жаҳон, Марказий Осиё халқлари, хусусан, ўзбекларнинг этногенези, этник тарихи, анъанавий турмуш тарзи, умуман, миллий қадриятларини этнография фани орқали пухта эгаллайдилар.

Маълумки, мамлакатимиз олий ўқув юртлири тарих ихтисослиги бакалаврият ва магистратура йўналишининг намунавий ўқув режасида этнография фанига алоҳида ўрин ажратилган. Шунингдек, тарихга ихтисослашган умумтаълим мактабларида ҳам этнология фанини замонавий педагогика ва ахборот технологиялари асосида ўқитиш ва ўрганишни ташкил этиш энг долзарб вазифа ҳисобланади.

Шубҳасиз, бу борада биз яшаётган Марказий Осиё минтақаси этнографиясини ўрганиш ҳам долзарб аҳамият касб этади. Чунки асрлар давомида бу бепоён минтақада яшаётган халқлар ўзига хос тарихи, анъаналари ва миллий қадриятлари муштарақлиги асосида қурилган дўстлик ва ҳамкорликда ҳаёт кечириб келмоқдалар.

Шу боис ҳам мазкур ўқув қўлланмада Марказий Осиё халқларининг этногенези ва этник тарихи, анъанавий хўжалиги, моддий ва маънавий маданиятининг энг асосий томонлари ёритилган. Шунингдек, қўлланмадан ўқув режа бўйича маъруза матни машғулотлари режалари, мустақил ишлар (ТМИ), реферат, курс иши мавзулари, намунавий тест ва вариант саволлари, муҳим атамалар изоҳи ҳамда асосий манбалар ва адабиётлар рўйхати ўрин олган.

Китоб талабаларни этнография бўйича машғулотларга мустақил тайёрланишига ҳам яқиндан ёрдам беради. Келтирилган зарур ада-

биётлар асосан талабалар ўзлаштиришлари учун мўлжалланган. Этнографик мавзуларни ўрганишда Президент И. А. Каримовнинг нутқлари, рисола ва асарлари асосий методологик манба бўлиб хизмат қилади. Ўқитувчилар ва талабалар ҳар бир машғулотда Юртбошимиз асарларига ҳамда миллий мафкура руҳидаги янги адабиётларга таянишлари шарт.

Ушбу ўқув-услубий қўлланмани тайёрлашда, асосан таникли элшунос олим, профессор И.М. Жабборовнинг жаҳон ва ўзбеклар этнологиясига оид нашр этилган кўплаб дарслик ва ўқув қўлланмаларига, тарих фанлари доктори, профессор А.Х. Дониёровнинг “Мустақил Ўзбекистон этнографияси тарихшунослигининг айрим масалалари” (Т., 2003), “Ўзбекистон этнографияси тарихидан айрим лавҳалар (XX асрнинг 20–80-йиллари)” (Т., 2003), “Марказий Осиё халқлари этнографияси, этногенези ва этник тарихи” (Т., 2003), “Ўзбекистон этнографияси тарихшунослиги очерки (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср 30-йиллари)” (Т., 2005), “Хоразм археология-этнография экспедицияси Ўзбекистон этнография фанида” (Т., 2007), “Марказий Осиё халқлари этнографияси, этногенези ва этник тарихи фанидан таълим технологияси” (Т., 2010) каби ўқув-услубий қўлланмаларига, тарих фанлари номзоди, доцент О.Бўриевнинг “Этнография бўйича ўқув-услубий қўлланма” (Қарши, 1996), “Ўзбекистон тарихини ўрганишда этнография маълумотларидан фойдаланиш” (Т., 1996), “Марказий Осиё халқлари этнографияси” (Қарши, 1997), “Этнология бўйича ўқув-методик қўлланма” (Т., 2000), “Этнология атамаларининг қисқача изохли луғати” (Қарши, 2004) ҳамда тарих фанлари доктори А.Аширов ва Ш.Атаджановларнинг “Этнология” ўқув қўлланмаси (Т., 2008) га таянилди. Қўлланмани тайёрлашда Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси жилдларидаги мақолалардан ва сўнгги йилларда нашр этилган тарих-этнологияга оид адабиётлардан ҳамда интернет маълумотларидан ҳам фойдаланилди.

Ушбу қўлланма тарих йўналиши талабалари, магистрлари, илмий изланувчилари ва ўқитувчилари учун мўлжалланган бўлиб, баъзи жузъий камчиликлардан холи бўлмаслиги табиийдир. Шу боис муаллифлар эътиборидан четда қолган айрим жиҳатлар келгуси нашрларда, албатта, инobatга олинади. Зукко китобхонларнинг мазкур китоб ҳақида билдирилган амалий таклиф ва мулохазаларини кутиб қоламиз.

I БОБ. ЭТНОГРАФИЯ ФАНИ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ, ТАДКИҚОТ УСУЛЛАРИ. МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИГА ОИД МУҲИМ ЭТНОГРАФИК МАНБАЛАР

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Этнография, этнос, халқ. этнографик маълумот, юнон ва рим муаллифлари асарлари, этник киёфа, мусулмон Уйғониш даври манбалари, Амир Темур ва темурийлар даври манбалари, ўзбек уруғлари хақида маълумотлар, рус шарқшунослари, сайёхлари, Туркистон фотоальбоми, илмий жамиятлар ва тўғарақлар, Рус география жамияти Туркистон бўлими, Туркистон археология ҳаваскорлари тўғараги, этнографик тадқиқотлар. XX асрнинг 20-йилларидаги этнографик асарлар, этнографик атамалар.

I. 1. Этнография фани предмети, моҳияти ва муаммолари. Этнография фанининг қисқача тарихи ҳамда тадқиқот усуллари ва методологияси

Этнография фани қадимги юнонча “этнос” (халқ) ва “графо” (ёзиш, таърифлаш) деган сўзлардан ташкил топган. Унинг туб маъносини “халқни таърифлаш” ёки “халқшунослик” деб изоҳлаш мумкин.

Махсус этнографик адабиётлардан маълумки, жаҳондаги кўплаб халқ ва элатлар ўз тили, келиб чиқиши, моддий ва маънавий маданияти, маиший турмуши ва психологияси билан ҳам бир-биридан ажралиб туради. Халқларнинг ўзаро тафовути ёки умумийлиги ва ўхшашлигини, уларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганувчи фан соҳаси “**этнография**” деб аталади.

Этнографик билимлар энг қадим замонлардан пайдо бўлган бўлса-да, лекин мазкур фан мустақил фан сифатида XIX асрнинг ўрталарида вужудга келди. Дастлаб бу атамани XVI асрнинг охирида немис ёзувчиси **Йоган Зуммер** ишлатган, кейин эса XVIII асрнинг охириларида ва 1808 йилда махсус журналлар шу ном

билан чика бошлаган. “Этнография” сўзи машхур француз табиатшуноси ва физиги **Жан Жак Ампер** томонидан 1830 йилда ижтимоий фанларни таснифлашда алоҳида фан соҳаси сифатида қўлланилган.

Этнография – тарихий фан, у жаҳондаги барча халқларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, моддий ва маънавий ҳаёти билан боғлиқ анъаналарини, уларнинг катта-кичиклиги, ирки, ижтимоий тузуми, колоқ ёки ривожланган бўлишидан қатъи назар, тенг, баб-баравар ўрганувчи муҳим илм соҳасидир. **Этнография** – дастлаб ҳозирги этносларнинг келиб чиқиши ва шаклланиши, жойланиши ва этник тузилиши, машғулоти, тарихий-маданий муносабатлари, моддий ва маиший турмуши, урф-одатлари, маънавий маданияти ва миллий хусусиятларини тарихий жараёнлар билан боғлиқ ҳолда ўрганган. Этнографларнинг диққат марказида ҳозирги даврдаги халқ ва элатларнинг маиший ва маданий ҳаётида пайдо бўлаётган барча янгилик (инновация)лар, ижтимоий ўзгаришлар, турмуш тарзидаги умумий ва хусусий белгилар ҳамда бошқа муҳим масалалар, муаммолар туради. Тарихий этнография йўқолиб кетган халқ ва элатлар, ўтмишдаги этник жараёнлар, маиший турмуш ва маънавий маданият хусусиятларини ҳам тадқиқ қилади.

Ҳар бир фан дастлаб фактик билимларни тўплайди, кейин уларни таҳлил этиш орқали моҳиятини тушуниб олиб, назарий хулосалар чиқаради. Этнография ҳам айти шундай йўлдан боради. Этнографлар халқ орасида юриб, кузатиб ҳамда ахборотчилардан маълумотларни йиғиб, моддий ва ёзма ёдгорликларни таҳлил этиб, тўпланган материалларни мазмун эътибори билан йўналишларига, мақсад ва вазифаларига қараб тасниф этади. Сўнгра улар муайян илмий мақсад асосида таҳлил этилади ва зарур хулосалар чиқарилади. Лекин қадим замонларда этнографик билимлар кундалик ҳаётий жараёнларда ўзга халқлар билан ўзаро алоқалар давомида амалий эҳтиёжларни қондириш учун қўлланган. Бунда ҳали этнографик билимларга илмий маъно бериш аломатлари бўлмаган. Масалан, айрим қўшни қабила, халқ ва элатларнинг маиший турмуши, маданияти, урф-одатлари, этник хусусиятларини ўрганиш, уларни аниқ тушуниш амалий эҳтиёжларни қондириш тақозоси билан вужудга келган. Энг қадимги шарқ мамлакатларида узоқ-яқин қўшнилар билан самарали савдо-сотик муносабатларини ўрнатиш, шунингдек, уларга қарши муваффақиятли урушлар

олиб бориш учун биринчи навбатда этнографик билимларга эга бўлиш зарур эди.

Жаҳонда энг қадимги ёзувлар ҳисобланмиш иероглифлар, шумер ва миххат қоятош битиклари гувоҳлик беришича, қадимги Миср, Месопотамия ва Эронда қўшни ва узоқ халқлар, элатлар тўғрисида яхши билганлар. Улар фақат ёзма манбалардагина эмас, балки халқ оғзаки ижодида ҳам турли ривоятлар, ҳикоялар ва афсоналар тарзида акс этган. Масалан, “Гилгамеш” достони, милоддан аввалги XX асрларда Мисрда яратилган “Синухета саргузаштлари”, кейинроқ тош ва қабртошларга битилган зафарномалар. Телл-Амарнда топилган архив ҳужжатлари, қадимги Шумер ва Оссурия обидаларидаги ёзувлар, эрон-аҳамоний подшолари биттирган декларатив (баёнот) мағналари теварак атрофдаги мамлакатлар аҳолиси тўғрисида нодир маълумотларни бизгача етказган.

Яҳудийларнинг қадимий муқаддас китоби Таврот (Библия) милоддан аввалги XIII – V асрлар оралиғида турли жанрдаги ҳар хил адабий асарлар йиғиндисидан ташкил топган ва тахминан V асрларда тўплаб кодификация қилинган. Унинг “Подшолар китоби” ва “Пайғамбарлар” номли тарихий қисмлари, яҳудийлар олиб борган урушлар тўғрисидаги ривоятлар ҳам жуда бой этнографик маълумотларни сақлаб қолган. Нух пайғамбарининг уч ўғли Сом, Хом, Яфасдан тарқалган авлодларнинг номлари ровий “Жаҳон халқлари шажараси”нинг бошида туради. Шу анъанавий “назария” асосида ҳатто дунёдаги тилларнинг классификацияси ҳам тузилган: Сомий, Хомий ва Яфас тиллари. Тавротда тилга олинган халқлар ҳақиқий шажарага асос бўлмаса-да, қадимги кўчманчи халқларнинг ўтроқликка ўтишдаги турмуш тарзи ва маданий ҳаёти, турли шакллари ифодаловчи ривоятлар деб баҳолаш мумкин. Шуниси муҳимки, Нух авлодларининг номлари кўпинча Арабистон ярим оролининг қадимги бадавий ва қўшни кўчманчи қабилалари номларига ўхшайди. Аслида яҳудийларнинг ўзи ҳам дастлаб кўчманчи бадавийларнинг* алоҳида қабиласи сифатида пайдо бўлган.

Антик даврга келиб, этнографик билимлар бир мунча кенгайиб

* Бадавий – ёввойи, кўпол, дағал, даштлик, демақдир. Улар Арабистон ярим ороли ва Шимолий Африка чўлларига яшовчи кўчманчи, ярим кўчманчи араб қабилалари ҳисобланган. Судан ва Шимолий Африка ва бошқа жойларда яшовчи ҳамда чорвачилик, овчилик билан шуғулланувчи қабилалар ҳозир ҳам бадавий деб номланади.

ва кўпайибгина колмай, маданиятнинг ўсиши билан баъзи назарий хулосалар ҳам юзага келади. Қадимги Греция дostonлари “Илиада ва “Одиссея” да яқин кўшни элатлар тўғрисида афсонавий маълумотлар келтирилган бўлса, грекларнинг Кичик Осиё, Қора денгизнинг шимолий қирғoқларида “буюк колонизацияси” (мил. авв. VII – V асрлар)дан кейин теварак-атрофдаги халқлар тўғрисида билимлари доираси жуда кенгайди ва бойийди. Айниқса Геродотнинг ноёб этнографик маълумотлари билан машҳур 9 жилдлик “Тарих” номли асари нафақат оддий этнографик кузатув, балки тадқиқий характерга эга манбага айланган.

Буюк Искандарнинг Шарққа қилган юришлари натижасида ву-жудга келган катта империя ғарбдан шарққача кенг ҳудудда яшаган халқларнинг турмуш маданиятини билишда янги босқич бўлди. Бу даврда грекларнинг умумий маданий савиясида ҳам ўзгаришлар содир бўлди. Фаннинг барча соҳалари гуркираб ўсди. **Эллинизм**^{*} даврида (Эллин – Эллада сўзидан олинган сифат бўлиб, грекларнинг энг қадимги номи) грек маданияти Шарқда Ҳиндистон ва Ўрта Осиёгача. Ғарбда Пиреней ярим ороли ва Британия ороллари-гача тарқалиб, маҳаллий халқларнинг маданияти билан аралашиб кетган, улар ўртасида янги бой маълумотлар ёзиб қолдирилган.

Этнография методлари. Этнография фани, бошқа фанлар сингари ўзига хос тадқиқот усуллари ва махсус атамаларига эга. Унинг услуби муайян дунёқараш ва назариялар (методология) билан боғлиқ бўлиб, ўз тадқиқотларини айрим фан соҳалари билан алоқадор ҳолда амалга оширади. Айниқса у антропология, археология, лингвистика, социология, санъатшунослик каби фанлар ютуқларидан кенг фойдаланади.

Маълумки, “халқ” тушунчаси бир неча маънога эга. Баъзан оддий тилда бир тўп кишиларни ёки авомни халқ десак, баъзан бир неча элат ва миллатлардан ташкил топган давлат ёки мамлакат аҳолисини ҳам халқ деб атаймиз. Аслида “халқ” сўзи арабча “яратмок” демакдир. Лекин ўзбек тилида бу сўз муайян ижтимоий тарихий бирликни англатади. Этнографияда халқ маъносида “этнос” атамаси қўлланилади. Этнослар муайян тарихий даврнинг маҳсулоти сифатида айрим шахс ёки кишиларнинг истаги билан

^{*} Эллинизм тушунчаси македониялик Александр юришларидан кейин юзага келган улкан империяда қадимги грек маданияти билан маҳаллий халқлар маданиятини қоришуви маъносини ифодалайди.

эмас. балки объектив тарихий зарурият натижасида юзага келади ва ривожланади. Шунинг учун ҳам этносларнинг жойланишини, уларнинг мазкур минтака тубжой аҳолиси (автохтон ёки абориген) эканлигини ёки бошқа ердан кўчиши (миграция) натижасида келганлигини аниқлашда этнографлар палеоантропологик маълумотлардан фойдаланадилар. Уларнинг қайси ирққа оид эканлигини аниқлашда антропология фани ёрдам беради. Этнография “соф” ирқларни эмас, балки тарих тақозоси билан ўзаро яқинлашган ижтимоий бирликларни ўрганади. Антропология эса у ёки бу халқнинг, этник бирликнинг жисмоний қиёфасини типологик асосда тадқиқ қилади.

Этник жараёни тадқиқ қилишда турли тарихий манбалар, архив ҳужжатлари, оғзаки ижод намуналаридан кенг фойдаланилади. Этносларнинг келиб чиқиши ва этник қиёфасини аниқлашда тилшунослик маълумотлари ҳам ёрдам беради. Уларнинг моддий маданият хусусиятларини археология фани билан ҳамкорликда аниқлаш мумкин. Аҳолининг жойлашиши, ўсиши, тевақулатрофнинг таъсири, миграцияси каби масалаларни ўрганишда тарихий-география ва демографик тадқиқот усулларидан фойдаланилади. Этносларнинг маънавий маданияти санъатшунослик, музикашунослик, диншунослик, фольклор ва адабиёт билан ҳамкорликда ўрганилади.

Мазкур фанларнинг ўзаро боғлиқлиги туфайли кейинги йилларда қўшалок илмий соҳалар ҳам юзага келди. Масалан, этногенез ва этник тарих муаммоларини тадқиқ қилишда этник антропология, палеоэтнография, этнолингвистика каби соҳаларда самарали иш олиб борилмоқда. Ҳозирги даврдаги этник жараёнларни теран ва кенг миқёсда тадқиқ қилишда кейинги йилларда ўтказилаётган социологик тадқиқотлар яхши натижалар бермоқда. Натижада этносociология, этнопсихология каби янги илмий соҳалар юзага келиши муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари табиий-географик шароитга қараб ёввойи ўсимликларни экиб ўстириш ёки ёввойи хайвонларни хонақиллаштириш, урчитиш каби ўзига ҳос турмуш хусусиятларига эга элатларнинг хўжалик хусусиятларини аниқлашда этнография билан ҳамкорликда этноботаника ва этнозоология каби янги соҳалар ҳам иш олиб бормоқда.

Халқларни ўрганишда этнография фани ниҳоятда кенг ва хилма-хил манбалардан ва усуллардан фойдаланади. Этнослар-

нинг кўп киррали, ранг-баранг ҳаётини ўрганишда уларнинг ҳар кунги турмуш тарзини бевосита кузатиш асосида жойларнинг ўзида тўпланган материаллар бош манба ҳисобланади. Бир жойда узок давр яшаб, кузатиш йўли билан ўтказилган тадқиқотлар энг самарали эканлигини машҳур этнографлар (Л. Морган, Н. Н. Миклухо-Маклай, В. Г. Богораз) алоҳида қайд қилганлар. Бундай тадқиқотлар усули **стационар** тадқиқот деб номланган. Бизнинг ҳозирги шароитимизда мазкур усулдан кам фойдаланилмоқда. Қисқа муддатда, йилнинг маълум мавсумларида ўтказиладиган тадқиқот ишлари экспедиция усули бўлиб, ҳозир кенг тарқалган ва у **мавсумий** усул дейилади.

Дала ишларида асосан ахборотчилардан суҳбат йўли билан ёзма ёки магнитофон ва диктафон орқали маълумотлар тўплаш, муайян маиший-маданий турмуш ҳодисалари, оила-никоҳ муносабатлари ва маросимлари, халқ сайиллари ва ўйинларини кузатиш, уларда бевосита иштирок қилиш ва уларни жиддий ўрганиш (ёзиш, чизиш, расмга олиш) каби усуллар қўлланилади. Замонавий техника воситасида (рақамли видеокамера ва рақамли фотоаппарат, аудио ёзувлар) ва анъанавий дала ёзувларида халқ маънавий ҳаётининг объектлари ва кўринишлари (анъаналар, маросимлар, урф-одатлар, фольклор кўшиқлар ва шу қабилар) акс этади. Баъзида дала тадқиқотлари жараёнида айрим моддий ва маънавий маданият намуналари музейлар коллекцияси учун йиғилади. Этносоциологик тадқиқотлар эса асосан махсус анкеталар тарқатиш йўли билан ўтказилади ва улар кейинчалик махсус компьютер программалари, масалан, SPSS асосида таҳлил қилинади.

Этнографияда “**маданият**” дейилганда, асосан инсон кўли ва ақл-идроки билан яратилган барча моддий ва маънавий бойликлар тушунилади. Асли рус тилидаги “культура” лотинча сўз бўлиб, “ишлаб чиқариш”, “ясаш”, “яратиш” деган маъноларни англатади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “маданият” сўзининг этимологик моҳияти ечилмасдан, умумий тарзда “Жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий, маданий-маърифий ҳаётида қўлга киритган ютуқлари мажмуи”⁴, деб таърифланган. Этнографик жиҳатдан **моддий маданиятга** хўжалик ва транспорт воситалари, тураржой ва ховлилар, уй-рўзғор буюмлари ва жиҳозлари, кийим-кечак ва безаклар, таом ва идиш-товоқлар, бадиий буюмлар киради.

Маънавий маданият дейилганда, этносларнинг миллий ҳис-

⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2- жилд. Т., 2006. – 521-бет.

тўғулари ва табиати, урф-одат ва маросимлари, халқ ўйинлари ва сайиллари, ракс ва куйлари, оғзаки ижоди, диний тасаввурлари ва хоказолар тушунилади.

I. 2. Этнографияга оид дастлабки ёзма манбалар

Марказий Осиё халқларининг энг қадимий аجدодлари тўғрисида маълумотлар жуда кам. Шарқ мустабидлари, айниқса, қадимги Эрон, Бобил, Оссурия ҳукмдорлари ўзларини улуғлаш мақсадида тошга биттирган зафарномаларида босиб олинган ва бўйсундирилган элат ва халқларни тилга олиб, Марказий осийликларнинг қадимги аجدодларини моддий-маънавий маданияти тўғрисида айрим маълумотларни келтирган.

Илк ёзма манбалардан қадимги Юнонистон ва Рим муаллифларининг асарларида Орол бўйи ва Окс (Амударё) ҳамда Яксарт (Сирдарё), Мовароуннаҳр ва Бактрияда яшаган қабила ва элатлар тилга олинади. Масалан, антик давр муаллифларидан милетлик Гекатей, Страбон, Геродот, Арриан, Птолемей ва Ктесий, сицилиялик Диодор, Помпей Трог, Тацитлар ўз асарларида сак-массагет қабилалари, хоразмликлар, бактрияликлар, парфиялик ва суғдийлар тўғрисида айрим маълумотларни келтирганлар.

Марказий Осиё халқларининг энг қадимий аجدодлари ва уларнинг тураржойлари, урф-одат ва маросимлари тўғрисида ноёб маълумотларни бизгача етиб келган зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”да ҳам кўриш мумкин. Милоддан аввалги VI – I асрлардан араб истилосигача Марказий Осиё халқларига тегишли маълумотларни қадимги Эрон подшолиги даврига оид қоятош битикларида, суғдий, хоразмий, бахтарий ёзма ёдгорликларда, хитой йилномаларида, Хитойнинг ғарбдаги ўлкаларга юборган хуфялари Чжан Цзян, Сюан Цзан, Хой Чао саёҳатномаларида, юнон, Рим тарихчи ва географларининг асарларида, Сосонийлар Эронининг ўрта форсий-пахлавий тилли ёдгорликларида, арман тилли манбаларда, қадимги туркий ёзма ёдгорликларда учратамиз.

Араб ҳукмронлиги ўрнатилгандан кейинги даврларда (IX – XII асрлар) машҳур тарихчи, географ олим Абу Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий ва сайёҳлар Ибн Хурдодбех, ал-Балхий, ал-Истаҳрий, Ибн Ҳавқал, Масъудий, Ёқуллар ўз асарларида замондош элатлар тўғрисида бой маълумотларни ёзиб қолдирганлар.

Масалан, Хуросонда яшаган атоқли географ олим Абу Зайд Балхий 60 га яқин асар ёзган. Унинг асарларидаги хариталардан бири Бухородаги Сомонийлар кутубхонасида сақланган. Муаллиф унда маҳаллий элатлар тўғрисида муҳим маълумотлар беради. Эронлик географ ва сайёҳ ал-Истаҳрий Балхий билан Самарқандда учрашиб, унинг асарларини ўрганиб, янги маълумотлар билан тўлдирган. Ироқлик сайёҳ Ибн Ҳавқал эса Ўрта денгиз мамлакатларига доир маълумотларни киритган.

Шундай қилиб, Балхий, Истаҳрий, Ибн Ҳавқал асарларида Шарқ халқлари этнографияси бўйича қимматли маълумотлар тўпланган. Уларга илова қилинган дунё ва айрим вилоятлар ҳамда элатларнинг жойлашув хариталари ноёб манба ҳисобланади. Аммо маълум бўлишича, мазкур хариталарнинг баъзилари илгари мовароуннаҳрлик Мусо ал-Хоразмий, Жайҳоний ва бошқалар томонидан чизилган хариталарга асосланган. X асрда Балхий ва унинг мухлислари бутун Шарқ картографиясининг самараларини жам қилиб, яхлит бир асар шаклига келтиришган. Уларнинг асарларида ер юзи 20 та “иқлим”га бўлинган. Шартли равишда “иқлим” деб аталган вилоятлар шарқдан ғарбга қараб таърифланган, ҳар бирида шаҳарлар, йўллар, етиштириладиган мевалар, маҳсулотлар ҳамда бошқа ажойиботлар таърифи берилган.

Атоқли олим Ёқут ўзининг географик луғатида, Балхий таърифига асосланиб, Тошкент тўғрисида шундай деб ёзади: “Шош ёз фаслида бамисоли жаннат, кишини иссиқ таъсиридан қалқондек сақлайди”. Бухорони эса Балхий бундай тасвирлайди: “Кўрғондан ташқариси серманзараликда Бухородан чиройлироқ шаҳарни кўрмадим... Осмон гумбази билан кўкламзорлар оралиғида кўринган қасрлар кўкдаги юлдузларга ўхшайди, экинзорлар сатҳи теп-текис. Бухороликларнинг экинзорлари бепоён ва унга тенг келадиган жой Хуросонда ҳам, Мовароуннаҳрда ҳам топилмайди”.

Мовароуннаҳрнинг буюк мутафаккирлари машҳур математик олим Муҳаммад ал-Хоразмий, файласуф ва мусикашунос Абу Наср Форобий, улуғ энциклопедист олим Абу Райҳон Беруний ва буюк табиб Абу Али ибн Сино, географ ва астроном Ал-Фарғоний, шунингдек, араб муаррихи Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъоний кабиларнинг асарларида ўзбеклар ва Марказий осийлик бошқа халқларнинг аجدодлари, уларнинг маиший турмуши ва маданиятининг айрим томонлари таърифланган.

Тарихий ва этнографик жихатдан ниҳоятда муҳим манбалар каторида “Дада-Қўркут”, Алпомиш, Манас, Гўрўғли дostonлари ва бошқа халқ оғзаки ижодиёти намуналарининг ҳиссаси ҳам диққатга сазовордир.

IX–XII асрлардаги Шарқ Ренессанси даврида Марказий Осиёда фан ва маданият юксак даражага кўтарилиб, илмнинг барча соҳалари ривожланди. Дастлабки илмий этнографик маълумотлар ҳам айнан Уйғониш даврида пайдо бўла бошлади. Атоқли олим С. П. Толстовнинг таърифича, “Сўнгги Африғий”лар даврида Хоразм Араб халифалигига киргач, хоразмлик олимлар шуҳрат қозонганлар ва “араб фани” деб аталган фаннинг яратувчилари орасида энг юқори ўринни эгаллаганлар. Булар ичида машҳур сиймо Муҳаммад ал-Хоразмий эканлиги шубҳасиз. Унинг номи билан ҳозирги илмий-техник тараққиётнинг негизини ташкил қилувчи математиканинг алгоритм ва бошқа жуда кўп илм соҳалари боғлиқ. Унинг арифметика ва алгебраси кўп тилларга таржима қилинган бўлиб, “Алжабр ва муқобала” номли асаридан алгебра атамаси келиб чиққан. Хоразмийнинг география, тарих ва этнография соҳасидаги хизматлари ҳам бениҳоя катта. У географ сифатида Бағдод халифаси Хазарияга юборган элчилари каторига кирган. деган маълумотлар мавжуд. С. П. Толстов ёзганидек, “Шарқий Европа географияси ва этнографиясига доир дастлабки маълумотларга айни Хоразмийнинг ўзи асос солган. Кейинчалик бу маълумотлар географик асарларнинг биридан иккинчисига ўтиб, энг аниқ ва ўзгармас маълумот бўлиб қолди”.

Хоразмда туғилиб, Бағдодда таълим олган, машҳур Маъмун академияси “Байтул ал-ҳикма” (“Донишмандлар уйи”)да энг йирик намоёндалардан бири сифатида танилган ва 70 дан ортиқ олимга дунё атласини тузишда раҳбарлик қилган Муҳаммад ал-Хоразмий тахминан 840 йил бу топшириқни бажарган. Ушбу харита “Жаҳон хариталари” ёки “Маъмун дунё харитаси” номи билан машҳур бўлган. Мазкур биринчи жаҳон атласи яратилиши муносабати билан унга изоҳнома тарзида ал-Хоразмий ўзининг “Сурат ал-арз” (“Ернинг сурати”) ёки “География”) номли ажойиб асарини яратган. Унда бир неча ўнлаб ноёб хариталар ва уларга берилган изоҳлар келтирилган. Китобда 537 та энг муҳим жойнинг номи, шаҳарлар, тоғ ва дарёлар, денгиз ва ороллар бирма-бир ёзилган ва уларнинг координатлари изоҳланган. Муаллиф баъзи номларга изоҳ муно-

сабати билан уларга қўшни жойларни ҳам тасвирлаб, таърифини берган.

Италиялик арабшунос К. Наллино 1895 йилда ёзган мақоласида Хоразмийнинг географик меросига юксак баҳо бериб, “Европадаги ҳеч бир халқ Хоразмий эришган ютуққа эришишга ва бундай асар яратишга қобил эмас эди”, деб ёзади. Италия Фанлар академияси Хоразмийнинг “Сурат ал-арз” асарининг ўз даври учун жуда қимматли қўлланма бўлганлигини ва география тараққиётига ижобий таъсир этганини тасдиқлаган. Бу китоб бир неча аср давомида қайта-қайта қўчирилиб, таржима қилиниб, тўлдирилиб, қисман ўзгартирилиб, янгича таҳрирда турли сарлавҳалар ва ҳатто имзолар остида маълум бўлиб келган. Масалан, Х асрнинг биринчи ярмида ироқлик Сухроб номли бир шахс “Сурат ал-арз”ни таҳрир қилиб, “Етти иқлим китоби” номи билан чоп этган. Аслида бу асарга у фақат сўз боши қўшган. Хоразмийдан икки аср кейин яшаган Беруний ҳам уни эҳтиром билан тилга олади.

Дастлабки илмий этнографик маълумотлар, айниқса, ажойиб мутафаккир, энциклопедист олим Абу Райҳон Беруний асарларида ўзининг ёрқин ифодасини топган. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, Марказий Осиё ва Хуросон география тарихини аслида “Берунийнинг географик мактаби” деб аташ мумкин.

Этнография фани ҳам география билан ёнма-ён шаклланиб келганлигини инобатга олсак, Марказий ва Жанубий Осиё этнографиясини ҳам Беруний мактабидан бошласак хато бўлмайди. Маълумки, бу улуғ олимнинг асарлари бутун жаҳонга танилган бўлиб, берунийшунослик деб аталиши ҳам бежиз эмас. Унинг деярли ҳамма асарларида Марказий Осиё, шу жумладан, ҳозирги Ўзбекистон шаҳарлари тилга олиниб, уларнинг тарихи, аҳолининг этник киёфаси ва табиий-географик шароити ҳақида ноёб маълумотларни бизга етказиб берган. Масалан, Берунийнинг “Қонуни Масъудий” номли китобидаги географик жадвалда кўрсатилган 603 жойнинг 85 таси Марказий Осиёга тегишли бўлиб, уларнинг кўпчилигига қисқача изоҳлар берилган.

Муаллифнинг этнотопонимияга оид маълумотлари бебаҳо. Амударё ва Қорақумнинг қадимги географияси ва этнотопонимларини биринчи бўлиб текширган ва илмий жиҳатдан тўғри изоҳлаб берилган Берунийнинг “Амударё тарихи” деб аталган мақоласида бажанак (рус солномаларида печенег)лар Оролнинг шимоли-

ғарбий томонида жойлашганлиги, Хоразм шаҳарларидан Кат эса Жайхуннинг шаркий қирғоғида жойлашган бўлиб, Хоразмнинг иккинчи шаҳри ва энг қадимийларидан эканлиги таъкидланади. Мазкур жойда Тошкент шундай таърифланган: “Бинкат - Шошнинг маркази туркча Тошканд”. Бухоро ёнидаги Пайканд шаҳри Азхайин. Қашқадарёдаги Каш форсчада тушунарли эмас деб хабар қилинади. Сирдарёнинг энг қадимий номи Яксарт эканлиги тўғрисида гапириб, олим бундай изоҳ беради: “Сутканд Шош вилояти деб машхур⁵ бўлган Яксарт дарёдир.” Демак, Беруний таърифича, илгари юнон асарларида тилга олинган Яксарт сўзи Сирдарёнинг юнонча номи эмас, балки асли ўғузлар яшаган юртдаги дарё номи Хасрат (ёки Касарт) сўзининг юнонча бузилишидир.

Берунийнинг илмий мероси Марказий Осиё билан қўшни, айниқса, Жанубий Осиёда яшаган элат ва халқлар тўғрисидаги тарихий-этнографик маълумотларни жаҳон халқларининг этник хусусиятларини ва турмуш тарзини ўрганишда ноёб манба ҳисобланади. Афсуски, тарихий-этнография фанида мазкур маълумотлар етарли ўрганилмаган.

Туркий халқлар, шу жумладан, ўзбеклар этнографияси ва этник тарихини ўрганишда ўрта асрлар муаллифларидан Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” номли асари алоҳида ўринни эгаллайди. Бу асарда минтақадаги айрим шаҳар ва қишлоқлар аҳолисининг лингвистик ва этник таркиби, ижтимоий тузумининг қисқача таърифи, этнотопонимикаси, айрим қабила ва уруғларнинг жойланиши тўғрисида ноёб маълумотлар келтирилган. Энг муҳими, китобда ўзбекларнинг қадимий аجدодларидан чигил, яғмо, қарлук, қипчоқ, тухси ва бошқа қабилаларнинг ижтимоий ва оилавий турмуши, турли урф-одат ва маросимлари, диний эътиқодлари ва тасаввурлари каби айрим этнографик хусусиятларни аниқлашга ёрдам берадиган изоҳлар мавжуд. Маҳмуд Кошғарий Жайхундан то куйи Чин (Хитой)гача бўлган қабилаларнинг ҳаммасини чигил, деб аташнинг хато эканлигини, бу ерда жуда кўп қабилалар борлигини алоҳида кўрсатиб берган.

Маҳаллий аҳолининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, этнотопонимияси, диний эътиқодлари ва этник қиёфаси, айрим этнослар (элат ва қабилалар)га оид қимматли этнографик материаллар **Наршахий-**

⁵ Абу Райхон Беруний. “Қонуни Масъудий – ТА. 55.. 1 к.” – Т. 1973. – 425–426-бетлар.

нинг “Бухоро тарихи”да ҳам мавжуд. Маълумки, XIII аср бошида Чингизхон, кейин эса унинг меросхўрлари ниҳоятда кенг ҳудудга тарқалган империяни яратган. Бундай қудратли давлатнинг қиска муддат ичида пайдо бўлиши ва унинг куч-қуввати нимада эканлигини билиш Европа мустабидлари ва Рим папаси учун бир муаммо бўлиб қолган. Шунинг учун улар мазкур давлат билан сиёсий, савдо ва дипломатик муносабатларни ўрнатишга интилиб, ўз элчиларини юбориб турганлар. Дастлаб бу йўлда фаол ҳаракат қилган Рим папаси Иннокентий IV 1245 йили Мўғулистонга монах Плано Карпини бошчилигида элчиларни жўнатади. Ундан кейин шу йўл билан фламандлик монах В. Рубрук саёҳат қилган ва ўз таассуротларини ёзиб қолдирган. Машҳур сайёҳ Марко Поло ҳам Рим папаси топшириғи билан бир неча йил Хитойга ва қўшни мамлакатларга бориб муҳим этнографик аҳамиятга эга “Саёҳатнома” яратган. Ўша даврда яшаган муаллифлардан тарихчи Фазлуллоҳ Рашидиддин (1247–1318) ўзининг ажойиб солномасида ўзбеклар таркибига кирган айрим турк ва мўғул қабилалари тўғрисида муҳим тарихий-этнографик маълумотларни бизга етказган. Унинг Марказий Осиё, Эрон ва қўшни мамлакатлар тарихи ва этнографияси ҳақидаги “Жоме ут-таворих” номли китоби жуда қимматли манба бўлганлиги туфайли кўп олимлар томонидан шарҳланган, таҳрир қилиб тўлдирилган, ортиқча тафсилотлар қисқартирилган. Шундай олимлардан бири Оҳангарон бўйидаги Банокат шаҳридан чиққан тарихчи ва географ Фахриддин Абу Сулаймон Банокатий асарни кайта ишлаган.

Қудратли империя ташкил қилган Амир Темур ва унинг воислари ҳукмронлик қилган даврда Марказий Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон ҳудуди йирик маданият марказига айланди ва бошқа мамлакатлар билан алоқалар ҳар томонлама кучайди. Сохибқирон томонидан яратилган “Темур тузуклари” ҳам ноёб манба ҳисобланади. Ўша даврда яшаган ва сарой тарихчиси бўлиб теурийларга хизмат қилган Ҳофиз Абрў “Зубдат ут-таворих” (“Тарихлар каймоғи”) номли йирик тарихий-географик асар ёзган. Унда Мовароуннаҳрга оид баъзи этнографик маълумотлар келтирилган. Муаллиф ўлкани географик таърифини ёзар экан, айрим шаҳар ва туманлар тўғрисида хикоя қилади. Масалан, асарда Самарқанднинг қискача тарихидан сўнг, шаҳар ва унинг атрофла-

ри, шаҳардаги қалъалар, саройлар, масжидлар, боғлар, кишлоклар таърифи берилган.

Бухоро ҳақида гапирилганда, асосан аҳолининг машғулоти ва турмуши тасвирланади. Муаллифнинг ёзишича, “Бухоро меваси ҳамма мевалардан яхши ва шириндир, хусусан. Бухоро олхўриси бутун ер юзига тарқалган, у ерда қайнатилган қиёмни асалдан фарқ қилиб бўлмайди. Тамоми даштда мол бисёр, ўтинни аксари боғлардан йиғишади, ташқаридан келтиришади. Ва яна Бухоронинг хосиятларидан дейдиларки, одамларидек ғарибдўст кишилар ҳеч мавзеда йўқдир”.

Олим Кеш (Шаҳрисабз)ни таърифлаб, яқинида тоғ, унда харсанг тош бўлиб, тиниқ ва баъзан рангдор, ундан ҳар хил буюмлар тарошланади, деб ёзади. Кеш – Мовароуннаҳрнинг иссиқ жойидир, гоҳида бу шаҳарда курғоқчилик ва вабо бўлади. Шаҳарда ва унинг атрофида мадрасалар, хонақоҳлар, работлар ва ховузлар қурилган. Кешга яқин жойлашган Нахшаб (Насаф)да боғларга қудуқлардан сув олинади, тегирмонларни чорва қўшиб айлантирадилар, деб таърифланади. Асарда келтирилган суратлар ичида энг муҳими дунё харитасидир. Бугунги кунда Ҳофизи Абрў асарининг қўлёзма нусхасининг бири Тошкентда, иккинчиси эса Британия музейида сақланмоқда.

Айрим олимларнинг айтишича, Ҳофизи Абрўнинг бош асари ҳисобланган дунё харитаси бутун Шарқ олимлари фахрланса арзийдиган машҳур Беруний ва Нажиб Бакрон картография аъналарини давом эттириб, дунёга танитган. 1419 йилда Хуросон ҳокими Хитойга элчилар юборган ва улар ичида географ олим Ҳожи Гиёсиддин Наққош ҳам бўлган. Элчилар қайтишда Андижон, Самарқанд, Амударё орқали Ҳиротга жўнаган. Гиёсиддин уч йил давом этган сафар вақтида ёзганларини Шоҳруҳга топширган. Буларни дастлаб Ҳофизи Абрў ўқиб, ўз асарига киритган. Унда муаллиф мамлакатлар тўғрисида кўпгина маълумотлар берган. Мазкур хотира дафтар Ғарбий Европа тиллари ва турк тилига бир неча бор таржима қилинган.

Бу даврга оид баъзи қизиқарли этнографик маълумотларни испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг саёҳат кундаликларида, рус солномаларида, маҳаллий муаллифлардан Низомий Шомий, Абдураззоқ Самарқандий, Ҳусайн Қубравий, Али Қушчи ва бошқаларнинг асарларида ҳам учратиш мумкин. Заҳириддин

Муҳаммад Бобурнинг асари “Бобурнома” – Темурийлар давлатининг емирилиши. Мовароуннаҳр ва қўшни мамлакатларнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти ҳар томонлама тасвирлангани билан атоҳида диққатга сазовордир. Буюк ўзбек шоири Алишер Навоийнинг замондоши. йирик давлат арбоби Бобур кўп ўлкаларни эгаллаб, ўз бошидан кечирган саргузаштларини ёзиб қолдирган. Унинг “Бобурнома”сида Марказий Осиёга оид муҳим тарихий-этнографик маълумотлар келтирилган. Муаллиф Мовароуннаҳрда ва қўшни мамлакатларда яшаган элатларнинг этник таркиби ва тарихи, урф-одат ва маросимлари ҳамда маданияти тўғрисида хабар беради. Бобур маълумотларининг тўғрилигини Хондамир, Мирзо Муҳаммад Ҳайдар, Муҳаммад Солиҳ, Биноий каби таниқли тарихчилар ва шоирлар ҳам тасдиқлашади. Унинг Андижон, Фарғона, Самарканд, Бухоро, Қарши, Косон, Марғилон каби кўп шаҳарлар тўғрисидаги таърифлари муҳим этнографик аҳамиятга эга. Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» асари ҳам бевосита «Бобурнома»ни тўлдирган.

Бобурнинг тўнғич қизи Гулбаданбегим ўзининг истеъдоди, билимдонлиги ва идроклилиги билан отасининг ишини давом эттириб. “Хумоюннома” номли тарихий-биографик асар яратган. Тадқиқотчилар фикрича. мазкур асарни “Бобурнома”нинг давоми деса бўлади. Унда 140 та жойнинг номи зикр этилган бўлиб, Тошкент, Андижондан то Қошғар ва Ҳинд океани бўйларигача қандай шаҳарлар, вилоятлар мавжудлиги, уларнинг аҳолиси ҳақида батафсил маълумотлар баён этилган.

XVI аср охирларида яшаб ижод этган атоқли шоир, тарихчи ва ўлкашунос Ҳофиз Таниш Бухорий ёзиб қолдирган машҳур “Абдуллонома” (“Шарафномаи шоҳий”) да бошқа асарларда учрамайдиган турли тарихий-этнографик материаллар келтирилган. Муаллиф асарни ёзишда мовароуннаҳрлик олимлардан Наршахий, Ҳофизи Абрў, Мирзо Муҳаммад Ҳайдар асарларига асосланган. Муаллифнинг ёзишича, Мовароуннаҳрдаги “хоҳ шаҳар бўлсин, хоҳ қишлоқ, хоҳ текислик, хоҳ ўтлоқ - ободонликда унга тенг мамлакат йўқ”.

XVI аср бошларида Мовароуннаҳрга Шайбонийхон бошчилигида келган Дашти Қипчоқ ўзбек уруғларининг этник таркиби. жойлашган ҳудудлари, турмуши ва урф-одатлари ҳақида Масъуд ибн Кўҳистонийнинг “Тарихи Абулхайрхоний”, Муҳаммад

Солихнинг “Шайбонийнома” ва Абулхайр Фазуллоҳ Рӯзбеҳоннинг “Меҳмонномаи Бухоро” каби асарларида қимматли маълумотлар келтирилган. Шубҳасиз, ислом маданияти, фани, адабиёти ва шеърятида катта ўрин олган Умар Хайём, Носир Хисравлардан кейинги буюк донишмандлардан Хўжа Исмоил ал-Бухорий, Ҳаким ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, туркий адабиёт султони Алишер Навоий кабилар ҳам этнографик лавҳалар мавжуд асарларни яратганлар. Марказий Осиё халқларининг этник тарихини ўрганишда Мунис, Огаҳий ва Баёний асарлари ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Бу даврга оид этнографик жиҳатдан ниҳоятда муҳим асар Хива хони, олим Абулғозий Баҳодирхон яратган “Шажарайи турк” асари ҳозиргача ўз илмий аҳамиятини йўқотган эмас.

I. 3. Марказий Осиё халқлари этнографиясига оид рус ва ғарб манбалари

Тарихдан маълумки, XVI – XVII асрларда Марказий Осиё ҳудудларида Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари пайдо бўлгандан кейин, Россия давлати билан мунтазам равишда савдо ва дипломатик муносабатлар ўрнатила бошланди. XVI асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиёдан Россияга саккиз марта элчилар юборилган бўлса, XVII асрда Хива хонлигидан 12 марта, Бухородан эса 13 марта элчилар жўнатилган. Бунга жавобан Россия давлати ҳам ўз элчиларини ўзбек хонликларига юборди ва уларга дипломатик вазифалардан ташқари, мазкур ўлкалар тўғрисида маълумотлар тўплаш топширилади. Шуни қайд этиш керакки, рус элчиларининг маълумотлари ҳозиргача илмий жиҳатдан ўз қимматини йўқотмаган.

Бу соҳадаги ташаббусни дастлаб 1558 йилда Хитойдан Марказий Осиё орқали ўтадиган савдо йўлини аниқлаш мақсадида Москвага келган Англия савдо компаниясининг вакили Антоний Женкинсон бошлаб берган эди. У Москва ҳукумати ёрдамида Астрахань ва Каспий денгизи орқали Манғишлоқ ярим оролига чиқиб, у ердан савдо қарвони билан Хива ва Бухорога боради. Қишни ўша ерда ўтказиб, 1558 йилда Бухоро ва Хивадан қўшиб юборилган элчилар билан Москвага қайтиб келади. Женкинсон ўз мақсадига эришмаса-да, Россия ва ўзбек хонликлари ўртасида мунтазам му-

носабатларнинг ўрнатилишига сабабчи бўлди ҳамда бу ўлкалар тўғрисида айрим маълумотларни тўплади.

Мазкур муносабатлар айникса XVIII асрда кучайди. Пётр I императорлик қилган даврдан бошлаб Россия иқтисодий жихатдан ривожланиб, хомашё манбаига ва саноат маҳсулоти сотадиган янги бозорларга муҳтож бўлиб қолади. Нағижанда кўшни мамлакатларга, шу жумладан, Марказий Осиёга ҳам дипломатик савдо вакиллари юбора бошлайди ва махсус экспедициялар ташкил қилинади. Пётр I Марказий Осиёни ўз таъсири остига олиш ва бу бой ўлка билан савдо муносабатларини кучайтириш мақсадида иккита экспедиция тузади. Экспедициянинг биттасига князь Александр Бекович-Черкасскийни, иккинчисига Иван Бухгольцни бошлик қилиб тайинлайди. Бу экспедициялар мағлубиятга учраган бўлса-да, Пётр I умрининг охиригача хонликларнинг ҳаёти ва шу ўлкага йўл очиш имконияти тўғрисидаги маълумотларга тўлиқ эга бўлиш мақсадидан воз кечмади. Унинг буйруғи билан 1718 йилда Каспий денгизини текшириш учун янги экспедиция ташкил қилинди. Бу ва ундан олдинги экспедицияларнинг тўплаган материаллари асосида 1720 йили Каспий денгизининг биринчи харитаси тузилган эди. Келаси йили Бухорога элчи бўлиб келган Флорио Беневени Хивага ҳам бориб, 1725 йилда Россияга қайтган ва бу мамлакатлар тўғрисида кимматли географик, тарихий ҳамда этнографик маълумотлар олиб келган.

Ўзбек халқи этнографиясига оид илмий аҳамиятга эга материаллар тўплаш даври кенг маънода XIX асрдан бошланди. Бу даврдаги кўпгина экспедицияларнинг асосий базаси бўлган Оренбург шаҳри катта роль ўйнайди. Оренбургнинг илмий марказга айланишига унинг биринчи губернатори географ Н. К. Кирилов сабабчи бўлди.

XIX асрнинг биринчи ярмида Н. Н. Муравьёв, А. Ф. Негри, Н. В. Хаников, Г. И. Данилевский ва бошқалар ўтказган тадқиқотлар Марказий Осиё халқлари, шу жумладан, ўзбеклар этнографиясини ўрганишдаги муҳим илмий кадамлар эди. Улар ичида 1819–1870- йилларда Хива хонлигига саёҳат қилган Н. Н. Муравьёв ҳақида айтиб ўтиш лозим. У ўз таассуротларини ёзиб, чоп эттирган. Бу асарнинг баъзи бобларида ўзбекларнинг табиати, диний эътиқодлари, урф-одатлари, маърифати, кийим-кечаги, уй-рўзгорлари, уруғ-аймоғига оид соф этнографик маълумотлар келти-

рилган. Россия билан Марказий Осиё ўртасидаги кўп асрлик савдо ва дипломатик муносабатлар, Сибирь линияси ва Оренбург губерниясининг ташкил топиши, бу икки ўлкани иктисодий жиҳатдан бир-бирига яқинлаштириб, босқинчилик сиёсатиغا ўтган подшо хукуматининг талончилик ниятларини амалга оширишга шарт-шароит яратган эди. Натижада ХХ асрнинг 60–80- йилларида Россия подшолиги Бухоро ва Хива хонликларининг анча қисмини, Кўкон хонлигини тўлиқ босиб олиб, Россия империясига қўшиб олади.

Ўзбекларни илмий-этнографик жиҳатдан ўрганиш ҳам ас-лида мана шу даврдан бошланган. Ўша пайтгача жаҳон фани ўзбекларни фақат сайёҳ ва элчиларнинг (айрим тасодифан келиб-кетган илмий шахсларни эътиборга олмаганда) берган маълумотлари оркалигина билар эди. Айрим саёҳатчиларнинг тўплаган этнографик маълумотлари эса ноаниқ бўлиб, кўпгина фактлар бузиб кўрсатилган. Россия подшолиги ва унга хизмат қилаётган фани ўлкани тўла бўйсундириш ниятида Марказий Осиё худудида ҳар томонлама тадқиқот ишларни ўтказишга йўл очиб берди.

Марказий Осиёдаги халқлар тарихи ва этнографиясини ўрганишда икки оким мавжуд эди. Улардан бири улуғ давлатчилик интилишларига асосланган буржуа-дворян маданияти манфаатларига, иккинчиси эса демократик маданият манфаатларига хизмат қилар эди. Биринчи окимга катта амалдорлар, генераллар, юкори мартабали шахслар ва Россия империясининг мустамлакачилик сиёсатини ифода этувчи бошқа кишилар, иккинчи окимга эса илғор тафаккурга эга бўлган ўқитувчилар, докторлар, муҳандислар, оддий амалдор ва хизматчилар кирар эди.

Марказий Осиё халқларини этнографик жиҳатдан ўрганишда 1872 йилда Москвада очилган политехника кўргазмасига қўйилган Марказий Осиё халқларининг кийим-кечаклари, хунармандчилик маҳсулотлари ва асбоблари зўр қизиқиш туғдирди. Ўша кўргазмада кўрсатилган коллекцияларнинг таърифи кейинчалик нашр қилинган маҳсус каталогда берилган. Кўргазма муносабати билан тайёрланган Туркистон фотоальбоми айниқса катта аҳамиятга эга-дир. 1700 дан ортиқ расми ўз ичига олган бу альбом фан жамоатчилиги томонидан юксак баҳоланди. Альбомнинг асосий ғояси Туркистон ва ундаги ҳаётни тарих, антропология, этнография ва санъати жиҳатидан тасвирлаб беришдан иборат эди. Альбом фақат бир неча нусхадагина тузилган бўлиб, унинг бир нусхаси хозир

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида сақланмоқда ва XIX асрдаги Марказий Осиё халқларининг тарихи ва этнографиясини ўрганишда ноёб манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Тадқиқотчи В. П. Наливкин маҳаллий аҳолининг этнографиясини ўрганишда кўзга яққол ташланадиган ишларни амалга оширган. В. В. Бартольднинг таърифича, В. П. Наливкин “Руслар орасида ўзбекларнинг тили, турмушини энг яхши билган олимдир”. У рафиқаси билан биргаликда 1886 йили Қозон шаҳрида “Фарғонадаги ўтроқ маҳаллий аҳоли хотин-қизларининг турмуши ҳақида очерк” номли этнографик асар нашр этган.

Этнографик материалларни кенг оммага етказиш ва уларни сақлаб қолишда илмий журналлар, статистик комитетларнинг тўпламлари ҳамда “Туркестанские ведомости” газетасининг хизматларини алоҳида қайд қилиб ўтиш лозим. Мазкур даврий нашрларда А. А. Кун, А. А. Диваев, А. П. Остроумов, Н. С. Ликошин, Н. Габбин, А. Н. Кушакевич, В. К. Развадовский, А. А. Семёнов, Н. А. Кирпичников, А. Д. Калляков, Ф. Поспелов ва бошқаларнинг асарлари тез-тез босилиб турган.

Марказий Осиё халқлари, шу жумладан, ўзбекларнинг тарихи ва этнографиясини ўрганишда XIX асрда рус олимларининг ташаббуси билан ташкил топган илмий жамиятларнинг роли ниҳоятда каттадир. Рус география жамиятининг Туркистон бўлими, тиббиёт, антропология ва этнография ҳаваскорлари жамиятининг Туркистон бўлими, Туркистон археология ҳаваскорлари тўғараги, Туркистон кишлок ҳўжалик жамияти, Хомутов тўғараги, Ўрта Осиё олимлар жамияти. Рус техника жамиятининг Туркистон бўлими, шарқшунослик жамиятининг Тошкент бўлими, Туркистон табиатшунослари ва врачлари жамияти, Туркистон тиббиёт жамияти ҳамда Фарғона ва Самарқанд врачлари жамиятлари – бу муассасалар кўламининг нақадар кенг эканлигини кўрсатиб турибди.

Шундай қилиб, XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошларида ўзбекларни ва Марказий Осиё минтақаси бошқа халқларини этнографик жиҳатдан ўрганишда фанга анча ҳисса қўшилган эди. Мустамлакачилик сиёсатига амал қилиб келган фаннинг тор доирадаги таълимоти ва чекланган имкониятларига қарамай, ўша даврдаёқ Туркистон ўлкасидаги элатларнинг тарихи ва этнографиясига оид бой маълумотлар ва материаллар кейинги тадқиқотлар учун муҳим бир асос бўлган эди.

1917 йилдан сўнг таджикотчилар, шу жумладан, этнографлар орасида табақаланиш бошланди. Яъни айримлари янги тузум тарафдори бўлса, бошқалари советларга қарши томонга ўтиб кетдилар. Аммо рус олимлари анъаналарини давом эттириб, ёш этнографларни етиштиришда ўз хиссаларини қўшдилар. Масалан, этнограф ва шарқшунослардан Н. Г. Маллицкий, М. С. Андреев, А. А. Семёнов, А. А. Диваев кабилар Ўрта Осиё Давлат университетида қолиб, ўз илмий ишларини давом эттирдилар.

Туркистон университетида ўзбеклар этнографияси бўйича махсус курс киритилган ва этнография фанининг ташвиқотчиси Н. С. Ликошиннинг бу борадаги ишлари диққатга сазовордир. Кейинчалик Ўрта Осиё Давлат университетининг махсус факультетига айланган Шарқ институти ўқув режасида этнография фанига алоҳида эътибор берилганлиги туфайли собиқ талабалари ичидан йирик этнограф олимлар етишиб чикди.

XX асрнинг 20-йилларида ўзбеклар этногенези ва уруғ қабилавий тузилиши, ижтимоий ва оилавий турмуши, хўжалиги ва бошқа масалаларга оид бир неча этнографик асарлар пайдо бўлди. Илк нашрлардан профессор Е. Д. Поливанов ва этнограф Л. П. Потаповларнинг ишлари диққатга сазовордир. Г. Гольцер дехкончилик хўжалиги тўғрисида китоб нашр қилдирди, хунармандчиликка бағишланган асарларни Ф. Гаврилов, М. С. Андреев, А. Н. Самойловичлар яратдилар.

Шундай бўлса-да, бугунги кунда Марказий Осиё халқлари этнографиясига оид қатор масалалар атрофлича ёритилмаган, айникса, ўзбек халқи этногенези, моддий ва маънавий маданияти бўйича амалга оширилган тадқиқотлар етарлича маълумотлар бермайди. Ушбу масалани мамлакатимиз ва жаҳон этнография фанининг қўлга киритган сўнгги ютуқларига асосланган ҳолда хал этишимиз мумкин.

Назорат топшириқлари:

1. Этнография фани нимани ўрганади?
2. Этнографик маълумотлар берувчи асарлар ҳақида маълумот беринг?
3. Этнография фанининг тадқиқот усуллари аниқланг?
4. Марказий Осиё халқлари аجدодлари тўғрисида дастлабки маълумотлар қайси манбаларда учрайди?

5. Дастлабки илмий этнографик маълумотлар қайси даврда пайдо бўла бошлаган?
6. Турли тарихий даврдаги этнографик маълумотлар бири-биридан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади?
7. Россия империяси даврида ўлкада олиб борилган этнографик тадқиқотлар кўлами тўғрисида нималарни биласиз?
8. Марказий Осиё халқлари тарихига оид рус манбалари ҳақида нималарни гапириб бера оласиз?
9. Минтақа халқлари тарихига оид Ғарб манбалари тўғрисида маълумот беринг.
10. Марказий Осиё халқлари этнографиясига бағишланган қайси хорижий муаллифларнинг тадқиқотларини биласиз?

II БОБ. МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИНИНГ ТАРИХИЙ-ЭТНОГРАФИК ТАВСИФИ

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Тарих, Турон, Трансаксиония, Турон ҳудудлари, Туркистон ўлкаси, антропология, иркий хусусиятлар, Ўрта Осие икки дарё оралиғи типи, монголоид, европеоид, Жанубий Сибирь типи, Каспий орти типи, Олтой оиласи, туркий тиллар гуруҳи, Хинд-Европа тил оиласи, эроний тиллар гуруҳи, ўғуз тиллари гуруҳи, кипчок тиллари гуруҳи, Авесто тили, Суғд тили, Қадимги Хоразм тили, Парфия тили, Яғноб тили, тожик тили, қабила, элат, халк, туркий халқлар, Турк хоқонлиги, жуан-жуанлар, эфгалийлар.

II. 1. Туронзамин ҳудудининг номланиш тарихидан

Тарих ҳозирги кун ҳақида мулоҳаза юритиб, тараққиёт истикболларини белгилаш мақсадида башарият тарихини, унинг барча қирралари ва конкретлиги билан ўрганади. Жамият ҳақидаги бошқа фанлар қаторида тарих – фактлар, воқеалар ва жараёнларни манбалар негизида тадқиқ этади ва шу асосда ижтимоий тараққиёт қонуниятлари ҳақидаги илмий дунёқарашларни шакллантиради.

Мозий одамлари тарихни “хаст муаллими” (наставница) деб аташган. Одамлар ҳамма вақт тарих билан қизикишган, тарихий тажрибага мурожаат қилишган. Дастлаб тарих афсоналар, ривоятлар, нақл ва асотирлар шаклида намоён бўлган. Ёзув пайдо бўлиши билан жамият ҳақидаги билимларни тарқатишнинг мукамалроқ шакли юзага келган.

Антик дунё тарихи ҳақидаги олис ўтмиш тасаввурлари “Тарих отаси” Геродот ва Фукидидларнинг қўлёзмаларида баён этилган. Кўхна Хитойнинг ўз тарихий анъанаси сулолавий йилномалар шаклида ривож топган. Дунёнинг яратилиши ва башарият жамияти тараққиёти тарихи ҳақидаги ўзига хос йилномачилик анъанаси тушунчаси муқаддас китоблар саналмиш туркий – хиндларнинг

“Авесто” ва “Ведалар”ида, қадимги яҳудийларнинг “Талмуд”и, Марказий Осиё халқларининг “Хамса”си (“Беш китоб”) ва ҳоказоларда ўз тажассумини топган. Мозий ва ўрта асрларнинг тарихий қарашлари диний дунёқараш билан узвий боғлиқдир.

Ўтмиш муаррихлари ҳукмдор синфлар нуқтаи назаридан тарихий жараён кечишини икки йўсинда: ё “илоҳий башорат” натижаси ўларок, айниқса, башарият тараққиётининг дастлабки босқичларида (“провиденциализм”—“тарихнинг кечиши худо томонидан белгиланиши” атамаси шундан келиб чиққан), ёки айрим саркарда ва ҳукмдорларнинг хатти-ҳаракатлари оқибати сифатида изоҳлаганлар. XVI – XVII асрлардан бошлаб тарихий тараққиётнинг парвардигор иродаси билан амалга ошувини изоҳловчи тушунча ўрнини заминий сабаблар ва аввало қудратли инсон тафаккури иродаси ҳақидаги тушунча эгаллади.

Тарих фани тарихий жараённинг яхлит ва бус-бутунлигидан келиб чиққан, яъни жамият ўз тараққиётида ижтимоий-иқтисодий фазаларининг қонуний ва изчил алмашинувини бошдан кечиради.

Тарихни билиш меҳнатга ҳурмат, ватанга муҳаббат, дунё халқлари билан бирдамлик руҳида тарбиялайди. Тарихни билиш филолог ва руҳшуносга, журналист ва файласуфга, ҳуқуқшунос ва иқтисодчига олис ўтмиш фактларига мурожаат қилиб, маслакдошларига эътироз билдириш, ўз гоё ва исбот-далилларига тасдиқ изловчи ҳар бир одам учун зарурдир.

Ота-боболар фаолиятини авлодлар учун хотирада сақлаб қолиш, уларга тақлид ёки мулоҳаза қилиш ва тарихий тажрибадан сабоқ олиш учун манба сифатида қараш, шунингдек, ўз халқига ҳаққоний тарихини битиш кўпчилик муаррихларнинг онгли мақсадлари саналган.

Жаҳонда жуда кўп катта-кичик, турли-туман элат ва халқлар яшайди. Инсоният этник жиҳатдан шу қадар хилма-хилдирки, ҳар бирининг ўзига хос маданияти, тарихий мероси, жаҳон маданияти хазинасидан ўз ўрнини олган.

Марказий Осиёга бешта мустақил давлат: Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон ҳамда Мўғулистон, Тибет, Синьцзян, Тува ва Бурятия республикалари худудлари киради. Бу минтақада қадимги юксак маданият яратган халқлар узоқ, мураккаб тарихий тараққиётни босиб ўтиб, асрлар мобайнида бир-бирларига яқин муносабатларда бўлиб, ягона тари-

хий-этнографик ҳудудни ташкил этишган.

Марказий Осиё халқлари турли тарихий даврларда ҳар хил номлар билан аталиб келинган. Қадимги Марказий Осиёга нафақат ҳозирги Марказий Осиё ҳудудлари, айти вақтда Эроннинг шимолишарқий, Афғонистоннинг шимолий ҳудудлари ҳам кирган.

Тарихий-этнографик тадқиқотлар айрим халқлар, элатларнинг, шу жумладан, Марказий Осиё халқларининг инсоният тарихида тутган ўрни ва мавқеини аниқлашга ёрдам беради. Тарихий тақдири бир, хўжалик-маданий жихатдан умумий, маиший турмуши ва ижтимоий тараққиёти ўзаро яқин Марказий Осиё минтақаси халқлари этнографияси кўп жихатдан ўзгарувчан характерга эга. Тарихий-этнографик ва этник тузилиши қанчалик барқарор бўлмасин, Марказий Осиё этнослари замонлар оша доимо ривожланиб, ўзгариб турган.

Хусусан, Марказий Осиё халқлари узоқ ва мураккаб машаққатли тарихий жараённинг маҳсули бўлибгина қолмай, маънавий маданият ва умумпсихологик хусусиятлари билан ҳам ниҳоятда жиқлашиб кетган. Бу халқларнинг хусусиятларини аниқлаш учун дастлаб этник тарихнинг айрим саҳифаларини варақлаш зарур.

Милоддан аввалги VI асрда бу ҳудудларда Эрон подшолиги, IV асрда эса Искандар Зулкарнайн бошлик юнон-македон подшолиги ҳукм сурган. Кейинчалик бу ҳудудлар Хоразм ва Қанғ давлатлари, сўнгра Кушон подшолиги (II аср охири–III аср бошлари), Эфталлийлар давлати (V – VI асрлар), Турк хоқонлиги (VI – VII асрлар), Араб халифалиги (VIII аср) таркибида бўлган.

X – XI асрларда қадимги Марказий Осиё (Мовароуннаҳр)да Сомонийлар (819–1005), Салжукийлар (XI аср), Ғазнавийлар (X – XII асрлар) давлатлари пайдо бўлган. Бирмунча вақт бу ҳудудлар Қорахонийлар (X–XII асрлар) ҳукмронлигига ҳам ўтган.

XII аср охири– XIII аср бошларидан бошлаб Хоразм подшолиги (995–1200) қўл остида бўлган. XIII аср иккинчи ўн йиллиги охиридан бу ҳудудларни мўғул истилочилари босиб олади. XIV аср 70-йилларида Амир Темур давлати қарор топади. XV аср охири– XVI аср бошларидан бу ерлар Шайбонийлар, сўнгра Аштархонийлар давлатларига қарам бўлган.

Пировардида XVIII аср ўрталарида учта хонлик: Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликлари ташкил топади. XIX аср иккинчи ярмида эса Туркистон Россия империяси мустамлакасига айланди.

Тез орада Қўқон хонлиги тугатилади (1876). Ўлка Россиянинг хомашё базасига айлантирилди. Ёзма манбаларга кўра, XVI аср охири– XVII аср бошларидан то 1924 йилгача бу ерлар “Туркистон” деб аталиб келинган.

Ушбу салоҳиятли минтақа ҳудуди турли даврларда “Турон”, “Туркистон”, “Мовароунаҳр”, “Ўрта Осиё” ва ниҳоят “Марказий Осиё” номлари билан аталиб келинмоқда. Табиийки, бу минтақалар ҳудудий жиҳатдан бироз фарқ қилган. Шу боисдан Туронзамин ҳудуди ўтмишда қандай номланганлиги ва унинг тарихи барчани қизиқтиради, албатта.

Юнон босқинчилари (мил. авв. IV аср) Марказий Осиёни Ахамонийлар империясининг бир қисми сифатида “Трансоксиана” ёки “Трансоксония” деб атаганлар. Қадимги хитойликлар (мил. авв. II – I асрлар) минтақани Xi-у. яъни “Ғарбий ўлка” деб аташган ва Шарқий Туркистоннинг давоми деб билганлар.

Турон – Марказий Осиёнинг энг қадимий номларидан бири. Турон – форсча “туркийлар” деган маънони англатиб, туркий халқлар яшайдиган ҳудудларни билдирувчи ижтимоий, тарихий-этник атамадир. Бу атама, маконнинг энг қадимги номи сифатида бундан 2500–3000 йиллар илгари қўлланила бошланган.

Мазкур атама билан бирга унинг “Туркий юрт”, “Турк эли”, “Турк будун”, “Туркистон” атамалари ёзма битикларда учрайди ва туркий халқларнинг дунёвий ҳамда ижтимоий этник бирлигини ифодаловчи асосий тушунча ҳамда ном сифатида қўлланилган.

Турон – тарихий географик атамаси илк бор Мовароуннаҳрнинг комусий олими Абу Райҳон Беруний, муаррихлар Табарий, Истаҳрий асарларида, Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома”-да Эрон билан Турон номлари келтирилган. Маълумки, Эрон ва Турон ҳудудлари чегараси Амударё орқали белгиланган.

Дастлаб, “Авесто”да қайд этилган “тур” этноними кейинчалик Марказий Осиё дашт ва тоғ ҳудудларида яшовчи чорвадор аҳоли билан боғлиқ эди. Олимларнинг фикрига кўра, “турклар” тушунчаси сак-массагетларнинг дастлабки номи бўлиши ҳам мумкин.

Сак-массагетлар ва уларга яқин қариндош қабилалар мил авв. VI – IV асрларда Олтой ва Жанубий Сибирь даштларигача тарқалган. Бу ҳақда археологик маълумотлар ҳам далолат беради, шунингдек Синъзян-Уйғур ўлкасида саклар ёзувларининг тарқалиши ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Кўринадики. Турон фақат Марказий Осиё худудининг қадимги номи, деган хулоса мунозарали ҳисобланади. Баъзи олимларнинг таъкидлашича. Турон – бу турклар, туркий қабилаларнинг юрти деган маънони билдириб, кейинчалик “Туркистон” тушунчасига айланган.

Академик А. Муҳаммаджоновнинг фикрича, “Турон” атамаси суғдча ер, тупроқ, дала ва дашт каби маъноларни билдиради. Шунга кўра “Турон” топоними пасттекислик, дала ва даштликлар, яъни кенг яйлов деган маънони англатади. “Турон”, туронликлар юрти тушунчаларини кенг худудлар билан боғлаш мумкин.

Географик - тарихий жиҳатдан Турон худудлари Тинч океанидан Ўрта ер денгизидаги Эгей – Адриатикагача, Шимолий Муз океанидан Тибет, Ҳимолай тоғларигача, шимолий Ҳиндистондан Онадўлигача, яъни ҳозирги Туркиягача бўлган худудларни, уларда яшовчи туркий халқлар ватанини англатади.

Туроннинг марказий қисми географик жиҳатдан “Турон пасттекислиги” деб аталади ва асосан Марказий Осиёнинг шимоли-ғарбий ҳамда Қозоғистоннинг жануби-ғарбини ўз ичига олиб, унинг чегаралари Каспий денгизи, шимолда Урал тоғигача, шарқда Тяньшань этакларигача, жанубда эса Помир ва Копетдоғ тоғларигача бориб тақалади. Туронда қадимдан XX аср бошларигача Алп Эр Тунга, Афросиёб, Кушон шоҳлари, шарқий ва ғарбий Турк хоқонликлари, Атилла, Парфия, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар, Чингизхон, Чигатой, Темурийлар, Усманийлар, Эдил бўйи, Сибирь хонлари, Шайбонийлар, Аштархонийлар, Манғитлар давлатлари, Хива ва Қўқон хонликлари мавжуд бўлган. Хуллас, “Турон” атамаси туркийлар яшаган худуд деган маънони билдирганлиги учун ўз чегарасида барча халқларни қамраб олган умумий бир ном ҳисобланади. Турк сўзини барча шўъбаларини ўз ичига оладиган улуғ Туркистон дейишга тўлиқ асослар мавжуд. Тарихчи Ш. Камолитдин фикрича. Марказий Осиё минтақасининг энг қадимги номи “Турон” бўлиб, бу атаманинг кейинги асрлардаги давомчиси ва эквиваленти Туркистон ҳисобланади.

Туркистон – Марказий Осиёнинг ўрта аср тарихий - географик адабиётларида учрайдиган номи ҳисобланади. Қадимги туркий, паҳлавий, хитой, ҳинд, араб, яҳудий, арман, юнон, лотин, славян ва бошқа ёзма манбаларда юртимиз шу ном билан аталган.

Туркистон атамаси милодий 445 йилдан бошлаб турли манба-

ларда тилга олинади. Бу атама илк марта 639 йил Турфонда тузилган сўғд ҳужжатларида Марказий Осиё минтақасининг номи сифатида ишлатилган. “Туркистон” атамаси Марказий Осиё, Мовароуннаҳр номларидан фаркли равишда нафақат географик, балки этнографик тушунчани англатиб, сиёсий-ҳуқуқий аҳамиятга ҳам эга бўлган. Араблар истилосидан сўнг ҳам “Туркистон” топоними ўзининг сиёсий-ҳуқуқий маъносини йўқотмаган. Унинг сарҳадлари узок шимол ва шарқда Араб халифалиги, Қарлук ва Уйғур ҳоконликлари билан чегарадош бўлган ҳудудларгача ёйилган. Айти мана шу давлатлар Туркистон номи билан IX – XIII асрлардаги араб муаррих ва географларининг асарларида қайд этилган.

Қорахонийлар давлати барпо этилиши билан “Туркистон” топонимининг аҳамияти ўзининг собик ҳудудлари чегарасида деярли тиклангач, “Мовароуннаҳр” атамаси эса Туркистоннинг, яъни Қорахонийлар давлатининг бир қисми сифатида қарала бошланган.

Муаррих ва географ Маҳмуд ибн Валининг (XVII аср) “Баҳр ул-асрор” (“Сирлар денгизи”) асарида ёзилишича, “Туркистон кенг ва кўнгилли юртдир. Бу юрт узунлиги Сайхун дарёсининг қирғоғидан Қорамурин дарёсининг қирғоғигача бўлиб, бу ерни Мўғулистон номи билан аташган”. Муаллиф Туркистоннинг яна бир номи бу – “Турон ва унинг аҳолиси турклар” деб кўрсатган.

XIX аср ўрталарида Туркистон ҳудуди ғарбда Урал тоғлари ва Каспий денгизи, шарқда Олтой тоғлари ва Хитой, жанубда Хитой ва Афғонистон, шимолда Томск ва Тобольск губерниялари билан чегарадош бўлган. Туркистон тарихий-анъанавий жиҳатдан кенг маънода куйидаги қисмлардан иборат:

а) Марказий Туркистон (ҳозирги Ўзбекистон, Қозоғистон ва қисман Тожикистон);

б) Шарқий Туркистон (ички Мўғулистон, Хитойнинг Синьзян-Уйғур автоном тумани, Қорақурум);

в) Ғарбий Туркистон (Эроннинг шимоли, Кавказ, Каспий денгизи ҳавзаси);

г) Шимолий Туркистон (шимолий Қозоғистон, Волгабўйи, Шарқий Урал тоғларигача чўзилиб кетган Турон пасттекислиги, Обь, Енисей, Лена дарёлари оралиги, Сибирь), тор маънода Туркистон деб, асосан марказий Туркистон тушунилади.

1867–1886 йиллардан қўлланила бошланган “Туркистон ўлкаси”

ҳам муайян маънода Россия подшолигининг стратегик манфаатларини тўла ифодалар эди.

Советлар тузуми даврида эса “Туркистон” атамасини географик, тарихий, этник ва сиёсий истилоҳлар тизимидан чиқариб ташлашга, ҳаттоки нутилишга маҳқум этилди.

Совет даври комусларида таъкидланганидек, Туркистон кенг маънода – туркий халқлар яшовчи ҳудуд номи ҳисобланган. Тор маънода Туркистон 1867–1917 йиллардаги Туркистон генерал-губернаторлиги (1886 йилдан Туркистон ўлкаси) тушунилган. Шунингдек, Россия империясининг вассаллари Хива ва Бухоро хонликлари ҳудудининг тарихий-географик номидир. Россия босиб олган ғарбий Туркистон ҳудудида 1867 йилда Туркистон генерал-губернаторлиги тузилди. 1886 йилдан расман Туркистон ўлкаси деб аталган. Октябрь тўнтаришидан сўнг ғарбий Туркистон ҳудудида Туркистон АССР тузилган. Туркистонда миллий-ҳудудий чегараланишнинг ўтказилиши, яъни унинг 3 Республика ва 2 та автоном вилоятга бўлиниши туфайли советлар давлатида Туркистон номи ишлатилмайдиган бўлди. Чунки советлар ҳукумати мустақил Туркистонни тиклаш ғоясидан ниҳоятда чўчир эди.

Юқорида таъкидланганидек, 1924–1925 йилларда Туркистонда миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказилиб, “Туркистон” атамаси сунъий равишда муомаладан чиқарилди ва унинг ўрнига расман Ўрта Осиё географик атамаси жорий қилинди.

Ўзбекистон ўз стратегик ўрни, иқтисодий ва маданий салоҳияти жиҳатидан Туркистоннинг вориси ҳисобланади. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бу атама тарихий, сиёсий, маданий-этник жиҳатидан қайтадан муомалага киритилди ва кенг кўламда қўлланилмоқда.

Мовароуннаҳр – Марказий Осиёнинг марказий ва жанубий вилоятларига нисбатан ҳам ишлатилган. Бу географик атама арабча “дарё орти”, “дарёнинг нариги томони”, яъни “Амударё ортидаги, унинг ўнг қирғоғидаги ҳудуд” деган маънони англатиши кенг тарқалган эди. Унинг худди шу маънони англатадиган форс тилидаги “Вораруд” ва “Вора Жайхун” шакллари мавжуд, уларнинг барчаси аввал (XI асрғача) Хуросон вилоятининг давоми сифатида, IX аср бошидан эътиборан эса Туркистон, яъни Қорахонийлар давлати ва ундан кейинги туркий давлатлар таркибидаги маъмурий

бирлик сифатида тушунилган.

“Мовароуннахр” атамаси илк бор хадисларда тилга олинган. Афтидан. бу атама араблар ўртасида исломгача бўлган даврларда ҳам маълум бўлиб, у вақтда (VI аср) шимоли-шарқда Жайхун, яъни Амударёнинг оркасида жойлашган Турк хоконлигига қарашли ҳудудларни англатган.

Қадимги форс манбаларига таянган араб географи Ёкут Ҳамавий “Мовароуннахр” атамасини Турон мамлакатининг номи сифатида билган.

Араб тилида “дарёнинг нариги бетидаги ерлар” деган маънони англатадиган “Мовароуннахр” атамаси қадимги юнонларнинг “Трансоксиана” атамасининг деярли сўзма-сўз таржимаси ҳисобланади.

Араблар ўзларининг шарққа қилган илк юришлари давомида (VII аср иккинчи ярми – VIII аср боши) бу ўлка ҳақида икки хил тушунча ва маълумотга эга бўлганлар. “Ма-дуна-м-н-нахр”, яъни “Мовароуннахр”, – “дарёнинг пастки томони” ва “Ма-вароан-нахр”, яъни “Мовароуннахр” – “дарёнинг нариги томони” маъноларини англатган. Мазкур атама VII асрнинг 70- йилларидан бошлаб, яъни Араб халифалиги ноиблари Марв шаҳрига келиб, Туркистонга вақти-вақти билан ўлжа олиш учун Пойкент, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларига юришлари даврдан бошлаб қўлланилган.

705–715 йилларда бу атама янада кенг истеъмолга кирган. Араблар таъсирида “Мовароуннахр” атамаси ўрта асрлардан бошлаб Хўжанд, Самарқанд, Бухоро шаҳарлари ва атрофларини, Қашқадарё, Сурхондарё воҳаларини ўз ичига олган. Сирдарё ва Амударё оралиғидаги кенг ҳудудни англатган илмий, тарихий ва географик асарлардан Европа тилларига ана шу юқорида чегараланган ҳудудни билдирувчи атама сифатида ўтган ва қўлланилган.

Ўрта Осиё атамасини дастлаб XIX асрда таникли немис географ олими А. Фон Гумбольд “Mittel Azia” шаклида Осиё қитъасининг ички қисмларини белгилаш учун қўллаган. У Осиё учун ўрта параллелдан шимол ва жанубда 5 кенгликдаги ҳудудни Ўрта Осиё деб атайди. Олим минтакани ғарбий қисмини Каспий денгизи билан чегаралагани ҳолда, шарқий қисмининг чегараларини кўрсатмайди.

Машхур немис географи Фердинанд Рихтгофен ўзининг “Хи-

той асарида ушбу худудга нисбатан янги, анча аниқроқ таърифни таклиф этган. Унинг фикрича, жанубда Тибетдан, шимолда Олтойгача, ғарбда Помирдан, шарқда Хингонгача бўлган худудлар бу Марказий Осиёдир. Олим Орол - Каспий пасттекислигини оралик чизикқа мансуб, деб таъкидлаган эди.

Марказий Осиё – Евроосиё материгининг Ўрта қисмидан, ғарбда Каспий денгизи қирғокларидан, шарқда Хитойгача, шимолда Ғарбий Сибирь текислигидан, жанубда Нишопур, Сафедкўх ва Ҳиндикуш тоғларига чўзилган йирик табиий-географик ўлкадир. У материк ичкарасида, Атлантика океанидан 4 минг км, Шимолий Муз океанидан 2.5 минг км. Тинч океанидан 5.5 минг км ва Ҳинд океанидан минг км га яқин масофада жойлашган. Марказий Осиё худудида ўрта асрларда – Турон, араб манбаларида Мовароуннаҳр, XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида, аниқроғи 1921–1925 йилларда ўтказилган миллий-худудий чегараланишигача Туркистон деб номланган, кейинчалик советлар давридан бошлаб эса Ўрта Осиё деб аталадиган бўлди.

Марказий Осиёнинг табиати, хўжалиги, шаҳарлари, аҳолисига оид дастлабки тарихий-географик маълумотлар Геродот (мил. авв. V аср), Квинт Курций Руф, Страбон (мил. авв. II аср) каби Юнонистон, Рим, ва, Хитой олимларининг асарларида мавжуд, шунингдек, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Аҳмад ас-Сарахсий (IX аср), Жайхуний, Абу Зайд Балхий (X аср), Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Носир Хисрав, Маҳмуд Кошғарий (XI аср), ал-Ховакий, Маҳмуд Замахшарий, Самъоний ва бошқа маҳаллий олимларнинг асарларида ҳам берилган. Марказий Осиё географиясига оид маълумотлар IX – XII асрларда яшаган сайёх олимлар Ибн Хўрродбек, Ибн ал-Фақик, Ибн Руста, ал-Муқаддасий, ал-Масъудий, Ибн Фадлан, Истаҳрий, Ибн Хавқал кабиларнинг асарларида ҳам учрайди.

Марказий Осиё минтақасининг яна бир тарихий номи мавжуд бўлиб, у ҳам бўлса “Ўзбекистон” дир. Бу атаманинг лотинча эквиваленти бўлган “Ўзбек” ва “Ўзбекия” атамалари XVI – XVIII асрларда Ғарбий Европа мамлакатларида нашр этилган тарихий, сиёсий ва этник хариталарда ҳамда глобусларда қайд этилган.

Россия империяси даврида Марказий Осиё дейилганда, Орол денгизининг шимолий нуқтасидан то Балхаш кўлининг шимолий нуқтасигача ўтказилган тўғри чизикдан Эрон, Афғонистон, Хитой ва Каспий денгизи чегараларигача бўлган ораликда жойлашган

худуд тушуниланган.

Совет даврида бу тушунчалар бир оз ўзгарган, чунки 1924 йилдаги миллий-худудий чегараланиш натижасида собик минтаканинг анчагина қисми Қозоғистон таркибига киритилди. Қозоғистоннинг чегаралари эса шарқи-шимолда Ўрта Сибирга, ғарбда Урал тоғлари ва Волга дарёсининг этакларигача, қисман Европа қитъасигача чўзилиб борди.

Расмий ҳужжатларда ва кундалик ҳаётда “Ўрта Осиё” ва Қозоғистон тушунчаси кенг ишлатилар эди. Совет иттифоқи парчалангач, унинг таркибида бўлган Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистон мустақил давлатларга айлангандан сўнг худуди, тарихи, маданияти, кўп жиҳатдан тиллари яқин бўлган бу мамлакатларни бир-бирига жипслаштирувчи янги ва истиқболли омиллар пайдо бўлди. “Ўрта Осиё ва Қозоғистон” тушунчаси ўрнини “Марказий Осиё” тушунчаси эгаллади. Бу беш давлат раҳбарларининг 1993 йил январь ойи бошида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган учрашувида Президентимиз И. А. Каримов ташаббуси билан минтақани номлашда бундан буён “Марказий Осиё” атамасини қўллаш тўғрисида келишиб олинди.

“Марказий Осиё” атамаси ҳам дастлаб юқорида таъкидланганидек, немис географ олими А. Фон Гумбольднинг Парижда 1843 йилда чоп этилган 3 жилдлик “Марказий Осиё тоғ тизмаларини тадқиқ қилиш ва иқлимини таққослаш” номли асаридида қўлланган. Унда тадқиқотчи мазкур худуднинг суғориш тизими ва тоғ тизмаларини ўрганиб, Марказий Осиёни мустақил ва ўзига хос минтака сифатида таърифлаган эди.

Юқорида таъкидланганидек, “Марказий Осиё” атамаси бугунги кунда барча илмий-оммабоп адабиётларда ва жамоатчилик ўртасида кенг қўлланилиб келинмоқда. Кўришиб турибдики, инсоният цивилизацияси бешикларидан хисобланган азим Сирдарё ва Амударё оралиғидаги бепоеён худудлар турли даврларда сиёсий, тарихий ва географик асарларда Турон, Туркистон, Мовароуннахр, Ўрта Осиё, Марказий Осиё номлари билан аталиб келинган. Мустақиллик шарофати билан, миллий ўзликни англашга интилиш янада кучая бошлаган ва тарихий кадриятлар тикланаётган ҳозирги вақтда, асрларга бўйлашган ушбу салоҳиятли минтака тарихини янада теранрок ўрганишга қизиқиш тобора ортиб бормоқда.

II. 2. Марказий Осиё халқлари антропологияси ва тилларига умумий тасниф

Археологик ва антропологик илмий тадқиқотлар Марказий Осиё минтақаси бир неча минг йиллар давомида мураккаб этник жараёнлар, катта ва кичик гуруҳларнинг аралашув макони бўлиб келганлигини кўрсатади. Антрополог тадқиқотчилар ҳозирги кунда Марказий Осиё минтақасини учта йирик антропологик ҳудудга ажратадилар. Ҳар бир ҳудуд аҳолисининг ўзига хос ирқий хусусиятлари бор⁶. Шунга кўра ўзбек ва тожик халқлари Ўрта Осиё икки дарё оралиғи антропологик типи вакиллари ҳисобланадилар.

Марказий Осиёнинг туб аҳолиси асосан икки катта ирққа: монголоид ва европоид ирқига мансубдир. Монголоид ирқига қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, европоид ирқига бўлса ўзбек, тожик, туркман ва бошқа халқлар киради. Лекин айрим этник гуруҳларда аралаш типлар ҳам учрайди. Марказий Осиё халқларининг антропологик қиёфаси милоддан аввалги I-минг йилликда шакллана бошлаган.

Марказий Осиё халқлари тарихий тараққиётининг айрим даврларида аҳоли таркибида мўғулий белгиларнинг нисбий миқдори борлиги аниқланди. Турк ҳоконлиги даврида, яъни милоднинг VI асридан бошлаб, Марказий Осиё халқлари таркибида мўғулий белгиларнинг ўсиб бориши тўғрисида фанда кенг тарқалган фикрлар мавжуд. Лекин қирққа яқин илк ўрта аср даврига оид археологик ёдгорликлардан олинган антропологик материаллар асосида Турк ҳоконлиги даврида Марказий Осиёда антик даврига нисбатан аҳоли таркибида мўғулий белгиларнинг нисбий миқдори анча камайгани кузатилиши аниқланган.

Ҳозирги кунда Марказий Осиё ҳудудларида яшаб турган маҳаллий аҳолининг сиймосини ўрганиш, биринчи навбатда уларнинг бош чаноғини биологик ва антропологик жиҳатдан ўрганиш туфайли антропологик типлари аниқланган. Улар асосан 3 типни ташкил этади. Масалан, қозоқ, қирғиз ва қорақалпоқлар асосан “Жанубий Сибирь” типига кирадилар (бу тип ўзига ҳам монголоид, ҳам европоид белгиларини олади), тоғли тожиклар, туркманлар эса “Каспий орти” типининг вакиллари дир. Ҳозирги замон ўзбеклари ва воҳа тожиклари (тожикларнинг ўзи

⁶ Ходжайов Т. К., Ходжайова Г. К. Ўзбек халқи антропологияси ва этник тарихи. – Т., 1995. – 19-бет.

икки оралик типга бўлинади: 1. Шимолий. 2. Жанубий. Шимолий гуруҳда монголоид белгилари кўпроқ хисобланади) “Ўрта Осиё икки дарё оралиғи” типига кирадилар. Бу типларнинг ҳар бирига алоҳида тавсиф берадиган бўлсак, уларнинг юз тузилишлари куйидагича таърифланади:

1). **Жанубий Сибирь тип** мўғул башара ирққа мансуб, кўзлари қисик, юзлари юмалок. танаси оқ сариқ-малла, пучук бурун. панжалари калта, жуссалари майда, бош чаноғи брахикефал (думалок). Бепоён даштликлар, от-улов, туя уларнинг жону дили. эркин, озод ҳаёт турмуш тарзи билан суяғи қотган.

Марказий Осиёдаги монголоид ирқига мўғуллар, хитойлар, тибетликлар. дунганлар ҳам киритилади. Бу ўринда, айниқса монголоид ирқи мўғулларда, хитойларда яққол сезилади. Масалан. Тибет қабилаларидан бири бўлган “татуг”лар кўпроқ антропологик жиҳатдан лўлиларни эслатади. Уларнинг сочлари қоп-қора. кўзлари қисик, бурунлари тўғри, лаблари катта⁷.

2). **Каспий орғи тип** мўътадил табиий-географик муҳитда шаклланган европеоид ирқига мансуб: бодом кўз, пешоналари кенг. юзи узунчоқ, кирра бурун, ияги кичик. бош чаноғининг тузилиши долихокефал (узунчоқ), жуссаси йирик. Бу тип маҳаллий аҳолининг энг қадимги шарқий Ўрта ер денгизи тип билан туркий европеоид типлари қоришувидан ташкил топган. Унинг таркибида шарқий Ўрта ер денгизи типининг таъсири кучли.

3). **“Ўрта Осиё икки дарё оралиғи тип”** асосан европеоид иркининг вариантларидан бирини ташкил қилади. Унинг таркиби маҳаллий туб жойли аҳолининг шарқий Ўрта ер денгизи типига қарашли **протоевропеоид тип** билан қоришувидан таркиб топган. “Ўрта Осиё икки дарё оралиғи тип”нинг асосий белгилари: кўзлари кўй кўз, танаси буғдойранг, юз тузилиши думалоқрок, юз чаноқлари бироз бўртиб чиққан, ияги овал шаклда, сочлари қора, бош чаноғи брахикефал (думалоқрок), жуссаси ўртача.

Марказий Осиё халқлари этногенези ва этник тарихини ўрганишда лингвистик таснифлаш муҳим аҳамиятга эга. Марказий Осиё халқлари тиллари ранг-баранг бўлиб, тарихан қадимий ва замонавий кўринишга эга.

Туркий тиллар. Минтақа аҳолисининг кўпчилиги Олтой оила-

⁷ Поляков С. П. Историческая этнография Средней Азии и Казахстана. – М. 1980. – С. 12–14

сининг туркий тиллар гурухига кирадиган тил ва шеваларда сўзлашади. Бу гурухга ўзбек, қозок, қирғиз, қорақалпоқ, туркман, уйғур, татар тиллари киради. Туркий тилда сўзлашадиган аҳоли бутун минтака халқларининг тахминан 60 фоизидан ортигини ташкил этади. Умуман олганда, туркий тилларда сўзлашувчиларнинг умумий сони 130 миллион кишидан ортиқ.

Айрим тилшунос олимлар туркий тилларни мўғул тиллари ҳамда тунгус-манжур тиллари билан бирга қўшиб, олтой тиллари оиласига бирлаштирадilar. Е. Д. Поливанов, Г. Й. Рамстедт каби тилшуносларнинг фикрича, ушбу тиллар оиласи қорейс ва япон тилларини қўшиш ҳисобига кенгайиши мумкин. Олтой назариясига кўра, туркий тилнинг тарихи олтой тиллари бир тил бўлиб ташкил топган қадимги замондан – олтой давридан бошланади. Олтой боботили (асос тил) дастлаб иккига – тунгус-манжур ва турк-мўғул тилларига, сўнгра турк-мўғул тили ҳам иккига – турк ва мўғул тилларига ажралган. Лекин туркий тилнинг олтой тилларига генетик алоқадорлиги ҳақидаги масала ҳамон фараз даражасида қаралмоқда.

Туркий тиллар деганда Сибирдан Болкон ярим оролигача бир чизик бўйлаб чўзилган улкан географик ҳудудда тарқалган ўзбек, уйғур, қозок, қирғиз, қорақалпоқ, саха (ёкут), тува, хакас, олтой, қарағас, шор, туркман, озарбайжон, турк, гагауз, татар, бошқирд, чуваш, кўмик, нўғой, қорачой-болқор, тоғалар, чуваш каби 25 дан ортиқ тил тушунилади.

Энг қадимги туркий ёзма ёдгорликлар (Ўрхун-Энасой ёзувларида) VII – XI асрларга мансуб бўлиб, улар асосан қабртошлар тарзида Шимолий Мўғулистон, Қирғизистонда, Енисей дарёсининг юқори қисми, Талас водийсида ва бошқа жойларда топилган. Брахми ва суғд ёзувларида битилган қадимги туркий ёдгорликлар ҳам учрайди (Шаркий Туркистон ва Ўрта Осиё). Кейинчалик уйғур ва араб алифболари асосидаги туркий ёзув шарққа (Қошғар, Ўрта Осиё, Олтин Ўрда ҳудуди, Волгабўйида) ва ғарбда (Салжукийлар давлатида, Озарбайжон, Туркия ва б. ҳудудларда) ривожланди. Хитойда яшовчи уйғурлар XI асрдан ҳозиргача араб алифбоси асосидаги ёзувдан фойдаланадилар.

Ҳинд-Европа тил оиласи эроний гурухига тожиклар, балужлар, қурдлар, форслар ва бошқалар киради.

Минтакада яшовчи руслар, украинлар, белоруслар, дунганлар,

корейслар, яҳудий, маҳаллий лўли ва араблар ҳам бир нечта тил туркумига оид халқларнинг авлодлари ҳисобланади. Демак, Марказий Осиё кўпмиллатли минтақа ҳисобланиб, юздан зиёд миллат ва элатлар умргузаронлик қилишади. Тожиклардан ташқари яғноблар, шуғнонлар, рушанлар, воҳанлар, бартанглар, ёзғуломлар, ишканимлар, бажўйлар ҳамда бир қанча бошқа Помир халқлари мавжуд.

Ўзбекистоннинг Бухоро, Самарқанд вилоятлари ва Фарғона водийсида яшайдиган Бухоро яҳудийлари, Марказий Осиё лўлилари тожик тилида сўзлашади.

Эроний тиллар гуруҳига кирадиган тил ва шеваларда гаплашадиган оз сонли халқлардан балужлар, курдлар ва форс-эронийлардир. Туркменистонда яшайдиган баллужлар ўз она тилининг Хуросон шеvasида сўзлашишади. Хуросондан келиб қолган курдлар эса Туркменистоннинг Ашғабот ва Мари вилоятларида яшайди ва ўзаро Хуросон шеvasида муомала қилишади. Эроний-форсий халқнинг бир гуруҳи (Бухоро, Самарқанд шаҳарлари атрофида) турли тарихий даврларда Эрондан кўчиб келишган. Бухоро эронийлари эронийча, Самарқанд форсийлари эса асосан тожик ва ўзбек тилларида сўзлашади.

Марказий Осиёда яшаётган халқлар орасида туркий тилларнинг уч хил гуруҳи тарқалган: жануби-ғарбий (ўғуз), шимоли-шарқий (кипчок) ва жануби-шарқий (қарлук).

Ўғуз тиллар гуруҳи VIII – XIII асрлар давомида ўғузлар ва XI – XII асрларда салжуқийлар орасида ташкил топган. Бу тилларга, жумладан, туркман тили киради. Бу шевалар одатда икки гуруҳга бўлинади.

Биринчи гуруҳни Туркменистоннинг ғарбий туманлари ва Тошхувуз вилоятининг кўпчилик қисмига тарқалган ёвмут шеvasи, Туркменистоннинг Қизил Арвотидан Байрамалигача чўзилган марказий туманларида қўлланаётган текин шеvasи, Қорақалин туманининг гўклан шеvasи, Сарахс тумани билан ҳозирги Туркманобод вилоятининг шимолий қисмига тарқалган салир шеvasи, Йўлатан ва Пахтабозор туманидаги сариқ ҳамда Туркменистоннинг Туркманобод вилоятининг Чоржўй ва Керки туманларида муомаладаги эрсари шеvasи ташкил этади.

Иккинчи гуруҳ шевалари (нўхурли, ойновли, хасарли ва бошқалар) Эрон билан Ўзбекистонга чегарадош туманларида кенг

тарқалган.

Кипчок тиллари гурухи қирғиз, козок ва қорақалпоқ тилларидан иборат.

Қирғиз тили. Шимолий ва жанубий қурама шевалардан ташкил топган. Ҳозирги қирғиз тилининг шаклланиш жараёни қадим замонларга бориб такалади. Унга милоннинг дастлабки асрларида Енисей атрофида яшаган қадимги қирғиз қабилаларининг тили асос бўлган. Кейинчалик қипчок тиллари, шунингдек мўғул тили таъсирида бирмунча ўзгарган.

Козок тили. Бир қанча қадимий қабилаларнинг ҳамда бошқа тиллар асосида ташкил топган бўлиб, уч асосий шевага бўлинади: ғарбий, шимоли-шарқий ва жанубий. Ғарбий шева алшин қабилалар иттифоқи тилидан пайдо бўлган. Шимоли-шарқий шева арғин, найман, қирай, қипчоқ, қўнғирот қабилаларининг умумий тилидан келиб чиққан. Ҳозирги қозок адабий тили ана шу шевага асосланган. Ниҳоят, жанубий шева уйсин, жалоийр, қангли, дуғлат ва бошқа қабилалар тилидан юзага келган.

Қорақалпоқ тили. Қадимда булғор ва ўғуз тиллари таъсирида ривожланиб келган. Кейинчалик бир қанча қабилалар иттифоқи, масалан, печенеглар (X – XI асрларда), қипчоқ (XI – XIII асрларда) қабилалар иттифоқи, Олтин Ўрда давлати (XIII – XV асрларда) таркибида, сўнгра XV асргача қатта Нўғой ўрдасидан, ундан кейин қисман ўзбек, қозок тиллари таъсирида шакллана борган.

Қорақалпоқ халқ оғзаки тили икки асосий шевадан ташкил топган: шимоли-шарқий ва ғарби-жанубий. Биринчи (шимоли-шарқий) шевада Тахтақўпир ва Муйноқ туманларининг бошқа ҳудудларида яшаётган кишилар сўзлашади.

Ўзбек тили. Ушбу тил ўзбек халқининг миллий тили ва Ўзбекистон Республикасининг давлат тилидир. Бу тил тилларнинг генеалогик таснифига кўра, туркий тиллар оиласининг қарлуқ гуруҳига қиради. Ўзбек тили, асосан, Ўзбекистонда, шунингдек, қўшни Афғонистон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон республикаларида, Туркменистонда, Россия Федерацияси, Туркия, Саудия Арабистони, Хитойнинг Синьцзян мухтор райони, АҚШ, Германия ва бошқа мамлакатларда тарқалган.

XI – XII асрлардан эски туркий тилдан ажрала бошлаган эски ўзбек тили ўзининг тарихий тараккиёти давомида мураккаб этногенетик, этнолингвистик жараёнларни босиб ўтди. Ана шу этноге-

нетик ва сиёсий-тарихий жараёнлар ўзбек тили тарихида маълум даражада из қолдирди.

Тарихан турли илмий манбаларда эски ўзбек тили “туркий”, “туркча”, “чиғатой тили”, “чиғатой туркийси” сингари номлар билан аталиб келган. Хусусан, Ҳ. Вамбери (“Чиғатой тили дарслиги”, 1867) ва унинг изидан бир қатор ғарб олимлари XIII – XIX асрлар оралиғидаги эски ўзбек тилини нотўғри равишда “чиғатой тили” деб номладилар. Ваҳоланки, мўғуллар истилоси даврида ҳозирги кунда ўзбеклар номи билан юритилувчи халқнинг маданиятига, тили ва адабиётига мўғулларнинг бирон-бир сезиларли таъсири бўлган эмас, бошқача айтганда, эски ўзбек тилининг Чиғатойга, мўғулларга ҳеч қандай алоқаси йўқ, аксинча, мўғуллар Мовароуннаҳрда яшовчи этносларнинг юксак маданиятидан баҳраманд бўлганлар. Бунинг устига Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк шоир ва мутафаккирлар ўзлари ижод қилган тилни “туркий”, “туркча” деб атаб, бу тилни бошқа туркий тиллардан алоҳида ажратиб кўрсатадилар.

Уйғур тили. Умуман ўзбек тилига яқин бўлса ҳам кўп жиҳатдан ундан кескин фарқ қилади. Бу тилни шаклланиш жараёнига қадимий уйғур қабилаларининг таъсири катта бўлган. Ҳозирги уйғур тили икки адабий тилга бўлинади: МДХ уйғурларининг адабий тили ва Синьцзян уйғурларининг адабий тили. МДХ уйғурларининг адабий тилига уйғур халқ тилининг шимолий шевалари асос бўлган. Шимолий шеваларга кучи-турфон ва таранчи ёки гулжа шевалари киради.

Тарихдан маълумки, милоддан аввалги бир мингинчи йиллардан бошлаб Марказий Осиёда Ҳинд-европа тил оиласининг эроний гуруҳига мансуб бўлган суғд, хоразм, бактр, шак, парфия тиллари тарқалгани маълум. Булардан олдин ҳам бир қанча бошқа тиллар бўлган. Лекин уларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига оид аниқ маълумотлар деярли мавжуд эмас.

Милоддан аввалги мингинчи йилдан милоднинг бир мингинчи йили ўрталаригача бўлган давр мобайнида Марказий Осиё худудида эроний тиллари кенг тарқалади. Милоднинг VI – VII асрларидан эътиборан Марказий Осиёда эроний тиллари туркий тиллар томонидан сиқиб чиқарилади. Шунингдек, V – VI асрлардаёқ Хуросондан парфия тили, Тоҳаристондан бактр тили ҳам сиқиб чиқарила бошлайди. Туркий тилларда сўзлашадиган

қабилалар гарчи Марказий Осиё ерларига анча олдиндан кириб кела бошлаган бўлса ҳам, айниқса Турк хоконлиги ҳукмронлиги давридан (VI асрдан) минтакада туркий қабилалар асосий роль ўйнай бошлайди. Қорахонийлар ва Салжукийлар давлатлари ташкил топганидан кейин кўчманчи чорвадор туркий қабилаларнинг кўпчилиги секин-аста ўтроқ ҳаёт кечиришга ўтиб, маҳаллий аҳоли билан аралаша бошлайдилар. Еттисув, Чоч, Фарғона, Зарафшон, Қашқадарё водийларидаги халқлар орасида туркий тиллар кенг ёйила боради. Хива ерларида эски хоразм тили XIV асрга келиб тамомила йўқолади. XV асрдан бошлаб туркийлашиш жараёни янада кучаяди. Натижада Марказий Осиё ерларига туркий тилларда сўзлашадиган кўплаб қабилалар кўчиб келади.

Куйида айрим қадимий тиллар тўғрисида (авесто тили, суғд тили, қадимий хоразм тили, бақтр тили, шак тили, парфия тили) қисқача сўз юритамиз.

Авесто тили. Марказий Осиёда, шунингдек, шарқий Эронда кенг тарқалган қадимий тиллардан энг кўхнаси ҳисобланади. Бу тил эроний тилларнинг шарқий гуруҳига киради. Ахамонийлар даврида форслар миҳхат ёзувини ўзлаштирганлар ва такомиллаштирганлар. Натижада миҳхатдаги жуда кўп аломатлар йўқолиб, фақат 42 та белги қолдирилган. Тери, папирус, сопол тахталардаги ёзувлар учун орамейларнинг алифбоси ишлатилган. Авесто тили қадимий ҳинд шевалари, айниқса, вед санскритига жуда яқин ҳисобланади.

Суғд тили. Кўп асрлар давомида Марказий Осиёда маданиятнинг турли соҳалари, халқаро савдо-сотик ишларида қўлланиладиган бирдан-бир умумий тил ҳисоблаб келинган. Бу тилда қадимда Зарафшон ва Қашқадарё водийларида яшagan халқлар сўзлашган. Самарқанд билан Хўжанд оралиғидаги худудларда ташкил топган. Уструшона ва Чоч (ҳозирги Тошкент) аҳолисининг бир қисми ҳам ана шу тилда гаплашган. Милоднинг дастлабки асрларидан бошлаб бу тил Суғд ерларидан Еттисув ва Шарқий Туркистон ўлкаларига ҳам кенг ёйила бошлаган. Милоддан аввалги II асрга келиб оромий тили (Оромийлар Арабистон я. о. дан чиққан кўчманчи сомий қабилалар) Ғарбий Осиёнинг асосий оғзаки нутқига айланган. Уларнинг авлодлари ҳозирги оссурийлар (ойсорлар) ҳисобланишади. Уларнинг ёзуви ғарбий сом ёзувларидан бири; милоддан аввалги I-минг йилликнинг бош-

ларида финикий ёзуви асосида шакллантирган кансонант ёзув ҳисобланади. Оромийлар, финикий ёзувининг алифбо таркибини ўзгартирмаган ҳолда (оромий алифбоси фақат ундошларни ифодаловчи 22 ҳарфдан иборат бўлган, унга айрим ўзгаришлар киритганлар: ҳарфларни ташкил этувчи унсурулар сонини камайтириш ёки унсурулар шаклини ўзгартириш орқали жуда кўп ҳарфларнинг шакллари содалаштирганлар ва ёзувни тез ёзишга мослаштирганлар) расмий тил сифатида қўлланила бошланади.

Тоғлик ерларда суғд тили XII – XIII асрларга келиб секин-аста йўқола боради. Кўп жойларда аралаш, яъни ҳам суғд, ҳам туркий тилда сўзлашиш кенг тарқалган. Кейинчалик эса бутунлай туркий тил устунлик қилган.

Қадимий Ҳоразм тили. Милоддан аввалги VII – VI асрларда Амударёнинг қуйи оқимидаги ерларда, кўхна Марғиёнада ва Ҳоразм билан Марғиёнага қўшни бўлган кўпгина жойларда узоқ асрлар давомида қўлланиб келинган.

Ҳоразм тили XIII аср охиригача кенг кўламда қўлланилган. Ҳоразм аҳолиси туркийлашиб бориши натижасида қадимий Ҳоразм тили секин-аста ўз ўрнини туркий тилларга бўшатиб бера бошлайди (XV асргача). Тадқиқотчиларнинг фикрича, Ҳоразм аҳолиси XIII асрдан кейин икки (ҳоразм ва туркий) тилда сўзлашадиган бўлиб қолган.

Бақтр тили. Ўтмишда ҳозирги Афғонистоннинг шимолий қисмида, Тожикистоннинг ғарби-жанубий ерлари, Термиз атрофларида яшаган аҳолининг тили ҳисобланган. Илгари бу тил бизга маълум эмас эди. Фақат XX аср 50-йилларининг иккинчи ярмида олиб борилган археологик қазилмалар вақтида топилган ёдгорликлардан кейингина бу тил тўғрисида дастлабки маълумотлар тўпланди.

Қадимги бақтр тили кўп жиҳатларидан суғд, қадимий ҳоразм, парфия, ҳозирда эса афгон тилига ўхшаб кетади. Араблар истилосидан анча олдин Тоҳаристон давлати ерларига форс (тожик) тили тарқала бошлайди. Милоднинг VIII асрларидан бу ерлардаги аҳоли, энг аввал Балхда тожик тилда гаплашган.

Парфия тили. Туркменистоннинг жанубий қисми ва Ҳуросон ерларида милоддан олдинги III асрда яшаган қабилалар орасида қўлланиб келинган тил бўлиб, милоднинг V – VI асрларида бутунлай йўқолади. Лекин бу тил форс-тожик тилининг ривожига ва шакл-

ланишида катта роль ўйнайди.

Марказий Осиё халклари орасида ҳозирда қўлланиб келинаётган эроний тиллардан тожик тилини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Эроний тилларига яна яғноб, помир тиллари, баллуж ҳамда курд тиллари киради.

Тожик тилида тожик халкидан ташқари Бухоро яҳудийлари, Марказий Осиё дўдилари, араблари ва баллужларининг бир қисми фойдаланишади.

Тожик тили ғарбий Эрон тиллари гуруҳига киради. Араблар ҳукмронлиги, Сомонийлар даврида суғд тили ўрнига тожик тили ишлатила бошланади. Бу жараён, яъни суғд тилининг тожик тили томонидан сиқиб чиқарилиши жараёни икки асрдан ортиқ давом этади. IX – X асрларга келиб тожик халқининг этник таркибига кирган барча этник гуруҳлар учун умумий, ягона тил бўлиб қолди.

Яғноб тили (эроний тилларнинг шарқий гуруҳига мансуб ва Тожикистондаги Яғноб дарёси водийсида тарқалган тил. Унда сўзлашувчилар 2,5 минг кишига яқин. Яғноблар ўз ҳудудларидан ташқарида ва тожиклар орасида фақат яғноб сўзларидан иборат махфий тилдан фойдаланадилар. Ўз ёзувига эга эмас, ёзма тил сифатида тожик тили қўлланилади.) Бу тил суғд тили шеваларининг биридан келиб чиққан. Ҳозир Яғноб дарёсининг ўрта оқими атрофидаги водийда жойлашган баланд тоғлиқ қишлоқларнинг аҳолиси яғноб тилида сўзлашади. Варзоб дарё водийсидаги бир қанча қишлоқ одамлари ҳам ана шу тилда гаплашади. Яғноб тили икки хил шевага бўлинади: ғарбий шева, яғноб дарёсининг этагида эса шарқий шева тарқалган.

Ғарбий Помир тилларига шуғнон, рушон, ёзғулом, ишкошим ва воҳан тиллари киради. Шуғнон-рушон тиллар гуруҳига шуғнон, рушон, бартанг, орошар тиллари киради.

Балуж тили. Эроний тилларининг шимоли-ғарбий гуруҳига кириб, Туркменистон ҳудудида яшаётган балужлар бу тилнинг ғарбий (Хуросон) шеvasида гаплашади. Мидийлар тили шеваларининг биридан бу тил пайдо бўлган.

Курд тили. Эроний тилларининг шимоли-ғарбий гуруҳига мансуб бўлиб, курманжи, курди ва бир қанча шеваларга бўлинади. Курдлар Туркменистонда яшайдилар. Тадқиқотчиларнинг фикрича, улар Хуросондан келиб қолишган.

II. 3. Марказий Осиё халқларининг шаклланиш жараёни

Марказий Осиё тарихи ва этнографиясини моддий ҳамда ёзма манбалар асосида ўрганиш салмокли натижаларни қўлга киритишга асос бўлмоқда. Марказий Осиёдаги Дэлгор-Мургена бўйидан топилган иероглифлар, Буюк Хитой девори, Туркий-рун ёзувлари бизга мазкур ҳудудни ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Энг муҳим жиҳатлардан бири. мазкур масалани ёритишдан аввал уруғ, қабила, элат, халқ ва миллат тушунчаларига тўхталиб ўтсак. Одамларнинг илк тўда тарзидан жуфт оилаларга ажралиши уруғ деб аталади. Айрим уруғларнинг бирлашмаси уруғ жамоасини ташкил этади.

Қабила маълум бир ҳудудда яшаган бир неча уруғ жамоалари бирлашмасини ташкил қилган. Элат кишиларнинг тил, ҳудуд, иқтисодий ва маданий жиҳатдан таркиб топган (миллатдан олдинги) бирлиги. Элатнинг келиб чиқишига бир-бирига яқин бир неча қабилаларнинг уюшуви асос бўлган. Турли элатларнинг ҳудуд жиҳатидан ўзаро яқинлашуви, уруғ ва қабила гуруҳларидаги кишиларнинг қон-қариндошчилик алоқаларини кучайтирган. Элат дастлаб Қадимги Миср, Қадимги Элладада таркиб топган. Европада элатлар (қадимги рус, поляк, француз ва бошқа элатлар) нинг шаклланиши жараёни ўрта асрлар даврида тугаган.

Элат тил жиҳатидан ўзаро яқин қабилаларнинг бирлашуви ёки бир қабиланинг бошқаси томонидан истило қилиниши натижасида шаклланган. Этник компонентларда улардан бирининг тили умумий тилга, қолган қабилавий тиллар эса диалект ҳолда сақланган ва ҳатто бутунлай йўқолган, натижада ягона ном, ҳудуд, маданий ва хўжалик жиҳатидан умумийлик юзага келган. Давлатнинг пайдо бўлиши билан элатнинг мустақамланишига имконият яратилган.

Халқ бу, биринчидан, кенг маънода муайян мамлакатнинг барча аҳолиси; иккинчидан, тарихнинг турли босқичларида жамиятнинг прогрессив тараққиёти вазифаларини ҳал қилишда қатнашишга қобилиятли бўлган қатлам ва синфларни ўз ичига оладиган халқ оммаси, ижтимоий бирлик: тарих ижодкори, туб ижтимоий ўзгаришларнинг етакчи кучи, тарихнинг ҳақиқий субъектидир; учинчидан, этник бирлик (қабила, элат, миллат) ларнинг турли шаклларини ифодалаш учун ишлатиладиган термин.

Миллат кишиларнинг барқарор тарихий бирлик, умумий иқтисодий турмуш ҳамда тил, ҳудуд бирлиги, маданият, онг ва психологиянинг ўзига хослиги қарор топган ижтимоий тараққиёт шаклидир.

Узоқ ўтмишда. 3–4 минг йиллар муқаддам Марказий Осиёнинг саховатли тупроғидан ғарбдан шарққа томон қадимий ҳинд-европа тилларида сўзлашадиган турли қабилалар, Олтой ва Мўғулистон томон кўчиб ўтган. Мил. авв. 1-минг йилликнинг охиридан бошлаб, шарқдан ғарбга томон катта кўчиш жараёни рўй беради. Дастлаб туркий тилда гапирадиган қадимий хунн қабилавий бирликлар то милоннинг 1-минг йиллигининг ўрталаригача кўчиб ўтган ва этник жиҳатдан сезиларли из қолдирган. Туркий элатларнинг бир неча асрлар давом этган кўчишида, айрим мўғул қабилаларининг миграцияси ҳам рўй берган. Ўша даврда ғоят, кайи, бояндар каби мўғул қабилаларининг мавжуд бўлганлиги тўғрисидаги маълумотлар диққатга сазовордир⁸.

Узоқ вақт мобайнида Марказий Осиёга кўчиб келган элатлар ўлкамиз заминида ўзига хос моддий маданият ёдгорликларини қолдиришган. Бу ерда 1-минг йилликнинг ўрталарида кетма-кет кўчиб кела бошлаган хуннлар, хионлар, оқ хуннлар, абдаллар, бажанақлар ва бошқа турк элатларининг кўплаб келиши, маҳаллий халқлар орасида туркий аҳоли нуфузини ва туркий тил мавқеини мустаҳкамлайди. Аммо аборигенлар (туб аҳоли) орасида ҳам апа-сиак, аугасийлар деб ном олган қадимий турк элати ҳам бўлган. Бу элат рус солномаларида кўп тилга олинган печене (бажанак)лар деган фикр ҳам мавжуд. Айрим тадқиқотчилар тахминича, аугасийларни кейинчалик “ўғуз” номи билан машҳур турк элати деса бўлади⁹.

Туркий халқларнинг тарих саҳнасига келиши: мил. авв. 1 минг йиллигида Жанубий Сибирь, қуйи Волга ерларида бир қанча туркий тилда сўзлашувчи қабилаларнинг ва ҳоконликларнинг шаклланиши юз берди.

Туркий халқларнинг қадимги тарихи мил. авв. III асрдан бошлаб, қадимги хуннлар империясининг ташкил топганидан бошланади, ва милоннинг IX асригача бўлган даврни қамраб олади. Демак, мил. авв. III асрдан IX аср ўрталаригача хуннлар, туркий-

⁸ Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. Т. “Ўқитувчи”. 1994. – 13- бет.

⁹ Этническая история народов Азии. Сборник статей. М., 1972. – С. 36.

лар даври туркий халқлар маданияти тарихининг асоси бўлиб хисобланади.

Туркий қабиаларнинг ўзаги Марказий Осиё хуннлари орасида (III аср – V аср ўрталари) шаклланган. Қабила она бўри Ашинанинг афсонавий ўғлини ўзининг аждоди деб билади. V аср ўрталарида турклар Марказий Осиёда ҳукмронлик қилган Жуан-Жуан ҳоконлигига тобе бўлишган ва Олтойда яшашган. Бу ерда улар конларни ўзлаштириб, темир эритишни шундай қўламда ташкил этишганки, ҳатто Жуан-Жуанга ўлпонни темир билан тўлашган. Туркларнинг ғайратли етакчилари Асаншод, Тур ва Бумин кончилар, темир қуёвчилар, темирчилар имкониятларидан иложи борича яхшироқ фойдаланиб, ўз отлик аскарларига совут кийдиришган ва юз йилдан кўпроқ муддат мобайнида Олтойдаги барча қабиаларни ўзларига бўйсундиришган. Бумин 546 йилда олтойликлар билан бирга Жунғорияда яшаб турган кўп сонли тегрет халқини ҳам ўз қармоғига олади. Шу даврдан бошлаб турклар ўлпон тўловчиликдан Марказий Осиёда Жуан-Жуанларнинг ракибига айланадилар.

Турк ҳоконлиги. Уруш учун баҳона кидириб кекса Бумин Жуан-Жуанлар ҳокони Анакуайнинг (520–552) кизини ўзига хотинликка сўрайди. Ўша даврда қудратли ва шуҳратли бўлган ҳокон унга таҳкирловчи шаклда рад жавобини беради. Турклар сардорига бу уруш учун бир баҳона бўлди. 552 йилда у Жуан-Жуанларга қақшатғич зарба беради. Анакуан ўзини ўзи ўлдирган. Ғолиб ҳокон “эл-ҳокон” унвонини олади ва қароргоҳини Ўрхунга (Шимолӣ Мўғулистон) кўчиради. Ўрхун Турк ҳоконлигининг янги маъмурий-сиёсий марказига айланди. 553 йилнинг бошларида турк сулоласи асосчиси эл-ҳокон Бумин вафот этди.

Эрон сосонийлари V асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб эфталийларга қатта ўлпон тўлаб келарди. Табиийки, у бундай мушкулотдан қутулиш учун Истеми билан яқинлашиш йўлини излай бошлади. 555 йилда улар ўртасида иттифок тузилди. Бу иттифок Эрон шоҳи Хусрав Ануширвон билан ҳокон Истеми кизи ўртасидаги никоҳ билан мустаҳкамланди. Иттифокдошлар ҳал қилувчи жангга пухта тайёргарлик кўрдилар. Ғарбий турклар ўз орқа томонларининг хавфсизлигини таъминлаш учун Орол бўйида кўчиб юрувчи душман бўлган Авар-хунларни Волга ортига қувиб юбордилар. 563 ва 567-йиллар оралиғида Эрон қўшинлари ғарбдан ва турк отликлари

шимолдан хужум килиб, Эфталийларни тор-мор килдилар. Амударё ғолиблар ўртасида чегара бўлиб қолди. Қўшни ерларни мулкига олган ўнта қабила хоқони Истеми ябғу унвони ҳам ўзлаштирди.

Аммо Эфталийлар тор-мор этилгандан кейин, кўп ўтмай иттифокдошлар ўртасида низолар чиқа бошлади. Даштликлар одатига кўра шоҳ Хусрав Ануширвон хоқоннинг куёви, кичик қариндош ҳисобланар эди. Бу табиийки. Эрон ҳукмдорига маъқул эмасди. Бунинг устига Истеми илгари Эфталийларга тўланган ўлпонни эндиликда турклар хазинасига тўлашни талаб қилди. Буни Эрон томони бажармади. Хоқон ва шоҳнинг сиёсий даъволари ортида жиддий сабаблар бор эди: булар Буюк ипак йўли бўйича савдодан олинадиган даромадга оид зиддиятлардан иборат эди.

Жуан-Жуанлар ва Эфталийлар тор-мор этилгач, турклар Буюк ипак йўлининг каттагина қисмига – Хитой деворидан бошлаб то Амударёгача бўлган ҳудудларга эгалик қила бошладилар. Бу ҳудудда бой ва таъсирли савдогарлар қатлами бўлган йирик савдо шаҳарлари жойлашган эди. Турк зодагонлари ва унинг фуқаролари ўз географик жойлашувлари имкониятларидан мумкин қадар кенгрок фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Улар Хитой билан бевосита алоқа ўрнатдилар. Бунинг устига, VI асрга келиб суғдлар ўз ипак газламаларини чиқара бошладилар. Шунга кўра, суғд савдогарлари бадавлат Византия билан воситачилик савдосида бойиб бораётган форс савдогарларини сиқиб чиқаришга урина бошладилар. Ўз савдогарлари ва мамлакатини ҳимоя қилган Эрон турклар ва суғдларнинг Византия қўл остидаги ерлар билан бўлган бевосита алоқаларига тўсқинлик қилди ва ўз ерлари орқали савдо қарвонларини ўтказмай қўйди.

Турклар Эронга икки марта элчи юборадилар, аммо Хусрав Ануширвон ўз сўзидан қайтмайди. Иккинчи маротаба юборилган элчилик аъзоларининг ҳалок бўлиши вазиятни жиддийлаштирди. Ғарбий турклар ва Эрон урушга тайёргарлик кўра бошлади. Суғдлар бошлиғи Маниах Эроннинг азалий душмани Византия билан сулҳ тузишни Истемига таклиф қилди. Маниах бошчилигидаги элчилар айланма йўл билан Эрон ерларидан ўтиб, Шимолий Каспий бўйи ва Кавказ орқали 568 йилда Константинополга етиб келди. Император Юстиан II элчиларни яхши кутиб олди. Эронга қарши иттифок тузиш учун Истеми ҳузурига машҳур лашкарбоши Земарх бошчилигида элчиларнинг жавоб ташрифи уюштирилди.

Византия элчилари Маниах йўлини такрорлаб, Талас ва Чуй водийларига етиб келди. Шу ердан Земархни хоконнинг Тяньшандаги Октогда жойлашган қароргоҳига бошлаб бордилар. Бу ерда византияликларни дабдабали қабул қилинган. Кутилган иттифок тузилди ва турк лашкарлари Эрон чегаралари яқинига тўплана бошладди. Кейинги ходисаларни солномачилар бирмунча зиддиятли баён қиладилар. Турклар Эроннинг Журжон вилоятини босиб оладилар, аммо уларнинг ушбу шижоати ғарбдан, византияликлар томонидан қўллаб-қувватланмади.

Икки томонлама уруш олиб боришдан чўчиган Хусрав Истеми билан сулҳ тузишга шошилди ва туркларга олдинги “Эфталийлар ўлпонини” тўлашга рози бўлди. Афтидан низонинг асл сабаби – ипак савдоси масаласи ҳам ҳал қилинган бўлса керак. Турклар билан тузилган сулҳ Эрон учун Византия ва Месопотамияга бир неча зарбалар беришга имкон туғдирди. Ғарбий турклар Эрон устидан ғалабага эришганларидан сўнг, греклар билан иттифок тузишга бўлган кизиқишларини йўқотдилар. Константинополнинг иттифокни тиклашга бир неча бор уринишлари ҳам натижа бермади, 576 йилда эса турклар ҳокимларидан бўлмиш Турксанф, Византия – Қора денгиз бўйи ерларига бостириб кирди ва Босфорни эгаллади. 520 йилда турклар Қримга бостириб кирдилар ва Херсонесни қуршовга олдилар.

Ғарбий турклар доно ва ғайратли ҳокон Истеми бошчилигида ўз ташки сиёсатларида катта муваффақиятларга эришдилар, аммо ҳоконликдаги ўзаро урушлар уни мустаҳкамлашга имкон бермади. 575 йилда даштликлар орасида жуда катта обрўга эга бўлган ҳокон Истеми вафот этди. Кўп ўтмай Турк ҳоконлигининг олий ҳукмдори Таспар (575–581 йиллар) ҳам оламдан ўтади, у хар хил қабилалардан таркиб топган давлат бошқарувини ўз қўлида маҳкам ушлаб турган эди. Ҳоконлик тахти учун тўртта даъвогар аёвсиз биродарқушлик урушини бошладилар, натижада улардан учтаси ҳалок бўлди ва ҳукмдорлар тахтини 587 йилда Истемининг ғарбдаги вориси Гарду ҳокон эгаллади.

Аммо низолар 593 йилгача давом этди. Ўзаро урушлар Турк ҳоконлигини ҳолдан тойдирди ва унинг ташки сиёсатини кескин ёмонлаштирди. Бу даврга келиб туркларга катта ўлпон тўлаган Эрон, 588 йилда Хитой ғарбий туркларни мағлуб этди. 590 йилда эса Византия Босфорни турклардан тортиб олди. 603 йилда,

Тарду хоқон вафот этганидан сўнг Турк хоқонлиги расмий тарзда Шарқий ва Ғарбий хоқонликка ажраб кетди.

Ғарбий турк хоқонлиги. Ғарбий турк давлатини “Ўн камон ўқи давлати” деб аташарди. Ашина сулоласига мансуб ғарбий ҳукмдорларнинг расмий унвонлари “турк жабғу хоқони” ёки “ўн ўк давлати хоқони” бўлган. Ғарбий турк давлатида етакчи ўринни икки йирик бирлашмадан иборат “ўн ўк будун” – “ўн камон ўқи давлати” эгаллаган эди. Улардан бири – бешта қабила “нушиби” уюшмасини ташкил қилиб, Сирдарёдан Чуй дарёсигача бўлган ерларни эгаллаган, умумий “дулу” номи остида бирлашган бошқа бештаси Чуй дарёсидан тортиб Олтой ва Жунғорияни ҳам ўз ичига олувчи худудга жойлашганди. Ғарбий турк хоқонлиги Шарқий Туркистон, Марказий Осиёнинг бой дехқончилик вилоятларини, Орол бўйи даштлари. Қуйи Волга бўйи ва Шимолий Кавказни ўз ичига олганди. Давлатнинг маъмурий-сиёсий маркази аввал Талас водийси, бу ерда Мингбулок (ҳозирги Бўй Терек қишлоғи атрофи) ёзги қароргоҳ хизматини ўтаган, кейин Чуй водийси бўлган. 618 йилдан бошлаб Ғарбий турк хоқонлари пойтахти Суёб шаҳри бўлган (Тўқмоқ шаҳри яқинидаги Оқ Бешим вайроналари).

Ўзаро урушлар оқибатида ғарбий турклар фақат Тун Жабғу Хоқон ҳукмронлиги даврида (618–630 йиллар) ўз мавқеларини тиклаб оладилар. Қабиладошлари уни давлат арбоби ва саркарда сифатида жуда юқори баҳолашарди: “У жасур ва эҳтиёткор. Унинг ҳар бир жанги ғалаба билан якунланади”. Тун Жабғу хоқон Эронга қарши сиёсатда фаоллик кўрсатиб, улардан Хуросонни тортиб олди, Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистоннинг бир қисмини ишғол қилди. Византия императори Ираклий билан иттифоқ тузиб, Эроннинг Кавказ орти ер-мулкларига ҳужум қилади ва Дарбанд, Тбилиси ва Дратов шаҳарларини ишғол қилди.

Тун Жабғу хоқон муҳим маъмурий-сиёсий ислохотни амалга оширади. Марказий Осиё ҳамда Шарқий Туркистон водийсидаги кўчманчи ва ўтроқ зодагонлар ҳуқуқларини тенглаштиради, ноқонуний солиқларни анча камайтиради. Ҳукмдорларни назорат қилиш ва солиқларни йиғиш учун ноиблар тайинланди.

Турклар ташқи сиёсатда муваффақиятларга эришарди. Лекин, доимий урушлар ва узоқ давом этувчи юришлар юқори табақани бойитиб, оддий халққа деярли ҳеч нарса бермасди. Бундан норози бўлган халқ нолиб, кўпчилик давлатдан ажралиб чиқа бошлади.

Натижада кўзғолончи феодаллардан бири қароргоҳга кўккисдан ҳужум қилади ва Тун Жабғу хоконни ўлдиради.

Бу ҳаракат Ашина сулоласи обрўсини факат “ўн камон ўки давлати” ўртасида эмас, балки Марказий Осиёдаги тобе ерларда ҳам тушириб юборади. Қайта бошланган ўзаро урушлар, хоконларнинг тез-тез алмашинишига ва бўлинишнинг кучайишига олиб келди. “Ўн ўк” давлати раҳбарлари ислохот ўтказишга, дулу ва нушиби қабила бирлашмаларини марказий хокимият ҳукмидан озод қилиб, мустақиллик беришга мажбур қилдилар, бу уларнинг аёнлари таъсирини кучайтирди.

VII асрнинг биринчи ярмида Тан сулоласи (618 – 907 йиллар) кучайди. Император Тай-Цзун етакчилигидаги Хитой феодалларининг аёнлари ўз олдиларига Буюк ипак йўлини босиб олишни асосий вазифа қилиб қўйдилар. 630 йилда кўчманчи тўғуз-ўғуз қабилалари билан иттифокда бўлган Тай-Цзун лашкарлари Шарқий турк хоконлигини тор-мор этди. Тай-Цзун турли турк отрядлари кучи билан Гаочан давлатини (Турфон воҳаси) босиб олди ва унинг ҳудудида Анси тобе ўлкасини ташкил қилдилар. Худди мана шу мавзе Ғарбий турк хоконлигига ҳужум қилишда база хизматини ўтади. Турклар, Шарқий Туркистон халқлари билан биргаликда душман ҳужумларига узок бардош бердилар. Аммо Ма дарёсидаги жангда (656 йил) хитойлик саркарда Су-Данфан Ишбар хокон кўшинини енгишга муваффақ бўлди. Хокон жанглар билан Чуй водийсига чекинди ва шу ерда 657 йилда буткул енгилди ва ҳалок бўлди.

Хитой императорининг Тяньшанни узок ўлкалари устидан реал хокимиятни ўрната олмай, “ўн ўк давлати”га Ашина сулоласи ғарб шохобчаси вақилини хон қилиб қўйди. Бу қўғирчок хоконлар халқ ўртасида обрўга эга бўлмадилар, аҳоли эса боскинчиларга қарши курашини тўхтатмади. Хоконлик таназули давом этди ва Ашина сулоласидан чиққан йигирма учинчи хоконни 704 йилда тургашлар Қулон шаҳрида (ҳозирги Луговая станцияси яқинида) ўлдирдилар. Еттисув ва Тяньшанда хокимият тургашлик хоконлар сулоласи кўлига ўтди.

Назорат топшириқлари:

1. Элат. қабила. халқ, миллат тушунчаларини изоҳлаб беринг.
2. Марказий Осиёга 1- минг йиллик ўрталарида қайси туркий элатлар кўчиб келган?
3. Туб аҳоли орасида қайси қадимги туркий элатлар учраган?
4. Хунн империяси қайси даврда ҳукмронлик қилган?
5. Туркий тиллар гуруҳига қайси тиллар киради?
6. Ҳинд-Европа тил оиласини таснифланг.
7. Эроний тиллар гуруҳига кирувчи тиллар қайси халқ ва ҳудудларда тарқалган?
8. Ҳозирги кунда Марказий Осиё атамаси билан қайси ҳудудлар қамраб олинган?

III БОБ. ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЭТНОГРАФИЯСИ, ЭТНОГЕНЕЗИ ВА ЭТНИК ТАРИХИ

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: ўзбек халқи. Ўзбекистон Республикаси, ўзбек халқининг шаклланиши, этнос. палеоантропологик материаллар. краниологик материаллар, Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи. долихокефал. брахикефал. суғдийлар, қадимги аҳоли, ўтроқ ва чорвадор аҳоли, анъанавий хўжалик маданияти, моддий маданият, миллий кийимлар, таомлар, тураржойлар.

III. 1. Ўзбек халқининг шаклланиш тарихи

Ўзбек халқи ўзининг кўп асрлик бой тарихига эга. Халқимиз жуда катта давр ичида бир қанча ижтимоий-иқтисодий босқичларни ўтаб, мураккаб жараёнлар давомида, элат ва сўнгра миллат бўлиб шаклланган. Ана шу шаклланиш жараёнларини ўрганиш – этнография фанининг бугунги кундаги энг долзарб вазибаларидан бири ҳисобланади.

Сирдарё билан Амударё оралиғида Марказий Осиёнинг аҳолиси жихатидан энг йирик давлат – Ўзбекистон Республикаси ястаниб ётади. Бу ҳудудда жуда қадимий маданиятга эга бўлган халқ – ўзбеклар яшашади. Республика таркибига бир автоном республика, 12 вилоят ва Тошкент шаҳри қиради. Вилоятлар ичида майдони жихатидан энг йириклари Навоий, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарёдир. Республика таркибида 170 туман (11 та Тошкент шаҳри туманлари билан бирга), 29 шаҳар бўлиб, МДХ давлатлари ичида Россия ва Украинадан кейин учинчи ўринда туради. Аҳолининг кўпчилиги кишлокларда яшайди. Ўзбекистонда 22 млн дан ортик ўзбеклар яшайди. (2010 йилнинг биринчи ярми).

Республикада ўзбекларни барча вилоят, туман ва кишлокларда учратиш мумкин. Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари аҳолисининг аксариятини ўзбеклар ташкил этади. Бошқа жойларда ўзбеклар турли миллат вакиллари билан бирга яшайди. Лекин ҳамма ерда

улар кўпчиликни ташкил этади. Қорақалпоғистонда ўзбеклар жанубий туманлари – Тўрткўл, Беруний, Амударё ва Эллиқалъа туманларида яшайди.

Ўзбеклар нафақат Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг асосий қисмини ташкил этади, балки Марказий Осиёдаги энг кўп сонли халқдир. 2010 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотига кўра мамлакатимизда жами аҳоли 28 миллион кишидан ортик бўлиб, улардан 81.7%, яъни 22.879 кишини ўзбеклар ташкил қилган. Бундан ташқари, кўп сонли ўзбеклар Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркменистон, Афғонистонда, Россия, Саудия Арабистонида, Хитой Халқ Республикасининг Синцзян - Уйғур автоном районида, қолаверса, Туркия, Германия, АҚШ каби узок хориж мамлакатларида ҳам яшайди. Расмий маълумотларга кўра ўзбекларнинг умумий сони 27 миллиондан кўп.

Ўзбекларнинг ёш таркиби анча навқирон бўлиб, айрим маълумотларга кўра 15 ёшгача бўлган аҳоли умумий аҳолининг 44% ини, 15 ёшдан 60 ёшгача бўлганлар 51% ни, 60 ёш ва ундан кексалар атиги 5% ни ташкил қилган. Ўзбеклар *ўзбек тилида* гаплашадилар.

Ўзбеклар алоҳида этник жамоа (элат) бўлиб, Ўрта Осиёнинг марказий вилоятлари - Мовароуннахр, Хоразм, Еттисув, қисман Шарқий Туркистоннинг ғарбий минтақалари ва Жанубий Туркистонда шаклланган. Ўзбек халқининг асосини ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида қадимдан ўтрок яшаб, сунъий суғорма деҳқончилик билан шуғулланиб келган маҳаллий суғдийлар, бахтарлар, хоразмийлар, фарғоналиклар, сак-массагетлар, қанғлар каби этник гуруҳлар ташкил этган. Шунингдек Жанубий Сибирь, Олтой, Еттисув, Шарқий Туркистон ҳамда Волга ва Урал дарёси бўйларида келган этник компонентлар ҳам ўзбеклар этногенезида иштирок этганлиги тарихдан маълум. Бу қабила ва элатлар асосан туркий ва шарқий эроний тилларда сўзлашганлар.

Кейинги йилларда археолог олимлар (*А. А. Асқаров, Ў. Исламов, Ю. Ф. Буряков, Т. Қ. Хўжайов*)нинг Ўзбекистон ҳудудида олиб борган археологик ва антропологик тадқиқотлари натижасида Амударё ва Сирдарё оралиғида сўнгги бронза давридаёқ юқорида номлари зикр этилган қабила ва элатларнинг этник жиҳатдан дастлабки аралашуви содир бўлганлиги, ассимиляция жараёни натижасида

антик даврга келиб, ўтроқ ҳаётга мослашган туркий худудий майдон таркиб топганлиги ҳамда ўзбек халқига хос антропологик типнинг макон ва замони аниқланган. Маълумки, мил. авв. III асрда Сирдарёнинг ўрта оқимида туркий ва суғдийлар иттифоқи асосида Қанғ давлати ташкил топган. Қанғ давлати даврида Мовароуннаҳр ва унга туташ минтақалардаги халқларнинг иқтисодий, сиёсий ва этномаданий алоқаларнинг тобора ривожланиб бориши натижасида туркийзабон этнослар устуворлик қилиб, янги туркий этнослардан бири – қанғар элати пайдо бўлди ва ўзига хос уйғунлашган маданият шаклланди. Тарихий ва археологик асарларда бу маданият “*Қовунчи маданияти*” номини олган. Антрополог олимларнинг таъкидлашларича, айнан шу даврларга келиб, Ўрта Осиёнинг водий ва воҳаларида яшовчи суғдийлар ва қанғарларнинг ташқи қиёфаларида ҳозирги ўзбек ва воҳа тожикларига хос антропологик тип тўлиқ шаклланган.

Ўзбеклар этногенезида қатнашган навбатдаги этник компонентлар Жанубий Олтой ва Шарқий Туркистондан кўчиб келган юечжи қабиласининг бир тармоғи бўлиб, улар мил. авв. I – милодий IV асрларда Кушон салтанатига асос солган кушонлар ҳамда милодий III – V асрларда Ўрта Осиёнинг марказий вилоятларига Жанубий Сибирдан, Жунғориядан, Шарқий Туркистондан силжиган хионий, кидорий ва эфталийлардир.

Шунингдек, ўзбеклар этногенезига фаол таъсир ўтказган туркий этник компонентлар асоси *Турк хоқонлиги* (VI – VIII асрлар) даврида Ўрта Осиёнинг марказий минтақалари (Тошкент, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё воҳалари, Фарғона водийси) ва Хоразмга келиб жойлашиб, маълум бир тарихий давр мобайнида бу этник компонентнинг аксарият қисми ўтроқлашди. Турк хоқонлиги даврида кириб келган туркий компонентлар ва маҳаллий аҳоли ўртасидаги этник-маданий муносабатларнинг ривожини худуддаги этник жараёнлар тараққиётига катта таъсир ўтказди. Ушбу туркий қатлам маданий ютуқларининг маҳаллий маданий-хўжалик анъаналар билан жадал уйғунлашуви юз берди. Бу давр туркий ва суғдий симбиозни ҳал қилувчи босқичларидан бири бўлган.

VIII асрдан араб ва ажам (араб бўлмаган яқин ва Ўрта Шарқ) халқларининг Ўрта Осиёга кириб келиши минтақадаги этник жараёнларга катта таъсир этмаган. Бу даврда аҳоли этник таркибида маълум бир ўзгаришлар содир бўлган бўлса-да, Мовароуннаҳрдаги

Ўтрок ва яримўтрок туркийзабон аҳоли, суғдийлар ва Хоразмнинг туб ерли аҳолиси ўз ҳудудларида қолиб, араблар (VII – VIII аср), кейинчалик Сомонийлар (IX аср) ҳукмронлиги остида яшаганлар.

Умуман олганда, IX асрдан бошлаб Мовароуннаҳр минтақасида яхлит туркий этник катлам, жонли туркий тил муҳити вужудга кела бошлади ва ўз навбатида, суғдийлар ва бошқа маҳаллий этносларда ҳам туркийлашиш жараёни жадаллашган. Элшунос олим К. Шониёзовнинг қайд этишича, IX – X асрларда тигиз этногенетик жараён натижасида кўплаб туркий қабила ва уруғларнинг ўтрок ҳаётга ўтиши жадал давом этган. Бу асрларда Мовароуннаҳр ва Хоразмда туркий этник катлам кучли этник асосга эга бўлган. Академик А. Асқаровнинг таъкидлашича, бу кучли этник катлам асосининг аксарият кўпчилигини ўтроқлашган тургун туркий этнослар ташкил қилган.

Қорахонийлар даврида (X – XI асрлар) Мовароуннаҳр ва Хоразмда сиёсий ҳокимият туркий сулолаларга ўтиши муносабати билан ўзбек халқи этногенезининг якуний босқичи бошланди. Фарбий Қорахонийлар давлати доирасида ҳозирги ўзбекларга хос туркий этнос қарор топди ва айнан мазкур даврда элатни белгилловчи ҳудуд, тил, маданият, тарихий қисматининг умумийлиги, этник ўзликни англаш, этноснинг уюшқоклиги, маълум бир давлат доирасида бўлиши, дин умумийлиги ва бир қанча шу қаби бошқа этник аломатлар шаклланган. Бу даврда ўзбекларнинг умум элат тили қарор топди. Мовароуннаҳр ва унга туташган минтақаларда яшовчи туркийзабон аҳоли: қарлуқ, чигил, яғмо, тухси, халач, арғин, ўғуз, қипчоқ, уз, қанғли сингари уруғлар ўзларини бир халқ (элат) сифатида англай бошлаганлар. Умуман олганда, XI – XII асрнинг биринчи ярмида элат шаклланишидаги муҳим аҳамиятга эга бўлган аксарият этник аломатлар ўз маромига етиб, ўзбеклар халқ сифатида шаклланган.

XIII аср бошларида Чингизхон истилоси даврида мўғул кўшинлари таркибида кўп сонли туркий этнослар ҳам кириб келди. XV асрга қадар эса ушбу этносларнинг деярли кўп қисмида маҳаллий аҳоли билан аралашув жараёни содир бўлди ва улар шаклланган ўзбек элатининг кейинги тараққиётида маълум даражада из қолдирдилар.

Чигатой улуси тилининг ривожланиши ҳамда кейинчалик *Амир Темур ва темурийлар* даврида иқтисодий ва маданий тараққиёт натижасида Мовароуннаҳрда адабий тил такомиллашиб, "тур-

кий” ёки “чиғатой тили” деб номланган. Айниқса тараққий этган ўзбек адабий тили *Алишер Навоий* даврида энг юқори нуктага кўтарилди. Аммо халқнинг жонли тили кўп диалектли бўлиб, адабий тил шаклланишида учта асосий шева - *қарлук*, *қипчоқ* ва *ўғуз* диалектлари асос бўлган. Маълумки, шаклланган ўзбек элатининг Темур ва темурийлар давридаги этник тарихи ва этномаданий тараққиётига барлос, жалойир, кавчин, арлот, қипчоқ каби этник гуруҳлар ҳам фаол таъсир қилган.

Ўзбеклар этник тарихида XV аср охири – XVI асрлар ҳам муҳим давр ҳисобланади. Ушбу босқичда Ўрта Осиёга манғит, кўнғирот, найман, уйғур, сарой, қатағон, кушчи, дўрмон, кенагас, кирқ, юз, минг, баҳрин ва бошқа Дашти Қипчоқ этник гуруҳларининг навбатдаги тўлқини кириб келиши кучайган. Натижада Мовароуннаҳр аҳолисининг этник қиёфасида мўғулий ирк аломатлари ҳам фаоллашган. Дашти Қипчоқдан икки дарё (Амударё ва Сирдарё) оралиғи ва Хоразмга келиб ўрнашган этник гуруҳлар “ўзбек” номи остида маҳаллий аҳоли этник ранг-баранглигини бирмунча кўпайтирган бўлсалар ҳам, лекин унинг этник таркибини тубдан ўзгартириб юбормаган. Ушбу этнослар шаклланган ўзбек халқининг таркибига келиб қўшилган навбатдаги этник компонент эди, холос. Улар Мовароуннаҳр ва Хоразм аҳолисининг турмуш тарзи, анъаналари, маданияти, хўжалик фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатган янги типдаги маданий қатлам ҳосил қилган. Айниқса, Зарафшон водийси ва Ўзбекистоннинг жанубий минтақалари аҳолиси орасида бу нисбат кучли сезилади. Маҳаллий аҳолига улар “ўзбек” номини беришган ва бу ном Мовароуннаҳр ва унга қўшни вилоятлар аҳолиси учун расмий равишда умумий ном бўлиб қолган. Ўз ўрнида айтиб ўтиш лозимки, ўзбек этнонимининг келиб чиқиши бўйича фанда ҳали-ҳануз яқдил фикр мавжуд эмас. Айрим муаллифлар (Ҳ. Вамбери, Г. Ховорс, М. П. Пельо) Дашти Қипчоқда кўчиб юрган туркмўғул қабилаларининг бир қисми ўзларини эркин тутганликлари сабабли ўзбек, яъни “ўз-ўзига бек” деб аталган десалар, бошқалар (П. П. Иванов, А. Ю. Якубовский, Хилда Хукэм) “ўзбек” этнонимини Олтин Ўрда хони Ўзбекхон (XIV а.) номи билан боғлайди, бошқа яна бир гуруҳ олимлар эса (В. В. Григорьев, А. А. Семёнов ва Б. Аҳмедовлар) ўзбек номи Оқ Ўрда (Дашти Қипчоқнинг шарқий қисми)да кўчиб юрган туркмўғул қабилаларига тааллуқли бўлган, деган фикрни билдирадилар.

Темурийлар давлати ўрнида дастлаб XVI аср бошларида вужудга келган Бухоро ва Хива хонликлари ва XVIII аср бошларидан Қўқон хонлигининг вужудга келиши натижасида ягона тарихий маконда яшаган халқлар сиёсий жиҳатдан турли давлатлар тасарруфига тушиб қолган бўлса-да, бу ҳолат ўзбек элати бирлигига путур етказа олмаган. Сиёсий чегаралар бўлишига қарамасдан, уч давлат таркибидаги аҳоли ўзаро доимий этник, иқтисодий ва маданий алоқада бўлиб келганлар.

Ўрта Осиё халқларининг XIX асрнинг охири XX аср бошларидаги тарихий тақдири ва тараққиёт босқичлари Россия империясининг мустамлакачилиги даври билан боғлиқ. Кейинчалик минтақада Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши билан Ўрта Осиёда *миллий-худудий чегараланиш* ўтказилиб, бешта миллий республикалар ташкил этилди. Маҳаллий халқларнинг миллий тараққиёти давом этаётган бир паллада, 1924 йили миллий-худудий чегараланиш ўтказилган. Шу билан шаклланган элатлар тараққий этаётган тарихий макон сунъий равишда бўлиб юборилди. Минтақа халқларининг ассимиляция, консолидация жараёнларига жиддий таъсир ўтказилиши ва кейинчалик “совет халқи” номли ягона этник бирликни яратиш ҳақидаги назарияни амалга оширилиши борасидаги олиб борилган сиёсат ҳам ўзбекларнинг миллий-этник қиёфасига, менталитетига раҳна сола олмади. Албатта, кейинчалик минтақада вужудга келган барқарорлик нисбатан ўзбекларнинг этник-маданий тараққиётига сезиларли таъсир ўтказди.

Ўзбекларнинг миллат сифатида ривожланиш жараёни Ўзбекистон мустақилликка эришган санадан бошлаб янгича мазмун касб этди. Тарихий томирларидан куч олган ўзбек халқи маданияти, миллий тафаккури, урф-одатлари, турмуш тарзида ўзига хос уйғониш ва янгиланиш палласига кадам қўйди. Ўзбекларнинг моддий ва маънавий маданияти ўзига хос ва бойдир. Унинг энг яхши томонлари анъанага айланиб, ҳозиргача сақланиб келмоқда.

III. 2. Ўзбек этносининг антропологик типни тўғрисида :

“Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типни” – юкорида айтиб ўтганимиздек, ҳозирги замон ўзбеклари ва воҳа тожикларига хосдир. Дастлаб ўзбек ва тожикларга хос тип сифатида антрополог

Ярхо “Помир – Фаргона” типини таклиф қилди. Аммо, ҳозирги замон ўзбеклари антропологик жиҳатдан воҳа тожиклари билан бир бўлса-да, аммо улар антропологик тип жиҳатидан Помир тожикларидан фарқ қиларди. Марказий Осиё антропологиясининг чуқур билимдонлари Л. В. Ошанин ва В. В. Гинзбурглар ўз тадқиқотларида ҳозирги замон ўзбеклари билан воҳа тожиклари бир типни ташкил этишларини исботлади ва бу типни **“Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типини”** деб атадилар. Помир тожикларини эса Каспий орти типига киритишни таклиф қилди. Аммо “Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типини”нинг таркиб топиш замони ва макони масаласида мутахассис олимлар узоқ йиллар баҳслашишда давом этадилар.

Машхур рус археолог ва антрополог олими В. П. Алексеев “Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типини” таркиб топишини Жанубий Сибирнинг бронза даври қабилалари билан боғлашни таклиф қилади. Аммо, Жанубий Сибирь даштларида бронза даври ёдгорликларидан топилган антропологик материаллар, гарчи тип жиҳатидан “Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типини”га яқин популяция (генетик яқинлик) берса-да, бироқ Жанубий Сибирнинг илк темир ва антик даври краниологик серия материаллари таркиби ўзининг бронза даври қиёфасини сақлай олмаган эди. Чунки, Шимолий Хитой минтақаларидан кириб келган илк темир даврининг **қорасук маданияти** аҳолиси этник таркибида мўғул башара элементлар кучли эди. Антик ва илк ўрта асрларга келганда, Жанубий Сибирь ва Қозоғистон чўлларининг чорвадор аҳолиси таркибида Жанубий Сибирь типини ҳукмронлик қилар эди. Энди Марказий Осиё ҳудудларига келганда эса, унинг бронза даври аҳолиси шарқий Ўрта ер денгизи типиде бўлиб, унинг таркибига сўнгги бронза даврдан эътиборан Евроосиё даштларидан эндигина “протоевропеоид” типини кириб кела бошлаган. Улар археологик адабиётларда “андронов маданияти” аҳолиси ҳисобланиб, улар ҳали шарқий Ўрта ер денгизи типини билан қоришиб улгурмаган эди. Демак, “Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типини” бронза даврида таркиб топмаган.

Бошқа бир гуруҳ олимлар бу тип таркиб топишини Марказий Осиёда Турк хоқонлигини таркиб топиши билан боғлашга уриниб кўрдилар. Чунки, бундай ғояни кўтарилишида А. Ю. Якубовскийнинг ўзбек этногенезининг бошланишини Турк хоқонлигини билан боғлаши борасидаги ғояси асос бўлган эди. Бироқ, археологик

тадқиқотлар кўламининг Марказий Осиё ҳудудларида кенгайиб бо-риши ва шу билан боғлиқ ҳолда янгидан-янги краниологик (одам бош суяклари) материаллар туркумининг кўпайиши, “Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи”нинг илдизлари янада қадимий эканлиги-дан гувоҳлик берарди.

Антропологлар орасида узоқ давом этган баҳслардан сўнг бу масала билан мунтазам шуғулланиш антрополог олим Т. Қ. Хожайов зиммасига тушди. У ўзининг номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилгач, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қорақалпоқ филиалида ишлар эди. Ўша кезларда Ўзбекистон Фанлар академияси тизимида Археология институти ташкил этилиб, унинг илмий-тадқиқот режаларида палеоантропология илмий йўналиши соҳасини ривожлантиришга эҳтиёж катта эди. Академия раҳбарияти розилиги билан талантли ёш антрополог Т. Қ. Хожайовни Нукусдан Самарқандга чақириб олишади. Унга барча зарурий имкониятлар яратиб берилган. Т. Қ. Хожайовнинг тиниб-тинчимаяган антропологлардан эканлиги тезда кўзга ташланиб қолди. Институт раҳбарияти ва унинг илмий жамоаси кўмагида Т. Қ. Хожайов Республика ҳудудларида фаолият олиб бораётган 30 дан ортиқ археологик отрядлар ишида бевосита катнашиш имкониятига эга бўлди. Институт таркибида махсус антропология бўлими ташкил этилиб, Т. Қ. Хожайовга бир нечта шогирдлар бириктириб берилган. Т. Қ. Хожайов шогирдлари ва археолог ҳамкасблари ёрдамида яқин 20 йил давомида 500 дан ортиқ краниологик серия материалларини қўлга киритди. Улар ҳар хил археологик давр ва боскичларга тегишли бўлиб, уларнинг хронологик доираси неолит давридан то сўнгги ўрта асрлар даврини камраб олган эди. Тўпланган палеоантропологик материаллар нафақат Ўзбекистон вилоятларидан, ҳатто кўшни республика ҳудудларидан ҳам келтирилган эди. Институт антропологлари Москва, Ленинград (Санкт-Петербург) ва бошқа илмий-тадқиқот институтлари антропологлари билан мунтазам алоқада, илмий мулоқотда бўлдилар. Палеоантропологик материалларни ўрганиш комплекс тарзда олиб берилди, “Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи”ни таркиб топиш даврини аниқлаш ва унинг дастлаб таркиб топган маконини ўрганишга алоҳида эътибор берилди.

Нихоят, тўпланган материалларнинг комплекс илмий таҳлили, уларни ҳар бир маданий хўжалик ва тарихий ўлкалар бўйича архе-

ологик комплекслар билан узвий боғлиқликда қиёсий ўрганиш ту-
файли “Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи”нинг макон ва замонини
аниқлашга эришилди. Узоқ йиллардан бери илмий баҳслар мавзу-
си бўлиб келаётган масала ечими топилди. яъни “Ўрта Осиё икки
дарё оралиғи типи” антик даврда Сирдарёнинг ўрта ҳавзаларида
таркиб топганлиги аниқланди. Бу, биринчи навбатда, ўзбек халқи
этногенезини ўрганишда ўзига хос кашфиёт эди.

Профессор Т. Қ. Хожайовнинг хулосаларига кўра, “Ўрта Осиё
икки дарё оралиғи типи” туркий ва суғдий тилли қабила ва элат-
ларнинг қадимги типлари асосида, уларнинг узоқ давом этган эт-
номаданий қоришуви натижасида милоддан аввалги I минг йил-
ликнинг охири ва милоднинг бошларида таркиб топган. Маҳаллий
суғдийлар антропологик тип жиҳатидан шарқий Ўрта ер денгизи
типининг вакиллари бўлган. Уларга хос белгилар: бош чаноғи
овал - долихокефал, юзи узунчоқ, бодом ковок, кўзлари кўк, сочла-
ри малла, қирра бурун, ияги чиққан, жуссаси келишган, бўйдор, оқ
танли бўлган. Улар асосан ўтроқ, кўпроқ суғорма дехқончилик ва
хунармандчилик билан шуғулланади. Савдода устаси фаранг, уй-
рўзғорда сарамжон. Мана шу тип ичига брохикефал (думалок) бош
чаноқли европеоид типига аҳоли келиб қўшилган.

Антик давр юнон муаллифларининг хабар беришига қараганда,
суғдийларни туркий қабилалар билан чегараси Сирдарёнинг қуйи
ҳавзалари бўлган, яъни дарёнинг ўнг соҳилида туркий қабилалар
яшаса, чап соҳилида суғдийлар жойлашган. Ҳар икки тип ва икки
тил соҳибларининг узоқ давом этган иқтисодий, маданий ва эт-
ник алоқалари натижаси сифатида “Ўрта Осиё икки дарё оралиғи
типи” шаклланган. Т. Қ. Хожайовнинг таъкидлашича, бу янги
типнинг таркиб топиш жараёни хронологик жиҳатдан милоддан
аввалги VI асрдан то милодий V асргача давом этган. Худди шу
даврга оид Ўзбекистоннинг барча вилоятларининг 34 та архео-
логик ёдгорликларидан янги краниологик серия материаллари
олиниб, таҳлил қилинган ва ҳар бир минтақа материалларининг
ўзига хос хусусиятлари, дехқончилик ва чорвачилик хўжаликлари
билан шуғулланувчи аҳолига хос ирқий белгилар, Ўзбекистон
худудларида яшаган қадимги аҳоли антропологик типларининг ке-
либ чиқиши таҳлил қилинган.

Жанубий Орол бўйининг қадимий аҳолиси. Бу минтақанинг
неолит даври аҳолиси (Калтаминор маданияти) европеоид бўлиб,

маҳаллий ирқ белгиларини ўзида мужассамлаштирган. яъни долихокефал бош чаноклидир. Бу минтақага бронза даврида (Тозабогёб маданияти) маҳаллий аҳоли типидан фарқ қилувчи ўзга этнос вакиллари кириб келадилар. Ўзга юрт аҳолисининг (Кўкча 3 материаллари асосида) қиёфаси ҳам европеоид бўлиб, уларнинг бош чаноғи брахикефал шаклда бўлган. Кўкча 3 одамлари икки хил бош чанокқа эга. **Биринчиси** ўзларининг ирқий хусусиятлари бўйича Қуйи Волга, Қозогистон, Олтой ва Минусинск пасттексислиги даштлари бронза даври аҳолисига яқин турса, **иккинчи** гуруҳ одамлар ўз ирқий белгиларига кўра, Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон ва Марказий Осиёнинг қадимги деҳқончилик маданиятлари аҳолиси типига ўхшаб кетади. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам европеоид ирқининг турли типларини ташкил этади¹⁰.

Илк темир даври Жанубий Орол бўйи аҳолиси таркибида ҳам бронза даврига хос ирқий белгилар сақланади. Бироқ, бир серия краниологик (калла суяги) материалларида икки хил ирқ вакиллари эмас, балки бир индивидуумда ҳар хил ирқ белгиларини мужассамлашган вариантлари учрай бошлайди. Аммо, маҳаллий анъанавий ирқ белгилари ҳали кучли бўлиб, антропологлар бу ҳолатни Қадимги Хоразмнинг қуйи сой маданияти материалларида кузатишган.

Қадимги Хоразмда милoddан аввалги V – IV асрларга доир антропологик туркум Султон Увайстог мозор-қўрғонларидан топилган. Археологларнинг айтишича, улар чорвадор қабилаларга тегишли. Бу ерга дафн этилган одамлар ўзбекларга хос брахикефал европеоид тип билан характерланади¹¹. Аммо, дафиналар орасида бир аёл борки, у бошқалардан тубдан фарқ қилиб, мўғул башара Жанубий Сибирь типини эслатади. Эҳтимол у асирадир ёки қадимги хоразмликларга келин бўлиб тушгандир. Шу даврга оид Устюртдан топилган антропологик серияларда андроново типидан (брахикефал европеоид типидан) “Ўрта Осиё икки дарё оралиғида тип”га ўтиш ҳолати кузатилади. Булар орасида бир гуруҳ материаллар борки, улар Жануби-шарқий Орол бўйи одамларининг ўзгинасидир. Жануби-шарқий Орол бўйи типлари орасида монголоид қоришманинг ҳиссаси катта.

¹⁰ Хожайов Т. К. Жанубий Орол бўйида яшаган қадимги халқлар. – Т.. 1978. 3–4-бетлар.

¹¹ Ўша муаллиф. 4-бет.

Қадимги Хоразмнинг Сарикамиш дельтаси атрофи антик давр аҳолиси, асосан европеоид бўлиб, улар орасида ҳам қисман Жанубий Сибирь типига хос одамлар учрайди. Милоднинг бошларидан Жанубий ва Жануби-шарқий Орол бўйларида монголоидлик хиссаси кўпая боради. Жетиасар маданиятига тегишли, Олтин асар шаҳар харобалари атрофида бир неча мозор-кўрғонлар очиб ўрганилган. Унинг аҳолиси аралаш бўлиб, антропологик типнинг асосини маҳаллий европеоид узун бошли тоҳар қабилалари ташкил қилса, улар орасида Хоразм воҳасига хуннлар билан бирга келиб қолган Жанубий Сибирь типи ҳам учрайди. Мўғул башара одамлар кўпроқ Қувондарё хавзасига жойлашган. Қалъали қир шаҳар қабристони суяк материалларининг аксарият кўпчилигини Каспий орти типигаги европеоид одамлари ташкил қилади.

Жанубий Орол бўйи аҳолисининг ирқий таркиби ривожланишининг кейинги икки минг йиллик тарихи Миздахқан қабристони материаллари асосида кузатилади. Бу ердан топилган краниологик материаллар тахлилига кўра, милоднинг биринчи минг йиллигида Жанубий Орол бўйи аҳолиси асосан европеоид бўлиб, улар орасида Каспий орти типи кўпроқ қисмини ташкил қилган. Милодий I минг йилликнинг иккинчи ярмида узун бошли аҳолининг брахикефаллашиш (қалта бошли бўла бориш) жараёни кузатилади. Шунинг натижасида I минг йилликнинг охири ва II минг йиллик бошларида Жанубий Орол бўйи ҳудудининг ҳамма қисмида асосий этник қатламни “Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи” ташкил қила бошлайди. Лекин, қоришма сифатида Хоразм ўзбеклари ва қорақалпоқлар таркибида Каспий орти узун бошли тип белгилари ҳозиргача сақланиб келмоқда¹².

Суғднинг қадимги аҳолиси. Суғд Марказий Осиёнинг Зарафшон ва Қашқадарё хавзаларида таркиб топган тарихий-маданий цивилизация марказларидан бири бўлиб, тарихий манбаларда милоддан аввалги I минг йилликнинг биринчи ярмидан тилга олинади. Археологик изланишлар натижаларига кўра, бу минтақа аҳолиси қадимдан суғорма дехқончилик, кўп тармоқли хунармандчилик ва чорвачилик билан шугулланиб келганлар. Ёзма манбаларга караганда, ўлканинг ўтроқ аҳолиси суғдий тилида сўзлашганлар. Антропологик тип жиҳатидан унинг ўтроқ аҳолиси долихокефал европеоидлар бўлган. Аммо, Суғднинг қадимги чор-

¹² Хожайов Т. К. Жанубий Орол бўйида яшаган қадимги халқлар. – Т., 1978. 6-бет.

вадор аҳолиси ирқий жиҳатдан ҳар хилдир. Чорвадор аҳолининг мозор-қўрғонлари асосан Бухоро воҳасида кўпроқ ўрганилган. Масалан, милоддан аввалги V – III асрларга тегишли Қалқонсой мозор-қўрғонларидан топилган краниологик материаллар 5 та антропологик типларга бўлинади. Улар европеоид ва монголоид ирқларининг турли вариантларини ташкил этади¹³. Милоддан аввалги II – I асрларга оид Лавандоқ қабристони эса европеоидлар типини беради. Чорвадор қабилаларнинг милодий эранинг бошларига тегишли Хазора ва Қизилтепа ёдгорликлари аралаш краниологик материал берди. Милодий III – IV асрларга оид Қизилкир мозорларидан “Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи”нинг брахикефал бош суяклари ва мўғулий тип аралашмали Шарқий Ўрта ер денгизи типига дуч келинади. Панжикент атрофидан, юқори Зарафшондан эса милодий I минг йилликнинг биринчи ярмига тегишли “Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи”нинг брахикран европеоид варианты топилди. Улар ўзларининг ирқий белгиларига кўра, “Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи”нинг брахикефал европеоид типини ташкил этиши аниқланди¹⁴.

Ҳозирги кунда Бухоро воҳасининг Конимех чўлларида 800 дан ортиқ мозор-қўрғонлар топиб ўрганилган. Улар ёрма, лаҳатли, хум гўрлар ва кремацияли мозорлардан иборат бўлиб, ёрма гўрлар сопол идишлари (милоддан аввалги VI – IV асрлар) банкасимон шакли, лаҳатли мозорлардан бирида Варахраннинг кумуш тангаси (милодий V асрнинг биринчи чораги) топилди. Хумларга солиб кўмилган мозорлардан милодий III – IV асрларга оид сопол идишлар учрайди. Уларнинг краниологик материаллари бир типли бўлмай, балки улар орасида маҳаллий сакларга хос долихокефал, андроново типининг мўғул башара одамлари билан қоришган брахикефал европеоидлар ва улардан таркиб топган “Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи” вакиллари мавжуд эди.

Афросиёб қадимги шаҳар харобасидан топилган (милоддан аввалги V асрга оид) калла суяклари мавжуд. Улар долихокефал европеоидлар бўлиб, уларнинг илдизлари бронза даврининг Замонбобо, Мўминобод, Чакка материалларига генетик жиҳатдан ўхшаб

¹³ Зезенкова В. Я. Некоторые краниологические данные курганов Калканская. – ИМКУ вып. 8. – Т. 1969. – С. 161–168.

¹⁴ Гинзбург В. В. Антропологические материалы из окрестностей древнего Панджикента. – МИА. 66. – М., 1958. – С. 281–289.

кетади. Милоддан аввалги III – II асрларга тегишли калла суяклар Ерқўрғондан. милодий II – IV асрларга тегишли калла суяклар Ургут туманидан топиб ўрганилган. Уларнинг хронологик сана оралиғи катта бўлишига қарамай, улар брахикефаллашиш жараёнининг секин-аста давом этаётганлигидан гувоҳлик беради. Милодий IV – V асрларга келиб, Сўғд аҳолисининг аксарият кўпчилиги брахикефал европеоидлашган эди.

Сўғдда милоддан аввалги II – I асрларга тегишли бир гуруҳ бош суяклар борки, улар Шимолий Бактриянинг кушон уруғларига тегишли чорвадор аҳолисини эслатади. Юечжи қабилалари асосан брахикефал европеоидлар бўлиб, улар Бактрияга Сўғд орқали ўтганлиги туфайли уларнинг краниологик изларини Сўғдда ҳам учраши бежиз эмас. Кушонлар даври Сўғдининг ўтроқ аҳолиси аввалгидек Шарқий Ўрта ер денгизи типда эди. Сўғднинг маҳаллий чорвадор аҳолиси ҳам улардан фарқ қилмас эди. Аммо, Бухоро воҳаси чорвадор қабилалари (милоддан аввалги V – III асрлар) типда мўғул башара иркий белгилар худди шимоли-шарқий Орол бўйи аҳолисидагидек кучли эди. Шу ҳолат Орол бўйи усунларида, Тяньшан, Еттисув аҳолисида ҳам кузатилади. Демак, хулоса қилиш мумкинки, Марказий Осиёнинг ғарбий минтақалари орқали мўғул башара типларнинг Бухоро воҳасига кириб келиши юз берган¹⁵.

Тошкент воҳасининг ўтроқ ва чорвадор аҳолиси. Ковунчи маданияти. Сирдарё ўрта ҳавзаси антик даври ўтроқ ва чорвадор қабилалари учун характерлидир. Унинг марказий вилоятлари Тошкент воҳаси ва Жанубий Қозоғистоннинг Чордара сув омборига қадар бўлган ҳудудлар бўлиб, унинг таъсири шарқда Еттисув ва Шимолий Фарғонагача, ғарбда Бухоро воҳаси, жанубда Қашқадарё ҳавзаларигача ёйилган. Археологлар унинг хронологик сана доирасини (милоддан аввалги II – милодий VI асригача) аниқлаганлар. Қабрларнинг тузилиши айвон ва лаҳатли бўлиб, этномаданий ривожининг сўнгги босқичида мазор-қўрғонлар билан бирга оилавий хилхоналар (новуслар) ҳам учрайди. Қадимги давр мазор-қўрғонлари Охангарон воҳасида, айникса, унинг юқори қисмида кўп учрайди. Мазор-қўрғонларни археологик жиҳатдан ўрганиш ўтган асрнинг 30-йиллариданок бошланиб кетган. Дастлабки казишмалар Тўйтепа, Пскент туманларида олиб борилди. Ўтган асрнинг 50-йилларида Туябўғиз, Мингтепа новуслари ўрганилди.

¹⁵ Ходжайов Т. К. К палеоантропологии древнего Узбекистана... – С. 43–44.

Бирок, уларни казиш жараёнида олинган краниологик материаллар ўрганилмай, йўқолган. Сўнги бронза ва илк темир даври материаллари ҳам етарли эмас. У давр аҳолисини брахикефал европеоид ва долихокефал европеоидлар деб тахмин қилиш мумкин. Милодий I асрга тегишли калла суяклар орасида Шарқий Ўрта ер денгизи типи, андронид ва мўғул башара одам суяклари учрайди.

Антик даврга оид калла суяклар Бўзсув бўйлари, Ниёзбоши (Янгийўл) қабристонидан топилган. Улар деформацияли брахикефал бош чаноклардан иборат. Умуман олганда, Тошкент воҳасининг ҳам ўтроқ, ҳам чорвадор аҳолиси орасида турли тип вакиллари учрайди. Айниқса, воҳанинг чорвадор аҳолиси суяклари Қозоғистон чўлларининг сак ва усун қабилалари серияларига ва Бухоро воҳаси брахикефал европеоидлари билан кўпроқ ўхшашликка эга. Ўтган асрнинг 70-йилларида “Тошкент денгизи” теварак-атрофидан Қовунчи маданиятига тегишли йирик қабристон очиб ўрганилди. Краниологик материаллар милодий I – II асрларга оид¹⁶. Бош суяклардаги ирқий белгилар брахикран европеоид типли бўлиб, уларда мўғулий ирқий белгилар ҳам бор. Милодий I – II асрларга тегишли 30 дан ортиқ қабрлар Кавардан қабристонидан очилди. Уларнинг барчаси европеоид ва монголоидга хос ирқий белгилар билан характерланади. Кавардан эркакларга нисбатан аёлларда европеоид типига хос белгилар кучли. Тошкент воҳасига мўғулий типининг кириб келиши тахминан милодий I асрдан кучайган кўринади.

1977 йилда қадимги Тункет шаҳар харобалари яқинидан милодий I асрларга тегишли Кулота қабристони ўрганилган. Унинг краниологик серияси брахикран, бош чанокнинг орқа қисми эзилган, калла суякларда мўғулий ирқий белгилар кучли. Каллалар орасида битта долихокефал европеоид учрайди. Кулота краниологик сериясида ўтроқ ҳаётга ўтаётган брахикефал европеоидлар кузатилади. Бундай сериялар Тошкент воҳасининг Қовунчи маданияти аҳолисига характерли тип бўлиб, бу тип Туябўғиз, Хонтепа, Янгийўл, Вревск, Кавардан краниологик материалларида ҳам яхши кузатилади. Марказий Осиёда мўғул башара ирқий белгиларни бошланиши илк темир давридан бошланган бўлса, унинг аниқ кўриниши Қовунчи маданияти аҳолисида яққол кўзга ташланади.

¹⁶ Буряков Ю. Ф., Алимов К., Бурякова Э. Ю. Исследования в зоне Туябутузского водохранилища... – С. 456.

Юқоридагилар тахлилидан келиб чикиб айтиш мумкинки. Тошкент воҳаси нафақат маданий, балки антропологик режада ҳам кўшни Фарғона водийсига, айниқса, унинг шимолий минтақаларига кучли таъсир қилганлиги эҳтимолдан узок эмас.

Қадимги Фарғона аҳолисининг антропологик тип. Фарғона водийси Марказий Осиёнинг йирик суғорма деҳқончилик маданияти ривожланган минтақаларидан бири бўлиб, қадимда турли хил хўжалик сохиблари ўртасида олиб бориладиган ўзига хос этномаданий ҳудуд бўлган. Милоддан аввалги II асргача ёзма манбалар водий ҳақида деярли маълумотлар бермайди. Аммо, милоддан аввалги II асрдан бошлаб қадимги Фарғонани Қанғ давлати билан иктисодий ва сиёсий ҳамда этномаданий алоқалари ривожланганлиги ҳақида Хитой ёзма манбалари ва маълумотлар ёзиб қолдирган.

Археологик тадқиқот натижаларига кўра, қадимги Фарғонанинг шарқий ва шимолий минтақалари (Андижон ва Наманган вилоятлари территорияси), яъни Қорадарё ҳавзаси ва тоғ сойлари этакларида бронза ва илк темир даврида деҳқончилик маданияти (Чуст маданияти), унинг жанубий ва ғарбий қисмининг адирли минтақаларида асосан чорвачилик хўжаликлари ривожланганлигидан далолат беради. Аммо, милоддан аввалги IV асрдан бошлаб, қадимги Фарғонанинг жануби-ғарбида ҳам суғорма деҳқончилик хўжаликлари таркиб топа бошлади. Антик даврида бутун водий бўйлаб, воҳаларда деҳқончилик, тоғ олди ва адирли минтақаларда ярим кўчманчи чорвачилик тараккий этади. Шу муносабат билан водий ўтроқ аҳолисининг аксарият кўпчилиги долихокефал европеоид бўлса, дашт аҳолисининг этник таркиби турлича эди. Масалан, милоддан аввалги V – III асрларга тегишли Оқтом қабристонидан топилган қалла суяклари асосан маҳаллий мезо-брахикран европеоид аҳоли бўлиб, улар бронза даврининг долихо-мезокран қабиаларнинг авлодлари эди. Улар андроново маданияти аҳолиси таъсирида брахикефаллашган. Ўзган теварак-атрофи аҳолиси эса (мил. авв. III – I асрлар) мўғулий ирқий белгили европеоидлар бўлиб, улар билан бир типли аҳоли милоднинг бошларида Етгисув ва Тяньшанда кенг тарқалган. Ғарбий Фарғонанинг милодий II – IV асрларига тегишли Ширинсой қабристони аралаш краниологик материал берди. Унинг таркибида Хуросон, Урал-Олтой ва европеоид дравидоидлар аралашиб кетган. Хўжанд яқинидаги Қайрағоч

кабристонидан топилган суяклар эса “Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи”ни эслатади. Исфара атрофидан 6 та кабристон мўғулий элементларисиз соф “Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи”ни берган. Милодий I – III асрларга тегишли Қувасой аҳолиси маҳаллий ўтрок аҳолининг долихокефал ва брахикефал бош чаноклардан ташкил топган европеоид типини берди. Шимолий Фарғона чорвадор аҳолиси таркиби (антик давр) мўғулий кўшилмали европеоидлар бўлиб чиқди.

Шундай қилиб, қадимги Фарғонанинг асосий аҳолиси “Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи”нинг мезобрахикран европеоид варианты билан характерланади. Аҳолининг таркибида Шарқий Ўрта ер денгизи типи ва Жанубий Сибирь типи вакиллари ҳам учрайди. Европеоид типлар қисман мўғулий ирқий белгилардан ҳам холи эмас. Қадимги Фарғонанинг краниологик материаллар таҳлилига қараганда, европеоид ирқий белгилар водийнинг гарбий районлари аҳолисида кучли. Жануби-шарқий Фарғона ҳудудларида эса европеоид тип орасида қисман мўғулий башара одамлар ҳам учрайди. Шимолий Фарғона районларида европеоид аҳоли орасида мўғулий ирқий белгилар водийнинг бошқа минтақаларига қараганда анча кучли эканлиги кузатилади.

III. 3. Ўзбекларнинг анъанавий хўжалиги

Ўзбекистон замини Марказий Осиёнинг энг қадимий, осори-атикаларга бой, моддий-маданий турмуш тарзи кишилик жамиятининг энг кўхна даврларига бориб тақаладиган ўлкадир. Дехқончилик, чорвачилик, деярли хўжаликнинг барча соҳалари неча асрлардан буён ривожланиб келмоқда. Ўзбекларнинг аجدодлари асли дехқон, чорвадор, ҳунарманд халқ ҳисобланади.

Дехқончилик. Ўзбеклар аждодлари энг қадимги замонлардан буён ерга ишлов бериш билан тирикчилик қилиб келади. Дон-дун, мева-чева, полиз, резавор экади. Марказий Осиёнинг барча воҳа ва водийларида йирик ва майда дарё ирмоқлари, кўл ва булоқлари атрофидаги суғориб дехқончилик қиладиган лалми, яйлов, қир, адир, тепаликлари деярли дехқончилик ерларига айланиб кетган. Экинларни суғориш учун дарё, кўллардан, ирмоқ ва булоқлардан фойдаланилган ва ариқ, зовурлар қазилган.

Суғориб дехқончилик қилинадиган ерларда қишлоқ жамоала-

ри мавжуд эди. Жамоа бир канча оила уруғларидан ташкил топган бўлиб, айрим жамоалар 4–5 қишлоқ одамларини ўзига бирлаштирган. Бундай жамоалар биргаликда муайян ишларни бажарар эди. Жамоанинг алоҳида арик-каналлари бўлар, ким нима иш қилиши. қачон. қайси навбатда суғориши. нимани қаерга экиши билан боғлиқ масалалар олдиндан келишиб ва белгилаб олинарди.

Жамоалар ғаллакор, шоликор, пахтакор гуманларда тузилар эди. Жамоа аъзолари – деҳқонларнинг меҳнати бир неча услубда ташкил этилган. Ўз воситалари билан ишлайдиган оилалар мустақил ишлар эди. Иш кучи ёки асбоб-жиҳозлари етишмаган бир неча деҳқон бирлашиб жамоавий меҳнат қилар эди. Оила аъзолари билан ҳақбай ишчилар биргаликда меҳнат қилишлари ҳам мумкин бўлган.

Арик, зовур, каналларни тозалаб таъмир қилиш учун жамоадаги ҳар бир оила ҳар йили албатта бир ёки икки марта биргаликда ишга чиққан. Жамоалар орасида “алгов”, “ҳашар” каби биргаликдаги иш шакллари қўлланилган. Жумладан, “Алгов”да от-уловни бир-бирига қарзга бериб турган ёки далада, боғида, томорқада бирга ишлаб берган. Ҳашарда эса ҳамма бир-бирига текинга ўзаро ёрдам берган.

Деҳқончиликда “қўш” (Зарафшон водийси), “чек”, “чик”, “чак” (Тошкент воҳасида, Шимкент атрофидаги ерларда), “пайкал”, “чеклар” (Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларида), “отлик” (аскарга ажратиб берилган ер), “бир отлик”, “жабди” (“еб”, “ёл”) шакллари (Амударёнинг қуйи оқимидаги ерларда) мавжуд эди.

XIX аср охириги чорагига қадар деҳқончиликда асосан дон-дун етиштириб келинган. Айниқса, бугдой билан арпа кўп экилган. Кузги бугдой ёки арпа экилган ерларга келаси йили тариқ сепилган. Ер ҳосилдорлиги камайиб кетмаслиги учун маҳаллий ўғитлар, жумладан, гўнг, эски девор тупроғи, кесак, гувалалар майдалаб сочилган.

Ғалла экиладиган ерлар кузда шудгор қилинган. Ер омоч билан от ёки қўш ҳўкиз ёрдамида ҳайдалган, омочнинг ўзини ёнбошлаб қалин тахта мола ёки бўлмаса шохмола билан текисланган. Дон экилган ерлар суғорилган. Шўрхок ерлар шўрини ювиш учун қишда суғориш ҳоллари йилига бир-икки уруғ униб чиққан заҳоти ва дон тугиш бошлаган вақтда ҳам бўлган.

Ўзбекистон иклими ва табиий шарт-шароитларидан келиб

чикиб. ҳосил май ойининг охири – июннинг бошида ўрок билан ўриб олинган.

Ғалла-дон бошоқлари хирмонда ёйилиб. устидан от, хўкиз ёки эшак юргизилган. Вақти-вақти билан сомонни майдаланаётганига қараб. янги буғдой ёки арпа боғламлари ташлаб турилган. Аввалига ёғоч паншаха, кейин ёғоч курак билан совурилган.

Сугориб етиштирилган буғдой билан арпа лалми буғдой, арпага қараганда уч-тўрт барабар кўп ҳосил қилган.

Ғалла-дон ҳосили сув тегирмони, кўл тегирмони (“ёрғучок”)да тортилган.

Ўзбекистоннинг кўпчилик ерларида донли экинлардан жўхори, маккажўхори, дуккакли экинлардан мош, ловия, шоли етиштирилган.

Сугориб дехқончилик қилинадиган ерларда беда, йўнғиқча экилган.

Қишлоқ ва шаҳар ҳовлиларининг деярли ҳаммасида тоқзорлар бўлган, мевали дарахтлар ўтказилган. Тоқзорнинг жуда кўп турларидан ҳосил олинган. Чиллаки, қора кишмиш (шивилғони), хусайни, чарос, кирмиска. тоифи, паркати, оқ кишмиш. қора кишмиш. нимранг, даройи, қаттақўрғон (маска), оқ ҳалили. қора ҳалили, тошбуаки, сояки, обаки, норбуали, юмалоқ, бахтиёри ва бошқа навлари кенг тарқалган эди. Айрим ерларда кунжут, зиғир, кўкнори етиштирилган.

Дехқончиликнинг энг йирик соҳаси пахтачилик бўлган. Айниқса, Россия Туркистон ерларини босиб олганидан кейин пахта майдонлари янада кенгайган. Туркистон Россия империясининг асосий пахта хомашё базасига айланиб қолди. Жайдари ғўза ўрнига нисбатан тезпишар, серҳосил, толаси узун америка ғўза нави экиладиган бўлди.

Туркистонда илк бор помидор, картошка, қанд лавлагиси, қарам, булғор гаримдориси, баклажон ва бошқалар экила бошланган.

Полизчилик, резаворчилик кенг тарқалган. Хилма-хил кўкатлардан тортиб пиёз, сабзи, кизилча, турп, шолғом, редиска, қалампиргача етиштирилган. Полиз экинларидан қовокнинг хилма-хили, қовун, тарвуз, хандалак, бодринг, таррак кўп экилган.

Қишлоқларда, шаҳар ҳовли жойларида, боғ-роғлар кўп бўлган. Олма, ўрик, анор, шафтоли, нок, олхўри, гилос, олча, беҳи, бодом, писта, ёнғоқ, тут дарахтларидан мўл ҳосил олинган.

Ўзбекистон қовуни ва узумларининг ўнлаб ажойиб навлари ва

уларнинг ширин-шакарлиги билан донг чиқарган. Хўл меваларидан ташқари курук меваларни етиштириш ҳам бутун мамлакатда кенг тарқалган эди.

Чорвачилик. Ўзбеклар хўжалигининг муҳим тармоқларидан яна бири чорвачилик бўлган. Марказий Осиёда Дашти Қипчоқдан кўчманчи элатлар кўчиб келмасдан олдин яшаётган туркий қабилаларининг кўпчилиги чорвачилик билан шуғулланар эди. Ўзбек қабилалари орасида турк ўзбеклар, лақайлар, карлуклар, кўнғиротлар асл чорвадор қабилалар бўлган.

Кўйчивонларнинг пири Чўпон ота ҳисобланган. Кўйчилик чорвачиликнинг асосий ва эъозланиб келинаётган соҳасига айланган. Бу соҳада қорақўлчилик бош ўринда турган. Кўй-кўзилар эрта баҳордан кеч кузгача яйловларда боқилган.

Кўй зотлари ичида қорақўл кўйлардан кейин Ҳисор кўйлари ниҳоятда қимматли бўлган. Улар Ўзбекистоннинг жанубий туманларида боқиб кўпайтирилган. Жайдари кўйлари Ўзбекистоннинг деярли барча туманларида боқилган. Айрим ҳолларда кўй-кўзиси, моли кўп чорвадорлар ўз молларини бир қисмини муайян шарт билан тоғли қирғиз чўпонларига беришган.

Кўй-кўзидан ташқари эчки, улоқ, бузоқ, хўкиз ҳам боқилган.

Чорвачиликда яна йилқичилик ҳам катта аҳамиятга эга эди. Аммо йилқичиларни асосан лақай ҳамда марка чорвадор ўзбеклар боқишган. Қорабайир ва лақай зот отлари кўплаб етиштирилган.

Ўзбекистоннинг чўл-саҳро, дашт-биёбонларда яшаётган аҳолиси туячилик билан ҳам шуғулланган. Кўпроқ Бухоро воҳаси атрофидаги ерларда, Қарши чўлида бу соҳа жуда ривожланган. Жанубий туманларда бир ўрқачли, шимолий туманларда кўш ўрқачли туялар боқилган.

Пиллачилик. Ўзбеклар хўжалигининг яна бир азалий тармоғи бу пиллачиликдир. Марказий Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон ерларига ипак курти милоннинг IV асрида Хитойдан келтирилган.

Ипак куртини боқиш ва унинг пилласидан сифатли хомашё олиш жуда кўп меҳнат талаб қиладиган мураккаб, оғир иш бўлганлиги учун пиллачилик билан нисбатан кам шуғулланган. Майда қосибхунарсандлар ипакдан рўмол, дарпарда, ҳар хил уй жиҳозлари, попуқлар тайёрлашган. Пиллачилик Бухоро, Фарғона, Қўқон, Марғилонда айниқса кенг ривожланган. Бу ерларнинг пиллалари Туркистоннинг барча шаҳар, қишлоқларига олиб бориб сотилган

ва олди-сотдида жуда юкори баҳоланган.

Хунармандчилик. Ўзбек халқи жуда қадимдан косиб-хунарманд бўлган. “Йигит кишига қирк хунар ҳам оз” деган ажойиб мақолга амал қилиб, ўзбек йигит ва қизлари болалик, ўсмирлик даврлариданок бирон хунарни эгаллашга ҳаракат қилишган. Деярли ҳар бир қишлоқ, шаҳардаги 5–10 маҳалланинг бирида ўз нонвойи, тегирмончиси, кассоби, дурадгори, саргароши, тақачиси, темирчиси, ямоқчиси, ип йигирувчиси, тўқувчиси, кўнчиси, тикувчиси мавжуд эди. Олис қишлоқларда бир йўла бир неча хунарга кўл урадиган хунармандлари бўлган.

Ип йигирувчи ва тўқувчи хунармандлар ниҳоятда кўп бўлган. Қарийб ҳар бир хонадонда хотин-қизлар, айникса кекса онахонлар кўп кунларини чарҳда ип йигириш билан ўтказганлар. Қишлоқда, шаҳарда чарҳи, урчуғи йўқ бирон хонадон бўлмаган. Пахта ё жундан тола олиш, ип йигиришдан тортиб йигирилган ипдан хонадон эҳтиёжларига қараб ҳар хил кийим-кечак, уй-рўзғор буюмларини тикишгача бўлган ишларнинг ҳаммасини хонадоннинг аёллари бажаришган: бири урчукда тола олиб, бири чарҳда ип йигирган, ипни керакли рангга бўяган. Баъзан бир аёлнинг ўзи айни вақтда ип йигирувчилик, бўёқчилик, бичувчилик, тўқувчилик ва тикувчилик вазибаларини адо этган. Кийим-кечакка, уй-рўзғор буюмларига талаб, эҳтиёж орта боргани сайин бу ишларда ихтисослашиш жараёни қучаяди, меҳнат тақсимооти кенгайган, чарҳчи, бўёқчи, бичувчи, тикувчи, тўқувчи каби ихтисосликлар кўпайган.

Тўқувчилик, читчи ва ипакчи мутахассисликларга бўлинган. Бири фақат чит, бўз тўкиш билан, иккинчиси ипак газламалар тўкиш билан кун кечирган. Улар билан ўзаро ҳамкорликда читгарлар (газламаларга гул босиб берадиган мутахассислар) ишлаган.

Пиллани теварак-атрофдаги қишлоқлардан, баъзан Бухоро, Фарғона водийси шаҳарларидан қатнайдиغان бой савдогарлардан сотиб олишган.

Ипакчиликда пиллакаш билан тўқувчи бирлашиб иш қилинган: Уларнинг бир қанча шогирдлари бўлган: найчевар, чартоб ва бошқалар. Биринчиси чархон ғилдиракни айлантрииб, ипни қатта найчаларга яхши, тўғри ўралишини кузатиб ўтирган, кейингиси мосламани бошқарган. Одатда пиллакаш ҳам, тўқувчи ҳам ўз уйида иш қилган.

Шойи ипак газламаларни ўсимлик мойлари билан ҳар хил

рангга бўялган. Тикувчилик соҳасида меҳнат тақсимоти мавжуд бўлган: тўнчи, тикувчи, машиначи, телпакчи, маҳсидўз, пўстиндўз, дўппидўз.

Қадимдан кенг тарқалиб келган хунармандчилик соҳаларидан яна бири *кўнчиликдир*. Бу соҳа Россия империяси ҳукмронлиги вақтига келиб анча сусайиб кетган. Кўпчилик хом тери-чарм ва ошланган тери ишлаб келган. Бу иш билан чармгар, кўнчи, сахтлангар, мешгар номлари билан маълум бўлган усталар шуғулланган. Хом тери ишловчи устани чармгар, маҳси ва мешкоп тикувчи устани сахтлагар, кўй-қўзи ва эчки терисидан чарм тайёрловчи усталарни мешгар дейишган.

Пойабзалчи усталар этикчи, маҳсидўз, ковушдўз деб аталган. Қуллолчиликда тандирчи, хумдончи, бадиячи, кошинчи каби усталар ишлаган.

Дегрезчилик хунари ўзбекларнинг энг қадимий хунарларидан бири ҳисобланади. Мисгар, рехтгар, зангуласоз, заргар усталар маҳсулотларига эҳтиёж катта бўлган. Чўяндан қозон қуйиш ишлари Марказий Осиё ерларида III – V асрлардаёқ яхши ривожлангани маълум. Қуйма чўян, бронза, мис буюмлар билан ишлашда ўзбек усталарига тенг келадигани бўлмаган.

Қўли гул усталар ишлаган қадимий металл буюмларининг хилма-хили республикамизнинг кўпгина музейларида намойиш қилинаётгани бежиз эмас. Қуйма қозонлар, шамдон, чирокдон, манқалдон (уйни иситадиган чўян кўмирдон), ўсмадон, қулф, занжир, турли бадий буюмларни бугунги кунда ҳамма қизиқиб томоша қилмоқда. Мисгарлар ясаган қумғон, офтоба ва турли-туман уй-рўзғор буюмларига талаб катта бўлган.

Хунармандлар орасида бешикчи, кигизчи, арқончи, совунчи, шамчи, ширапаз, нишолдачи, носвойчилар ҳам мавжуд бўлган.

Транспорт. Ўзбекистон қадимий қарвон йўлларига бой ўлка ҳисобланган. Буюк ипак йўли бутун дунёга машҳур бўлган. Бу йўлдан от, туя қарвонлари кетма-кет ўтиб турган. Қарвон йўллари кўҳна Хоразмдан шимолда Қазалинск, Перовск, Иргиз шаҳарлари томон, ғарбда Астрахань, Каспий денгизи қирғоқлари сари, шарқда Жиззах, Тошкентга, жанубда эса Ашғабот, Мари, Бухорога олиб борган.

Бухоро қарвон йўлларининг айна чорраҳаси ҳисобланар эди. Шимолдан – Қазалинскдан, шарқ билан ғарбдан – Қоракўл, Кар-

мана, Самарканд, жанубдан – Қаршидан катнар эди. Тошкентда бир томондан Оренбург, иккинчи томондан Верний (Алма-Ата)дан келадиган йўллар туташган эди.

Кўпинча туя карвонлари билан йўл юрилган. Одатда, ҳар бир карвонда 20–30 та баъзан эса ҳатто 60–70 та туя бўлган. Карвонбошига нор туя қўйилган. Бой савдогар ёки карвон эгалари бу туяга юк ортмасдан, уни чиройли ясатишган. Эгари четларига попукли қизил жиҳозпуш солиниб, бўйнига чарм тасма билан катта “дум-дум қўнғирок, пастроғига ундан кичикрок “тукур” қўнғирок, олдинги икки оёғининг остига бештадан думалок шиқилдоқ-қўнғирокчалар осилган. Бу қўнғирокчалар “тизгир” дейилган.

Карвоннинг охирига лук туя қўйилган. Уни бўйнига “тусай қўнғирок”, кулоклари остига биттадан “чакка қўнғироклар” осилган. Карвон орасидаги туяларга ҳам биттадан “чакка қўнғироклар” осилган.

Туялардан бирон ерга бориб келиш учун ҳам фойдаланилган. Хотин-қизларни туяга ўтказиш учун кажава (соябон) ўрнатилган. Келинни олиб кетаётганда безак парда тутилган кажавадан фойдаланилган.

Юк ташишда туядан бошка от, эшак ҳам ишлатилган. Отга одатда 120 кг гача, эшакка 300 кг гача юк ортилган. Чўпонлар, дехқонлар, карвончилар кўпинча эшак минишган.

Чўлга чиқиш керак бўлган ҳолларда аравадан ҳам фойдаланилган. Аравалар асосан икки хил бўлган: Қўқон арава, Хоразм арава ва қорақалпоқ араваси ҳам мавжуд. Археологик қазилмалардан топилган ёдгорликларга қараганда, Хоразм араваси анча қадимий арава ҳисобланади. У Қўқон аравасига қараганда анча вазмин бўлиб, ғилдираклари каттароқ. Хоразмлик аравакаш аравадаги маҳсус ўринда ўтириб, отни бошқаради. Қўқон аравасида эса отга ўтирилган. Қорқалпоқ аравасида ҳам аравакаш учун маҳсус ўриндик қурилган.

Дарё, кўл, денгизларда сузиб юриши учун қайиқ, кема ишлатилган. Қамиш боғламларидан ясалган солдан ҳам фойдаланилган.

Кулолчилик. Ўзбекистоннинг турли худудларида кўп йиллар давомида олиб борилган ва давом эттирилаётган археологик қазилмалар вақтида кулолчилик намуналари топилган. Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларидан, Тошкендаги Шоштепа, Оқтепадан чиққан сопол буюмлар кулолчилик Ўзбекистон диё-

ридаги энг қадимий амалий санъат турларидан бири эканлигига ёрқин далил бўла олади.

Асрлар давомида ривожланиб келган бу амалий санъат турининг ўз миллий хусусиятлари билан ажралиб турган ва машҳур бир қанча мактаблари ва марказлари бўлган. Зангори кулоллик деб аталган соҳалари мавжуд эди.

Хоразм зангори кулолликнинг асосий марказларидан бири ҳисобланган. Кўхна Хоразмда учта қадимий зангори кулоллик мактаби бўлган: Мадир кулоллик мактаби, Каттабоғ мактаби, Кўхна Урганч мактаби. Гарчи ҳаммаси ҳам зангори кулоллик буюмлари ишлаш билан банд бўлса-да, нақш шакллари услуби жиҳатидан бир-биридан анча фарқ қилган.

Урганч шаҳридан 16 км жанубда жойлашган Мадир қишлоғи қадимдан кулолчилик марказларидан бири ҳисобланган.

Каттабоғ қишлоғи ҳам қадимдан кулолчилик марказларидан бири бўлиб келган. XX аср бошларида бу ерда ҳам 26 та кулоллик устахонаси бўлиб, уларда 200 дан ортиқ кулол ишлаган. Шаҳрисабзда махсус кулоллик маҳалласи мавжуд эди. 1930 йилларда бу ерда 25 дан ортиқ кулоллик дўконлари бўлган. Шаҳрисабз кулоллари Оқ саройни. Амир Темур сағанасини куришда иштирок этишган.

Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Риштон кулолчилиги маҳсулотлари ҳам азалдан жуда эъозланиб келинган. Чунончи, бу ҳудудларда ясалган лаганлар машҳур бўлса, Хоразмда бадия деб аталадиган чуқур сопол товоқ жуда қадимдан ишлаб келинаётган сопол буюмларидан ҳисобланади.

Қўли гул ўзбек кулоллари ишлаган сопол буюмлари хилма-хиллиги, нафис ва жозибалилиги билан ҳалигача ҳамманинг диққат-эътиборини ўзига жалб этиб келмоқда.

Кандакорлик. Металл буюмларга бўртма усулда ишлов бериш касб-ҳунари аجدодларимизнинг азалий амалий санъати турларига киради. Қадимги ва илк ўрта аср даврида асосан ҳалланган кумуш буюмларга бўртма нақш солинган.

Милодий III – VIII асрларда кандакорлик чинакамига ривожлана бошлайди. Қизил мисдан кўза, дегчалар, идиш, сариқ мис ҳамда жездан паймолнлар, шамдонлар, оқ мис бринчдан пиёлалар, кўзалар, кир тоғоралар ясалади.

XI аср ўрталарига келиб мис ва унинг қотишмасидан янги

хил буюмлар – тўғри тўртбурчакли баркашлар, корни юмалок, бўйни нақшдор кўзалар, ярим доира паймоллар, ховончалар, сиёҳдонлар, бринч кўзалар тайёрланади. Ёзувли нақшлар кенг микёсда қўллана бошланади.

Зеб-зийнат бадавлат хонадонлар: хон, амир, султон, бек, ҳокимларнинг саройлари, уй ичида ўзининг танҳолиги ва мўл-қўллиги билан ҳамиша кишиларни ҳайратга солиб келган. Испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо Самарқанддаги Амир Темури саройига саёҳат кундалигида Соҳибкирон саройи ичида кўрганларини куйидагича тасвирлайди: “Дарвозанинг рўпарасида чодир ўртасида жавонга ўхшаш кичик бир сандиқ қўйилган, унда кумуш ҳамда (бошқа) идишлар сақланарди. Сандиқ олтиндан ясалган бўлиб, сиркор ва бошқа бўёқлар билан сайқалланган. Баланглиги одам кўкрагидан келадиган сандиқнинг усти силлик, гардиши майда тишли кунгуралар билан безалган. Кунгуралари мовий ва оқ сирли ранглар билан бўялиб, марварид ва (кимматбаҳо) тошлар қадалган. Сиртининг бир жойига марварид ва тошлар оралиғига хирароқ тусда, майда ёнғоқ ҳажмида дум-думалок бир дон ўрнатилган. Сандиқнинг кичик эшикчаси бор, ичида чинни пиёлалар сақланади. Устида зумрад ва марваридлар қадалган олтита тилла қувача турибди. Шунингдек, дурли ноёб тош доналари билан безатилган олтита думалок олтин пиёла ҳам қўйилган.

Ушбу сандиқ ёнида баланглиги бир қарич келадиган кичик олтин хонтахта турарди. Хонтахта ҳам (кимматбаҳо) тошлар ва йирик маваридлар билан безатилган. Унинг уст тарафига жозибали рангда, тахтадай силлик зумуррад ўйиб ўрнатилган. Зумурраднинг узунлиги қарийб тўрт қарич, эни бир ярим қарич бўлиб, бутун хонтахта сиртини кесиб ўтган.

Ушбу хонтахта қаршисида эман дарахти шаклидаги “олтин” дарахт турибди.”

Ўзбеклар хунармандчилиги, амалий санъатининг қадимий кўҳналиги, ранг-баранглиги, раванқ, камолоти жиҳатидан улар билан тенг келадиган халқ бўлмаса керак. Ўзбек амалий санъати Шарк мамлакатлари тарихида шубҳасиз олдинги сафларнинг бирида туради. У ниҳоятда чуқур илдиз отган, тарихи милоддан олдинги неча минг йилликларга бориб тақалади. Фарғона, Бухоро ва Самарқанд қандакорлигида меъморчилик обидаларининг тасвирлари пайдо бўлади. Кўкон усталари афсонавий паррандалар обра-

зини кандакорлик санъатига тадқиқ этишади.

Мисгарлик санъати ҳам кандакорлик санъати анъаналарига якин туради. Мисдан ишланган буюмлар қадимдан ўзбек хонадонларида кенг қўлланиб келинган. Бу буюмлар Тошкент, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз. Қўкон сингари йирик ҳунармандчилик марказларида кенг миқёсда. ҳар бири ўз миллий анъаналарига мос услубда кўплаб миқдорда тайёрланган.

Бухорода асосан чой идишлар, офтобалар, чилимлар, дастшўйлар, туфдонлар, ҳар хил шаклдаги озиқ-овқат сақлаш идишлари ясалган. Бу буюмлар “ислимий” ҳамда “чашми булбул” нақшлар билан зийнатланган.

Қарши, Шаҳрисабз мисгарлик буюмлари Бухоро мис буюмларига караганда оддийлиги ва бир хиллиги билан ажралиб туради.

Тошкентда мисдан кашқул, барқаш, обдаста, сатил, сув ташийдиган, овқат сақлайдиган идишлар, Қўконда чой идиш, чойнак, кўза, офтоба, лаган, дастшўйлар ясалган.

Қурол-аслаҳалар ишлаш санъати ҳам жуда қадимий бўлиб, ўз миллий услубини сақлаб қолган ҳунарлардан биридир. Ўзбек усталари ишлаган қинли ханжар ва қиличлар, совут, қалқон, дубулға, юган, бўйин боғич, ойболталар нақш безакларига жуда бой нафис буюмлардир.

Ўймакорлик. Ёғоч, ганч ва бошқа нарсаларни ўйиб, нақш солиш санъати борасида ҳам ўзбек эли жуда қадимдан шуҳрат қозонган. Ўтмишда Қўкон ҳамда Хива ўймакорлик мактаблари бутун Марказий Осиё худудида маълум ва машҳур бўлган. Бухоро ва Самарқанд ўймакор усталари ишлаган намуналар ранг-баранглиги, ганчнинг нимранг, кўкиш, тўқ сарғиш, қизил, ложувард ранглари билан ҳамоҳанглиги билан ажралиб туради. Қўкон, Хива усталари ёнғоқ, чинор, қайроғочга ўйиб солган нақшлари кишининг диққатини ўзига тортади.

Тошкент наққошлари қўлидан чиққан бир тавақали ва қўш тавақали эшиклар, дарвозалардаги нақшлар ўймакорлик санъатининг камолотидан далолат беради.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг фахрий аъзоси, Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби бухоролик марҳум уста Ширин Муродов қўли билан бунёд этилган ажойиб ўймакорлик намуналари республикамиз ўймакорлик санъати тарихида ўчмас из қолдирди. Истеъдодли усталар Т. Арслонқулов, Ш. Ғофуров, К.

Жалилов ва уларнинг қобилиятли шогирдларининг номлари кўхна элимиз тарихида доимо миннатдорлик билан тилга олинади.

Каштадўзлик. Ўзбек халқи амалий санъатининг энг нафис, энг жозибали турларидан бири каштадўзлик. Кундалик ҳаётимиз, рўзгоримизни каштадўзлик буюмларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Меҳмонхонага осиладиган палаклар, тахмон, докча, кўрпа-ёстиқлар, кроват устига ёпиладиган, деворга осиладиган ранг-баранг бежирим, сержило кашталар хонадонимизга ўзгача тус, кўрк бағишлайди. Турли газлама аёллар сарполарига тикилган гул, безаклар уларнинг янада ёрқин ва гўзал бўлиб кўринишига олиб келади. Каштадўзлик асосан ўсимликлар тасвири, яъни ислимий нақшлар ҳисобига бойида, айниқса шойи иплар билан гул чизиш услуби каштадўзликда муҳим ўрин эгаллайди.

Каштадўзлик нафақат республикамиз, айти пайтда бутун Марказий Осиё ҳудудига кенг тарқалган амалий санъат туридир. У билан деярли ҳар бир хонадонда шуғулланишади. Ўзбек чеварлари каштадўзликда хилма-хил чокларни кўллашади: босма чок, қанда-хаёл, ироқи йўрма. Кашта, гул тикиб безатилган буюмларнинг тури кўп: шоҳи сўзана, дарпеч, палак ва бошқалар.

Ўзбек халқи неча асрлар давомида тараққий этиб келган амалий санъати тарихи анъаналарига ниҳоятда бой, битмас-туганмас ноёб хазинадир.

III. 4. Анъанавий моддий маданият

Уй-жойлар. Ўзбекларнинг анъанавий тураржойлари қадимдан ўзига хос бўлиб, улар яшаган минтақанинг табиий-географик шароити билан боғлиқ бўлган. Тураржойлар барпо этишда қурилиш конструкцияси ва услуби, лойиҳаси ва безаклари билан ажралиб турган, мустақил ва ўзига хос Фарғона, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз меъморчилик йўналишлари машҳур бўлиб келган. Уй-жой қурилишида ўзбекларда баъзи бир ўзига хослик сақланса-да, умумий ягона меъморчилик типи кенг тарқалган бўлиб, қадимий уйлар одатда кўча ва қўшни томони деразасиз девор билан ўралган ҳовлилардан иборат бўлган. Барча тураржой ва хўжалик хоналарининг ойналари ичкари томонга қаратилган. Ҳовли икки қисмга - болалар ва аёллар учун ичкари ҳовли ҳамда номаҳрам эркаклар ва меҳмонлар учун меҳмонхона тарзида ҳашаматли хоналардан

иборат ташқари ховлига бўлинган. Хунармандларнинг уйларида дўкон ва шогирдлар яшайдиган хоналар ҳам ташқарида жойлашган. Энг кўп тарқалган икки хонали уй вариантларидан бири сифатида даҳлиз ва катта уйдан иборат бўлган уйларни кўрсатиш мумкин. Бундай уй-жойлар одатда олди айвонли ва айвонсиз қилиб қурилган. Ўртача оилаларда эса меҳмонхона сифатида уйнинг бир хужраси ажратилган. Аҳоли ўртасида анъанавий пахса уйлар қуриш билан бирга нақшинкор ганчли бинолар қуриш ҳам мавжуд бўлган.

Ўзбекларда доимий уй-жойлар асосан лой девордан қурилган бўлиб, маҳаллий тупроқдан тайёрланган лой асосий қурилиш материали ҳисобланган. Пишган ғиштдан ҳам уйлар қурилган. Бухоро ва Хивада ховли эшикларига жез ёки темирдан ясалган болға ёки халқасимон болдоқ осилган. Эски типдаги уйларнинг хоналари ва ойналари айвонга чиққан, дарчалар ер сатҳи билан тенг бўлган. Эшиклар ичкарига, дарчалар ташқарига очилган. Дераза ёки эшикнинг юқори қисмига ёруғлик тушадиган *пирамон* (тобазон) қўйилган, унга ёғоч ёки ганчдан ясалган панжара ўрнатилган. Уйга қирадиган жойда эшик олдида тўғри бурчакли пешток (пойгак) бўлиб, унга пойабзал ечиб қўйилган. Эшик олдидаги бурчакда сув ташлайдиган (оқизадиган) маҳсус жой (обрез, адан, ташнав) жойлашган бўлиб, унга Бухоро ва Самарқандда мармар тош, Хивада маҳсус сопол буюм ўрнатилган.

Одатда уйларнинг тарҳи оила аъзоларининг сонига қараб бир неча уй (хона), даҳлиз ва айвондан иборат бўлган. Ҳовлида эса хўжалик учун омборхона, хожатхона ва молхона бўлган. Шаҳарларда ёки аҳоли зич жойлашган қишлоқларда меҳмонхона одатда иккинчи қаватда – болахонада жойлашган. Айниқса Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Ургут шаҳарларида жуда шинам меҳмонхоналар қурилган. Бу каби меҳмонхоналардан тўй-ҳашамларда, мотам маросимларида ҳам кенг фойдаланилган. Бундан ташқари, қиш пайтлари меҳмонхоналарда маҳалла эркаклари тўпланишиб гап-гаштаклар ўтказганлар. Ҳозирги кунга келиб замонавий уйларнинг қурилиши анча такомиллашган бўлиб, уйларнинг қурилишидаги миллий анъаналар замонавий кўринишлар билан ўзаро уйғунлашган. Бугунги уйлар муайян режа асосида турли қулайликлар билан қурилмоқда.

Шаҳар ва йирик қишлоқлар яна бир қанча маҳаллаларга

бўлинган. Баъзи жойларда (Тошкент, Андижон, Фарғона, Қўқон, Марғилон, Наманган, умуман, Фарғона водийси шаҳарларида) маҳалла, айрим ерлар (Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Қарши ва бошқа шаҳарларда) гузар деб юритилган. Ҳар қайси маҳалла ёки гузарда аҳолининг ҳовли-жойлари маҳалла (гузар). кўча, тор кўча ёки берк кўчаларга, орқа томони билан қўшни (гузар)га қаратиб солинган. Шу тариқа ҳар бир маҳалла (гузар) бир-биридан уй деворлари билан ажралиб турган. Илгари ҳар маҳалланинг ўз дарвозаси бўлган. Кўчалари дарвоза ичкарасидан қулфлаб қўйилган.

30–80 хонадон, одатда, бир маҳаллага уюшган. Маҳалланинг ўз масжид ва гузари бўлган. Шаҳар кенгайиши билан маҳаллаларнинг сони ҳам ортиб бораверган. XIX асрда – Тошкентда 207 та, Андижонда 43 та, Бухорода 220, Қаршида 20, Шаҳрисабзда 52 маҳалла (гузар), Хивада эса 20 та йирик илок бўлган.

Кўп шаҳарлар, мавзелар, шаҳар четигаги қишлоқлар билан бирига улашиб кетган эди. Мавзеъ, қишлоқ одамлари ҳам муайян бир иш билан шуғулланишган. Шаҳарларга яқин қишлоқларнинг аҳолиси кўпроқ хунармандчилик билан банд бўлган. Суғориб деҳқончилик қилинадиган ерлардаги қишлоқларда боғдорчилик, деҳқончилик яхши ривожланган. Қир-адирлар, тоғ этакларида жойлашган қишлоқларда лалми деҳқончилик, чорвачилик асосий хўжалик машғулоти бўлган. Шу сабабли маҳалла, гузар, қишлоқлар аҳолиси кўпроқ нима билан шуғулланишига қараб ном олган. Эгарчилар, кўнчилар, мардикорлар, аравакашлар, кулоллар, этикдўзлар маҳаллалари, шоликор қишлоқ, ғаллакор қишлоқ, темирчи-тақачи қишлоғи ва ҳоказо.

Йирик қишлоқлар ҳам шаҳарлардагидек маҳалла, гузарларга бўлинган. Ҳар бир фуқаро масжидга қатнаган. Шунинг учун бу маҳаллалар ёки қишлоқлар аҳолисини “масжид-қавм” дейишган.

Кийим-кечаклар. Ўзбекларнинг усти-боши асрлар давомида кўп марта ўзгариб, янгиланиб ва такомиллашиб келмоқда, ҳар бир давр, замоннинг ўзига хос миллий, анъанавий кийим-кечаги бор.

Ўзбекистон ҳудудида яшаган энг қадимги аجدодларимизнинг кийимлари ҳам дунёнинг бошқа минтақаларидаги қадимги кишилар кийимлари каби табиий иқлим, турмуш шароитлари ва уруғ-қабил аънавалари асосида шаклланган.

Ўтмиш кийим-кечаги, уларнинг шакллари, маҳаллий хусусиятлари ва уларга ишлатилган матолар республика ҳудудидаги архе-

ологик ёдгорликлар (Афросиёб, Варахша, Болаликтепа, Холчаён, Айритом ва б.)дан топилган деворий расмлар, хайкалчалар, майда накшлар, торевтика (металлга ишланган рельеф), ёзма манбаларда, кўлёзма китобларга ишланган мўъжаз тасвир (миниатюра)ларда акс этган. Кийимларнинг дастлабки шакли таракқиёти тўқимачиликнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Археологик маълумотларга кўра, Ўрта Осиё худудида тўқимачиликнинг вужудга келиши янги тош асри – неолитга бориб такалади. Асосан, бу даврда Копеттоғ этакларида (Жойтун маданияти) тўқув дастгоҳларининг қолдиқлари аниқланган. Мил. авв. VI асрда кийимда жун матолари тери матоларини сиқиб чиқарган. Мил. авв. II асрга оид кийим қолдиқлари Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилояти худудида жойлашган Сополлитепадан топилган.

Мунчоктепа (Фарғона водийси)дан илк ўрта асрларга оид эркак, аёл ва болалар уст-бошлари топилган. Аёллар кўйлаги узун бўлиб, ипақдан тайёрланган ва этаги тўпиғигача тушган, этагининг энг қуйи қисмидан икки ён томондан 10–15 см қирқиб кўйилган, белларига эса камар (белбоғ) боғлаб зеб берилган. Болалар кийими ҳам ипақдан қалта қилиб тикилган бўлиб, белидан сал пастга тушиб турган. Кўйлак этагидан, яъни бели атрофидан икки томондан 10–15 см қирқиб кўйилган. Ёқалари тўғри ва белида махсус тасма-белбоғи бўлган. Ташки чоклар энсиз лента билан тикиб мустаҳкамланган. Қиз болалар кўйлагининг кўкрак қисми, енгининг учи ва этаги махсус қадама гуллар билан безатилган. Ўнг қўл томонидан эса ўйма чўнтак тикилган. Кийимга мунчокдор тикилиб зеб берилган, энги ва кўкрак қисмига майда маржондан накшлар ишланган.

Тохаристон ва Суғд кийим-кечакларини қиёсий ўрганиш шу нарсадан далолат берадики, Марказий Осиё халқларининг тарихий таракқиёт йўллари ва тақдирлари муштарак бўлган, маданиятлари эса бир-бирига таъсир кўрсатиб келган. V – VIII асрларда Тохаристонда елкаси ёпишиб турадиган ва этаги трапециясимон кўринишдаги кийимлар кийилган. Топилган ёдгорликларда жамиятнинг юкори табақасининг ҳамда хизматкор ва санъат намоёндаларининг ҳаёт тарзи акс эттирилган. Айниқса, Афросиёб, Болаликтепа деворига ишланган тасвирий суратларда кийимларнинг ижтимоий ва жинсий тафовутларини кўриш мумкин. Ўзбекистон худудида яшайдиган халқларнинг кийим-кечаклари узлуксиз

ўзгариши ва ривожланиши фақат шу ҳудуднинг ижтимоий-сиёсий ва этник тарихи билан боғлиқ бўлмай, балки бутун Марказий Осиё тарихи ва ижтимоий ҳаёти билан ҳам боғлиқдир.

Деворий суратлардан маълум бўладики, илк ўрта асрларда маҳаллий аҳолининг кийимлари бичими, асосан, бир хил бўлган. Енгсиз, узун, баъзи ҳолларда энги кенг қилиб бичилган. Кийимларнинг ён томонида, одатда, йирмоч-қийиқ жойи, ёнлама ёқаси бўлганки, бу ҳолни ўзбек халқининг бугунги кундаги кийим-кечакларида ҳам кузатиш мумкин. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида ҳам жуда кўплаб қадимги кийимлар ва газламалар (30 га яқин)нинг номи берилган.

Шунингдек, ўрта асрда яратилган миниатюраларда ҳам ўзбек халқининг ўша даврдаги кийимлари акс этган. XII аср миниатюраларида тасвирланган эркак ва аёл кийимлари этаги бирмунча кенг, ўзига хос бичимда думалоқ шаклдаги кўйлақлар кийганини кўриш мумкин. Олд қисми қисқароқ, орқаси узунроқ бу кўйлақларнинг астари кўпинча йўл-йўл матодан тикилган. Эркак ва аёллар кўйлақлари ташқи жиҳатдан ўхшаш бўлса-да, уларда кўпгина фарқли жиҳатлари бор: аёллар кийимининг энги пастга қараб кенгайиб борган, эркакларникида эса билагига ёпишиб турган. Эркаклар чолворнинг пойчасини узун қўнжли этикка тикиб, бошига салла ўрашган. Аскарлар эса кийим устидан совут кийишган. Асосан, турли рангдаги силлиқ матолардан тикилган кийимлар урф бўлган. Мўғул босқинчиларининг келиши натижасида зўрлик билан киритилган мўғул-хитой анъаналари ўзбек халқи либосларига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. XV асрга келиб, темурийлар ҳукмронлиги даврида эркак ва аёлларнинг турли рангдаги ички ва ташқи қаватли, яъни турли рангдаги авра-астарли икки узун либос кийиши одатга айланган. Ўз навбатида, бу даврда Самарқанд, Ҳирот, Шероз каби шаҳарларда башанг, ранг-баранг, содда ва жозибали маҳаллий бичимдаги либослар шаклланган. Шунингдек, турли минтақалар кийиниш услублари, ранг танланиши ва айрим-бирим безаклари билан фарқланиб турган.

XVII – XVIII асрларда олдинги анъанавий бичимдаги кийимлар тараққий этган ҳолда кийимларда Тошкент, Фарғона, Бухоро, Самарқанд, Хоразм каби шаҳарларга хос турлар ҳам шаклланиб борди. Бу ҳолат кийимларда ўзига хос қисмларнинг вужудга келиши, ўзгача пойабзаллар, бош кийимлар кийила бошланганлиги,

турли матолардан фойдаланилганини аниқ кўрсатиб турарди.

XIX – XX асрлар бошида ўзбек миллий кийимлари мажмуи шаклланиб улгурган эди. Бу даврда Ўрта Осиёнинг бошқа минтақалари, шунингдек, Ўзбекистонда ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши, савдо алоқаларининг тараккий этиб кенгайиши ва Россия империяси томонидан ўлканинг мустамлака қилиб олиниши натижасида минтақага фабрика газламаларининг кенг миқёсда кириб келиши ва ўз навбатида, янги иноэтник кийим-бошлар нусхалари пайдо бўлишига сабаб бўлди. Айниқса, тикув машинасининг кириб келиши кийимлар тайёрлаш жараёнида ўзига хос “инкилобий” ҳодиса бўлди.

Ўзбекларнинг анъанавий кийим-бошлари ичида эркакларнинг миллий либослари алоҳида ажралиб турган. Кийимлари (тўн, кўйлак, яктак, иштон ва б.) яхлит бичимли, бичими тўғри, кенг ва узун бўлиб, эни бузилмаган бир бўлак мато ярмидан бир-бирига улаб узунасига тикилган, ён қисми эса этагига қараб кенгайиб борган. Дастлаб эркаклар кўйлаги узун, тиззадан пастга, кейинроқ эса белнинг ярмисига тушадиган қилиб тикилган. Умуман, Ўзбекистон ҳудудида эркаклар орасида бир нусхадаги тўн, кўйлак-яктак, иштон, дўппи, салла, телпак, қавуш-маҳси, этик, чорик, турли ёрдамчи кийимлар кийилган. Эркаклар кўйлаги Фарғона водийсида узун, тик йирмоч-қийик жойи узунроқ мато бўлагидан бичилиб, бурчак-бурчак қилиб, икки қийик кесилган ҳамда учлари кенг олиниб тикилган. Бошқа хил бичимдаги кўйлақларда йирмоч ётик, у елкадан бу елкагача олинган. Бундай кўйлақлар “муллавачча” кўйлак дейилган. XIX аср охири – XX аср бошларида мамлакатнинг турли минтақаларида қалта, тик ёқали “нўғой ёқа кўйлак”, “бўғма ёқа” кўйлақлар кийиш оммалашган бўлиб, бу кўйлақни дастлаб шаҳар аҳолиси, айниқса, савдо аҳли кийган. Ўзбеклар орасида бўз, ипак, ип газламалардан тикилган олди очик яктак кўйлақларни ёшлар ва қарилар бирдек ёктириб кийишган. Эркаклар иштони юқори қисми кенг, пойчалари торроқ тикилиб, тўпиккача тушиб туради, юқори қисмига иштонбоғ ўтказиш учун милкига гир айлана бая-чок қилинган. Совуқ фаслларда иштон устидан астарли ёхуд астарсиз шим кийилган, у асосан, ип газлама ва жун газмоллардан тикилган. Чавандозлар, овчилар наMAT-кигиздан, жун-мўйнадан, ошланган теридан тикилган чолвор кийишган. Чопон (тўн), жомакор, камзул, желак, чакмон эркакларнинг мавсумий кийимлари

каторига кирган. Тўн (чопон)лар авра-астарли ҳолда пахта солиб қавилган. Олди очик, узун бўлган. Юрганда, отга минганда, ерда чордона куриб ўтирганида қулай, ихчам бўлиши учун ён томонларига кесик-йирмоч қўйилган. белбоғ боғланган. Тўнлар авраси беқасам, кимхоб, бахмал, шойи, сатин, чит ва бошқа матолардан тикилади.

Тўнлар маҳаллий хусусиятларга кўра ҳам фарқланган. Фарғона водийси. Тошкент ва Хоразмда гавдага ёпишиб турадиган сирмақавима чопонлар кўпроқ расм бўлган бўлса, Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз ва бошқа жойларда қимматбаҳо матолардан зардўз тўнлар тикилиб, ёқаси, этаги ва енг учларига турли рангдаги зар ипларда кашта тикиб, атрофига гавҳар тошлар қадаб безатилган. Бундай тўнларни хон ва амалдорларга совға қилишган. Умуман, халқимиз орасида ҳурматли кишиларга, устозларга, куда ва куёвлар, азиз меҳмонлар ва бошқаларга тўн кийгизиш удуми сақланиб қолган.

Чакмонларнинг босма чакмон, боқоти чакмон, қоқма, тивит чакмон каби турлари мавжуд бўлиб, уларни рангига қараб кўк чакмон, малла чакмон, оқ чакмон деб аташган. Чакмон бичимига кўра тўнга ўхшаш бўлиб, асосан қўй ва туя терисидан фақат аврада тикилган ва чопон устидан кийилган. Қишда чўпонлар кейванак кийишган.

Чопон устидан боғланадиган белбоғ бўз, чит, сатин, беқасам каби матолардан тикилган.

Эркакларнинг миллий оёқ кийимларидан этик, кавуш-маҳси, чорик, такаки этик, мукки, тоштовон, чорик-пойпуш каби оёқ кийимлари мавсумий ҳисобланган. Қўнжи тиззагача бўлган пошнали этиклар нўғой этик, қора этик деб юритилган.

XX асрнинг биринчи чорагида аёллар кийимларининг ёқалари асосан вертикал ва горизонтал кўринишда бўлган. Кўйлак ёқалари этногенетик эмас, балки функционал аҳамият касб этган: вертикал ёқали кўйлақлар чақалоқларни эмизишда қулай бўлгани учун, асосан, она бўлган аёллар кийган. Бундай кўйлақлар “оналик кўйлаги”; ёки “аёл кўйлак” дейилган. 20–30-йилларга келиб, “кўкрак бурма” кўйлақлар оммавий урф бўлган. “Кўкрак бурма” кўйлақлар дастлаб Тошкентда пайдо бўлган. 50-йилларга келиб, аёллар ва қизлар кўйлаги орасидаги фарқ йўқолиб вертикал кўринишдаги кўйлақлар, 80- йилларда “кўкрак бурма”, ёқали, енги калта атлас

кўйлақларни кийиш расм бўлди.

XX асрнинг 20–70- йилларида содир бўлган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар натижасида анъанавий миллий кийимлар таркибига европача русумдаги кийимлар кириб келган. Буни миллий кўйлақлар билан бирга европача шим билан кийиладиган кийимларда кўриш мумкин. Айниқса, бу даврда эркакларнинг оёқ кийимларида европача бичимдаги пойабзаллар кенг расм бўлишига қарамай маҳси, этик каби оёқ кийимлар ўзининг анъанавий кўринишини сақлаб қолган ва асосан кексалар орасида кўпроқ тарқалган. Бу даврда эркакларнинг маҳсус иш кийими яратилди, ўғил болалар кийимларида ҳам эволюцион жараён содир бўлган бўлиб, миллий кийимлар Европа кийимлари билан уйғунлашган ҳолда кийилган. 60–70-йилларга келиб пойабзал фабрикаларда ишлаб чиқарилган турли шаклдаги аёл ва эркакларнинг ёзги туфлilари, кишки этикларни кийиш оммавий расм бўлган.

Аёлларнинг анъанавий кийим-бошлари кўйлақ, лозим, чопон, мурсак, пешмат, камзул, нимча, паранжи-чачвонлардан ҳамда хилма-хил рўмоллар, ранг-баранг дўппилардан иборат бўлган. Маҳси, кавуш, бошмок каби пойабзаллар чармдан тикилган, қалишлар резинадан қуйилган.

Аёллар кийимларининг нафислиги, хилма-хил гўзал бўлишига моҳир ўзбек заргарлари тайёрлаган такинчок ва зеб-зийнатлар янада кўрк кўшган.

Кўйлақларнинг йирмочи кўндаланг ёки “елка ёқа”, “қозоқи ёқа”, “вак вақа ёқа”, “қайтарма ёқа” турларини кўпроқ қариялар ва келинлар кийганлар. Елка ёқа кўйлақлар йирмочининг чеккаларига турли хил жияк, чироз, тасма ёки турли рангдаги ипак иплардан йўрма усулда қашта тикиб чиқилган. Кийим шакллари миллий йўл-йўл, сидирға ва гулли матолар билан мослашган, олд этаги. енг учи, ёқаси гулли жияк билан хошияланган. Аёллар устбошининг иккинчи асосий бўлаги лозим бўлиб, пойчаси торайиб келиб, юқори қисми қайрилиб-бахяланиб, орасидан иштонбоғ ўтказилган. Одатда лозимнинг кўйлақ остидан кўринадиган қисми қиммат ва чиройлироқ матодан, кўринмайдиган тепа қисми арзонроқ матодан тикилиши билан эркаклар иштонидан ажралиб туради. Уйда кийиладигани оддий, арзон матодан, кўчаллик эса шойи, атлас, парча ипакли, қимматбаҳо матолардан тикилади. Аёлларнинг устки кийимлари пахта солиб қавилган аёллар тўни

ва пахтасиз авра-астардан иборат энгил халат кўринишида бўлиб, турлича номланган: Тошкентда – пешво, мурсак, Хоразмда – мисак, Самарқандда – мулисак, калтача, Фарғонада – мунисак, мунсак, Бухоро, Шаҳрисабзда – калтача деб аталган. Мурсак 3 қисмдан – бўй, ён ва энглардан иборат бўлиб, ён қисми тўғри, узун, кўлтик, остига тўпланган. тўпланган қисм “чўчча” деб аталган.

XIX аср охиридан ўзбеклар орасида камзул ва нимча кийиш одат тусига киради. Камзул ёқалари тик, бўғиқ, баданга ёпишиб турадиган узун, белбурма фартукни эслатиб, ортида кийик жойи-йирмочи, кайтарма ёқаси бўлмаган. Қора ранг матодан, асосан, сатиндан ёки костюмбоп қалин ип газламалардан тикилган, улар кўйлак устидан кийилган.

Самарқандда камзулнинг румча турини кийишган. Румча камзул Тошкент атрофидаги кишлоқларда ҳам кенг тарқалган. Одатдаги камзулларда кесма чўнтаклари бўлмаган ва тугмаланмаган. Румча камзул эса бичиши, тикилиши жиҳатидан бутунлай бошқача – бўлтиқма, ёқаси буклама бўлган. Ёқаси кўкрак олдиғача буклаб туширилган. Елкаси кесма бўлиб, энг томони сал қийшайтириб тикилган камзуллар ҳам учрайди. Қулфи-калит ёқали, кайтарма ёқали, қайчи ёқали камзуллар кенг тарқалган эди.

Камзуллар авваллари косиблар тўкиган матолардан тикилган. XIX аср охириги йилларидан бошлаб Туркистонда Россиянинг марказий туманларидаги фабрикаларда ишлаб чиқарилган бахмал ва духобалардан камзуллар тикила бошланган.

XX аср бошидан нимча, камзулча кийиш секин-аста одат тусига киради. Камзулча кийиш одати тез орада йўқолади, лекин нимча асосий усти-бош кийимлардан бирига айланиб қолади, хусусан, хотин-қизлар орасида кенг тарқалади.

Нимча бичиш ва тикилиши жиҳатидан ҳар хил бўлган. Дастлабки йилларда белидан пастрокқа тушиб турадиган узунликда, бўйинни ёпиб турадиган тик ёқали қилиб тикилган. Кейинчалик қадди-қоматиға ёпишиб турадиган қилиб, калтарок тикилган.

Бош кийимлар. Эркақларнинг ёзда ҳам, кўклам, кузда ҳам, ҳатто мўътадил совуқ кезларда ҳам асосий бош кийими дўппи бўлган. Дўппи қачон ва қаерда пайдо бўлгани ҳақида ҳозирча аниқ маълумот йўқ. Лекин дўппига ўхшаган учли, чўкки бош кийими жуда қадимдан кийилгани маълум. Тахминан XIX аср 20-йилларида чорсу ҳамда юмалоқ дўппилар кенг тарқала бошлаган, деган

фикр мавжуд.

Эркакларнинг энг қадимий бош кийими қулоҳ деб аталади. Омавий бош кийимини Фарғона вилоятида дўппи, Ўзбекистоннинг бошқа вилоят ва туманларида тўппи деб юритилган. Дўппилар шаклан уч хил бўлади: чўққисимон (конуссимон) шаклда (қулоҳ), юмалоқ, шарсимон (арақчин) ва ясси, усти текис (тус дўппи).

Қулоҳ дарвешлар бош кийими учбурчак парчалардан бичилиб, ёнламасига тикилади. Қулоҳ гардиши унчалик сезилмай туради. Шаҳрисабз, Нурота, Бухоро туманларида учрайдиган қулоқсимон бош кийимлари ранг-баранглиги ва хоч (салиб) кўриниши билан ажралиб туради.

Юмалоқ дўппилар орасида Ургут дўпписи айниқса жозибали. У ўзининг байрамоналиги, ёрқинлиги билан киши диққатини жалб қилади.

Республикамаизнинг ҳар қайси вилоят ва туманларида шу ернинг ўзига хос миллий урф-одатларига монанд дўппилар тикилади. Масалан, Сурхондарё қишлоқларида пилтадўзи услубида тикилган дўппи кийилади. Бу хил дўппи қозоқларнинг чийига ўхшаб кетади. Тошкентда юмалоқ дўппи босма, ироқи, кандахаёл, чакматур деб аталадиган чок усталарида тайёрланади. Фарғона дўппилари қадимий бош кийим нусхалари билан Хоразм, мўғул ясси чорси, чўққили қалпоқларга ўхшатиб тикилади. Тус дўппи ясси, текис дўппиларнинг энг кўп тарқалган нусхасидир. У саккиз хил чок услубида тикилади: тўғричок, занжира, чита, кунгура, еталатма, ова, тароқ, қаландар, пилдироқ. Эркаклар илгари рангли дўппилар, кейинчалик ок-қора Чуст дўппилари киядиган бўлишди. Бу дўппилар, асосан бодом ёки қалампир нусха бўлиб, аслида қуш тасвирининг бир бўлагидир. Илгари дўппининг тўрт томонида ҳам қуш тасвири бўлган. Кейинчалик уни ихчамлаштира бориб, қушнинг боши ва оёқларини тикмай қавишган. Дўппилар ичида Кўккон ва Марғилон дўппилари одмилиги расолиги билан ажралиб туради. Бу дўппиларда чоклари нисбатан анча кам.

XX асрнинг 50- йилларидан дўппиларда митти қушлар, жумладан, булбулни, товусни тасвирлаш одат тусига кирди. Лекин бу хил дўппиларга талаб унчалик кўп бўлмади.

Киш кунлари эркаклар мўйна телпак кийишган. Бу кийим қулоҳга ўхшаб тикилади. Мўйна телпакларнинг тури кўп бўлган. Улар бир-биридан бичими ва тикилиши жиҳатидан фарқ қилган.

Самарқанд билан Бухоро теварак-атрофидаги қишлоқларда калта мўйнали телпак кийилган. Самарқанд телпагининг астари юмшоқ, арзон, мўйна кўпинча кўй, баъзан тулки мўйнасидан тикилган.

XX асрнинг 20-йиллар охиридан қизлар, ёш жувонлар ҳам дўппи кия бошладилар. Қашқадарё ва Сурхондарёда ўрта ёшдаги аёллар култа кийишган ва уни “дўгши” деб аташган. Дўппилар нақшлари ва матосининг турига қараб турлича номланган. Турли рангдаги дўппилар “чамандагул”, бахмал, парча матодан тикилган, йўл-йўл нақш туширилган дўппи эса ироқи дўппи деб номланган. Шахрисабз дўппичилик мактабининг ироқи чок усули: санама ва чизма усулга бўлинган.

Ироқи услубида, хомдози безак билан тикилган хотин-қизлар дўпписи дўппидўзлик равнакининг энг ёрқин намунаси, десак бўлади.

Салла. Марказий Осиёда салла ўраш одати қачон расм бўлгани аниқ маълум эмас. Шунингдек, у қайси давлатдан кириб келгани ҳам ноъмалум. Юнон муаллифи Страбоннинг ёзишича, салла ўраш қадимий миждияликлар орасида ҳам одат бўлган. Миждиядан Эронга ўтган. Афтидан, Сомонийлар ҳукмдорлиги давридан бошлаб у қадимги Марказий Осиё ерларига ҳам тарқалган бўлса керак, лекин хоразмликлар орасида салла ўраш одат эмаслигига қараганда бу хил кийим асосан ҳозирги Ўзбекистоннинг ғарбий-жанубий ерларида кенг тарқалган бўлиши ажаб эмас.

Манбаларнинг кўрсатишича, салла бутун Мовароуннаҳр халқларининг (хоразмликлардан ташқари) асосий бош кийими ҳисобланган. XIII асрда бу ҳудудга, шу жумладан, Самарқандга келган саёҳатчиларнинг далолатига биноан нафакат рухонийлар, айни вақтда оддий халқнинг ҳаммаси салла ўраб юрган.

Салла сўзининг маъноси ва қаерда вужудга келгани хусусида ҳар хил фикрлар мавжуд. Олимларнинг далолатига асосан, салла Тошкент шеvasига хос сўз бўлиб, “солмок” сўзидан олинган. Баъзи манбаларда, чунончи ўрта аср ёзма маълумотларида эса “салла” сўзи “сават”, “тугунча” маъносини англатади, деб ёзилган. Салла сўзи туркийча сўз дейилади. Ҳозирги тожик тилида ҳам салла сўзининг маъноси айнан шундай изоҳланади. Бинобарин, у вақтларда салла ҳали асосий бош кийими сифатида одат тусига кирмаган.

Салла сўзининг сават, туғунча сўзларига нима алоқаси бор, деган савол туғилади. XVIII аср ўрталарида бухоролик аёллар бош-

ларига тўқилган сават кийиб юришган. Бухорода байрам, сайиллар вақтида халойиқ олдида томоша кўрсатаётган масхарабоз катта саллани кози образини гавдалантириш учун бошига атроф-тевараги оқ мато билан ўралган катта сават қўйиб чиккан. Эҳтимол, шу туфайли салла деб аталган бўлиши мумкин.

Салла сўзи суғдийча сўз “саллата”дан олинган. деган фикр ҳам мавжуд. Яғноб шевасида “саллата” аёллар рўмоли. деган маънони англатади. Агар шу фикр тўғри бўлса, у ҳолда салла авваллари аёлларнинг бош кийими бўлган, кейинчалик уни эркаклар ҳам бошга ўрайдиган бўлишган.

Марказий Осиёда салланинг икки хили ишлатилган: катта салла, кичик салла. Кичик саллани баъзи жойларда, масалан, Самарқандда фута дейишган (келинлар никоҳ куни бошига кийиб чиқадиган фата шу сўздан олинган). “Фута” арабча сўз бўлиб. Ҳиндистондан кириб келган (бош ё белни ўрашга ишлатилган, шунингдек, бош ёпиладиган бир бўлак матони хиндлар “фўта” дейишган). Асосан турмушга чиққан аёллар ўраган. Келинга никоҳ куни отасининг уйида салла кийдиришган. Куёвникида салла ўраш ҳоллари ҳам бўлган. Саллани аёллар туғишдан қолган ёшига қадар ўраб юрган (тахминан 45–50 ёшларгача).

Аёллар салласи кийгич ёки дўппи ва ўрамдан иборат бўлган. Ўрамнинг ҳар хили бор. Бой аёллар 14 метр матодан (“Бой бош”), камбағаллар 6 метр матодан (“камбағал бош”) салла ўрашган. Камбағаллар яхлит мато тополмасалар калта латта ва пахта ишлатишган. Салла учун қўқ ёки қизил ранг ишлатилган. Салла ўрами устидан тўрттадан тортиб еттитагача рўмол боғланган (“бой бош”), камбағаллар эса битта қизил рўмол ўраб қўя қолишган.

Маъракаларда катта ёшдаги аёллар 10 метр оқ матодан салла ўраб, устидан оқ рўмол боғлашган. Ўрта ёш ва ёш жувонлар эса 10 метр ҳаворанг сатин салла ўрашган.

Аёлларнинг бошқа бош кийимлари. Қиз болалар узок йиллар давомида қалпоқ кийиб юришган (дўппини айрим жойларда қалпоқ дейишади). Самарқанд, Ургут ва унинг атроф-теварагидаги қишлоқларда кенг тарқалган қалпоқлар тоғлик тожик ва Марказий Осиё яҳудий қизлари қалпоғига ўхшаган юмалоқ кўринишда бўлиб, ҳозирда бутунлай йўқолиб кетган. Бош кийими билан боғлиқ бир қанча урф-одатлар мавжуд бўлган. Масалан, тўй ўтгандан кейин қалпоқча устидан пешона дурра боғлаб юрилган. Биринчи фар-

занд туғилганидан сўнг қалпок ўрнига рўмол ўрашган. Кўпинча кўшалок рўмол тикилган: биринчиси бошларига шундоқ ташлаб. учларини оркага йиғиб қўйилган. Иккинчи рўмол унинг устидан пешонаси билан боғланган.

Кўп жойларда, хусусан, кишлоқларда бош кийими ёшига қараб ҳар хил бўлган. Қиз болалар попук тўппи (дўппи) кийишган. Турмушга чиққан келин юкорида айтиб ўтганимиздек, биринчи фарзанд туғилганига қадар тўппи устидан дурра ўрайди (уни Самарқанд ва Қашқадарёда пешонабанд дейилади). Пешонабанд ҳар хил кўринишда боғланган. Дурранинг иккинчи учи уч-тўрт марта тахлоғлиқ ҳолда бош устидан ёнбошга осиглиқ турадиган ҳолда ўралган ёки оркага ташланган. Баъзи ерларда бошга сарандоз солиб юрилган. Қадимда четларига кашта тикилган яккабанд ишлатилган. Яккабанднинг учларига шоҳ (попук) ўртасига моҳ тикилган.

Биринчи фарзанд дунёга келгач, ёш жувон сочларини қўш қил килиб ўриб, бошига “кулут” деб аталган каштали қалпок кийган. Қария онахонлар ок қалпоқда юришган.

XX аср бошидан аёллар ҳам эркақларга ўхшаган астарининг ичига пилта қўйиб тикилган дўппи кийиб юрадиган бўлишган. Аёлларнинг дўпписи эркақларникига қараганда анча ясси бўлиб, каштаси майда, рангоранг, жозибали бўлган. Аёллар дўппининг арақчи турини ҳам кийишган.

Аёлларнинг миллий кийимлари ичида анъанавий бош кийимлари ажралиб туради ва у кийим эгасининг оиладаги мавқеини аниқ ифодалаган. Чунончи бош кийим ва соч турмагига қараб киз болани турмушга чиққан келиндан, ёш онани фарзандсиз аёлдан, ўрта ёшли аёлларни кекса момолардан ажратиш мумкин бўлган. Бош кийимлар одатда 2 гуруҳга бўлинган: бошга кийиладиган кийимлар қалпок, дўппи (тақя, каллапўш), қулоқчин, бўйрак, телпак ва бошга ўраладиган ёки ёпинадиган рўмол, пешонабанд лочак, дурра, дуррача, локки, ёғлик, ёвлик ва ҳ. к.

Аёллар ёшларига қараб, мавсумий тарзда ўрашган рўмоллар – дудок рўмол, ип рўмол, шол рўмол, жун рўмол, тўр рўмол, ипак рўмол, дока рўмол, мисқали дока рўмол, ғижим рўмол, қалаяки рўмол, қурокди рўмол, беш гулли рўмол, балхи рўмол, гарди рўмол каби номлар билан аталган. Ёш қиз ва келинчақлар ок рангли, ёркин ранг, кексалар эса ок нимранг, кичик хажмли рўмоллар

(катта рўмоллар тагидан) ўрашган. Фарғона водийсида рўмолнинг алоҳида тури расм бўлиб, у чорси шаклида, учлари бурчакма-бурчак қилиб тахланиб, бошга ўралиб устидан қора ёки қорамтир тусдаги дуррача ташланган. Дуррача пешонага танғилиб, учлари гарданда кесиштирилади ва пешона устига ўтказилиб боғланади, қора рўмол орасига қистириб қўйилади, сўнг устидан бир парча мато-дока боғланиб, учлари орқага боғланади. Бухорода дока ўрнига узун шаша дока ишлатилади.

Ҳозирги кунда ҳам рўмол устидан боғланган дуррачани Тошкент вилоятининг айрим туманларида яшовчи аёллар бошида учратиш мумкин. Кўп ҳолларда кичикрок рўмол – дурра ўралади.

Паранжи XX асрнинг 1- чорагигача ўзбек аёллари кўчага чиқаётганда кийилиши мажбурий бўлган усти-бош ҳисобланган. Ҳар бир аёл, ҳар бир қизнинг албатта паранжи ва чачвони бўлиши лозим эди. Паранжисини устига ёпиб, юз-кўзини чачвон билан бекитган. Турли ерда уни турлича аташган. Жумладан, Самарқандда чачвон “чашманд” деб юритилади.

Паранжи чачвони ичкари (хона)дан олиб чиққанидан кейин ҳовлида аввало бошига паранжини ташлаб дарвоза-ҳовли эшигидан чиқаётганда, остонада юзига чачвон тутилган. Бой хонадон хотин-қизлари қимматбаҳо матодан, рангоранг безак бериб тикилган паранжи-чачвон ёпинишган. Камбағалларнинг ожизалари эскириб, минг хил ямоқ тушиб, илма-тешик бўлиб кетган паранжи-чачвон тутишган.

Қишлоқ жойларда паранжи-чачвон камдан-кам қўлланилган. Ўшанда ҳам асосан олис сафарга чиққанда, турли маросимлар вақтида ишлатилган. Паранжи ёпиниш одат бўлмаган ерларда бошга ҳар хил ёпинчиқлар ташлаб юрилган. Кўпинча болаларнинг чопони-тўни билан ёпиниб юрилган. Самарқандда, Шаҳрисабзда йўл-йўл матодан тайёрланган ёпинчиқ тутилган. Хоразм ва унинг атроф-теварагидаги ерларда жегда ёпиш одат бўлган. Жегданинг учлари аёлнинг белигача тушиб турадиган даражада узун бўлиб, баъзан енгга ўхшатиб чатиб қўйилган. Иш билан банд бўлганда жегданинг учларини бўйинларига ўраб олинган. Чачвонни лўлилар от ёлидан тайёрлашар эди. Бойларга мўлжалланган чачвонларни ҳаворанг ёки пушти мунчоқлар билан безатилган. Чачвоннинг ҳамма томонига мағиз тикилган.

Белбоғ. Белни белбоғ билан боғлаб юриш жуда қадимдан қолган одат. Марказий Осиё, шу жумладан, Ўзбекистоннинг турли ерларида ўтказилган археологик қазилмалар вақтида топилган хилма-хил ёдгорликлар бу фикримизнинг ёрқин далили бўла олади. Улар орасида деворга солинган расмларда белини боғлаган эркаклар кўп учрайди. Аждодларимиз жуда қадим замонлардан бошлаб ўзларининг ишга, хизматга тайёр эканликларини шу тарика изҳор қилишган бўлсалар керак. Ҳозирда ҳам бирон тўй, маросим ўтказилаётган бўлса, қариндош-уруғ, ёру биродарлар, қўни-қўшнилар: “Э тўй бўлсин, белимизни маҳкам боғлаб хизмат қиламиз”, дейишади. Устоз шогирдига мустақил иш бошлашга фотиҳа бераётганида ҳам шогирдининг белига белбоғ боғланган. Сарой аҳллари хизматда юрганларида белига камар тақишган. Хон, амир, султон, ҳокимлар кийими, тўни устидан камар боғлашмаган. Аммо уларнинг хизматида бўлган сарой амалдорларининг ҳаммаси камар тақишган.

Белбоғ турли ҳолларда турлича боғланган. Асосан тўн, чопон тугмаланмайдиган бўлгани учун юрганда, иш қилаётганда халақит бермаслиги учун белбоғ билан маҳкам боғланган. Агарда чопон устидан тўн кийилган бўлса, белбоғ ичдан, чопон устидан, тўн ёки чопон ўзи кийилганида яқтак устидан белбоғ боғланган. Белбоғнинг тури ҳам, номи ҳам ҳар хил бўлган: чорси, кийикча ва майонбанд, кўша-арс, фута ва ҳоказо. Булардан энг кўп тарқалгани чорси белбоғ бўлиб, у квадрат шаклида гулдор, нақшдор қилиб тикилган. Фута жуда узун бўлиб, белга бир неча марта ўраб боғланган. Айрим ҳолларда фута устидан чорси ҳам боғлаб юрилган. Ҳатто бир йўла бир неча белбоғ боғлаш ҳоллари ҳам кўп учрайди.

Белбоғ боғлаш билан боғлиқ урф-одатлар ҳам кўп. Масалан, никоҳ қуни қуёв чорси белбоғ боғлаган. Эртаси қуни, келин салом вақтида уни ечган, яқин киши қазо қилганда ҳам тўн устидан белбоғ боғланган. Учинчи қуни ўзига яраша ирим билан ечган.

Белбоғ фақат чопон ёки тўн, яқтак очилиб кетмаслиги учунгина боғланмаган. У жуда кўп ва хилма-хил мақсадларда ишлатилган. Белбоғ ўрамларига пул, носковок, турли майда-чуйда кераклик нарсалар солиб юрилган. Йўлда белбоғ сочиқ сифатида ишлатилган, жойнамоз вазифасини ўтаган, дастурхон ўрнида қўлланилган, совуқ кезларда бош ўралган.

Бора-бора содда бичимдаги либослар ўрнини мураккаб би-

чимли либослар эгаллай бошлаган. Кийимдаги аввалги уйғунлик йўқолди. Бу тарихан ҳаёт ўзгариши ва оммавий саноат ишлаб чиқаришнинг хунармандчиликдан устунлиги туфайли келиб чиқди. Шу билан бирга, қадимдан иқлим ва ижтимоий ҳаёт шароитлари белгилаган миллий кийим шакллари ҳам ўзгариб борди. Миллий бичимдаги кийимлар қоматнинг нисбатларига яқинлашди, аёл кўйлаклари торайиб ва катталашиб борди, олдинроқ юзага келган кокеткали ва қайтарма ёқали кўйлақлар ҳаётга кенг оммалашди. Ёш йигитлар ва ўрта ёшли эркекларга Европа бичимида тикилган кийимларни кийиш расм бўлди ва фақатгина кексалар орасидагина миллий кийимлар сақланиб қолди ёки маросимий кийимларга айланди. Энг муҳими, миллий кийимлар таркибига кўра соддарок ва чиройлироқ бўлиб борди. XX асрнинг 20–30-йилларида миллий кийимга Европа кийими бичимларининг киритилиши миллий кўйлақни шим билан, аёллар кўйлақларини нимча билан кийилишига олиб келган. 40–50-йиллар эркеклар кийимини тўғри елкали қоматга мосланган пиджак, кенг шимлар ташкил этган. Иккинчи жаҳон урушидан кейин раҳбарлар, зиёлилар ва хизматчилар орасида ҳарбий кийимлар: френч ёки гимнастёрка, қора ёки кўк рангдаги мовутдан тикилган галифе шимларни қора ёки жигарранг этик билан кийиш расм бўлган. Ёзда енгил кител ва қаттиқ матодан тикилган шим этик ичига тиқиб кийилган.

60-йилларга келиб, Ўзбекистонда илк бор кийим андозаларини режалаш бошланди. Натижада фабрикада тикилган янги бичимдаги костюм-шимлар кириб келган. Бу даврда минтақада эркеклар костюм-шимларни миллий бичимда олди ва ёқаси каштали кўйлақлар билан кийганлар, 70-йилларда ёшлар орасида пастки қисми кенг қилиб тикилган клёш-шимларни ёқалари кенг, ҳаво ўтказмайдиган нейлон кўйлақлар билан кийиш оммавий тус олган. Қўлга соат тақиш урф бўлган. 80-йиллар танага ёпишиб турувчи жун ва жинси шимлар ҳамда ёқаси бирмунча кичкина бўлган пахтали ҳамда трикотаж кўйлақлар кийилган. Ёшлар, айниқса, ўқувчилар орасида оқ кўйлақ ва қора шим кийиш оммалашган. Қишда эса эркеклар фабрикаларда тайёрланган пальто ва плащлар, бошга телпак кийиб, бўйнига шарф ўрашган. Оёқларига ҳам фабрикада ишлаб чиқарилган пайпоқ, пойабзаллар кийишган.

90-йиллар бошларида ёшлар орасида Ғарб мамлакатларида ишлаб чиқарилган кроссовкаларни кийиш оммавийлашган

ва маҳаллий пойабзал корхоналарида ҳам кроссовкалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Болалар кийимлари ҳам катталарникидай даврга қараб ўзгариб борди. Аста-секин кийимлар вазифаси ҳам ўзгарган ва айрим касб эгалари билан боғлиқ (ишчилар, шифокорлар, сотувчилар, сартарошлар, ўқитувчилар кийимлари ва бошқалар) ҳолда махсус кийимлар шаклланди.

Мустақилликдан сўнг тарихий миллий анъаналаримиз ва расм-русумларимизга, миллий либосларимизга бўлган эътибор кескин ошди. Айниқса, аёллар миллий матолар – шойи, атлас, адрас, бах-маллардан тикилган кийимлар кия бошладилар.

Ўзбек модельер рассомлари ишларида миллийлик хусусиятлари ўз уйғунлигини топмоқда ва Республика миқёсида ўтказиладиган турли тантана ва сайиллар, байрамларда ҳамда оилавий маросимларда миллий русумда кийиниш оммалашмоқда. Умуман олганда, XX асрнинг охирига келиб ўзбеклар орасида давр талабига, кишилар дидига мос келадиган кийимларни кийиш оммалашган бўлиб, миллий кийимларда қуйидаги ҳолатни кузатиш мумкин: шаҳарларда деярли барча ёшлардаги эркаклар асосан европача кийинган. Фақатгина эркаклар бошга кийиладиган бош кийими дўппи ва кекса ёшдагилар миллий чопонлари, яктак, саллалари билан миллий хусусиятларни англаган.

Ҳозирги замон либосларида европача услуби бўлса-да, миллий анъаналарнинг давомийлиги сақланиб қолмоқда. Масалан, шаҳар ва қишлоқдаги аёллар замонавий қўйлақларни анъанавий хонат-ласлардан тикиб киядилар. Эркаклар дўпписи, чопон анъанавий устки либосга айланган.

Тақинчоқлар. Анъанавий тақинчоқлар мажмуи ҳам худди кийимлар сингари муайян халқнинг, этноснинг ҳамда этнографик ва локал гуруҳларнинг ўзига хос этник хусусиятларини маълум маънода акс эттиради. Тақинчоқ, безаклар қаерда ва қачон пайдо бўлганини аниқ айтиш қийин. Лекин милоддан олдинги VI минг йилликнинг охири – III минг йилликда (неолит даврида) хилма-хил тош ва чиғаноқлардан мунчоқ ва шокилалар тайёрлаш кенг тарқалгани маълум. Тақинчоқлар шаклан турли-туман кўринишда ишланган: кунгурадор доира, аствона (цилиндр), ясси тухумсимон, ромб, суйри, учбурчак, думалоқ, учли ва ҳоказо.

Амударё ҳазинаси (мил. авв. III – I асрлар мобайнида бутун Марказий Осиё ерларида ҳукмронлик қилган Аҳамонийлар суло-

ласи даврига мансуб) (бу топилма ҳозирда Англияда сақланмоқда) кадимий безак-такинчоклари ҳақида фикр юритишимизга далил бўлади.

Аждодларимиз жуда кадимдан феруза ва мармар нусха лаъл (оникс)дан думалоқ ва учли мунчоклар яшашган. Улар асосан ҳосилдорлик, маъмурчилик рамзи сифатида, инс-жинслардан сақланувчи туморлар тариқасида ишлатиб келинган.

Энеолит даврида ложувард, оҳақ, ҳақиқ сингари кимматбаҳо тошлардан кўплаб ва хилма-хил мунчоклар яшаш йўлга кўйилади. Мис билагузук, узуклар, учи учли юпка халқа тилла сирғалар яса-лади. Нақшсиз, силлик, тўғри чизиқлар, халқалар, нақшлар билан пардозланган, босма нақшлар билан зеб берилган тўкима камарлар рангли шиша, феруза, ҳақиқ, ложувард мунчок, шокилалар милоддан олдинги I минг йиллик даврида кенг микёсда қўлланиб келинган безак буюмлардан ҳисобланади.

Ҳайвон тасвири берилган феруза кўзлар қадалган тилла билагузуклар, қўлларига гул ва куш тутиб турган Анахитоз тасвирланган думалоқ кўзли куйма олтин узуклар, турунж (медальон) ва шокилалари кенг тилла халқалар ҳанузгача барчани лол қолдирмоқда. Милоддан аввалги I минг йиллик охири ва милоднинг дастлабки асрларига оид куш, илонбош бринчга тақиладиган такинчоклар, бўйинга тақиладиган такинчоклар, кўкрак такинчоклари, кўл-оёқ такинчоклари ва ҳоказо.

Аёллар либосини янада назокатли, жозибали ва чиройли қилиб кўрсатадиган безак такинчоклардир. Нодир, кимматбаҳо безак буюмлар тақиш одати жуда кадим замонлардан давом этиб келади. Республикаимизнинг турли ерларида ўтказилган ва ҳозирда ҳам олиб борилаётган археологик қазилмалар вақтида топилган хилма-хил безак, такинчоклар фикримизнинг ёрқин далили бўлади.

Музейларда сақланаётган топилмалар Республика ҳудудларида (Юнон-Бақтрия подшолиги, мил. авв. III – II асрлар, кадимги Хоразм, мил. авв. I аср ўрталаридан мил. VIII асрларгача) заргарлик ривожланганлигини кўрсатади. Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хива, Қўқон, Шаҳрисабз, Қарши, Марғилон, Андижон, Наманган ва бошқа шаҳарларда заргарлик кенг ривожланган.

Такинчоклар бош (тиллақош, тиллабаргак, гажак, бодомой,

бибишак, қўшдуо ва б.), бўйин-кўкракка (турли маржон ва марваридлар, зебигардон, нозигардон, жевак, талгажевак, бўйинтумор, кўкрактумор, қўшиқ тумор, бозубанд ва б.), соч (сочпопук, туф), кулок-бурун (булоқи, исирға ва б.), кўллар (узук, билагузуклар) га тақилган. Археологлар томонидан топилган жуда қадимги тош мунчок, тўғноғичлар, жез даврига оид билагузук, тўғноғич ва тугмалар илк аждодларнинг дастлабки безакларидан хабар беради. Кейинги даврда яратилганлари эса ўрта асрларга оид деворий расмлар, қўлэзма асарларга ишланган миниатюраларда ҳам акс этган. Бу тақинчоқлар аста-секин вақт ўтиши билан бир-бирини тўлдириб, XIX аср охири XX аср бошларида яхлит мажмуани ву-жудга келтирди.

Тақинчоқлар ишлаб чиқариш хомашё сифатида қимматбаҳо ва рангли металллар (қалай, олтин, кумуш ва б.) қотишмалари, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар (феруза, фионит, олмос, ақиқ, зумрад, ёқут каби), пластмасса, табиий тошлар, суяк, эмал, шиша ва бошқалар ишлатилади. Тақинчоқлар жимжимадор қилиб раххори, кумушни қорайтириб саводкори, панжарали шабака ва бошқа усулларда ўйма ва бўртма нақшли қилиб турлича шокилалар билан безатилган.

Бошга кийиладиган (тақиладиган) зеб-зийнат буюмлар. Бундай буюмларга тож, чанбар, такядўзи (такятузи), хилма-хил жиға, тўғнағичлар киради. Аёлларнинг заргарлик зеб-зийнатлари билан безатилган ва тўй либоси сифатида кийиладиган зеб-зийнат буюмлари орасида энг асосийси ҳисобланади.

Тож, чамбара, подшоҳларнинг ҳокимияти, ҳукмронлиги рамзи бўлган. Ҳар бир подшоҳ, султон, амир, бекнинг тожи бетакрор ва ниҳоятда сербезак, қимматбаҳо бўлган. Бир қатор ёзма манбаларда милоддан олдинги IV – III асрлардаги Хоразм дубулгалари, милоднинг III асрига оид тожлар ҳақида қимматли маълумотлар сақланиб қолган.

Темурийлар даврида асосий бош кийим-қалпоқ нодир зеб-зийнат буюми ҳисоблангани тўғрисида можор сайёҳи Х. Вамберининг “Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи” асарида шундай ҳикоят қилинади: “Қизил мовутдан дубулғага ўхшаш учли қалпоқ кийилган. Қалпоқ усти қизил ёқут, забаржад, дурлар билан безатилган, атрофида тишли қош бўлиб, ундан гўё оқ патлар тикилиб турган. Бу патларнинг баъзилари то кўзларигача тушиб, юрган вақтдаги

харакати билан юзга ўзгача гўзаллик берар эди”.

Зеб-зийнатланган бош кийими такядузнинг Хоразм намуналари сакланиб қолган (“такядузи” сиртига тикилган ёки қадаб чикилган деган маънони англатса керак). Такядузи усти очик ёки ёпик кўринишда ишланган бўлиб, турли рангдаги тошлар ва шишалар билан зийнатланган.

Бошга такиладиган зеб-зийнатлардан жиға, айникса, ҳар хил тўғнағичлар кўп ишлатилган. Жиғани нафақат аёллар, айни вақтда эркаклар ҳам тақишган. Ҳатто, амир, султон, бекларнинг отига ҳам жиға тикилган.

Бухоро жиғаси кийгос очилган гул бутоғига “айланиб қолган” куш ёли шаклидаги узун тўғнағич кўринишида бўлиб, ўртасига ҳар хил тошлар ва шишалар қадалган, ислимий ва “толе занжири” нақшлари босилган юпка тилларанг пластинкадан ясалган. Устида пат қадайдиган найчаси бор. Жиға сингари ишланган тўғнағичлардан яна санчок, сарсузакларни, шунингдек бобишоҳ ёки от туёғи, мохитилло деган зийнат буюмларни ҳам эслатиб ўтиш ўринли бўлади. Санчок билан саргузак тўғноғичлар рўмолга, дўппи, қалпоққа қадаш учун мўлжалланган. Хоразмда унинг найча кўринишдаги пархона деб аталадиган тури сакланиб қолган.

Бибишоҳ икки шохли ойга ўхшайди. Баъзилар уни от туёғига ўхшатишса, бошқалар дарвешларнинг мукаддас болтасига, қурбонлик жониворларини сўядиган ойболтага ўхшатишади. Бибишоҳ тақинчок жуда ажойиб ишланган. Ярим ой кўринишдаги бибишоҳнинг иккала учидан биттадан кушбош мавжуд бўлиб, қок ўртасида ромб ёки ғунча гул қўндирилган.

Пешонага такиладиган тақинчоклар. Пешонага такиладиган зийнат буюмларининг тури жуда кўп бўлган. Уларнинг ҳаммасини бир умумий ном билан манглайдузи деб аташган.

Бибишоҳ ҳам баъзи жойларда пешонага тақилган. Айрим ҳолларда пешонага тақиш учун тилла ёки зулфизар ишлатилган. Бу безак ўртада босма нақшлари устига рангли тошлар ва шишалардан доначалар қадаб безатилган тиллакори туринждан иборат бўлиб, атрофларига кўпдан-кўп тилла куббачалар, попукчалар, ойначалар билан безатилган иккита илгак ип ҳам тақиб қўйилган. Турунж манглайга ё бош орқасига тақилган, учларида катта-катта попуклари бўлган ипни эса бошга икки-уч ўраб, чаккаларидан елгага тегар-тегмас килиб осилтириб қўйилган. Юрганда зийнатлар-

нинг ҳаммаси силкиллаб, ёқимли жиринглаган овоз берган, тилла ва очик феруза рангларда товланиб турган.

Ўзбекистоннинг бир қатор музейларида ана шунга ўхшаш манглайдўзиларининг бир қанча тури сақланмоқда. Булар орасида Хоразмда XIX асрда ясалган манглайдўзиларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Уларни бири кумуш, асл маржон, феруза ва шишадан ясалган бўлиб, зарҳал берилган, нозик сим тўқимаси бор. (Хивадаги “Ичан қалъа” давлат музей кўрикхонасида сақланмоқда). Иккинчи бир хили XIX аср ўрталарида кумуш, тиллақош, тиллабаргак, силсила, қушини, қаноти осма буюмларни айтиб ўтиш мумкин. Айниқса, тиллақош деб аталувчи безак ниҳоятда қадрланган. Уни одатда келиннинг никоҳ либоси ёки раққосаларда учратиш мумкин эди. Уни турли жойларда турлича номлашган. Масалан, Бухорода болообрў дейишган. Унинг шокилалар осилган остки қисми қошга ўхшайди. Хивада қўлланилган хилини осмадўзи деб юритилган. Тиллақошга ўхшаган безаклардан бошқа бир хили баргак ёки тахтача баргак деб аталган.

Тошкент тиллабаргаги бир-бири билан ошиқ-мошиқ ёрдамида бириктирилган ўн бешта тўртбурчак юпқа тангачаларидан иборат бўлган. Босма нақшли тангачанинг ўртасида тевараги феруза тошчалар билан айлантирилган қизил шиша гул бор. Баъзи тангачаларнинг тепа қисмида ҳам худди шундай гул бўлиб, орқа томонда урғочи ва эркак ўрдақларнинг “урма” патларини қистириб қўйиш учун кичкина-кичкина боғичлар қилинган. Пастда эса манглайни қошгача беркитиб турадиган икки қат шилдирак шокила бириктирилган. Хоразмда ошиқ-мошиқлар деб ном олган бундай тақинчоқнинг дастлабки нусхаси одам қиёфасини эслатувчи юпқа тахтачадан иборат бўлган.

Чаккага тақиладиган тақинчоқлар ҳар хил гажаклар, тақинчоқлардан иборат. Бухоро гажакларидан “қушдуо” гажаги икки гирх шакл билан безатилган тўғрибурчакли туморлардан иборат. Унга турли зулфлар қистирилган.

Гажак тақинчоқлар ичида “бутун тирноқ”, “ярим тирноқ”, “найча” деган тақинчоқлар йириклиги ва мураккаб ишлангани билан ажралиб туради. “Бутун тирноқ” гажаги “залворли” беш бурчак ғилофдан иборат. Бурчакларида феруза кўзли кублари бор “олма гули” нақши кўзга яққол ташланиб туради.

Қулоққа тақиладиган тақинчоқлар. Қулоққа сирға тақиш

жуда кадим замонлардан буён давом этиб келаётган одат. Сирғалар катта-кичиклиги, безаги жихатидан ниҳоятда ранг-баранг, хилма-хилдир. Митти сирғалардан тортиб елкагача осилиб тушган сирғалар ясалган, айниқса, халқа сирғалар кенг тарқалган, Фарғона водийсида қашқарбалдоқ сирғани яхши кўришган.

Сирғалар кумуш, асл маржон, дур, шиша, қимматбаҳо тош парчаларидан нозик сим тўқималар билан зарҳал бериб ишланган.

Сочга тақиладиган тақинчоқлар. Ўрилган сочга “сочпопук”, “сочбоғ”, “рукта дўмбирок”, “юмалок” деган номлари билан маълум бўлган безаклар тақилган. Уларга хилма-хил шокилалар осилган бўлиб, шокилалар қубба, япроқ, учли, томчинусха кўринишларида ясалган. Сочпопуклар орасида “зарқоқил” ёки “чулпа” номли сочпопуклар кумуш ёки тилла тангачалар тизмасидан қилинган. Катта соч ўрамларини тутиб туриш учун “туфак” деб аталадиган тақинчоқ ишлатилган.

Бурунга тақиладиган тақинчоқлар орасида энг кўп тарқалгани арабак деб аталадиган сирғадир. Арабак тақиш жуда шарафли иш ҳисобланган. Бу одат Арабистон ё Ҳиндистондан кириб келган бўлса ажаб эмас. Арабак тақиш учун бурун катаги тешилган. Самарқанддаги Ўзбекистон маданияти тарихи музейида XIX аср– XX аср бошида ишланган арабак (булоқи) сирға сақланмоқда. У кумуш, дур, шиша, қимматбаҳо тош парчаларидан ишланган.

Бўйинга тақиладиган тақинчоқлар. Бўйинга турли-туман маржон, мунчок, дур тумор тақишган. Жевак деб аталган тақинчоқ ҳам ишлатилган. Жевак арпа донларига ўхшаган майда шокилалардан ясалган. Шокилаларга босма гул туширилиб, тилла суви югуртирилган. У бир ёки бир неча маржон шодаси, тизимидан тузилган бўлиб, ўртага турли шаклдаги турунж жойлаштирилган.

Жеваклар кумуш, асл маржон, феруза, лаълдан ишланган. Босма усулда, зарҳал бериб ясалган.

Кўкракка тақиладиган тақинчоқлар. Зебизардон, тапише дил, тавк, калитбоғи, тумор, нозигардон номли тақинчоқлар кўкракка тақиб юрилган. Булардан ташқари кўйлак умузи, кўйлакка тақиладиган зеб-зийнат буюмлари ҳам хилма- хил бўлган.

Кўйлак умузига “пешвоз” тақилган. Пешвоз кичкинагина бежирим ишланган халтача бўлиб, унда пардоз буюмлари (кумуш, мўйчинак, хилол (тиш тозалагич), қулоқ, тирнок тозалагич, сурма-

дон, атирдон ва бошқалар) сақланган.

“Тапише дил” кўкрак тақинчоғининг номи “юрак уруши” деган маънони англатган. Баъзи ҳолларда кўлтиққа ҳам тақиб юрилган. “Тапише дил” занжирга осиглик турунждан иборат бўлиб, унга зумрад ва лаълдан шокилалар ўрнатилган.

Кўкракка тақиб юрилган тақинчоқлар орасида турли-туман туморлар алоҳида аҳамиятга эгадир. Улар инс-жинслардан сақлашга хизмат қилган. “Тумор” сўзи арабчада “бир парча қоғозга дуо” маъносини англатади. Туморларнинг тури кўп бўлган: бўйин тумор, кўкрак тумор, кўлтиқ тумор. Ҳаммасининг турли геометрик шаклидаги филофлари бўлган. Филофлар кумушдан қопқоқчали қилиб ясалган.

Кўл-оёқ тақинчоқлар. Узук, билагузук кўлга тақиб юриладиган асосий зеб-зийнат буюмлари ҳисобланган. Билакузукларни одатда жуфт тақишган. Билагузук сиртига нозик нақшлар тушириб, тош ва шишалар ўрнатилган. Қадимий билакузукларда кўзли илон ёки қурбақа боши тасвирланган.

Енгил, нозик, сидирга ранг билакузукларга талаб катта бўлган. Бундай билакузуклар кўпинча кумуш толалардан иборат нақшлар билан зийнатланган. Бир қатори тилларанг, иккинчи қатори кумуш, япроқ, дон, бодом, босма гулли учбурчак “пунча” билагузуклар ҳам кўплаб микдорда ясалган. Қимматбаҳо узуклар ҳамма вақт рангли тошлар ва шишалардан кўз қадаб ишланган. Ҳар бир вилоят заргарлари ўзига хос услубда, бошқа заргарларникидан ажралиб турадиган узуклар яшашган. Масалан, Хоразмда деярли ҳамиша чўзинчоқ шаклдаги ҳақиқ ва шишалардан кўз қадашган. Айрим ҳоллардагина тўғри бурчак шаклида бўлган.

Узуклар орасида муҳр-узуклар ҳам кўп бўлган. Хон, амир, султон, беклар уларни ҳокимият рамзи сифатида тақишган. Аёллар пиширган овқатлари макруҳ, ювган кири нопок бўлмаслиги учун албатта бирон хил узук тақиб юришган.

Узуклар тумор сифатида ҳам ишлатилган. Оёққа тақиладиган зеб-зийнатлардан оёқ билагузукларини эслатиб ўтиш керак. Раққосалар оёқларига кўнғироқчали билагузуклар тақишган.

Таомлар. Ўзбекистон аҳолиси истеъмол қилаётган хилма-хил таомлар асрлар давомида шаклланиб келган. Халқнинг таом тайёрлаш анъанаси ва маданияти кўп асрлик тарихга эга бўлиб, миллий таомларини тайёрлашда азалдан турли хил гўшт, ўсимлик

маҳсулотларидан кенг фойдаланганлар.

Ўзбеклар кундалик овқат сифатида бугдой, арпа, гуруч, нўхат, мош, зиғир, кунжут каби дон, сабзи, пиёз, шолғом каби сабзавотлар, кади, қовун, тарвуз каби полиз маҳсулотларини кенг истеъмол қилганлар. Азалдан миллий таомларни тайёрлаш учун чорва - кўй, қорамол, эчки ёғлари, кунжут, зиғир ва сариеғ (сут маҳсулотларидан олинган), пахта ёғи ишлатилиб келинади. Овқатланишда, айникса шаҳарликларнинг асосий таомлари сут маҳсулотларидан: катик, сузма, творог ёки чакки (зардоби олинган катик ёки кефир ҳисобланиб), қаймоқ ва бошқалардан иборат бўлади. Самарқанд, Тошкент вилоятларида ва Фарғона водийсида таомга жуда кўп зира ва зирк ишлатилади, улар таомга нозик таъм ва хид беради. Гўшти, сабзавот ва ёрмали қуюқ таомлари заъфарон, кашнич қўшиб тайёрланган. Умуман, ўзбек миллий таомлари ўзининг лаззатлилиги, қувватлилиги ва сервитаминлиги билан ажраб туради. Айникса, палов, шўрва, мастава, шавла, мошхўрда, мошкичири, шилпилдоқ ва бошқалар кенг тарқалган. Баъзи қуюқ таомлар (палов) тайёрлашнинг ўнлаб усуллари мавжуд. Нон тайёрлаш ҳам ўзбек пазандчилигида алоҳида ўрин тутади. Бухоро, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида нон ёпишда кунжут, арпабодиён, седанани кенг қўллайдилар.

Нон ўзбекларда тандирда ёпилади. Тандир ҳар хил жойларда турлича қурилади. Хоразм воҳаси жанубий туманларида яшаётган аҳоли тандирни оғзини олдинга сал қийшайтириб ўрнатишади. Туркманларга қўшни ерларда яшаётганлари тандирни туркманчасига, яъни ерга тиккасига оғзини осмонга қаратиб қурилади. Фарғона водийси, Тошкент воҳасида эса тандирни кўпинча ердан одам бўйи баравари кўтариб, оғзини рўпара қилиб қўйишади.

Ўзбеклар овқат пишириш учун азалдан кўй ёғи, сариеғ, зиғир, жувоз ёғи ишлатиб келишган. XIX аср охиридан пахта ёғидан фойдаланган.

Арпа, бугдой унидан хилма-хил таомлар тайёрланган: ёрма, талқон, нон, катлама, чалпак, атала, бўғирсок, кескан ош, чучвара ва бошқалар.

Талқон. Илгарилари дондан тайёрланган. Арпани қозонда бир сидра қовуриб олгач, тозаланган ва ҳавончага солиб туйилган, уни озгина ёғ қуйиб қозонда қовурилган. Баъзан бир оз қовун қоқи ёки

шакар. ё канд кўшилган. Талкон котган нондан ҳам тайёрланган.

Сумалак. Илгари бу таом эрта кўклам кезлари Наврўзи олам бошланган вақтдан бутун Ўзбекистон микёсида, шу жумладан, кўшни халқлар томонидан ҳам кенг тайёрланган.

Сумалак тайёрлаш учун керак микдорда тоза, сифатли буғдой олиниб, яхшилаб ювилган. Сўнгра, коронги жойда текис жойга ёйиб, устига дока ёпилган ва ҳар куни докага намини қочирмай сув пуркаб турилган. Намиққан буғдой уна бошлайди. 10–15 кунда ундан майин майса униб чиқади. Бармоқ бўйи ўсганидан кейин ош пичокда илдизи ва майсаси билан бирга майда-майда бўлақларга кесилади. Кўлда эзиб шарбати сиқиб чиқарилади. Шарбатини тоғорага солиб керагича сув қуйилади, докадан ўтказиб сузилади. Шундан кейин буғдой турпи устига яна сув қуйилади, аралаштирилади, докадан сузиб, шарбати бошқа идишга қуйиб олинади. Бу иш уч бор такрорланади. Ҳар гал шарбати алоҳида идишларга қуйилади. Охири буғдой турпи ташлаб юборилади. Бирор хонадон ховлисида ўчоқ қазилиб, катта қозон ўрнатилади. Қозонда ёғ қиздирилиб совутилгач, унга ун солиб аралаштирилади, кейин биринчи сузиб олинган шарбат қуйилади, махсус ёғоч куракча ёки ёғоч чўмич билан яхшилаб аралаштирилади. Қозонга ўт ёкиб қайнатилади. Қозон ивигач бир-икки коса майда тошлар солинади. Милтиллаб қайнай бошлаганидан кейин иккинчи идишдаги шарбат қуйилади, қайнаганидан кейин учинчи идишдагиси қуйилади, қозон тўхтовсиз қовлаб турилади. Кечаси билан қовланади. Эртаси куни эса сумалак косаларга сузиб таркатилади.

Сумалак пишириш учун ҳар бир хонадон баҳоли қудрат нарса олиб келишади: кимдир буғдой, кимдир ёғ келтиради ёки икки-уч коса ун олиб келади.

Ёрма. Бу таом ҳам буғдойдан тайёрланган. Буғдой қўл-жувозда туйилиб, қозонда қайнатилган. Етарли микдорда ёғ, сут ёки катик аралаштирилган.

Атала аксарият илк баҳор ойларида, “илик узилди” пайтларида тайёрланган. Аёллар фарзанд кўрган кунлари ҳам уларга албатта атала ичирилган.

Атала тайёрлаш учун аввалига пиёздоғ қилиб, сўнгра текис қизариб, ёйилиб пишган пиёздоққа сув қуйиб жизза солиб қайнатилган. Тоғорага керакли микдорда ун солиб, унга сув қўшиб аралаштирилади. Бу атала ҳолига келганидан сўнг қозонда қайнаб

турган пиёздокқа қуйилган. маълум миқдорда туз солиб, капкир билан тез-тез ковлаб турилган. Баъзан аталага гўшт қийма, тухум аралаштирилган. Атала ниҳоятда тўйимли, юқори қувватли, дармон овқат ҳисобланади. Лекин бу таомни кўпчилик унутиб қўйган. Ҳатто аёлларнинг кўпчилиги аталани қандай тайёрлашни ҳам билишмайди.

Қишлоқларда бирон маросим муносабати билангина тайёрланадиган таомлардан қатлама, чўзма, юпқа, лочира ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Чалпак (чўзма). Одатда, турли таъзия маросимлари вақтида пиширилади. Чалпак пишириш учун бўғирсоққа қандай ҳамир тайёрланса, худди шундай ҳамир ясалади. Тайёр ҳамирдан кичик-кичик зувалачалар узиб, ҳар бири юпқа ёйилиб, кейин 10–15 минут тиндирилади. Тинган чалпаклар доғ қилинган пиёзда ҳар иккала томонини кизартириб ковурилади.

Лочира. Бу таом ҳам чалпак, бўғирсоқ сингари ҳамирдан тайёрланади. Унга илиқ сут, ҳамиртуруш қўшиб юмшоқроқ ҳамир қилинади. Икки-уч соат илиқ жойда сақланади. Зувалалар узилиб, ўртача қалинликда ёйилади, зич қилиб чакич урилади. Сўнгра тандирда ёпилади, узгандан сўнг совутилади.

Юпқа. Ҳамир чучвара ҳамиридек қорилади. Гўшт қиймага зиравор, туз аралаштирилиб, пиёз билан сал ковурилади, сўнгра совутиб қўйилади. Тиниб турган ҳамирдан зувалачалар тайёрланиб, қоғоз юпқалигида ёйилади. Зувалачаларнинг ҳаммасини ёйиб бўлгандан сўнг қозон киздирилади, мойланади ва юпқалар биринкетин қозонга ёпиб пиширилади. Пишган юпқалар устма-уст тахланиб усти ёпиб қўйилади. Шундан кейин ҳар юпқанинг ўртасига қийма солиб букланади, лаганга солинади.

Ҳамирдан бир неча хил суюқ ош: кескан ош, чўзма ош ҳам тайёрланган.

Халқимиз таомлари орасида кўп истеъмол қилинадиган ва ўзбек дастурхонининг кўрки, миллий ғурури паловдир. Паловнинг тури кўп: қовурма палов, чумчук тилли палов, майиз ва нўхатли палов, халта палов, хоразмча(товук) палов, каваток палов, бедана палов, тустовук палов, тухум палов, девзира палов, угра палов, ловия палов.

Гуручдан тайёрланадиган таомлардан яна шовла, қовурма шов-

ла. мошкичири, ширгуруч. маставани айтиб ўтиш мумкин.

Дон махсулотларидан гуруч, мошдан ташқари нўхат, ловия, маккажўхори, оқ жўхори, сўк, арпа ишлатилади. Нўхатдан тайёрланадиган нўхат шўрак, оқ жўхоридан тайёрланадиган жўхори ош жуда мазалидир.

Нўхатшўрак. Бу таомни hozirги шароитда тайёрлаш учун тозаланган нўхат совуқ сувда 8–10 соат ивитиб қўйилади. Сўнгра яхшилаб ювилади. Кейин нўхатга нисбатан уч барабар кўп сув куйиб, идишнинг усти ёпилади ва нўхат билан сув милтиратиб қўйилади. Сув буғи таъсирида нўхат бўртиб йириклашади, қисман пишиб ёрилади. Керакли микдорда туз солинади. Юпка оқ пиёздан тўғраб, тарелкага солинган нўхат устига қўйилиб, муруч ёки аччик калампир сепилади.

Таомлар ичида пархез таомлар оз эмас. Масалан, ёвғон хўрда, говук шўрва, атала, оқшоқ талкон.

Ёвғон хўрда. Тозаланган гуруч оловга қўйилган қозонда бир оз козурилади. Устига гуручни қўмадиган микдорда сув куйиб, паст оловда қайнатилади. Гуруч пишгач таъмига яраша туз солинади.

Оқшоқ талқони. Тозаланган оқшоқ яхшилаб ювилади ва қурилади. Роса қуригач ўртача оловга қўйилган қозонда козурилади, сўнгра алоҳида идишга кўтариб олинади. Шакар, ёнғок мағзи қўшиб ҳавончада туйилади ва майиз қўшилади.

Ҳолвайтар. Оловга қўйилган қозонга ёғ солиб доғ қилинади (истаган ёғ, иложи бўлса, кўй ёғи). Оловдан четга олиб қўйилади. Ёғ совигач, қозонга оз-оздан ун солиб, аралаштирилади. Яна оловга қўйилади ва бетўхтов қовлаб турилади. Қозондаги масаллик бир оз қайнагач, куйила бошлайди. Шундан сўнг оловни ўчириб, ҳолвайтар идишларга сузилиб, дастурхонга узатилади.

Гўштан, айникса, от гўшtidан кази-карта тайёрланган. Қазии қилиш учун от гўшти, ичаги, зира, мурч, туз ишлатилган. Янги сўйилган семиз от гўшти олинган: семиз қазии, семиз биқин гўшти, тўш гўшти, соннинг юмшоқ жойи 4–3 см қалинликда, 20–25 см узунликда кесилади. Зира, мурч, туз сепиб обдан аралаштирилади ва 5–6 соатга қўйилади. Бир от ичаги ювиб тозаланади. Кейин 40–50 см узунликда кесилади. Бир учига чўп суқиб, йўғон ип ёки қаноп билан маҳкам боғланади. Иккинчи учидан галма-галидан ёғ ва гўшт тиқиб турилади. Охиригача гўшт, ёғ солиб бўлингач, иккинчи учидан маҳкам боғланади. Тайёр қазини одатда ун ёки ёғ

ичига солиб, икки-уч йил сақланади.

Карта. От картасининг сирти ва ичи ағдариб ювилади. 25–30 см узунликда кесилиб, 2–2,5 соат қатикда ивителиди. Туз, зира, сирка сепиб яхшилаб аралаштирилади. 4–5 соат салқин жойда туради. Карта бўлақларининг иккала учи ҳам боғланади. Қозонга солиб, сув қуйилади ва паст оловда қайнатилади.

Хуллас, ўзбек халқи анъанавий миллий таомлари моддий маданиятнинг асосий узвларидан бирини ташкил этиши билан бирга, унда халқнинг ўтмиш тарихи, этнослараро алоқалар, ижтимоий тузум ва иқтисодиётнинг миллий маданият, кундалик турмуш тарзига таъсири ҳамда халқона урф-одатлар ўз ифодасини топган. Бундан ташқари, ҳар қандай этнос анъанавий таомларида бўлгани сингари, ўзбек миллий таомларида ҳам халқимизнинг хўжалик йўналиши, миллий ва диний қарашлари акс этган бўлиб, уларнинг айримлари маҳаллий табиий шарт-шароитга боғлиқ тарзда ўзгариб, ривожланиб борган. Қолаверса, миллий таомлар моддий маданиятнинг бошқа элементларига нисбатан анча консерватив бўлиб, улар ўзида барқарор диний-этник хусусиятларни сақлаб қолган.

Назорат топшириқлари:

1. Ўзбек халқининг шаклланиш тарихи тўғрисида айтиб беринг.
2. Илк ва ўрта асрларда минтақадаги этномаданий жараёнларда ўзбеклар аجدодларининг ўрни ва роли ҳақида гапириб беринг.
3. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихига оид манбаларни санаб беринг.
4. Ўзбек халқининг антропологик типи атамасини изоҳлаб беринг.
5. “Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи” тўғрисида сўзлаб беринг?
6. Ўзбек халқининг шаклланишида иштирок этган муҳим этник компонентлар тўғрисида нималарни биласиз?
7. Халқнинг анъанавий хўжалиги деганда нималарга эътибор қаратиш лозим? Уларни таърифлаб беринг?
8. Ўзбек халқи урф-одатлари, анъана ва кадриятларининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапириб беринг.

IV БОБ. ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚИНИНГ ЭТНОГРАФИЯСИ, ЭТНОГЕНЕЗИ ВА ЭТНИК ТАРИХИ

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: қорақалпоқ, Орол денгизи, лингвистика, печенеглар, ўғузлар, Нўғой хонлиги, сак-массагетлар. Кетмонтепа, қўнғирот, қўлдувли, кандакли. жаунғир, қирқ қиз, шулдук, ерши, шурек, кимишек, сўк оши. буреқ, бахизур.

IV. 1. Қорақалпоқ халқининг этногенези ва этник тарихи

Қорақалпоқлар – Марказий Осиёдаги халқ бўлиб, уларнинг асосий қисми Ўзбекистон Республикаси таркибидаги Қорақалпоғистон Республикасида яшайди (504 301 киши, 2000-йиллар ўрталари). Шунингдек, Фарғона, Хоразм, Навоий, Бухоро вилоятларида, қўшни Туркменистон, Қозоғистон, Россия, Афғонистон ва Эронда бир неча минг қорақалпоқлар яшайди. Қорақалпоқлар асосан қорақалпоқ тилида сўзлашади.

Қорақалпоқ тили – туркий тилларнинг қипчоқ гуруҳига мансуб тиллардан; козок ва нўғой тиллари билан биргаликда қипчоқ тилларининг қипчоқ-нўғой гуруҳчасини ташкил этади ва Қорақалпоғистон Республикасининг давлат тили (ўзбек тили билан бирга). Асосан, Қорақалпоғистонда, шунингдек, Хоразм, Навоий, Бухоро вилоятлари ҳамда Қозоғистон ва Туркменистоннинг унга қўшни ҳудудларида, Россия ва Афғонистонда тарқалган. Қорақалпоқ тилида сўзлашувчиларнинг умумий сони 425 минг кишидан иборат (XX асрнинг 90- йиллари ўрталари). Қорақалпоқ тили асосан иккита: шимоли-шарқий ва жануби-ғарбий лаҳжаларга бўлинади; бу лаҳжалар фонетик жиҳатдан ўзаро фарқланади.

Тарихдан маълумки, милодгача III минг йил аввал, инсон тош, суяк ва сополдан ташқари металлдан фойдаланишни ҳам ўрганган. Даставвал бу табиий, соф ҳолдаги мис, сўнгра бронза – мис ва қалай, баъзан сурма, маргимуш ёки қўрғошин қотишмаси эди. Палеометаллар ишлаб чиқарилишини ўзлаштириш инсоният жамия-

ти тараққийетини анча тезлаштирди. Энди тош ва суякдан ясалган меҳнат қуроллари ўрнини ишлаб чиқариш унумдорлигини сезиларли оширувчи қаттиқ ва ўткир бронза қуроллар эгаллайди. Юз минглаб йиллар давом этган тош даври тугаб, башарият тарихида янги давр – бронза даври бошланади (милодгача II – I минг йиллик аввали).

Неолит давридаёқ қуртак ота бошлаган ишлаб чиқариш фаолияти турлари янада жадалроқ ривож топади. Чунончи, айрим субтропик вилоятларда суғориш билан боғлиқ деҳқончилик тараққий этади ва шунга мос цивилизациялар пайдо бўлади. Евроосиё даштлари ва тоғ этакларида чорвачилик-деҳқончилик мажмуи хўжаликлари шаклланади. Энеолит ва бронза даврида махсус кўпайтириш объектлари саналган ҳайвонларни уй шароитида боқишга ўргатиш давом этади. От ва туяни ўргатиш шу даврга тўғри келади.

Чорвачиликнинг пайдо бўлиши, жамиятнинг ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришда янги босқични бошлаб берди ва чорвадор қабилаларнинг бошқа оммадан ажралиб чиқишларига олиб келди. Бу биринчи йирик ижтимоий меҳнат тақсимооти эди. Астасекин чорвачиликнинг роли орта боради, у тоғ ва дашт вилоятлари аҳолиси хўжалигида етакчи ўринни эгаллайди. Милодгача II минг йиллик охири – III минг йиллик бошларида бу вилоятларнинг аксарият аҳолиси хўжаликнинг янги мутахассислашган шакли – кўчманчи ва яримкўчманчи чорвачиликка ўтади.

Бронза даврида Қорақалпоғистон ҳудудида турли келиб-чиқишга эга чорвачилик-деҳқончилик ва кўҳна деҳқончилик қабилалари истиқомат қилар эдилар.

Дастлаб қорақалпоқлар бир нечта қабилалар уюшмасидан таркиб топган бўлиб, қадимданок яхлит халқ сифатида шакллана бошлаган. Уларнинг энг қадимги аجدодлари милоддан аввалги биринчи асрларда Оролнинг жанубий соҳилларида ўрнашган массагет қабилалари ҳисобланади. Улар орасида апасиак қабиласи қорақалпоқларнинг халқ сифатида шаклланишида катта роль ўйнаган. Бу қабила деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчилик билан шуғулланган. Профессор Т. А. Жданконинг фикрича, массагетлар ҳаётига сингиб кетган оналик (матриархат) даврига оид анъаналар машҳур қорақалпоқ достони “Қирк қиз”да яққол намоён бўлган. Бу дoston ҳозирги қорақалпоқларни ўтмиш аجدодлари билан бевосита боғлайди.

Марказий Осиёнинг кўчманчи аҳолиси ҳақидаги илк маълумотлар Персепол яқинидаги Нақши Рустам сағанаси бўртма накшлари. Бехистун қоясига ўйиб туширилган миҳхат матнида ўз ифодасини топган. Бу манбаларнинг шаҳодат беришича, осиелик кўчманчилар умумий номда “саклар” деб аталади. Уларнинг орасида Ахамонийларга бўйсунувчи бир неча қабила гуруҳи ажралиб туради: уммонорти (дарё-орти) саклари, хаамаварга саклари, тиграхауда саклари (ўткир калпоқлар), “Сўғд орти” саклари, шунингдек дах қабилалари ҳам эслаб ўтилади.

Юнон-Рим муаллифлари (Геродот, Ксенофонт, Ктесий, Арриан, Плиний Старший, Птолемей, Страбон ва б.) асарларида ҳам Марказий Осиё кўчманчи аҳолисига оид маълумотлар мавжуд. Кўпинча улар бу аҳолини “скифлар”, баъзан янада аниқроқ қилиб, “Осиё скифлари” деб аташади. Аммо бу манбаларда ахамоний, миҳхат матнларида учрамайдиган бошқа номлар ҳам мавжуд: Массagetлар, савроматлар (сарматлар), аргипейлар, арнамаслар, ассилар, пасианлар, сакарауллар (сакарауқлар) ва бошқа форсий ва антик манбаларда улкан ҳудудга тарқалган у ёки бу қабила гуруҳининг муайян жойда чегараланиши масаласида бир фикрга келинмаган. Чунончи, Тяньшан ва Етгисув ҳудудларига айрим тадқиқотчилар хаамаварга сакларини ёки юнон муаллифларига кўра, амургий сакларини жойлаштиришади; (амургий саклари таркибига, афтидан, “Сўғд орти” саклари ҳам кирган). Бошқа тадқиқотлар тиграхауда сакларини жойлаштиришади (юнон манбаларига кўра, булар – массagetлардир). Янада кейинги Хитой солномаларида Етгисув сакларини усунлар томонидан қувилиши эслатиб ўтиларкан, уларни “Сэ, “Сак” деб атайди. Усунлар Етгисув ва Тяньшанда сак анъаналарининг бевосита давомчилари эдилар.

Саклар жанговар қабилалар бўлиб, милодгача I минг йилликда Марказий Осиё сиёсий воқеаларида фаол роль ўйнашган. Милодгача бўлган VI асрдаёқ саклар ўзларининг жанговар қабилаларини бўйсундириб, ўзлари томонга оғдириб олмоқчи бўлган форс подшоларининг юришларини муваффақиятли қайтаришди. **Факат Дор I гагина иккинчи юришдан сўнг, тяньшанлик эмас, анча ўтrock Яксарт олди сакларининг айрим қабилаларини бўйсундириш насиб этди. Саклар ўз мустақилликларини мардона химоя қилишарди. Манбаларда сакларнинг душманларга қарши кураш лавҳалари, баъзан бутун бошли кўшинга бошчилик қилган аёл-жангчилар-**

нинг қахрамонона жасоратлари ҳақидаги ҳикоялар сақланиб қолган. Юнон муаррихи Полиэн, ўзини пичоклаб, форслар томонга “қочиб ўтган” чўпон Широқнинг жасорати ҳақида ҳикоя қолдирган. Сўнгра, гўё у ўз қабилаларидан ўчини олмоқчи бўлиб, форс қўшинига йўл кўрсатувчи бўлишга жазм қилади, аммо уни даштга олиб кириб, ўлимга маҳкум этади.

Кўчманчи сак қабилалари Искандар Зулқарнайн (Александр Македонский) ҳам бўйсундира олмаган қудратли кучга эга эдилар. Милодгача IV асрнинг иккинчи ярмида Искандар Зулқарнайн лашкари кўҳна форс ерларини забт этиб, Марказий Осиёга бостириб киради. Аммо босқинчилар бу ерда қатъий қаршиликка учраб, фақат узоқ курашлардан сўнгина Марказий Осиёнинг айрим ўтроқ халқлари, асосан, суғдларни бўйсундиришга муваффақ бўлишади. Бироқ бўйсунган халқлар ҳам босқинчиларга қарши курашни давом эттиришади. Спитамен бошчилигидаги юнон-македония қўшинини обдан ҳолдан тойдирган йирик кўзғолон маълум. Яксарт (Сирдарё) ортида яшовчи сак қабилалари эса, ўз мустақилликларини сақлаб қолишди.

Кўчманчилик асосига қурилган ҳаёт тарзи, жамиятнинг ҳарбий тизими саклар турмуши ва мафқурасининг ҳамма жиҳатларига ўз таъсирини ўтказди. Эрта кўчманчилар маданияти ёки скиф-сак маданияти шаклланган формаларда, милодгача бўлган VIII асрдан буён мавжуд, бу даврда Евроосиёнинг Тяньшан ва Еттисувни ҳам ўз ичига олган даштлари ҳудудида, чорвадорларнинг ягона маданиятга бирлашуви жараёни кечаётганди. Аммо эрта сак қабилалари маданияти (милодгача VIII– VI асрлар) кам ўрганилган. Бу давр асосан бронза буюмларининг айрим тасодифий топилмалари орқалигина бирмунча тадқиқ этилган. Уларнинг аксарияти от эгар-жабдуқлари: узангисимон сувлик, тўқа камарлари ва эскича шаклдаги эгар-жабдуқ безакларидан иборат.

Ёдгорликларнинг асосий қисми милодгача V–III асрлардаги сак қабилалари маданиятини характерлайди.

Сакларнинг кўрғонларини Қорақалпоғистоннинг қарийб бутун ҳудудидан топиш мумкин. Улар бир жойга мужассамланган бўлиб, 15–20 ва ундан кўпроқ кўрғондан иборат қабристон тарзида учрайди.

Кўрғон тепалиги маркази тагидаги тупроқда тўртбурчак ёки фарбдан шарққа қараб чўзилган ясси шаклдаги қабр чоҳлари жой-

лашган. Қабр чоҳлари кўпинча ходалар ёки йирик тош-тахталар билан ёпилган бўлади. Дафн қилинганлар чалқанчасига боши ғарбга йўналтирилган ҳолда ётқизилар эди. Ёнига буюмлар қўйилар, одатда булар овқат солинган сопол идишлар. тақинчок ва маиший нарсалар, баъзан қуруллардан иборат бўлган. Ҳар бир қабрга икки-уч, баъзан беш-саккизтагача идиш қўйилган.

Сўнгги йилларда йирик, “шоҳона” тоифадаги қўрғонлар топилган бўлиб, у ердаги дафн қурилмалари ўзига хослиги ва мураккаб тузилиши билан ажралиб туради. Бундай улкан қўрғон тепаликларига зич тош қопламалари ётқизилган бўлиб, уларнинг асоси квадрат ёки тўртбурчак шаклига эга. Тепаликлар атрофига бир ёки икки қатор қилиб тош-девор териб чиқилган. Сўнгра маълум масофада жуда катта тош бўлақларидан иборат мураккаб ҳалқасимон тош ётқизиклар ва бошқа маросимий қурилмалар қад ростлаган. Бу маҳобатли ва қизиқарли мажмуалар Тяньшандаги кўчманчилар қўрғон-ёдгорликларининг мураккаб меъморий ўзига хослигидан, улкан сағаналарни қуришда аниқ ҳисоб-китоблар қўлланилганидан далолат беради.

Бу қўрғонларнинг тепаликларига икки ёки уч тош қопламалари тўшалган. Қопламалар остида ерга чуқур қирган дафнгоҳ жойлашган бўлиб, у етти-саккиз ходадан ётиқ тўртбурчак ёки квадрат шаклда ясалган ва тик қоziқлар билан маҳкамланган қурилмадан иборат бўлган. Унинг юқори қисмига ёғоч тўшама, унинг устига тош-тахталар, сўнгра тупроқ ётқизилган. Ушбу иншоотнинг ҳажми анча катта бўлган.

Бу қўрғонлар қадимги замонлардаёқ талон-торож қилинган. Лекин қолган материаллар Тяньшаннинг йирик қўрғонларида, шубҳасиз, уруғ ва қабила бошлиқлари дафн қилингани, дафн қилинганларнинг бой кийим-кечаклари ва уларнинг ёнига қўйилган буюмлар машҳурлиги билан фарқланади. Қозоғистондаги Иссиқ кўрғони, Олтойнинг Пазирик қўрғонларидан топилган нарсалар билан ўхшашлигидан гувоҳлик беради.

Қўрғонлар ўтмиш замонлардаёқ талон-торож қилинганига қарамай, сақланиб қолган материаллар сакларнинг ёрқин ва ўзига хос маданиятига эга бўлганини кўрсатади. Аммо юзаки қарашда, бутун ҳудуд учун ягона ҳисобланмиш бу маданият аслида бир хил эмас. Ҳар бир туманда дафн қурилмалари, дафн маросимлари ва моддий маданияти ўзаро айрим фарқларга эга эди. Бу фарқлар

катор сабаблар билан изоҳланади. Масалан. Кетмонтепа водийси. сак қабилалари маданияти Қирғизистон ҳудудидаги ҳамоҳанг ёдгорликлардангина эмас, балки шуларга ўхшаш Марказий Осиё маданиятидан ҳам анча фарқ қилади. Бу Жаларик (энг йирик ёдгорлик – Жаларик кабрисони) деб аталмиш алоҳида маданиятни ажратиб кўрсатиш имконини берди. Кетмонтепа саклари маданияти сопол идишларнинг хилма-хиллиги. уларнинг шакллари (тоғорачалар, косалар, кўзачалар, туваклар. кубчалар), безатилиши (бўялган, ялтираб пардозланган, геометрик ёки бошқа накшлар бериб жилоланган) билан ажралиб туради. Идишлар ганчкорлик ёки кулол гардиши ёрдамида ясалган. Бундай ранг-баранглик ва шаклий бойлик бошқа ҳеч қайси мажмуада учрамайди. Кетмонтепа эрта кўчманчиларининг дафн маросими узок вақт мобайнида ўзгармай қолган.

Афтидан, Кетмонтепа эрта кўчманчилари хўжалиги ҳам бошқа туманлардаги аҳоли хўжалигидан фарқ қилган. Жойнинг тоғли водий хусусияти бу ерда соф кўчманчилик эмас, балки ўтроқлик билан уйғунлашган яримкўчманчи чорвачилик ривожига омил яратди. Фарғона иклимига яқин қулай об-ҳаво эса, бронза давридан бери анъанавий илдизларга эга дехқончилик билан шугулланиш имконини берди. Шубҳасиз, дехқончилик билан шугулланадиган кўшни Фарғона билан яқин алоқалар мавжуд, у ердан дастгоҳ идишлари, дехқончилик маҳсулотлари келтирилар, бу, ўз навбатида, Кетмонтепа саклари маданиятининг ўзига хослигига алоҳида таъсир кўрсатар эди.

Тяньшан саклари маданияти, кўрғоний ёдгорликлардан ташқари айрим тасодифан бронза буюмлари топилмалари – қурол, от эгаржабдуқлари, қозонлар, қурбонлик қилинадиган жой, шунингдек, бир неча буюмдан иборат хазина орқали ҳам намоён бўлади. Бундай тасодифий топилмалар Қозоғистоннинг қарийб ҳамма туманларида маълум.

Иссиқкўл ҳудуди айниқса топилмаларга бой. Улкан бронза қозонлар, ажойиб кандиллар ва Тяньшан саклари маданиятини ёрқин ифодаловчи бошқа буюмлар ана шулар сирасидан. Бронза буюмлар, айниқса, йирик қозонлар ва қурбонлик қилинадиган мажмуаларнинг кўп миқдорда экани – ўша даврдаги Иссиқкўл маркази алоҳида ўрин тутганлиги, металлчилик, ишлаб чиқаришнинг ривожланганлигини оқибатидир.

Сақлар хўжалигининг асосий қисмини чорвачилик ташкил этар эди. Отлар, қўйлар ва қорамоллар боқилар эди. Чорва айна вақтда эрта кўчманчиларнинг ишлаб чиқариш воситаси, меҳнат қуроли ва меҳнат маҳсули, яшаш ва бойишнинг воситаси эди. Кўчманчиларнинг асосий ташвиши мол боқиш, яйловларни сақлаб қолиш ва кўпайтиришдан иборат бўларди. Тоғ ва водийлардан иборат Қорақалпоғистон ҳудудида кўчишнинг тик деб аталмиш усули кенг тарқалган: яъни, водийларда ишлаш ва баланд тоғли жойларда ёзни ўтказиш ёки аксинча. Хўжалик юритишнинг бундай усули, афтидан, лалмикор характердаги деҳқончилик билан кўшиб олиб борилган. Айрим туманларда, Кетмонтепа ва Фарғонанинг тоғ этаклари водийларида, деҳқончилик юритилган бўлиши мумкинлигини ҳам истисно қилиб бўлмайди.

Сақлар кигиз ўтовларда яшаб, кишлаш жойларида уйлар қурган бўлишлари ҳам эҳтимол. Уларнинг кийим-кечаклари кўчманчи ҳаёт шарт-шароитларига мослашган. Маиший турмушда тери, ичак, кигиз, жундан кенг фойдаланишган. Уй анжомларини яшаш билан асосан аёллар шуғулланишган. Сопол идишларнинг туби кўчиш шароитларига мослаб, айлана ва кенг қилиб ишланган.

Сақларда қуювчилик, темирчилик, қулоччилик, заргарлик ва бошқа ҳунармандчилик турлари тараққий этган эди. Уларнинг буюмлари сақлар моҳиятининг турли моддий нарсаларида ўз ифодасини топган. Лекин ҳунармандчилик асосан хонаки ишлаб чиқариш характерига эга эди. Ҳунарлар яхлитлови ҳали бошланғич босқичда эди.

Сақлар ва қўшни кўчманчи ва ўтроқ халқларнинг, шунингдек, ғарбдаги скифлар ва савроматларнинг этникларида умумий жиҳатлар кўп бўлган. Уларнинг тасаввурларида кўп нарсалар ҳинд-европа ўтмишига бориб тақатарди. Чунончи, аجدодларга, айниқса, қабила сардорларига сиғиниш сақланиб қолган ва ривож топган. Алоҳида ва ҳашаматли тарзда қурилган маҳобатли сағаналар ана шундан гувоҳлик беради.

Сақлар табиат кучлари ва ҳодисаларини илоҳийлаштириб, уларга сиғинишарди. Қуёш ва бошқа осмон жисмларига сиғиниш, самовий от ва уй-ўчоққа сиғиниш асосий ўрин тутган, қурбонлик қилиш ва бошқа илоҳий саналган жойлардан топилган буюмлар ана шулар билан боғлиқ. Сақларда қадимий диний тасаввурлар ҳам сақланиб қолган.

Юкорида таъкидлаб ўтилган апасиаклар даврида. Сирдарё этакларида аугасийлар қабиласи яшаган. Бу икки қабилла ўртасида мустақкам алоқа мавжуд бўлган. Милоддан аввалги I аср билан милодий I асргача бўлган оралиқ даврида Орол қирғоқларига шарқдан хуннлар гала-гала бўлиб ёпирилиб кела бошладилар. Булардан ташқари VI – XII асрлар оралиғида турклар пайдо бўлишди. Натижада Амударё сохилларида VII – VIII асрларда апасиаклар негизида Печенег иттифоқи вужудга келди. Сирдарё этакларида эса хунн ва туркларнинг аралашиб кетишлари натижасида аугасийлар негизида Ўғуз иттифоқи пайдо бўлган.

Печенегларнинг (бажанаклар, бижанаклар) ерлари IX асрнинг охирига келиб Амударёнинг этакларидан бошлаб ғарб томонга, Орол қирғоқларидан Урал ва Волга дарёлари сохилларигача бўлган улкан кенгликларни қамраб олди. Халқ орасида тарқалган афсоналарга қараганда, Қиёт (ҳозирги Беруний) шаҳри унинг пойтахти бўлган.

Ақсарият кўпчилик ўғузлар ўзлари босиб олган ҳозирги Туркменистон, Эрон ва Туркия ерларида мустақкам ўрнашиб қолганлар. Биринчи навбатда, улар туркман халқининг шаклланишига асос солдилар. Сўнгра турк ва озар халқларининг келиб чиқишига ҳам таъсир этдилар. Ўғузларнинг бир қисми бегона ўлкаларга кетишни истамай, Амударё этакларида яшаб қолдилар. Орол бўйидаги шарқий печенеглар бу ерда қолган ўғузлар билан иттифок тузиб, кўплаб сиёсий воқеаларда иштирок этдилар.

С. П. Толстов, П.П. Иванов ва Т. А. Жданко каби таникли тарихчиларнинг фикрича, Оролбўйи печенеглари ўз тақдирларини ўғузлар билан боғлаб, қорақалпоқ халқи шаклланишининг сўнги босқичига асос солганлар. Шундай қилиб, қорақалпоқларнинг халқ сифатида шаклланишининг сўнги босқичи Орол ва Амударё бўйларида кечган. Шарқлик печенегларнинг “қорақалпоқ” номи олишлари айнан шу даврга тўғри келади. XI асрнинг биринчи ярмида шарқлик печенеглар ерига Сибирь ва Иртиш томондан қипчоқлар бостириб қирадилар. Босқинчи (қипчоқ)ларнинг бир қисми шарқий печенеглар билан аралашиб кетган. Ҳозирги қорақалпоқ уруғларида қипчоқ уруғининг борлиги ҳам ана шундан далолат беради. Мащҳур тарихчи Абу Фазл Байҳақийнинг “Тарихи Байҳақий” асарида келтирилишича, XI асрнинг ўрталарида Хоразм шохининг турк гвардиячилари қўмондонларидан бирининг исми

“Қалпок” бўлган. П. П. Иванов шунга асосланиб, бу ерда гап саркарда ҳақида эмас, балки унинг бўйсунувидаги қорақалпоқ жангчилар ҳақида бораётганини таъкидлайди. Шундан келиб чиқиш айтиш мумкинки, қорақалпоқлар ўша даврлардаёқ, балки ундан ҳам аввалроқ бош кийимлари рангига қараб “қорақалпоқ” номини олган бўлсалар ажаб эмас.

С. П. Толстовнинг фикрига кўра, биринчи бўлиб қипчоқлар, шарқлик печенегларни бош кийимларига қараб “қорақалпоқ” деб атаганлар. Бинобарин, қорақалпоқлар ўзларининг ҳозирги номларини XI асрдаёқ туғилиб ўсган юртлари – Орол ва Амударё соҳилларида олганлар. Шарқий печенеглар шу асосда тарихий манбаларга “қорабурклилар”, “қорақалпоқлар” номи билан кирганлар.

Шарқий печенегларнинг аксарият кўпчилиги Орол соҳиллари ва Амударё этакларида яшаб, Хоразм халқи билан бирга XI – XIV асрларда кечган сиёсий воқеаларда фаол иштирок этдилар. Шох Маъмун ибн Маъмун подшолик қилган 999–1017 йилларда Хоразм иқтисоди ва маданияти юксакликка кўтарилди. Унинг пойтахти Урганч йирик маданият марказига айланди. Бу ерда академия таъсис этилиб, Ибн Сино, Абу Райҳон Бериуний, Ибн Мискавайк, Абусаҳид Масихий, Абул Хошир Ҳаммад, Абу Наср Аррак каби машҳур фан даҳолари Урганчда муқим қолдилар. Хоразмнинг бундай муваффақиятларга эришишига кўшни қорақалпоқлар ҳам ўз улушларини кўшганлар. Бироқ, Ғазнавийлар сулоласидан бўлган Султон Маҳмуд Хоразмни босиб олади. Хоразм аҳолиси ва қорақалпоқлар талон-торож, қувғинларга учраб, хонавайрон бўладилар. Ундан кейинги даврда, яъни XI асрнинг 20–30- йилларида хоразмликлар ва қорақалпоқлар ўғуз-салжуқийлар босқинига учрайдилар. Кейин эса юқорида тилга олганимиздек, қипчоқлар хужумига дуч келдилар. Бутунлай хонавайрон этилган Хоразм XII асрнинг иккинчи ярмигача ўзига келолмади, қайрилган қанотини ўнглай олмади.

Кейинроқ Хоразм аста-секин қаддини ростлай бошлади, унинг сарҳадлари Каспий денгизининг шимолий соҳилларидан **Форс** кўрфазигача, Кавказдан Ҳиндистонгача бўлган **кенгликларни** қамраб ола бошлади. Мамлакатнинг иқтисоди ва маданияти **яна** қайтадан юксалди, хунармандчилик ҳам жадал суръатлар билан ривожланди. Бу вақтга келиб Урганч улкан халқаро савдо **марка-**

зига айланди. Амударёнинг ўнг ва сўл соҳилларида дехқончилик ривож топди. Қиётдан то Урганчгача бўлган кенгликларда аҳоли зичлашди. Ўша кезларда аҳоли шу даражада зич эдики, шарқлик таджикотчиларнинг тили билан айтганда. “Қиётдаги уйлардан бирининг томига чиқиб олган мушук оёғи ерга тегмай. томма-том сакраб Урганчга бора олади”. Бирок Чингизхоннинг 1218–1221 йиллардаги Хоразмга юриши Орол, Амударё ва Сирдарё соҳиллари аҳолиси бошига кўп офатлар олиб келди. Хоразмнинг туб аҳолиси босқинчиларга қучли қаршилик кўрсатдилар, мўғуллар эса мард ва жасур химоячиларни мисли кўрилмаган шафқатсизлик билан мавх этадилар. Шарқ солномачиси Рашидиддиннинг гувоҳлик беришича, Урганч шаҳри аҳолиси мўғулларга қарши қатъий курашдилар. Бундай қаршиликни кўрган Чингизхон шаҳарни тўла қўлга олгач, ўзининг 50 минглик лашкарларига шундай буйруқ беради, “Сизларнинг ҳар бирингиз камида 24 кишини ўлдиришингиз керак”. Шундай қилиб мўғуллар Хоразмнинг бир миллиондан зиёд аҳолисини қириб ташладилар. 100 мингдан зиёд ҳунарманд ва ёш қизларни Мўғулистонга ҳайдаб олиб кетишди. Урганч аҳолисини қирғинбарот қилиш билан ҳам қониқмаган мўғуллар Чингизхоннинг амри билан Амударё соҳилидаги тўғонни бузиб ташладилар. оқибатда Урганч сув остида қолади. Бундан ташқари, босқинчилар Хоразмдаги бир қанча экинзорларга сув келадиган кўплаб каналларни буздилар. Натижада Амударё ўзанини кескин ўзгартириб, Сарикамиш сайхонлигига оқа бошлади. Урганчдан Орол денгизгача бўлган масофадаги экинзорлар сувсиз қолди. Амударёни суви Орол денгизига етиб бормади. Шунинг учун XIV асрнинг ўрталарига келиб дарёнинг ҳамма ирмоқлари бутунлай қуриди. Орол денгизининг сатҳи пасайди, аммо Сирдарёнинг суви кўшилиб турганлиги шарофати билан денгиз сувининг сатҳи 43 белгисидан (ҳозир 37 да турибди) пастга тушмади.

Орол денгизининг қуриган тубидан кўтарилаётган қум ҳозирги Қорақалпоғистоннинг ҳамма туманлари ерини қоплади, ҳатто баландликлардаги уй-жой ва биноларни ўз қаърига олди. Чунинчи, XII асрда Хўжайлидаги Мездақхон устида қурилган масжид бутунлай қумга қўмилиб қолди. Археологлар қазиш чоғида уни “топиш”га муваффақ бўлдилар.

Бу ноҳушликларни ҳаммаси бир бўлиб Амударё соҳиллари иқлими ва табиатига ўзининг ноҳуш таъсирини ўтказди. XII –

XIV асрларда қорақалпоқлар Оролнинг жанубий соҳиллари ва Амударёнинг этакларидаги ўрганиб қолган қароргоҳларини тарк этиб, бошқа ўлкаларга кўчиб кетишга мажбур бўлдилар. Уларнинг кўпчилиги Хоразмнинг шимоли-ғарбий ерларида, Устюртда, Сарикамиш ва Ўзбой соҳилларида ўрнашдилар. Айримлар Волга дарёси қирғоқлари томон кетишди. Ғарбий Хоразм, Устюрт ва Волга соҳилларида жойлашган қорақалпоқлар Олтин Ўрда хонлиги ҳукми остида эдилар. Нўғой улусида жойлашган қорақалпоқлар ҳам XIV асрнинг бошларида Волга соҳилларига кўчдилар. Шундай қилиб, қорақалпоқлар Хоразм ва Волга ўртасидаги кенгликларда яхлит халқ сифатида қарор топдилар.

XV асрнинг иккинчи ярмидан то XVI асрнинг иккинчи ярмигача бўлган даврда қорақалпоқлар Нўғой хонлиги таркибида бўлганлар. 1556 йилга келиб Россия Астрахань хонлигини босиб олади. Шундан сўнг нўғой мурз (князь)лари ўртасида ўзаро нифоқ ва жанжаллар бошланади. Бунинг устига хонликда икки йил давомида (1557–1558) экинлар битмай қолди, оқибатда очарчилик бошланди. Бу офатлар туфайли хонлик ҳудудида истиқомат қилаётган халқларнинг кўп қисми бошқа ўлкаларга кўчиб кетди. Қорақалпоқлар ҳам Нўғой хонлигини тарк этиб, ўзларининг Амударё бўйларидаги аввалги ерларида қайтиш имконияти бўлмаганлигидан, Сирдарё соҳилларига келиб жойлашдилар. Ўша пайтларда Амударё соҳиллари сувсизликдан ҳамон қақроқ эди. Фақат XVII асрнинг бошларига келиб, Амударё ўзининг эски ўзанига қайтади ва сувини Орол денгизига куя бошлайди.

Ўша даврдан бошлаб қорақалпоқлар дарёнинг икки соҳили бўйлаб ястанган қадимий жойларига қайтиб, ерларни яна янгидан ўзлаштиришга киришдилар. XVII асрда қорақалпоқлар Хоразмга ўтган кўчманчи ўзбеклар билан бирга Хива хонлигининг шимолида Орол (Аран) давлатини барпо эта бошладилар. Орол қорақалпоқлари ва ўзбеклар XIX асрнинг бошларида Хива хонлигида ҳам яшаганлар.

Қорақалпоқларнинг аجدодлари сак-массагет уюшмасига кирган апасиаклар, аугасийлар милоддан олдинги аср охирларида Орол денгизи жанубий соҳилларида яшашган. Милоддан аввалги II – милодий IV асрларда шарқдан Орол атрофларига бостириб келган хуннлар, VI – VIII асрларда келган турклар сак-массагет

қабилалари билан қисман кўшилиб кетиши натижасида вужудга келган қурама халқлар печенеглар, шаркий (туркий) ўғузлар қорақалпоқ халқининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган.

Демак, қорақалпоқлар қадимий Эрон тилидаги Орол бўйи шакл-массагет қабилалари (милоддан аввалги VII – II асрлар) хуннлар (милодий II – IV асрлар) билан туркий тилдаги элатларнинг (VIII – X асрлар) аралашуви натижасида пайдо бўлган. Ўша даврда Орол бўйларида печенег ва ўғуз қабилавий гуруҳлари пайдо бўлади ва қалмиқ этносига асосий компонент бўлиб қиради.

Қорақалпоқларнинг этногенезида муҳим роль ўйнаган Дашти кипчоқликлар қорақалпоқларга ўз тилини берган. Уларнинг шаклланиш жараёни ва номининг пайдо бўлиши XVI – XVIII асрларга тўғри келади. XVIII асрларда қорақалпоқларнинг бир қисми Фарғона водийсига кўчади. Кўпчилиги эса XIX аср бошларида қуйи Сирдарёдан қозоқларнинг сиқуви ва Хива хонларининг зулми натижасида Амударёнинг қуйи қисмларига кўчиб кетишган.

Олимлар фикрига кўра, қорақалпоқ сўзи кипчоқ тилига мансуб бўлиб, ўғуз-печенег қабилаларининг бошларига қийиб юрган қалпоғининг шакли ва рангига қараб берилган номдир. Қорақалпоқ халқининг шаклланишида иштирок этган барча уруғ ва қабилалари икки асосий тармоқ – арис (шоти)га бўлинади: ўн тўрт уруғ арис ва қўнғирот арис.

Ўн тўрт уруғ арисига хитой, кипчоқ, кенегас ва манғит қабибалар қиради.

Хитой уруғлари гуруҳига бессари, бексийик, қазаёкли, қайшили, анна, қуйин, айтеке, шеруши, манжўли, кирқ;

кипчоқ (кипшоқ) уруғларига оролбой уруғлари, кенегас уруғлар гуруҳига аранши, октоғин, ўмир, тарокли, добал, оймоут, дамбазак, нўкис;

манғит уруғлари гуруҳига қораманғит, қорасирок, окманғит, мамиксин, қосар, қилқали (буларнинг ҳаммаси қоратой гуруҳини ташкил этади.), аршан, жанлик, тоқманғит, арсари, тазжалиқ, шуйит, жаманша, есиби, тамғали, тонгмўйин, темирхўжа (буларнинг ҳаммаси саритой гуруҳига қиради.), бузтой (бузтой гуруҳи) ва ешбуга (жентимтой гуруҳи) уруғлари қиради.

Шуллуқ саккиз қабиладан иборат: ашамайли, қўлдаули, қўштамғали, болғали, қандакли, қорамуғин, қиёт ва мўйгин.

Жаунғир қабибалар бирлашмаси эмас, балки уруғлар уюшмаси

бўлиб. унинг таркиби етти уругдан иборатдир.

Шуллук кабилалар бирлашмасини ташкил этувчи:

Киёт қабиласи уч тамғали, тарокли. болғали киёт уруғларидан: Ачамайли қабиласи сақўн, қорахўжа, жалақаёк, айилли. қабасон. туркман қора. жанар. сариабиз. оқай. нағқара, уч боши. курама уруғларидан:

Кўлдвули қабиласи бескампир. майшишали, қалқамон, ғойибқарагон, саритон. кулкўқожак, жаримбет. жаманкўнгирот. хўжа кизилоёк, корасирок. желқарагон, улкан бўрик. шулжуйит. қалмоқ. жомоновул. шўмишли, тўкимбет. тазболғали. кўш тамғали болғали, қоратолши. асон. арзикул уруғларидан:

Қандакли қабиласи самат, тели, абиз, кенгтанов уруғларидан ташкил топган.

Жаунғир теристамғали, бақанли, шейженли, тиёкли, ирғакли. баймокли. казаёкли ва уйгур уруғларига бўлинади.

Қорақалпоқлар антропологик жиҳатидан қозоқлар, хоразм манғитлари ва курамаларга яқин. Қорақалпоқ тили кипчок тиллари гуруҳининг кипчок-нўғой шохобчасига киради.

Қорақалпоқ халки неча асрлар давомида турли халқлар ва давлатлар ҳукмронлиги остида яшаб келганлар. Таъкидланганидек. X – XI асрларда қорақалпоқларнинг яшаётган ерлари Ўғуз давлатига, кейинчалик қудратли Хоразм давлатига бўйсунган. XIII – XIV асрларда мўғуллар ҳукмронлиги остида бўлган. XIX аср иккинчи ярмида эса Россия давлати таркибига кирган.

Хуллас, Амударё ва Орол соҳиллари қорақалпоқ халқининг азал-азалдан ота-боболари яшаб, меҳнат қилиб келган она юрти ҳисобланади.

IV. 2. Анъанавий хўжалиги ва моддий маданияти

Қорақалпоқлар қадимда Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимида жойлашган ерларда дехқончилик, чорвачилик ва балиқчилик билан шуғулланиб келганлар. Улар азалдан чорвадор халқ бўлиб, кейинчалик эса дехқончилик билан ҳам шуғуллана бошлаган, деган мунозара мавжуд. Бу халққа хос жиҳатлардан бири ҳам шундаки, улар бошқа кўпчиликлари халқлар сингари кўчманчи ҳаёт кечирмадан ўтрок ҳаётга ўтган эмас, балки қадим замонлардан ўтрок

ҳаёт кечириб келган. Қорақалпоқлар азалдан суғорма деҳқончилик қилишган. Шу мақсадда Сирдарё ва унинг ирмоқлари Қувондарё ҳамда Жонидарёдан сув олиб, ирригация тармоқлари орқали экин майдонларига сув чиқазишган.

Деҳқончиликда асосан галлачилик ривожланган. Дарёлар ва қўллар атрофидаги ерларга бугдой, арпа ва тарик, шоли, жўхори, зиғир, кунжут, беда, полиз экинлари экилган. Экинларни сугориш учун зарур сув қорақалпоқлар бутун ҳаёт-мамот масаласи бўлган. Сув етишмаслиги оқибатида жуда кўп жанжаллар, келишмовчиликлар келиб чиқар, катта қонли тўқнашувларга сабаб бўлар эди. Бир қабила ё уруғ бошқа кўшни қабила ё уруғ билан кўпинча ихтилофда яшар эди. Ўша замоннинг оғир шарт-шароитлари, маҳаллий бойлар, задагонларнинг зўравонлиги, улар томонидан ўрнатилган оғир тартиб-қоидалар жуда кўп қон тўкилишига сабаб бўлар эди. Ҳар бир қорақалпоқ овуллари ўзларига бириктирилган меросий канал (жап)лар атрофида жойлашган бўлиб, ҳар қайсининг сув ичадиган салмаси (ирмоғи) мавжуд эди. Кимга қанча сув бериш; дарёдан сув олиб келиш учун канал (арна) қазийда қайси овулдан қанча одам қатнашиши, баҳорда арнани тозалаш учун сувга нечта одам ажратилиши мироб томонидан ҳал қилинар эди. Сув муайян мазгил (вақт)гача, масалан, эрта тонгдан туш пайтигача одатда икки таноб ерни сугоришга етадиган миқдорда оқизиб турилар эди. Сув танқис вақтларида икки хўжаликка бир мазгил сув берилар эди.

Кўп жойларда ерни қўл серппе ёрдамида суғоришга тўғри келар эди. Бу мосламалар билан сув бир ариқдан иккинчи ариққа чиқариб турилар эди. Айни вақтда оёқ ёрдамида сув чиқариладиган мослама ҳам ишлатилар эди. Бундай усул кичик майдон экинларига сув чиқаришда қўлланилади. Катта экин майдонларга сув чиғир ёрдамида оқизилган. Ер гўнг, эски девор билан озиқлантирилган. Ҳайдашдан олдин ерлар шўрини ювиш учун бир неча бор суғорилган. Кейин ооч (гунда – ағаш) билан аввало узунасига, сўнгра кўндалангига икки қайтадан ҳайдалган. Кейин ҳайдалган ерлар мола ёки дандене билан кесакларини майдалаб текислаб чиқилган.

Ҳосилни ўроқ билан ўришган. Донни янчиш, совуриш ишлари Марказий Осиё халқларига хос услубда бажарилган.

Қорақалпоқлар асосан қорамол ва йилқи боқишган. Ёзда яйлов-

ларда. киш кунлари эса қўлда бокилган. У шок – қорамолларни по-
лачи (подаши). йилкиларни йилкиши, майда молларни эса қўйчи
(қўйши) ёки чўпон (шопон)лар бокқан. Қишда чорва, одатда шох,
буток ва камишлардан тикланган кўраларда ёки бостирмаларда,
молхона, сайисхона, йилкилар эса ертўлаларда сақланган.

Қорақалпоғистоннинг шимолий туманларида муйтин, қўлдаули
уруғлари яшаётган ерларда аҳоли асосан балиқчилик билан
шуғулланади. Балиқ овлаш учун камишлардан каза деб аталадиган
мослама тайёрланган. Сол, қайиқларда балиқ овланган.

Қорақалпоқларда мўйначилик ҳам яхши ривожланган. Чунки
қорақалпоқлар яшайдиган ерларда, айниқса Амударё сохилларида
хилма-хил ёввойи куш, парранда ва хайвонлар жуда кўп бўлган.
Шунинг учун қорақалпоқлар бошқа машғулотлардан ташқари
вакти-вакти билан ов ҳам қилиб туришган. Ўрдак, ғоз, қирғовул,
куён, сайғок, жайрон овлашган.

Ҳунармандчилик. Қорақалпоқлар яшайдиган овул ва
кишлоқларда деярли ҳар қайсисида ўзининг дурадгори, тақачиси,
аравасози, эгарчиси, этиқдўзи, заргари бўлган. Қорақалпоқлар
орасида ёғочдан турли буюмлар тайёрлайдиган ёғочсоз уста-
лар, чиғир, кайик, ўтов усталари ҳам кўп бўлган. Қорақалпоқлар
тўқувчилик, гиламдўзлик, наMAT-кигиз ясаш ишлари билан ҳам
шуғулланганлар. Бўйрачилик маҳсулотлари ҳам бозорга олиб
чикиб сотилган. Кулоллари ясаган тандир, сопол идиш-товокларга
талаб катта бўлган.

Қорақалпоқлар ўз меҳнатлари эвазига ғалла олишган, ерни
ҳайдаш учун хўкиз ёки ускуна мосламалари бўлган. Эгарчи (ерши)
усталар, жумладан от - орқа деб аталадиган қолипда эгар ясашган.
Эгарнинг саккиз бўлаги ана шу қолипда йиғилиб елимланган.

Ип йиғириш учун уршиқ, шарик ишлатилган. Жун газлама ва
шолча, гилам тўқиш учун ўрмак деб аталган оддий бир мослама
дастгоҳдан фойдаланган. Кенегас ва манғит аёллари ниҳоятда
яхши тўқувчи бўлган.

Транспорт воситалари. Юкни қорақалпоқлар кайик ва аравада
ташиганлар. Аравага одатда хўкиз қўшилган. Икки хил арава яса-
ган: тат арава ва телеген арава. Қайси хайвон қўшилганига қараб
от арава, хўкиз арава ва эшак арава дейилган. Иш хайвонларидан
кўпроқ хўкиз ва эшак ишлатилган, айрим ҳолларда эса от миниш-
ган.

Миллий кийим-кечаклар. Усти-бош учун зарур газлама. матоларни тўқувчи усталар етказиб берган. Бўз тўн тикиш учун ишлатиладиган йўл-йўл алаша, аёллар кўйлаклари учун ишлатиладиган катак-катак шатираш, ингичка туя жунидан мовут (шол). қоп ва ҳар хил халта тикишда фойдаланадиган жун газлама тайёрланган. Пўстин, қалпоқ, пойабзалбоп тери (асосан кўй териси ишланган) шулар жумласидандир.

Қорақалпоқ эркаларининг кийими Хоразм эркаларникига ўхшаб кетади. Эркалар кўйлак-иштон, дамбал кийганлар. Иштоннинг пойчалари этик ичига тикиб келинган. Совуқ кунларда юпка иштон устидан қалин чит ёки жун газламадан тикилган иссиқ сим (иштон) кийиб юришган. Кейинчалик нўғой ёқали кўйлак кийишган.

Қорақалпоқларда чопон кенг тарқалган. Ҳар хил чопон тикилган. қавилган чопон ҳам ишлатилган. Жун, газлама, мовутдан шекпен (чакман) тайёрланган. Байрам кунлари ялтироқ газламадан тикилган чопон кийилган. Чопон устидан белбоғ, баъзан кайис (камар) боғлаб юрилган. Қишда қорақалпоқлар пўстин ва қалпоқ кийишни ёқтиришади. Қалпоқни қалпоқ такия ҳам дейишган. Қалпоқ катта ва кенг қилиб тикилган. Салла ўрашмаган. Дин пешволаригина салла ўраб юришган.

Оёқларига чарм пойабзал, маҳси, калиш, этик, қишда жун пайпоқ кийишган.

Ёшлар билан катта ёшдаги эркаларнинг кийими деярли фарқ қилмаган. Катта ёшдагилар кийимлари сал кенгроқ, узунроқ тикилган.

Қорақалпоқ аёлларининг кийими кўйлак, иштон (лозим), иш кийим, камзул, енгсиз чопондан иборат бўлган. Бошларига дўппи кийишган, рўмол ўрашган, яна жегде ёпиб юришган.

Байрам кўйлаклари Бухородан олиб келинган ола шойидан тикилган. Кўйлакнинг тугма тикиладиган икки томонида ёқасидан белигача, енглари, этагига хилма-хил рангли ипдан чиллак шаклида кенг кашта тикилган. Бундай кўйлаклар ҳалқали кўйлак дейилган. Азадор аёллар гулсиз кўк кўйлак кийишган. Қорақалпоқ аёлларининг бош кийимлари бошқа халқларникидан яққол ажралиб туради. Айниқса, кимишек ва савкали деб аталадиган бош кийимлари жуда қизиқарлидир.

Қиз яшайдиган хонадоннинг ҳаммасида албатта кимишек ти-

килган. Уни кизнинг ўзи тиккан ва овулга куёв келган куни кийган. Кимишекни куёв овулидан келган аёллардан бири кизнинг бўйнига солиб қўяди. Чунки кимишекда бошда кийиш учун махсус тешиги бор. Кимишекнинг олд тарафи кизил мовутдан учбурчак шаклда, орқаси куйрикшаси Бухоро шойисидан попуқдор қилиб, ҳар хил рангдаги жун ипдан тўкилади. Ёнларида кулокчинлари бор. Олд тарафида пешонага тушиб турадиган жига (пешона) бўлиб, орқасидан узун гулдор “кокил” осилиб туради. Бошга яна “жегде” деб юритиладиган чопон ёпиниб юрадилар. Қорақалпоқ кийимларининг ўзига хос жихатларидан яна бири женгседир. Бундай энглар кўпинча қизил гулдор матодан алоҳида махсус тайёрланади. Сўнгра тўн ёки чопонга тикилади.

Таомлари. Қорақалпоқларда ноннинг ҳар хил тури ёпилган: буғдой нони (шурек), жўхори (зоғора) нон, котирма нон, гулше (кумеш), яъни кўр нон (кўрда пиширилган). Қорақалпоқлар нонни кўрда, қозонда, тандирда пиширишган. Тандир оғзини юқорига қаратиб қуришган. Суюқ овқатларнинг турли хилини тайёрлайдилар; жарма – туйилган арпа, буғдой, жўхори донидан пиширилади: жўхори гўжа, сўк оши (сўкни аввало сувда пишириб олиб, сўнгра ёгда қовуришади). Тансик таомларидан сиргурунч, шовла, паловдир.

Сут ва сут маҳсулотларини кўп истеъмол қилишади: катик, сариёғ, айрон, қурд, ёзда эса чалоп тайёрланади. Улар қўй гўшти, қорамол гўшти, парранда гўштини тановул қилишади. Қовурдоқ, қабоб, буреқ (варақага ўхшаган), буйрак ва юракдан жаркоп тайёрлашади. Қорақалпоқларда қовоқдан турли таомлар тайёрлашади, қовундан эса қоқи қилишади.

Элшунос У. Х Шалекенов (“Уш ай сауыным, уш ай қауыным, уш ай қабағым, уш ай шабағым”). “Уч ой сут, уч ой қовун, уч ой ошқовоқ, уч ой балик” деган қорақалпоқ халқ маталини келтириш асносида таъкидлаганидек, бу маталда ўзига тўқ оилалар учун гўшт шунчаки қундалиқ овқат ҳисобланган бўлса, бир вақтда гўшт топиб ейиш имкони бўлмаган меҳнатқаш оилаларнинг овқатланиш тартиби яққол акс эттирилган. Бадавлат оилалар кунига уч-тўрт марта гўштли ва бошқа озиқ-овқатларни истеъмол қилишган. Қамбағаллар эса кунига нари борса бир маҳал иссик овқат билан чекланишган, сигир ва эчкиси йўқлигидан сутли овқат ея олмай, асосан, жўхори, тарик ва ёввойи “ширин” ўсимлигидан тайёрлан-

ган бўтқа истеъмол қилишган.

Уй-жойлари. Тураржойлар қорақалпоқлар яшаётган жой шароитларига ва табиий иқлим шароитларига қараб ҳар хил қурилган. Уларнинг ҳар қандай шароитга мос келаверадиган, энг яхши кўрган уйи ўтовдир. Уни қорақалпоқлар қора уй деб юритишади. Бундан ташқари, қокра номи билан маълум бўлган лойсувоқ уйлари ҳам бўлган. Айрим ҳолларда ертўлаларда яшашган, йирик бойларнинг катта ҳовлилари бўлган. Бундай ҳовлилар пахса билан қурилиб, чор атрофи девор билан ўраб чиқилган.

Қорақалпоқларнинг кўпчилиги қишлоқларда чиройли, қишда иссиқ, ёзда салқин, ичи кенг, кундалик турмуш учун қулай ўтовларда яшайдилар. Айни вақтда чий, қамиш деворли синч деворли уйлар ҳам қурилган.

Назорат топшириқлари:

1. Қорақалпоқ халқининг этник тарихига оид манбалар тўғрисида нималарни биласиз?
2. Қорақалпоқ халқининг шаклланишида иштирок этган этник компонентларни гапириб беринг.
3. Халқнинг анъанавий хўжалиги деганда нималар эътиборга олинади? Бу ҳақида маълумот беринг.
4. Қорақалпоқ халқининг миллий кийимлари тўғрисида сўзланг.
5. Қорақалпоқ халқи миллий таомлари тўғрисида маълумот беринг.

V БОБ. ТОЖИК ХАЛҚИНИНГ ЭТНОГРАФИЯСИ, ЭТНОГЕНЕЗИ ВА ЭТНИК ТАРИХИ

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Тожикистон Республикаси, салавкийлар давлати, эроний тиллар, тожик тили, Обимозор. Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи, яғнобликлар, помирликлар, уй-жойлари, транспорти, Бадахшон маданияти.

V. 1. Тожик халқининг этногенези ва этник тарихи

Тожиклар Марказий Осиёдаги кадимги халқлардан бири. Тожикистон Республикасининг асосий аҳолиси (4 млн. 898 мингдан ортиқ, 2001). Ўзбекистонда (1 млн. 165 мингдан ортиқ, 2000: асосан Бухоро. Самарканд шаҳарлари. Ургут атрофларида, Сурхондарё, Шерободдарё, Катта ва Кичик Ўрадарё бўйлари, Қашқадарёнинг юқори окими, Қарши воҳаси, Нурога тоғлари, Жиззах шаҳри, Фарғона водийсининг Сўх дарёси бўйлари, Фарғона, Қўқоннинг жанубий қисмлари, Наманган тоғ тизмалари этаклари), Қирғизистоннинг Тожикистон билан чегарадош ҳудудларида ҳам тожик қишлоқларини учратиш мумкин. Афғонистонда (3 млн 700 минг), Хитойнинг ғарбида, Эрон Хуросонида, Россияда, Қозоғистонда ва Туркменистонда, шунингдек Покистонда яшайдилар. Тожикларнинг умумий сони 10 млн. дан ортиқ.

Асосий қисми тожик-дарий тилида сўзлашади. Давлат тили – тожик тили. Тоғли Бадахшон мухтор вилояти ҳамда Яғноб аҳолисининг асосий қисми шарқий эрон тиллари гуруҳига кирувчи махсус шеваларда сўзлашади.

Адабий тожик тили шаклланишига кадимги форс-тожик тили (IX – XV асрлар)га – форс, тожик ва дари тиллари асос бўлиб хизмат қилган. XX асрда адабий тилнинг сўзлашув тили билан яқинлашуви натижасида тожик тили лексикада жиддий ўзгаришлар рўй беради.

Тожик тилидаги илк ёзма ёдгорликлар IX асрларга мансуб. Тожикистон Республикасида 1929 йилгача араб, 1940 йилгача лотин.

1940 йилдан эса рус графикаси асосидаги ёзувдан фойдаланилади.

Тожиклар асосан ислом динининг сунний мазҳабига. Бадахшон воҳаси аҳолисининг аксарияти эса шиа мазҳабининг исмоилия оқимиға эътикод қилади.

Йирик шаҳарлари Душанба, Хўжанд, Қўрғонтепа, Кўлоб (Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган вилоят; қадимда Хутталон (Хатлон), XVI асрдан Кўлоб номи билан маълум; XVI – XVIII асрларда Балх хонлиги таркибига кирган. Ғарбда Вахш ва Қубодиён, шарқда қирғиз ерлари билан туташ), Уструшона, Хоруғ ва бошқалар.

1925 йилда Тожикистонни ҳамда ундан ташқарида яшаётган эроний халқларни ўрганиш жамияти тузилди. Унга рус олимлари А. А. Семёнов, М. С. Андреев ва бошқалар киритилди. Жамият томонидан қатор илмий экспедициялар ташкил этилиб, тожик халқи тарихи, археологияси, этнографияси ва антропологиясига доир қатор асарлар нашр қилинди.

Тожикларни ўрганишда рус олимлари В. В. Бартольд, А. Ю. Якубовскийларнинг ҳиссаси катта бўлди. 1925 йилда В. В. Бартольд “Таджики” деб номланган тарихий очеркни ҳамда Ўрта Осиё халқлари тарихига оид қатор асарларни эълон қилди. Б. Г. Ғофуров 1917 йилгача бўлган даврни қамраб олган “История таджикского народа в кратком изложении” номли биринчи умумлашма ишини бажариш асосида 1972 йилда “Таджики” деб номланган фундаментал асар босилиб чиқди. Бу асар 1989 йилда Душанбеда икки жилдда қайта нашр қилинди.

1946 йили А. Ю. Якубовский раҳбарлигида тожик археология экспедицияси ташкил этилди. 1952 йилда Тожикистон Фанлар академияси, Тарих институтида Археология ва нумизматика сектори ташкил этилди. Тожикистон археология фанига Б. А. Литвинский, А. М. Мендельштам, Н. Н. Негматов, В. А. Ранов, Е. А. Давидович ва В. Л. Ворониалар самарали ҳисса қўшганлар.

Тожикистон Республикаси ҳудудидан сўнгги палеолит даврига оид қўплаб меҳнат қуроллари топилган. Бу ҳудудлар қадимги Бақтрия давлати таркибига кирган, кейинчалик Тожикистон ҳудудида Ахамонийлар ҳукмронлиги ўрнатилган. Милoddан аввалги 329 йилда македониялик Искандар қўшинлари бостириб келган, халқ унга қаттиқ қаршилик кўрсатган. Натижада Тожикистон ҳудудининг бир қисми Салавкийлар давлати таркибига, сўнг ҳудуднинг аксарият қисми Юнон-Бақтрия подшолиги таркиби-

га кирди. Кушонлар даврида йирик суғориш каналлари қурилди, шаҳарсозлик, ҳунармандчилик юқори даражага кўтарилди, айниқса, мамлакатлар билан савдо-сотик ва ижтимоий алоқалар ривожлана борди. Юнон ёзуви асосида кушон ёзуви пайдо бўлди. V – VI асрларда Марказий Осиёнинг шарқий қисмини кўчманчи хиёний қабилалари, сўнгра Эфталлийлар эгаллаб олди. VI аср иккинчи ярмида Тожикистон ҳудуди Турк Хоқонлиги таркибига қўшиб олинди. VIII аср ўрталарида араблар бостириб келиши натижасида ислом дини жорий қилина бошланди. IX – X асрларда Тожикистон ҳудуди Тоҳирийлар ва Сомонийлар давлати таркибида, IX – XIII асрларда Ғазнавийлар, Қорахонийлар, Ғурийлар, Қорахитойлар, Хоразмшоҳлар давлатлари таркибида бўлган. Тожикистон ҳудудига бостириб кирган Чингизхон қўшинлари (1219–21) аҳолининг каттиқ қаршилигига дуч келди (*Хўжандда Темур Малик бошчилигидаги халқ қаршилиги ва бошқалар*). Мўғуллар истилоси иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳаётга жиддий зарар етказди. XIV асрнинг иккинчи ярмига келиб хўжалик қайтадан тиклана бошлади. Тожикистон ҳудуди бу даврда Амир Темур ва темуррийлар. XVI асрда эса Шайбонийлар салтанати таркибида бўлди. Сўнгра Бухоро амирлиги қўл остига ўтиб, XIX асрнинг бошларида Бухоро амирлиги ва Кўкон хонлиги ўртасида тақсимланди. XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия империяси томонидан забт этилди. Россияда Октябрь воқеаларидан сўнг аҳолининг жиддий қаршилигига (Иброҳимбек, Эшон Султон, Давлатмандбий, Фузайл Махсумлар бошчилигида) қарамасдан, Тожикистон большевиклар томонидан босиб олинди.

1917 йил ноябрь – 1918 йил февралда Шимолий Тожикистонда совет ҳокимияти ўрнатилди ва у Туркистон АССР таркибига кирди. Тожикистоннинг қолган ҳудуди Бухоро амирлиги таркибида бўлди. 1924 йил Ўрта Осиё республикаларини “миллий-давлат чегараланиш” деб аталган бўлиб ташлаш сиёсати натижасида Тожикистон, Ўзбекистон ССР таркибида мухтор республика, 1929 йил эса СССР таркибида иттифокдош республикага айлантирилди.

1991 йил 9 сентябрда мустақиллик тўғрисида Декларация эълон қилинди ва “Тожикистон Республикаси” номи тасдиқланди.

Тожиқлар (ушбу этнос тожиқча - тоҷик, форсча - تاجیک, дорий тилида – تاجک [tɑːdʒɪk] деб номланади) Марказий Осиёдаги қадимги халқлардан бири бўлиб, Тожикистон Республикасининг асосий

аҳолиси ҳисобланади. Тожикларнинг этник майдонда шаклланишига Марказий Осиёда яшовчи бир қатор этник гуруҳ ва қабилалар, чунончи суғдийлар, бактрияликлар, тохарлар, кўчманчи саклар қатта таъсир кўрсатди.

Тожикистон тожиклари шимолий ва жанубий тожикларга бўлиниб, ҳар бир гуруҳ геохудудий келиб чиқишига қараб яна бир қанча гуруҳларга бўлинади. Чунончи: хўжандлик, кўлоблик, гармлиқ, помирлик, дарвозлик, ромитлик, вахонлик, газималиқлик, ёвонлик ва ҳоказолар ҳамда ўзбек, рус, қирғиз, туркман ва бошқалар ҳам яшайди.

Тожикларнинг келиб чиқиши милоддан аввалги II минг йилликнинг охири – I минг йилликнинг бошларига тўғри келади. Бу даврда Марказий Осиёга Евроосиёдан эроний тилларда сўзлашувчи қабилалар келиб, туб маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетган. Тожиклар шаклланган ҳудудда (Бактрия, Суғдиёна, Фарғона) деҳқончилик билан шуғулланган элатлар билан биргаликда кўчманчи шаклар ҳам яшаган. Милоддан аввалги II асрда Бактрияга юечжилар ва шак қабилалари бостириб кириб қудратли Кушон давлатига асос солади.

Тадқиқотчилар фикрича, тожикларнинг аجدодлари сак-массагет қабилаларига бориб тақалади. Даврлар ўтиши билан бу қабилаларга янги уруғ-қабилалар аралашиб кетган. Суғдийлар, парканалиқлар, қисман тохарлар тожик халқи шаклланишида иштирок этган. Юнон-македонлар, юечжилар, хионийлар, кидорийлар, эфталийлар, “оқ хуннлар”, сўнгра туркий қабилаларнинг бир қисми маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетган. Араблар ҳукмронлиги даврида, Сомонийлар давлати ташкил топган вақтга келиб (IX – X асрларда) тожик халқи шаклланган. Ҳозирги тожик тили Сомонийлар ҳукмронлиги даврида қадимги суғд ва бактрия тили асосида вужудга келган. Ўша даврда тожикларнинг адабий тили (дорий) пайдо бўлди.

Суғдий аҳоли ўз тили ўрнига тожик тилида гаплашадиган бўлиб қолади. Тожиклар яшаётган ҳудудларда тожик тили бошқа шарқий эроний тилларни сиқиб чиқара бошлайди. IX аср охири – X аср бошларида тожик халқи этник таркибига қирган барча гуруҳларнинг умумий ва ягона тили бўлиб қолади.

Сўнгги даврларгача тожиклар орасида турли этнографик гуруҳлар мавжуд бўлган. Ҳозир ҳам тоғда ва воҳаларда яшовчи то-

жиклар ўртасида этник тафовутлар сақланиб қолган.

Тожиклар ўзлари яшайдиган жойларига қараб бир қанча гуруҳларга бўлинади. Яхсув ва Қизилсув дарёлари атрофида, тоғ этаклари ва тоғларда қадимдан яшаб келаётган тожиклар ўзларини тожик кўлоби дейишади. Яхсув дарёсининг юқори қисмидаги ерларда жойлашган тожиклар яхсувликлар номи билан аталади.

Обимозор дарёси соҳилларидаги тожиклар ховалингллар, Шўробдарё атрофидаги тожиклар шўробдарёликлар, Балжувон ердагилар балжувонлилар, Балжувоннинг шимоли-шарқий қисмидаги дараларда яшаётган тожиклар дарачилар. Қизилсув дарёсининг ўнғирмоғи атрофида жойлашган тожиклар даштликлар дейилади.

Газималик тоғ тизмасида жойлашган тожиклар газималикликлар, Ворзоб ҳавзасидагилар ворзобликлар; Қашқадарё ҳавзасининг жануби-шарқий қисмидаги тожиклар ҳардури тожиклари. Ўзбекистоннинг жанубий минтақаларида яшовчи локал этнографик гуруҳ ҳисобланади. Ҳардурилар минтақанинг қадимий маҳаллий этнографик гуруҳларидан бири бўлиб, улар асосан тожик ва ўзбек тилларида сўзлашадилар. Ушбу этнографик гуруҳ асосан Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг тоғли ҳудудларида истиқомат қиладилар. Улар Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод, Ғузор туманларида ҳамда Қарши чўли ҳудудига кўплаб келиб яшаб, асосан тожик ва қисман ўзбек тилининг қарлуқ лаҳжасида сўзлашадилар. Илмий адабиётларда ва маҳаллий аҳолининг таъкидлашича, ҳардури – ҳар жойдан келиб қолган, йиғилиб қолган аҳоли деб қаралади, яъни бошқача айтганда, қурама сўзининг маъносига деярли мос келади. Лекин ушбу гуруҳнинг ўзбек қурамалари билан ҳеч қандай алоқадорлиги йўқ.

1924 йилги Ўрта Осиёни районлаштириш комиссияси материалларига кўра, тожик тилли ҳардуриларнинг асосий қисми Қашқадарё ҳавзасининг жануби-шарқий қисмида жойлашган. Шунингдек, Шерободдарёнинг (Сурхондарё вилоятининг тоғли қишлоқлари) юқори қисми – Юқори Мачай (300 хўжалик бўлган) ва Хўжадияк қишлоқларида (XX асрнинг 20- йилларигача 50 хўжалик бўлган) ўзбек тилида гаплашувчи ҳардурилар яшаган деб кўрсатилган. Ўз навбатида, ҳардурилар тилига аста-секинлик билан ўзбек-чиғатойлари таъсир ўтказа борган ва кейинчалик ўзларини ўзбек-ҳардурилари деб атай бошлаганлар.

Ҳардури қишлоғи Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида

хам мавжуд. Қашқадарё вилояти Чирокчи туманидаги Ҳардури кишлоғида узлар яшайди. Бу ҳудуддаги хардурилар Мачайдан узоқда бўлмаган Кичик Ҳадарёнинг юқори хавзасида жойлашган Дехқонобод туманидаги Бошчорвок кишлоғидан келганлигини айтади. Этнографик манбаларда ёзилишича. Бошчорвокда тожик-хардурилари билан биргаликда турклар 1200 хўжаликни ташкил этган.

Сурхондарё воҳасида эса Тарокли кишлоғида яшаганлиги илмий тадқиқотларда қайд этилган ва ушбу кишлоқ маҳаллий аҳоли орасида Ҳардурикишлоқ номи билан ҳам маълум ва машҳур бўлган. 1926 йилги аҳоли рўйхати материалларида улар ўзбек тилли эканлиги қайд этилган. Ҳардури ёки Ҳардури-сой топонимлари Тўпаланг дарёсининг ўнг irmoғи Маландсой атрофларида учрайди. Аммо бу кишлоқларнинг аҳолиси айнан хардурилар эканлиги маълум эмас. Чунки бу кишлоқларда яшовчи маҳаллий аҳоли ўзларини хардурилар деб атамайди.

Ҳардурилар асосан хўжаликда суғорма дехқончилик, боғдорчилик ва қисман тоғ яйлов чорвачилиги билан шуғулланишади. Шунингдек, ромити тожиклари, кўҳистон тожиклари, яғноб тожиклари, роғи тожиклари мавжуд.

Босиб ўтган тарихи давомида тожик халқи ва унинг маданияти, Марказий Осиёдаги туркий халқлар билан, жумладан, ўзбеклар билан этномаданий алоқаларда кенгайиб ривожланиб борган.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида содир бўлган Марказий Осиёдаги сиёсий, иқтисодий воқеалар тожиклар турмуш тарзига турлича таъсир қилди. Масалан, Россия империяси томонидан ҳозирги Тожикистоннинг шимолий қисмлари босиб олинган бўлса, жанубий қисми Бухоро амирлиги таркибига кирган.

V. 2. Анъанавий хўжалиги ва моддий маданияти

Тожик халқининг хўжалик машғулоти қадимдан асосан сунъий суғоришга асосланган дехқончилик ва боғдорчилик ҳисобланиб, чорвачилик ҳам хўжаликда муҳим роль ўйнаган. Шунингдек, ҳунармандчилик: ёғоч ўймакорлиги ва ганчкорлик, каштачилик, чўптарошлик (товок, чўмич ва қошиқлар ясаш) кенг ривожланган.

Қадимги Суғд ва Бактрия ерларида яшаб келган тожиклар

аждодларининг азалий машғулотларидан бири деҳқончилик ҳисобланган. Суғорма деҳқончилик қилинадиган ва лалмикор ерлари бўлган.

Ерни ҳайдаш учун сипор ва омов ишлатилган. Қўшхўкиз билан ер ҳайдашган. Ҳайдалган ерни мола билан текислашган. Ерни гўнг, кул, тўкилган барг, лойқа билан ўғитлашган. Айрим ерларда, эски девор, гувала, пахса тупроғи ўғит сифатида ишлатилган. Лалми ерларда асосан арпа экилган. Гандум (бугдой), арзан (тариқ), жўхори, ловия, нўхат, мош, зиғир, лавлаги, пиёз, сабзи, қовоқ, қалампир ва бошқа экинлар етиштирилган.

Ҳосилни ўроқ билан ўришган. Ғаллани турли усулда янчишган. Айниқса, ғаллагов усули кўп қўлланилган (бир неча хўкизни бир - бирига боғлаб, ғалла устида айлантриб юришган). Янчилган дон паншаҳа билан шопирилган.

Ғалла ғарами, хирмон олдига хотин-қизлар, айниқса ёш жувонларни яқин йўлатишмаган. Ит ва бошқа ҳайвонлар ҳам яқинлаштирилмаган. Хирмон жойига сув олиб келиш тақиқланган. Чунки сув ғалла янчиш вақтида, ёмғир ёғишини сўраш билан баравар бўлган. Янчилган дон устидан сакраб ўтишга ҳам рухсат берилмаган.

Замонавий Тожикистонда қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи деҳқончилик бўлиб, жами қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 65% ни беради. Унда пахтачилик, айниқса, ингичка толали пахта етиштириш етакчи ўринни эгаллайди. Богдорчилик, узумчилик, пиллачилик ривожланган. Мойли экинлар, зиғир, картошка, сабзавот-полиз экинлари, ем-хашак экинлари экилади, ғалла ва шולי ҳам етиштирилади. Тоғ олди ва тоғ минтақаларининг суғориладиган ерларида тамаки, Ҳисор ва Вахш водийларида ёронгул экилади. Цитрус мевалар етиштириш ҳам яхши йўлга қўйилган.

Тожиқлар чорвачилик билан ҳам шуғулланишган. Тожикистон Республикасининг барча ҳудудларида, айниқса, тоғ ён бағирларида чорвачилик ривожланган: қорамол, қўй, эчки, парранда, йилқи боқилади. Ўт-ўлан кўкариши билан чорва молларини яйлов, ўтлоқларга олиб чиқиб кетишган. Чорвадор тожиқларнинг аёллари биргаллашиб, навбатма-навбат сигир боқишиб, қуви пиширишган. Қуви ёғи, қурут тайёрланган, қуви тожиқларда ҳар хил кўринишда бўлган: гуппи, тугл, кул (чагдек).

Аҳоли ўртасида кенг тарқалган ажойиб ҳунарлардан энг кўҳнаси

йигирувчилик ва тўқувчилик хунарлари ҳисобланган. Пахта толаси, қўй жунидан ип йигириб, газлама тўкилган. Тўқиш учун урчук ва чарх ишлатилган. Бўз газламани асосан эркаклар тўқишган. Ҳар бир хонадон аёли ўз оила аъзолари учун зарур ки-йим-кечакни ўзи тиккан. Аёллар уйда ўтириб, дўппи тикишган.

Кулолчилик билан шуғулланувчи хунармандларни деярли ҳар бир қишлоқда учратиш мумкин бўлган. Улар қишлоқ аҳолиси учун зарур хилма-хил идиш-товоқ ясаган. Айниқса Хўжанд, Ғиждувон ва Фарғона водийсининг бошқа шаҳар. йирик қишлоқларида яшаётган кулолларнинг маҳсулотларига талаб жуда катта бўлган.

Газлама тўқиш билан донг чиқарган шаҳар ва қишлоқлар ҳам бор эди. Масалан, Қоратоғнинг шойи ва алачаси, Хўжанднинг ипак газламаси. Ўратепанинг рағза мовути ҳаммага маълум бўлган.

Маъдан қазиб олиш, олтин излаш, металл қуйиш хунарлари билан шуғулланувчи қосиблар ҳам кам эмас эди. Темирчи, тақачи, кўнчи, бўёқчи, ямокчи ва бошқа хунар эгалари жуда кўп жойларда мавжуд бўлган.

Тожикларда жуда қадимдан ардоқлаб, эъзозлаб келинаётган ажойиб, нафис хунарлардан яна бири бу – наққошлик, заргарлик ҳисобланади.

Наққошлик санъатининг хилма-хил турлари ривожланиб келган. Ганч ўймакорлиги, ёғоч ўймакорлиги, терракот (қуйдирилган сарғиш-кизил лойлар) ишлаш хунарлари, халқ каштачилик хунармандчилиги оммавий амалий санъат турларидан бўлган. Камдан-кам тожик аёли кашта, гул тикишни билмаган. Хусусан, Самарқанд ва Бухоро тожик каштачиларининг маҳоратига тенг келадигани бўлмаган. Бухорода амир саройида баҳмалга зар тикиш билан машҳур бўлган бир гуруҳ заргарлар ишлаган. Зарбоф тўн, дўппи тикишнинг хилма-хил усуллари қўлланилган.

Сўзана, атлас ва духоба кўрпа, ҳар хил халта, қўйлак, белбоғ, салла ва бошқа уй-рўзғор буюмлари, кийим-кечаклар чиройли, ранг-баранг гул, кашталар билан безатилган. Келинчаклар юзига тутиладиган нафис парда-рўйибанд, шунингдек, учбурчак шаклдаги гулдор туморчалар нафис ва гўзаллиги билан ажралиб туради.

Турли бино, иморатларнинг устун, шипи, пештоқларидан ислимий, гирих нақшлар киши эътиборини ўзига тартади.

Уй-жойлар. Тожиклар нафақат кенг ва обод водийларда, шу билан бирга тоғларда ва тоғ этакларида ҳам яшашади. Шунинг

учун ҳам уларнинг уй-жойлари турлича. Тожикистоннинг шимолӣ текисликларида жойлашган тожиклар билан Кўлоб ва Ҳисор атрофидаги яланглик ҳамда тоғ этакларида яшаётган аҳолининг уй-жойлари бир-биридан анча фарқ қилади.

Фарғона водийсига қўшни ерлардаги тожикларнинг уй-жойлари бир неча иморатдан иборат бўлган. Ҳар бир хонадонда ичкари (дарун) ва ташқари (берун) бор. Лекин берун билан дарунни бир-биридан ажратиб турувчи девор эндиликда йўқ. Хонадонда ётар-турар хоналаридан ташқари, албатта меҳмонхона қурилган. Ҳовлининг бошқа тарафидан қатор ҳар хил хўжалик хоналарини қуришган. Хонанинг шипга яқин еридан битта ё иккита дарча очиқ панжара билан тўсилган ёки эшикли бўлган. Хонага ёруғ ана шу дарчадан тушиб турган. Хонага кираверишда дахлиз бўлиб, дахлизда обрез қурилган. Обрезнинг оғзи тахта билан тўсилган бўлиб, тахталар орасидан озгина тирқиш қолдирилган. Сув ана шу тирқишдан пастга оқиб тушиб кетган.

Ҳар қайси хонада бир неча катта ва кичик тахмон ҳамда тоқчалар қурилган. Катта тахмонга сандиқ ўрнатилади, устига кўрпа, ёстик тахтлаб қўйилади. Тоқчаларга турли-туман идиш-товоқлар ва рўзгор буюмлари жойлаштирилади.

Иморат пойдеворлари ораларига бўйра тўшалган, иморатлар бир неча қатор, катта-кичик тоғ тошларидан қурилади. Замин пойдеворига қалин ғўла ёғочлар ўрнатиб чиқилади. Уйнинг деворлари ҳар хил бўлиши мумкин. Лекин баланд тоғли ерларда одатда синч деворлар ўрнатилади. Баъзан яккабинч, айрим ҳолларда қўш синчли қилинади. Лекин баланд тоғли ерларда одатда синч деворлар ўрнатилади. Баъзан якка синч, айрим ҳолларда қўш синчли қилинади. Синч оралари гувала ва сомон сувоқ билан суваб чиқилади. Уйнинг деворлари ҳар хил бўлиши мумкин, пахса деворли уйлар ҳам қурилади. Уйнинг олдига бошидан-охиригача айвон туташади. Баъзан айвоннинг ўрта қисми нисбатан баланд қилиб қурилади.

Кўп уйларда мўри ва сандал бўлган. Кўлоб ва Ҳисор атрофидаги ерларда уй анча енгил, ихчам қилиб қурилади. Аксарият ўртаси-айвон долонли икки хонали уй солишни ёқтиришади. Ҳовлининг уйга туташ ерида супа қурилади. Уйнинг деворлари пахса билан тикланади. Бу ерда уйларнинг томи қўш нишабли қилинади. Ҳамма уйларнинг поли тупроқдан ишланади. Оёқ кийимлар ечиш

учун эшик олди нисбатан чукуррок килинади.

Тоғли тожиклар уйларини бутунлай бошкача курадилар. Тоғли жойдаги уйларнинг ховлилари бўлмайди. Уйнинг деворлари калин килиб курилади. Томи ҳам анча бакуват, оғир бўлади. Акс ҳолда қор кўчкилари, каттиқ шамол учириб кетиши мумкин бўлган. Уйнинг замин пойдевори катта бўлиб, оғир тошлар териб чиқилади, сўнгра тош ёки пахсадан девор курилади. Ости кенг қалин, уст тарафига торайиб боради. Уйнинг усти шох-буталар билан ёпилиб, калин тупрок солинади, сўнгра сомон сувок билан суваб чиқилади.

Баъзи ерларда уйнинг бир хонаси иккига бўлинади. Биринчи бўлагининг сатхи бир оз баланд килиб курилади. Бу бўлакни рўйи бола дейилади. Бу ер ўтириб овқатланадиган, дам оладиган, ётадиган жой ҳисобланади. Иккинчи паст бўлагига ўчок (мўриси билан, омборхона ва бошқа хўжалик хоналари бўлади. Шунингдек, тожикларнинг Зарафшон водийсининг юқори қисмидаги, Яғноб дарёси атрофидаги, Қоратегиндаги уй-жойлари ҳам бир-биридан анча фарк қилади.

Кийим-кечаклари. Тожик эркақларининг ёзги кийими кўйлак, чолвор, чопон, белбоғ ва дўппидан иборат. Эркақларнинг кўйлаги куртайи кифтак дейилади. Аёллар кўйлагига караганда энглари горрок ва калтарок бўлади. Кўкрак олди юмалоқ кесилади. Куртайи яхтаги деб аталадиган хили ҳам бор. Иштонлари аёллариники сингари боғичли қилинади. Уст тарафи кенг, ости тор, аёлларникига нисбатан калтароқ килиб тикилади. Кўйлакни иштоннинг устидан тушириб юришади. Устидан белбоғ – локи ёки чорсу боғланади. Ёзги чопон узун, тиззадан тушиб турадиган, энглари қўлларини ёпадиган килиб, сатранжи деб аталадиган, кўпинча йўл-йўл матодан тикилади. Қиш кунлари қавилган пахтали тўн ва чакмонда юрилади. Норигза номли кенг чолвор кийилади. Оёқларига ҳам теридан тикилган чорик ёки ошланган чармдан тайёрланган мўкки кийилади. Ёғоч ковушлар кийиш ҳоллари ҳам учраб туради. Бош кийимлари ҳар жойда ҳар хил бўлади. Кўпинча чўққайган узун дўппи кийиб юрилади. Китоб дўппилари, ҳозирда эса суст дўппи кийишади. Совук кунларда дўппи устидан жун салла ўралади ёки жун телпак кийилади.

Тожик аёлларининг кийим-кечаги турли хил бичимда бўлиб, яшаш жойига қараб ҳар хил матодан турли кўринишда тикилади. Аёллар ҳам кўйлак, чолвор, қавилган чопон кийиб, бошларига

рўмол ўрашади. Аёллар чолворини озор ёки пойжамо деб ҳам аташади. Чопон, жамо, рўмол собадақа деб юритилган. Кўйлак устидан камзул кийиш одат тусига кирган. Кўйлакларнинг ёкаси қай тарзда тикилганига қараб бир неча хилга бўлинади: пешчокак, парпари, козоки, ўзбаки. Қиз болалар билан ёш жувонлар ёкаси, енгларининг учи, этагига ҳар хил кашта тикилган кўйлак кийишади. Бошга рўмол ўрайдилар. Кейинги вақтларда кўпроқ токи дўппи киядиган бўлиб қолишди. Тожик аёллари киядиган дўппилар орасида Тошкент, Китоб, Самарканд, Ўратепа, Хўжанд, Дарвоз дўппилари учрайди. Бу дўппилар турли-туман, кўпроқ кизил, зангори, сарик, кўк пушти, оқ иплардан тикилган. Бир-биридан гули, безаги билан фарқ қилади. Қоратегин ва Дарвоз тожик аёлларининг анъанавий кийимлари курта-кўйлак, эзор ёки пойчама-иштон, чома-тўн, бош кийимларидан рўмол(нумол), соба, докадан иборат бўлган.

Оёк кийими маҳси, учли калиш, туфлидан иборат. Совук кунлари хилма-хил рангли ипдан қўлда тўкилган пайпоқ – журуб кийилади.

Аёлларнинг безак – тақинчоқлари асосан зирак, узукдан иборат. Соқларига оддий ёки қора ипдан ясалган чура – кокил тақишади. Кокил учига хилма-хил рангли ипдан попук ва мунчок осилади.

V. 3. Помир халқлари

Помир тожиклари ўзларини помири деб аташади. Тожикистон Республикаси таркибидаги Ғарбий Помирнинг баланд тоғ водийсидаги Тоғли Бадахшон вилоятида яшаган кичик халқлар – ёзғуломлар (ўз номи – згамик), рўшонлар (ўз номи – рихен, рухни), маҳаллий гуруҳ хуфлар (ўз номи – хуфик) билан бирга бартанглар (ўз номи – бартанж), маҳаллий гуруҳ арошарлар билан бирга шуғнонлар (ўз номи – хугни, хунуни), маҳаллий аҳоли бажўйлар билан бирга ишқашимлар (ўз номи – ишқошуми, ишқашими), воҳанлар (ўз номи – ҳик, ваҳи ва ванжлар) гуруҳларидан иборат. Шунингдек, Помир халқлари Афғонистон Бадахшони (рўшонлар, шуғнонлар, ишқашимлар, воҳанлар, зебаклар, мунжонлар)да, Покистоннинг Читрол мавзеи (мунжонлар, йидгалар)да ва Хунза дарёси водийси (воҳанлар) да, Хитойнинг Синьцзян – Уйғур туманида (шуғнонлар ва воҳанларга қариндош сарикўллар) яшайдилар.

Помир халқлари катта европеоид ирқиға мансуб бўлиб, ҳинд-

европа тиллар оиласининг шарқий эрон тили. кичик гуруҳига кирувчи тил ва лаҳжаларда сўзлашадилар.

Улар Ғарбий ва Жанубий Помир водийларида (Тожикистоннинг Тоғли Бадахшон мухтор вилоятида ва Афғонистон. Покистон. Шимолий Ҳиндистоннинг унга туташ ҳудудларида) ва Сарикўл тоғ тизмаларида (Хитойнинг Синьцзян-Уйғур мухтор туманида, тарқалган. Помир тилларига вохан, ишкашим, ёзғулом тиллари ҳамда шугнон, рушон, хуф, бартанг, ўрўтур, сарикўл сингари қардош тил ва лаҳжалар киради. Ҳозирги ўлик тил ҳисобланган қадимий ванж ва сарғулом тиллари ҳам шу тиллар гуруҳидан ҳисобланган. Айрим белгиларига кўра, мунжон ва унга яқин бўлган ийдго тиллари помир тилларига қўшилса-да, бу масала мунозарали бўлиб қолмоқда.

Помир халқларининг тарихий-генетик тавсифи, уларни бошқа шарқий эроний тиллардан фаркланувчи оила сифатида ўрганиш имконини бермайди. Бир қатор шундай белгилар турли помир тилларини бошқа шарқий эроний тиллар билан алоҳида-алоҳида яқинлаштиради. Барча Помир тилларининг структуравий ўхшашлиги ва катта умумий луғавий фонди, уларнинг муайян тил жамоасида ўзаро яқин, ўхшаш ривожланганлигини кўрсатади.

Помир тили ўз ёзувига эга эмас. Помир тилида сўзлашувчиларнинг кўпчилиги учун ёзув ва таълим тили – тожик тили, сарикўл тилида сўзлашувчилар учун эса уйғур тили ҳисобланади.

Диндорлари, асосан ислом динининг шиа, қисман эса сунна мазҳабларига эътиқод қиладилар.

Помир тожиклари яшаётган ерларда қадим замонларда Рушан, Шугнан, Вохан номли давлатлар бўлган. Узоқ асрлар мобайнида бу жойларни қанчадан-қанча чет эл истилочилари босиб, олиб Помир халқлари устидан ҳукмронлик қилиб келишган. VII асрнинг охиридан бошлаб Помир ва Помир бўйи ерлари икки асрдан кўпроқ вақт тибетликлар қўл остида бўлган. X асрдан Помир бўйидаги қадимий давлатлар яна мустақил бўлиб оладилар. Кейинчалик бу ерлар бир қанча подшоҳликларга бўлиниб кетган. Қарийб 30 йилга яқин вақт мобайнида Бадахшон афғонларга бўйсуниб келган, 1878 йилдан бошлаб бу халқлар Бухоро амирлиги қўл остига ўтади, сўнгра эса Россия томонидан бўйсундирилган.

1925 йил 2 январда Тожикистон мухтор Республикаси таркибида Тоғли Бадахшон мухтор вилояти ташкил этилган. XX асрнинг

30 – 90-йиллари ва XXI асрнинг бошлари давомида жамиятда содир бўлган сиёсий, иктисодий ва ижтимоий ўзгаришлар натижасида Помир халклари этно-маданий жихатдан аста-секинлик билан тожикларга ўзаро яқинлашиб, тобора сингиб бормоқда.

Помир халқларининг асосий анъанавий машғулоти чорвачилик, ҳунармандчилик ва қисман деҳқончиликдан иборат. Тожикистоннинг бошқа тоғли ерларидаги сингари. Помир бўйи тожикларининг ҳам асосий машғулоти чорвачилик ва қисман деҳқончиликдан иборат. Жуда қийин географик ва иқлимий шарт-шароитлар туфайли суғориб деҳқончилик қилинадиган яроқли ерлар жуда камлиги сабабли бу ерларда деҳқончиликни кенг ривожлантиришнинг иложи бўлмаган. Ери омов ёрдамида ҳўкиз билан ҳайдалган. Экин экишдан олдин ерга ўғит солинган. Ҳайдалган ерларда арпа, буғдой, нўхат, дуккакли экинлар, зиғир, маккажўхори, айрим жойларда эса пахта етиштирилган.

Тоғ ён бағирларига мевали дарахтлар ўтказиб, боғлар яратганлар, Воҳан ва Шоҳдаранинг устки қисмларида чорва моллари кўп боқилган ва аксинча, баланд тоғли ерларда, чунончи Ҳуф агрофида чорва камроқ сақланган.

Уй-жойлари. Помир тожиклари, дарёлар агрофида, ялангликларда, тоғ этақларида уй қурганлар. Уй-жойлари воҳа тожикларига ўхшаб тош ва ёғочдан қурилган. Ёз кунлари бутун аҳоли очик ҳавода яшайди. Тунаш учун уч тарафи девор билан ўралган томсиз жой қуришади. Кўп жойларда чивин кўплиги сабабли ёғоч устунларига ўрнатилган баланд айвонларда, дарё бўйларида ётишади.

Кийим-кечаклари. Эркалари яхтак, иштон – тамбун, устидан жун чопон – “гилим”, бошларида тоқи дўппи, оёққа юмшоқ этик – пех кийишади. Аёллари узун энгли кўйлак кийишади, чолвор, бошларига рўмол дуррача, кекса аёллар калпок киядилар. Тақинчоклар ҳалка, мис билакузук, узук, хилма-хил мунчок, мугуз, соч попуқларидан иборат.

Ҳунармандчилиги. Ҳар турдаги ипдан пайпоқ тўқишган. Бу одат Помир бўйи аёлларининг жуда қадимий ва ажойиб ҳунарларидан ҳисобланади. Воҳан, Шуғнон, Рушонда дўппичилик тараққий этган. Ёғочдан сандик, шамдон, турли идиш-товоқ тайёрлаш яхши йўлга қўйилган.

Таомлари. Яшаётган жойи, унинг табиий ва иқлимий шарт-шароитлари, мавжуд имкониятларига қараб, таомлари турли ерда

ҳар хил бўлган. Чорва моллари кўп ғаллакор ерларда асосан нон билан сут истеъмол қилинади. Шоликор ерларда, ялангликларда яшайдиган аҳоли гуруч таомларни кўп истеъмол қилади. Тоғ ва тоғ этакларида жойлашган тожиклар гўштни кам истеъмол қилишади.

Қишлоқларда, шунингдек, кўпчилик шаҳар ҳовлиларда яшаётган тожиклар тандир нон ейишади. Тоғли ерларда юпка, чаппоти нон, патир, катта гирлача нон, кулча ёпиб, катлама пиширишади.

Суюқ овқатлардан оши бурида, оши орд (увра ош) кўп истеъмол қилинади. Гўшт, сабзи, ковоқ сомсалари жуда ширин бўлади. Севимли овқатларидан тушбера (чучвара), мантиларни айтиб ўтиш мумкин.

Сут ва сут маҳсулотлари (қатик, маска ёғи, курд, сузма, пишлок-патир) кундалик асосий таомлардан ҳисобланади.

Тожикларнинг энг яхши кўрадиган овқати ош – паловдир, шунингдек, қовурдоқ, лагмон, шўрва, атала ҳам тайёрлашади. Кўпчилик нўхат шўрва, арпа ёки тарик нон истеъмол қилган. Баъзи ҳолларда атала билан қаноатланишга мажбур бўлганлар. Сут ва сут маҳсулотлари, буғдой, мева кам бўлгани учун фақат байрам кунлари, тўйларда истеъмол қилинган. Тузни Бадахшондан олиб келишган, чой ҳам кам бўлган.

Транспорти. Тожикистонда тоғли жойлар, дара, жар ва тошқин дарёлар кўп. Шу сабабли, яхши йўллар кам эди. Фақат водийларда, катта қишлоқлар, шаҳарларда яхши йўллар қурилган. Тоғлардаги кўп қишлоқларда сўқмоқ йўллардан, осма кўприклардан ўтиб бориш мумкин эди. Шунинг учун асосий транспорт воситаси от билан эшак бўлган.

Тожикистоннинг шимолий қисмидаги ерларда икки ғилдиракли аравада юк ташилган ва манзилга етказилган.

Тожикларнинг оила шакли нисбатан қадимги катта патриархал оила ҳисобланади.

Бадахшон ва Воханг аҳолиси бир неча оила бўлиб, бир уйда яшаганликларини (ҳатто олтига оилагача) Вуда ўз саёҳати давомида гувоҳ бўлганлигини қайд этади. Қоратегин ва Дарвозда эса қишлоқлар учун бир неча оила жойлашадиган бинолар бўлган. Тоғли тожиклар оилани бўлиниб кетишига йўл қўймасликка ҳаракат қилишарди, ерлари бўлинмаслиги учун янги оила отасининг қарамоғида яшаган. Агар оила жуда йириклашиб кетса, ёнига янги бино қурилган, аммо овқатланиш учун барча оила бир жойга

йирилган. А. А. Бобринский ҳатто 21 кишидан иборат оила ҳақида ёзади.

Тўй маросимлари ва урф-одатлари. Ҳозирги кунда урф-одатларнинг жуда кўп қисми ўз мазмунини йўқотиб, бормоқда. Қадимги қалинга асосланган никоҳ ўз ахамиятини йўқотиб, унинг ўрнига эркин танлаш. шахсий истак асосида турмуш қуришга асосланган никоҳ кириб келди.

Совчилик ва у билан боғлиқ урф-одатлар туман ва кишлоқларда бир-бирдан фарқли жиҳатлари билан ажралган.

Совчилик институти тожикларда *гапзани* – сулҳ тузувчилар, битим тузувчилар ёки *асақоли* – оксоқоллар деб номланади, сабаби. совчиликка одатда ҳурматли қариялар борган. Келин танлашда куёвнинг ота-онаси. қариндош-уруғлари бўлажак келинни ҳар томонлама суриштиришган, кизнинг ҳусни, яшаш шароити, уй юмушларини қай даражада уддалай олиши ҳисобга олинган ва баҳоланган. Келин танлангандан сўнг, совчиларни жўнатишга қарор қилинган. Совчилик учун энг яхши кун танланган – пайшанба, шанба ёки якшанба, Хуф водийсида эса чоршанба, пайшанба, жума ва шанба зарур ишларни бошлаш учун улуг кунлар саналади. Совчилар ўзлари билан кичикрок патир нон – *катмоль*. тут. ун ва мевалардан иборат тугун олиб боришган. Меҳмонларни сийлаш учун мезбон томон тарафидан бир хил егулик таом – *мирраған* тортилган.

Тўй маросимини кейинги босқичида унаштириш “фотиҳа тўйи” (туи фотиҳа) бўлган. Унаштирувда куёвни ота-оналари ва қариндош-уруғлари келин томонга бошдан-оёқ совға тайёрлаганлар. Бу совғалар *сарупо* деб номланади.

Келинни уйига куёв отаси томонидан ун, ёғ, кўй тўши юборилган. Фотиҳа тўйида меҳмондорчиликдан сўнг икки ёшни бахтини сўраб (*фатиҳа*) дуо қилинган.

Помир атрофидаги тожикларда унаштириш *дзаклай тўй*, яъни “кичик байрам” дейилади. Унаштиришдан (фотиҳа тўйи) то тўйгача куёв ва келин бир-бирларига кўринмасликлари лозим. Фотиҳа тўйдан кейин келин ва бўлғуси куёвнинг янги қариндошларидан қочиб юришни бошлайдилар, тожикларда у *мегуризан*, яъни таржима қилинганда “қочиш” деб аталади.

Фотиҳа тўйи бўлиб ўтгандан сўнг иккала томон ҳам тўй тантанасига тайёргарлик кўра бошлаганлар.

Куёв томон келишилган қалинни ва икки ёшга уй-жой тайёр-

лашга ҳаракат қилардилар. Қиз томон эса куёв томон юборган совгаларга муносиб совға тайёрлаганлар.

Шундан кейин қалинни микдорини белгилаш учун икки томон олди-бердиси бошланган, бу “*нешкашибури*” – “қалин микдорини белгилаш” деб аталади.

Бундан ташқари, яна шундай урф-одатлар ҳам бўлганки, бу “осол” ёки “осол тўйи” деб аталади. Мазкур одатга кўра, тўй яқинлашган сари куёв томон белгиланган қалин ўрнини босувчи буюм берилади.

Қалин тайёр бўлгандан сўнг қизнинг отаси тўй кунини белгилаган.

Тожиклар тўй маросими одатда “*тўй*”, “*тўй арусси*” дейилади. Тўй асосан куз ёки қишни илк кунларига, яъни аҳоли дала ишларидан бўшаган пайтига қараб ўтказганлар.

Тўй маросимининг бошидан-охиригача асосий ролни “*ясаул*” бажаради. Тўй куни кечкурун 2 хонадонда ҳам байрам шодиёнаси бошланарди, куёв ўз уйида ўзининг дўстлари билан ўйинкулги қилса, келин ўз уйида дугоналари билан ўтирарди. Бу шодиёна “*шау тўй*” – “тунги байрам” ёки “базм” дея номланади. Базм вақтида куёв “*ша*” – “подшоҳ”, “шоҳ”, (“князь”, “царь”) номини олади. Базмда ҳазил шоҳ ролини ўйнаётган куёвга яқинлари ва дўстлари содиқлик билан хизмат кўрсатадилар.

Тўйнинг эртаси куни яна меҳмонлар куёвнинг уйига йиғиладилар. Улар эрталаб ёки *чошп* – кун ярмида келадилар. Куёвнинг отаси келганларни ҳар хил таомлар билан меҳмон қилади, буни “*якдега*” – “бир қозондан овқат ейиш” дейилади.

Шундан сўнг куёв сочини олиш удуми бажарилади, яъни куёвнинг сочи олиниб, ювилади. Соч олиш удуми сўнггида куёвга янги кўйлак, иштон, икки жуфт пайпоқ (*горук*), иккита халат, дўппи ва “чалма” кийдирилади.

Никоҳ тўйи ўтгандан сўнг, қишлоқ масжидидан *мулла* таклиф қилиниб никоҳ ўқитилади. Мулла ёнига бир коса сув – “никоҳ суви”, (“оби никоҳ”), уни устига бир ёки иккита нон қўйилади.

Келин никоҳ ўқиш маросимида қатнашмайди, унинг ёнига иккита гувоҳ юборилади ва розилиги олиниб, муллага маълум қилинади.

Никоҳ ўқиши маросимидан кейин келин янги уйига кетишга ҳозирланади. Карвон билан бирга келиннинг сеплари ҳам

жўнатишган, карвонни ашулалар билан кузатадилар.

Назорат топшириқлари:

1. Тожик халқининг этногенези тўғрисида нималарни биласиз? Манбалар асосида маълумот беринг.

2. Тожик халқининг минтақанинг бошқа халқлари билан этно-маданий алоқаларини изоҳланг.

3. Тожикларнинг антропологик типи ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапиринг.

4. Тожик халқининг Марказий Осиё минтақаси бошқа халқлари билан хўжалигидаги ўхшаш ҳамда ўзига хос жиҳатларини баён этинг.

5. Помир халқларининг этногенези ва этник тарихи тўғрисида гапириб беринг.

6. Помир халқлари антропологик типини манбалар асосида изоҳланг.

7. Помир халқлари анъанавий хўжалигини ўзига хос жиҳатлари тўғрисида маълумот беринг.

8. Помир халқининг моддий ва маънавий маданияти ҳақида гапиринг.

VI БОБ. ТУРКМАН ХАЛҚИНИНГ ЭТНОГРАФИЯСИ, ЭТНОГЕНЕЗИ ВА ЭТНИК ТАРИХИ

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Туркменистон Республикаси, дах-массагетлар, салжуқийлар, туркманлар антропологияси. теке, ёвмут, эрсари, гўклан. Каспий орти типи, чумур, ўтов, чўқай.

VI. 1. Туркман халқининг этногенези ва этник тарихи

Туркманлар асосан ҳозирги Туркменистон ҳудудида яшайди. Туркменистон – Марказий Осиёнинг жануби-ғарбида жойлашган давлат. Майдони 488, 1 минг км². Аҳолиси 4. 7 млн. киши (2002). Пойтахти – Ашгабат шаҳри.

У шимолда Қозоғистон, шимоли-шарқда Ўзбекистон, жанубда Афғонистон ва Эрон билан чегарадош. Каспий денгизининг шарқий қирғоқлари Туркменистоннинг ғарбий қирғоқлари бўйлаб ўтади. Туркменистон ҳудуди 5 та вилоятга бўлинади. Биринчи вилоят Амударёнинг ўрта ҳавзаси. Бу ерларда эрсари, солури, бояти, сакари мукри, хотаб, олам туркманлари истиқомат қилишган. Иккинчи вилоят Мурғоб ва Тежен воҳаларидан ташкил топган. Учинчи вилоят Копетдоғнинг тоғолди ва текислик қисмларини, Атека, Сумбар ва Чандир дарёлари водийсини ўз ичига олган. Бу ерларда гўклан, мурчали, нухурли, қардошли, анаули ва текинлар ҳаёт кечирган. Тўртинчи вилоят Туркменистоннинг жануби-ғарбий ва Каспий денгизининг шарқий қирғоқларини эгаллаган. Бу ерларга XIX – XX асрларда ёвмут, оғуржали ва эвляд туркманлари кўчиб келган. Бешинчи вилоят Марказий ва Жанубий Қорақум ҳудудлари. Туркменистоннинг шимоли-ғарбий ҳудудларини Балхан деб ҳам аташган. Туркменистон жанубида Копетдоғ тоғлари (энг баланд жойи 2942 м. – Ризо чўққиси), ундан шимолий ғарбда Кичик Болхон (777 м гача) ва Катта Болхон (1881 м гача) тоғлари жойлашган.

Туркменистон ҳудуди қадимда Ахаманийлар давлати, Искандар истилосидан кейин Салавкийлар давлати, Парфия, Юнон-Бақтрия подшолиги, Эфталийлар, Турк хоқонлиги, Араб халифалиги, Тоҳирийлар давлати, Сомонийлар, Салжуқийлар давлати, Хоразмшоҳлар давлати. Мўғуллар давлати таркибида бўлган. XIV асрнинг 70–80 йилларидан Туркменистон ҳудуди Темурийлар тасарруфига ўтган. XVI асрнинг охири – XVII асрда Хива ва Бухоро хонликлари таркибида бўлди. бир қисми Эрон таркибига ўтган. 1869–85 йилларда Туркменистон ҳудудини Россия империяси босиб олди. 1917 йил ноябрь-декабрида совет ҳокимияти ўрнатилди. 1918 йилда ТАССР (Туркистон мухтор совет социалистик республикаси ташкил этилган, Туркменистоннинг асосий қисми (Закаспий вилояти, 1921 йил августдан Туркменистон вилояти) унинг таркибига кирди. 1924 йил 27 октябрда Туркменистон ССР ташкил топди ва СССР таркибига кирди. 1991 йил 27 октябрь куни Мустақиллик куни деб эълон қилинди.

Туркменистон Республикасининг асосий аҳолиси туркманлар ҳисобланади (2537 минг киши, *1990 йиллар ўрталари*). Шунингдек, бугунги кунда *туркманлар*. Ўзбекистон, Шимолий Кавказ, Россиянинг Астрахань вилояти ва бошқа шаҳарларида, Афғонистон, Эрон ва Туркияда яшайдилар.

Расмий тил – туркман тили. Диндорлари асосан сунний муслмонлар. Йирик шаҳарлари: Ашгабат, Туркманобод, Тошҳовуз, Мари, Туркманбоши.

Ҳозирги вақтда туркман халқининг этногенези муаммолари тўлиқ ечилган, деб бўлмайди. Чунки туркман халқи этногенезининг кўплаб саволлари жавобсиз қолмоқда. Туркманларнинг ўзига хос юз тузилиши, тили шаклланишининг тарихий босқичлари кам ўрганилган. Туркман халқининг шаклланиш даврига тааллуқли саволлар айниқса баҳсли бўлиб қолмоқда. Ушбу муаммоларнинг тарихий ва этнографик ечими бир неча бор туркман олимлари ва чет эллик изланувчилар эътиборида бўлиб келди. Бу саволларга қизиқиш ўрта асрларда бошланган.

Биринчи бўлиб туркманлар ҳақида қомусий олим Абу Райҳон Беруний ўзининг қимматбаҳо тошларни ўрганишга бағишланган “Минералогия” китобида эслатиб ўтган. Чунончи у туркман номининг этимологияси ҳақида ҳам ёзган.

Кейинчалик худди шу савол Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону

луғотит-турк асариди ўз ифодасини топди. У туркманларнинг ўғуз ва қарлук қабилаларига киришини ва ўғузларнинг форсийзабон ўтроқ аҳоли билан яқинлашиши натижасида ўзгариши ҳақида гапириб ўтган.

XIV асрда тарихчи Рашидидин туркманларнинг Мовароуннаҳр ва Эрондан қочиб келган ўғузлардан келиб чиққан ва ташки шароитлар таъсирида тожикларга ўхшаб борган, деб ёзади. XVII асрда Хива хони Абулғозий Баҳодирхон “Шажарайи турк” асариди туркманларнинг келиб чиқиши ва тарихи ҳақидаги ўрта аср олимларининг маълумотларини ва халқ афсоналарини тўплайди.

Ғарб давлатларида бу мавзуга биринчи бўлиб франциялик тарихчи Де Эрбело қўл урди. У ўғузларнинг Мовароуннаҳрга Амударёнинг орқа томонига ва Мовароуннаҳрнинг чегара қисмларига жойлашиши, уларнинг маҳаллий аҳоли билан қўшилиб кетиши, ўз тилларида авлодларга хос дағалликни сақлаб қолганликларига ва бунинг натижасида хуросонликлар уларни туркман, яъни туркларга ўхшаш, деб аташган, деб ёзган.

Кейинчалик Ж. Дегин “Шарқий халқларнинг умумий энциклопедияси” асариди туркманларнинг келиб чиқишига бошқа томондан қўл урди. У ўғузлар бошқа турк қабилалари каби қадимий хунларнинг авлоди, деб ҳисоблаган. У ўрта асрларда ўғузларнинг икки: ғарбий ва шарқий қисмга бўлинганини кўрсатган. Ғарбий ўғузлар XI асрда Греция ва Македонияга кириб борган. Ўғузларнинг шарқий қисми Эроннинг чегара ҳудудларидаги вилоятларга кириб боришган ва улар туркманлар деб атала бошланган.

Россияда туркманлар этногенезини ёритиш бўйича дастлабки ҳаракатлар XVIII асрда бошланди. Чунончи М. Н. Карамзин ўғузларни қадимги рус йилномаларида турклар билан бир деб ҳисоблаган. Ўз навбатида, бу М. И. Погодин ва Д. И. Иловийскийларнинг изланишлари учун асос бўлиб хизмат қилди.

1836 йилда С. Г. Карелин экспедицияси билан Каспий денгизининг шарқий қирғоқларида бўлди. У туркманларнинг келиб чиқиши ва уларнинг ватани тўғрисидаги афсоналарни ёзиб олди ва бу борада қўплаб маълумотлар тўплади. С.Г. Карелин эса туркманларни қадимги массагетлар бўлса керак, деб ёзади. XIX асрнинг 60- йилларида венгер сайёҳи Х. Вамбери туркманларнинг ҳаёти ва турмуши устида киммагли этнографик кузатишлар ўтказди.

М. Т. Хауцнинг “Ўғуз қабилалари” масаласини кўрсатиб ўтиш

керак. Бунда туркманларнинг у ёки бу даражада эронлашган турклар деган ғояни илгари сурди.

XIX асрнинг охирларида Ўрхун ёзувларнинг очилиши билан ўғуз ва туркманларнинг этногенез муаммолари янада долзарб-лашди. Мўғулистондаги қадимги турк ёзувларининг дешифровка қилиниши ўғузларнинг Марказий Осиёдан келиб чиққанлиги ҳақидаги фикрни олдинга сурди.

Туркманлар этногенезини ўрганиш борасида В. В. Радлов ва В. В. Бартольдлар ҳам шуғулланди. Тадқиқотчилар ишида “туркман” номи X асрда араб адабиётларида эслатиб ўтилган. У “тоқумонг” номи хитойларнинг VII аср “Тунъ-Дян” энциклопедиясида келтирилганлигини кўрсатган. В. В. Бартольд қадимги Ўрхун ёзувларини ўрганиши натижасида ўрта асрнинг бошларида Ўрта Осиёга кўчиб келган Марказий осийлик қабилаларни ўғузлар деб аташган, деган хулосага келган.

Ўғуз ва туркман этногенезиси муаммолари билан А. Ю. Якубовский ҳам шуғулланди. У туркман этногенези учта қисмдан иборат, деб ҳисоблайди. Яъни, қадимги форсийзабон аҳоли, эфталлий-турк қабилалари ва ўғуз қабилалари.

Бу мавзуга С. П. Толстов “Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари” тўпламида тўхталиб ўтади. У ўғузларни Ўрта Осиё туб аҳолиси деб ҳисоблайди.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб туркман этнографияси билан Туркменистон олимлари шуғуллана бошлади. Чунончи бу борада Г. И. Карпов, А. А. Росляков, С. Г. Агаджановлар улкан ҳисса қўшдилар.

Туркман халқининг этногенези масаласини ўрганиш кўплаб муаммоли ва ўхшаш айрича фикрларни юзага келтирган. Шу билан бирга ҳали ўрганилмаган кўплаб фикрлар мавжуд. Кўп вақтлардан буён туркманлар салжук ўғузларнинг авлодлари деб қаралиб келинганди. Бундан келиб чиқадики, туркман халқи XI асрдан бошлаб шакллана бошлаган, лекин бу нотўғри фикр. Кўп йиллик изланишлар туркман халқи, Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг бошқа халқлари каби, узоқ шимолий шарқдан келгандан эмас, балки Ўрта Осиё ғарбий қисмининг қадимий тарихи ва маданияти меросхўридир. Туркман халқининг шаклланишида фақат ўғузлар эмас, балки кўплаб эрон ва туркий тилларда гаплашувчи қабил ва халқлар иштирок этган. Ҳозирги замон фани этногенез ва этник

тарихни тўғри ва аниқ ёритишни талаб қилади. Бунинг учун эса тарихни ва туркманлар билан Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг қардош халқлари орасидаги этник маданий алоқаларини ўрганиш зарур.

Туркманларнинг этногенезида маҳаллий дах-массагетлар, шунингдек, сарматлар, алан кабилалари, қисман қадимги Марғиёна, Парфия ва Хоразм давлатлари аҳолиси қатнашган. I- минг йиллик ўрталарида Каспий бўйи чўлларида туркий қабилалар, IX асрларда ўғузлар пайдо бўлган. Улар туркманларнинг этногенезида муҳим роль ўйнаган. Ўғузларнинг асосий гуруҳи XI асрда шимолий шарқдан келиб, маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетган.

XI асрда салжуқий қабилалари, туркманлар яшайдиган худудларга ўта бошлайди. Ўғуз, алан, кипчоқ қабилаларини, қисман хоразмликларни чапишуви ва қўшилиши натижасида янги қавмлар пайдо бўлади. Демак, “туркман” номи дастлаб X аср охирида пайдо бўлган.

XIV – XV асрларда Каспий денгизи атрофлари, Манғишлоқ ярим ороли, Сарикамиш кўли, Қорақум, Хоразмнинг ғарбий ва шимолий чегараларигача бўлган худудларида туркманлар жойлашади. Улар асосан етти қавмдан иборат: *теке*, *йомут* (*ёвмут*), *эрсари*, *сарик*, *човдур*, *гўклан*, *салир* ва бошқалар. Кўпинча ушбу уруғ қабилалар бир-бирларига қўшилиб кетишиб, қадимги ўз номларини нутишган, янги уруғ қабилалари пайдо бўлган.

Туркман халқининг шаклланиш жараёни мўғуллар истилосидан кейинги давр (XV асрлар)да тугайди. XV асрга келиб туркман халқининг шаклланиш даври ниҳоясига етган. Бу даврда туркман этносига, айрим ўғуз бўлмаган туркий қабилалар, жумладан, кипчоқлар ҳам қисман келиб қўшилган. Туркманларда қабиларуруғларга ажратиш сақланиб қолган. Улардан энг йириклари теке-лар, йомут (ёвмут)лар, эрсари, салирлар, сариклар, гўклан ва чавдирлар ҳисобланади.

Теке – туркман уруғларидан бири бўлиб, XVII – XVIII асрларнинг I- ярмида Болхон тоғи водийсида. Хоразмда ва Амударё бўйларида яшаган ва уларнинг қатта бир қисми Тажан воҳасини эгаллаган. Текеларнинг асосий қисми XVIII аср охири – XIX асрнинг бошларида Аҳалтақа ва Мурғоб водийларига кўчган. Марвни XIX асрнинг ўрталарида эгаллаган. Текалар 2 гуруҳга: отамиш (бег, аноули ва векил номли йирик уруғларга) ва тўхтамишга бўлинган. 1897 йилда текелардан Мурғоб воҳасида 20 минг хўжалик, Тажан

ва Қаахқада 7 минг хўжалик, Ахалда 9 минг хўжалик бўлган. Текелар дехкончилик ва чорвачилик билан шуғулланган. XIX асрнинг бошларида текелар бошқа туркман қабилалари билан аралашиб, туркман халқи таркибига сингиб кетган.

XVIII – XIX асрларгача туркманлар, юқорида таъкидлаб ўтилган етти йирик қавмга бўлинишни сақлаб қолган эди. Бу тоифа ўз навбатида тўрт элга бўлинган: гара, бековул, улугдепе ва гунеш.

Гара қавми *чекич, қурайш, ислом, бой, уга, тагам, मामиш, ябанлар*;

Бековул қавми *ламбе, сарти ерли ушақом, тогачи, култак*;

Улугдепе қавми *гарама, сурхи, сурх, чатроқ, оқтери, ажи эсен-менгли, гизилоёқ, этбош, денажи, чакир, габасоқол, сулаймон, омар, гизилжа*;

Гунеш қавми *гурлама, гунеш* элларидан иборат.

Теке элини икки насл-насаб авлодлари ташкил этган: отамиш ва тўхтамиш.

Отамиш авлоди *сичмаз* ҳамда *бағши* авлодларидан иборат. Сичмаз авлоди сичмазнинг ўзи билан уч уруғ қавмларидан, бағши авлоди эса *бағши, дашаёқ, бўрқун, султониз* қавмларидан ташкил топган.

Тўхтамиш насл-насабини бег ва бекил авлодлари тузган бўлиб, *бег авлоди, гонгур, омонша-гукче қавмларига, бекил авлоди эса ган-жиюсуп, язи-юсуф, гагсуал, ариқ-гараж, гофа ва букри қавмларига* ажралади.

Теке элига мужевур авлоди ҳам киради.

Йомут (ёвмут) эли ҳам икки насл-насабга бўлинади.

Байрамали насаби *саяк, ўкуз, урсукчи, ушак уруғларига бўлинади*.

Сариқ қабиласи *суқти, байрач, алаша, херзеки, газмилмирад, беденг, гал-бош уруғларидан*;

Чоудур қабиласи *игдир, човдур (гара-чодур), ябдал, бўзажи, бурнчи* қавмларидан ташкил топган.

Туркманларнинг яна бошқа бир қанча кичик қабилла, бир қатор уруғ қавмлари мавжуд бўлганлиги бизга маълум: *афгон, араб, гурд, қипчоқ, аймоқ, гирей, газак, галмик, гарамугол, тут, гуллар ва х. к.*

XV – XVI асрларда Туркманистоннинг шимолий туманларида човдур ва уларнинг қариндошлари абдаллар, араблилар яшаган. Бу уруғ-қабилаларнинг ҳаммаси бирга қўшилиб, эсен-хони, яъни

Хасан эли деб юритилган. Қолган уруғ-қабилаларига эса саин – хони номи берилган.

Сарикамиш кўли атрофларида, катта Балханда туркманларнинг теке, салир, йомут (ёвут) қабилаларига қарашли уруғ-қавмлари истиколат қилишган. Бу қабилалар орасида энг нуфузлиси салир қабиласи ҳисобланган. Салирлар ички салир деб аталган. Қолганлар, яъни *теке, йомут (ёвут), сариқ уруғ-аймоқлари* эса ташқи салирлар номи билан юритилган.

Язир (қорадошли), эмрели, нухурли, қисман баят уруғлари Туркменистоннинг жанубий қисмида яшашган.

XIX асрнинг 80-йилларида Туркменистон Россия империяси томонидан босиб олинган, этник бириктириш жараёни тезлашган, аммо қабилавий бўлиниш сақланиб қолган. Йирик қабилаларидан теке туркманлари Мурғоб ҳавзаси ва Тажанда, йомут (ёвут)лар Каспий бўйларида ва Хива хонлигида, эрсарилар Амударё водийсида, салирлар, сариқлар, гўклан, човдурлар Хива хонлигида биргаликда яшашган. Хўжалик маданий жиҳатидан туркманлар кўчманчи (чорвадор) ва ўтроқ дехқон (чумур)ларга бўлинган.

V. 2. Анъанавий хўжалиги

Туркменистон аҳолисининг ўзига хос хўжалик машғулотларига кўра олгита тарихий-маданий ҳудудга бўлишимиз мумкин.

Биринчиси – Ўрта Амударё ҳавзаси. Бу ердаги сув билан боғлиқ ҳолат Туркменистоннинг бошқа ҳудудларига қараганда яхшироқдир. Дастлабки йилларданок туркманлар дехқончилик билан бирга чорвачилик билан ҳам шуғуллана бошлашган. Барча туркман қабилаларининг (эрсари, солир, букри, сакар, баят) дехқончилик билан шуғулланишганининг далили сифатида қадимги суғормачилик тизимини айтишимиз мумкин. Дехқончилик ва чорвачилик билан бирга Амударё бўйи туркманлари пиллачилик, тикувчилик, тери ошлаш билан шуғулланишган. Туркманлар ўзларининг далаларида пахта, кунжут, арпа, буғдой, донли ва дук-какли ўсимликлар етиштиришган.

Иккинчиси – Хоразм атрофидаги Туркман вилоятларини ўз ичига олади. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, XVII асрдан бошлаб туркманлар ярим ўтроқ ҳаёт тарзига ўтишган. Хива хон-

лиги туркманлари хўжаликнинг комплекс турига эга бўлишган – деҳқончилик ва чорвачиликни ва балиқчиликни ўзида мужассам этган. Шимолий Хоразм туркманлари пахта, буғдой, арпа, гуруч, мош, ковун, тарвуз ҳамда тамаки етиштиришган. Туркманлар хўжалигининг муҳим тармоғи пиллачилик бўлган.

Учинчиси – Мурғоб ва Тажан вилоятлари XIX асргача бу ҳудуддаги туркманларнинг асосий машгулоти чорвачилик бўлган. XIX асрнинг охирида эса асосий машгулотнинг тури суғорма деҳқончиликка айланди. Мурғоб туркманларининг ҳаётида ҳайвон боқиш катта аҳамиятга эга бўлган. Улар қорақўл қўйларини боқишган, шунингдек, бу ерда пиллачилик ҳам мавжуд бўлган. Савсан, Бегрез, Серинде каби шойи газламалари катта талабга эга бўлган.

Тўртинчиси – Тоғолди ва Копетдоғ текислиги. Сумбар ва Чандир воҳалари.

Бешинчиси – Жануби-ғарбий Туркменистон ва Каспий денгининг шарқий қирғоқларини ўз ичига олади. Бу вилоятда денгиз яқинлиги туфайли аҳоли чорвачиликдан кўра деҳқончилик ва балиқчилик билан шуғулланган. Шунингдек, бу вилоятнинг баъзи ҳудудларида туркманлар нефть топиш билан ҳам шуғулланишган. Туркманларнинг бир қисми Каспий денгининг шарқий соҳилларидаги нефть, туз конларида меҳнат қилишган. Уларда савдо-сотик яхши йўлга қўйилган. Айниқса Эрон, Бухоро, Хива билан савдо алоқалари ниҳоятда ривожланган эди. Мари ва Туркменистоннинг айрим шаҳар (қалъа), қишлоқ (овул)ларида катта бозорлари бўлган.

Замонавий туркманлар саноатининг етакчи тармоқларини газ ва нефть қазиб чиқариш, энергетика, кимё, машинасозлик, енгил (қ. х. хомашёсини қайта ишлаш), озиқ-овқат (ёғ-мой, виночилик), бинокорлик материаллари саноати ташкил қилади. Бузмайин ГРЭС, Туркманбоши, Небитдоғ, Туркманобод, Мари, Гугуртдоғда иссиқлик электр станциялари барпо этилган. Нефть қазиб чиқариш ва уни қайта ишлаш Туркменистоннинг ғарбий туманларида олиб борилади, Челекен ғарбида денгиз тубидан нефть қазиб олинади. Асосий газ конларини Газўчоқ, Наип, Шатлик, Гугуртдоғ ва бошқалар ташкил қилади. Нефтни қайта ишлаш тармоғида бензин, керосин, дизель ёнилғиси, мазут, битум, электродли кокс, кир ювиш воситалари, кимё саноатида натрий сульфат, йод, бром, олтингургурт, минерал ўғит, олтингургурт кислотаси, суперфосфат,

фторли алюминий ишлаб чикарилади. Енгил саноат пахта, жун, пиллани дастлабки кайта ишлаш. ип газлама, жун ва ипак газлама. трикотаж ишлаб чикариш, коракўл ошлаш. пиллакашлик, тикувчилик, кўнчилик. пойабзал корхоналаридан иборат. Ёғочсозлик, полиграфия. шиша саноати ҳам муҳим ўрин олади. Асосий саноат марказлари Ашгабат, Тошҳовуз, Туркманобод, Мари. Туркманбоши, Небитдоғ. Байрамали шаҳарлари ҳисобланади.

Олтинчиси – Қорақумнинг марказий ва жанубий қисмларини олади. Бу ерда асосий машғулот тури чорвачилик эди. Улар асосан кўй, эчки, туя боқишган. Суғорма дехқончиликнинг асосий турлари пахта ва бугдой етиштириш ҳисобланган.

Чорвачилик. Туркманларнинг кўпчилик уруғлари орасида чорвачилик муҳим ўрин эгаллайди. Чунки туркман қабилаларининг аксарияти чорвадор уруғ-қабилалар бўлгани учун чорвачилик асосий машғулоти бўлган. Қисман дехқончилик билан шуғулланишган. Чорвачиликда асосан қуйрукли кўй-қўзилар боқишган. Чорвадор уруғ-қабилалар ҳам аслида иккига бўлинган: чорва ва чамри (чамру).

Биринчилари молларини якин узок яйловларга олиб чикиб, бир ердан иккинчи ерга кўчиб юришган. Чамри халки эса бир ерда ўтов куриб ўтроқ ҳаёт кечирганлар. Чорвани кўлда боқиб, экин экиб етиштирган ва шу билан кун кечирган.

Амударё қирғоқларида яшовчи баъзи қабилалар; нўхурли, анаули, мурчали, баятлар қадимдан чорвачилик билан шуғулланиб келишган. XVI – XVIII аср бошларида туркманларнинг шимолий худудларга кўчиб ўтиши уларнинг ҳаётида дехқончиликнинг ролини оширди. Бу яна туркманларни ўтроқ ҳаётга ўтишига олиб келди. XVIII асрда дехқончилик чорвачилик билан бирга туркманларнинг асосий машғулотига айланди. Бу соҳаларнинг хусусиятлари, яъни уларнинг нима билан шуғулланиши табиий шароит, урф-одат ва анъаналардан келиб чикиб машхур бўлишган.

Туркманлар дунёга ўз отлари билан танилган, айникса, аҳалтеке отлари жуда машхурдир.

Туркманлар чорвачилик билан кўп шуғулланганликлари туфайли чорвачиликка оид касблар билан ҳам шуғулланишган. Буларга тери ошлаш ва жун маҳсулотлари, гиламдўзлик, палос тайёрлаш ва кийим-кечак тикиш кирган.

Ҳар бир қабила чорвасини ўз ерида боккан. Йирик чорвадорлар

кўлида минглаб кўй-кўзилар. юзлаб туялар бўлиб. минглаб гектар яйловлар. қанчадан-қанча кудук сув манбаларига эга бўлишган. Камбағал чорвадорларга анча кийин эди. Ўз қудуғи бўлмагани учун кудук сувидан фойдалангани сабабли, бой чорвасини боқиб, қудуғини тозалаб бериши керак эди. Бир оз моли бўлганлари эса ўз молларини бой чорвадор молларига кўшиб, ўзи эса унинг ерида ишлаб бериши керак эди. Ёлланма меҳнатнинг гулдукчи ва хизматкор шакллари мавжуд бўлган. Туркманларнинг денгизга яқин худудларида балиқчилик билан шуғулланишган.

Дехкончилик. Қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи – дехкончилик бўлиб, унда пахтачилик асосий ўринни эгаллайди. Воҳаларда ва тоғ ён бағирларида асосан, ингичка толали пахта етиштирилади. Донли экинлардан буғдой, арпа, шоли, оқ жўхори ва маккажўхори, ем-хашак экинлари. полиз экинларидан қовун, тарвуз етиштирилади. Боғ ва тоқзорлар бор. Атрек дарёси ва унинг ирмоқлари бўйларида субтропик экинзорлар (анор, зайтун, анжир, бодомзорлар) бор.

Азал-азалдан туркманлар суғориб дехкончилик қилишган. Буғдой, жўхори, арпа, пахта, кунжут, шоли, беда экилган. Қовун, тарвуз, қовок етиштирилган. Кўп жойларда кузги – гуйзлук буғдой экилган. Сабзавот асосан қадимдан ўтроқ ҳаёт кечириб келаётган онаули, махинли, мурчали, махтуми, гўкдан уруғларининг ерларида етиштирилган. Узум етиштириш, боғ-роғлар ўстириш билан кам шуғулланишган. Деярли ҳамма ерда пиёз экилган.

Ерни ёғоч омов, темир учли азал қунда билан ҳайдашган. Ҳосил ўрок билан ўрилган. Ғалла дон хирмонида моллар ёрдамида янчилган. Тегирмон, каш-каш, жувозлар қурилган. Экинларни суғориш иншоотлари қурилган, ховузлар қазилган. Ер гўнг, қул, эски тупроқ билан ўғитлаб турилган.

Овчилик. Туркманларнинг бутун ўлкада, хусусан, ғарбий турманларда кенг тарқалган ҳунари – овчилик билан деярли ҳамма шуғулланган.

Туркманлар тулки, бўри, жайрон, куён, парранда овлашган (каклик, кирғовул, ўрдақ, ғоз ва х. к.).

Милтик билан, қопқон кўйиб, тўр тутиб, баъзан таёк билан овлашган. Отда този ит, лочин билан ов қилинган.

Хунармандчилик. Темирчилик, қуролсозлик, заргарлик, кўнчилик, дурадгорлик касб-хунарлари Туркманистоннинг ҳамма

ерларига кенг тарқалган. энг эъзозли хунарлардан ҳисобланар эди. Косиблар ўз уйлари, овулларида меҳнат қилишган.

Айрим хунарлар билан маълум овулларда, алоҳида уруғ ёки қабилалар шуғулланиб келган. Чунончи, қулолчилик асосан Чоржўй атрофидаги хунармандлар орасида кенг тарқалган. Нухурилар, айрим марвлик текелар, шунингдек, Гасан-Қўл ва Қумуш-Тева хунармандлари ўтовлар учун зарур қисмлар ясаш билан машхур бўлганлар. Яз уруғи аҳолиси эгар-жабдук, яри-гукчалар, ёғочдан идиш-товок, буркуз уруғи вакиллари қамчи тайёрлашган.

Хонадонларда гиламдўзлик ва шойи тўқувчилик ишлари билан шуғулланиб келинган. Хунармандлар орасида заргар, қумушчилар қарийб ҳар бир овулда бўлган. Туркманлар қадимдан ўз гиламлари билан донг таратганлар.

Гиламдўзлик. Туркман гиламлари Марказий Осиёдан ташқари бўлган ҳудудларда кўчманчи маданиятнинг машхур намунаси ҳисобланади. Туркман гиламларининг ажралиб туриши ҳамда халқининг бадиий ижоди бу гиламларда акс эттирилганлиги унинг машхурлигини таъминлайди.

Гилам – кўчманчиларнинг байрамларда, урушларда ва тинч кунларда доимий ҳамроҳи бўлган. Шарқда гиламлар қанчалик қиммат бўлмасин, фақатгина туркман халқи гиламни этник рамз даражасига кўтарган.

Гилам тўқиш санъати туркман аёлларининг энг муҳим машғулотларидан бири бўлган. Энг яхши гиламчилар ҳақидаги ҳикоялар халқ хотирасида сақланган. Гилам тўқиш санъати авлоддан авлодга, онадан қизга ўтган. Гилам тўқишга қизларни 5–6 ёшлардан ўргатишган. Бора-бора қизлар бу хунарни пухта эгаллаб боришган. Аммо гилам тўқиш гиламчидан катта жисмоний куч ва сабр ҳамда тажрибани талаб этган. Шунинг учун қизлар маҳоратли гиламчи даражасига фақатгина 25 ёшга тўлгандагина етишган.

Туркман гиламларига хос бўлган хислатларидан яна бири шуки, унда самовий, мифологик ва этник маркерлар жой олади. Баъзида эса тўшаладиган гиламларда нишонлар тизими ёки ўзига хос қабилавий эмблемалар жой олади. Энг кўп тарқалган нишонли композиция геливийдир. Энг қийини эса дарвоза композицияси ҳисобланиб, бу кўп компонентли нақшлар ва бир қанча аркалардан иборат. Туркман гиламлари композицияларида декоратив “Анси” тасвирларида дунёнинг яратилиш тасвирлари ўз ифодасини топ-

ган. Туркманлар 30 дан ортик гиламдўзлик маҳсулотларидан фойдаланишган. Уларни 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Ўтовларда ишлатиладиган гиламлар “холи” ерга тўшаладиган гилам:

“Анси” – эшикка осиладиган гилам: “чувал”, “тувра” “торба”, “мафроч” – нарсаларни саклаш учун ишлатиладиган турли коплар.

2. Хайвонлар учун ишлатиладиган гиламдўзлик маҳсулотлари (тўким).

3. Диний маросимларда ишлатиладиган гиламдўзлик маҳсулотлари. “Намозлик” – намоз ўкиладиган гилам. “жойнамоз” “Оятлик” – мотам маросимларида ишлатиладиган гиламлар.

Туркманлар тўкиган тукли гиламлар ўзининг тугунлари, яъни сочоклари билан фарк қилади. Баъзи тугунлар якка ва уч томонлама тўкилади. Туркман гиламдўзлигида ҳар хил тўкиш усуллари мавжуд:

Солирларда у – ўнг томонлама асимметрик ва кучли депрессияли;

Човдурларда – кучсиз депрессияли;

Текинларда – чап томонлама асимметрик;

Сарикларда – симметрик ва бошқалар.

Бу шуни кўрсатадики, ҳар хил кабила-уруғларда тўкилиш усуллари ҳар хил вақтда ва ҳар хил жойда пайдо бўлган (*асимметрик* тўкими эрон анъаналарини кўрсатади, *симметрик* эса кавказ анъанасини намоён қилади).

Гиламларнинг ҳар бирида икки мингдан тортиб беш минггача тўкима бўлган. Баъзиларида эса ҳатто саккиз ёки ўн минггача тўкима бўлиши мумкин. Туркман гиламлари кўй жунидан тўкилган. Шунингдек, бу гиламларни тўкишда туя ва эчки жунлари, пахта ва ипак ишлатилган. Одатда гиламлар оч кизил ёки маймунжон рангига бўялган. Пахта ва ипак толаларнинг ишлатилиши Салар уюшмаси туркманларига хосдир.

Транспорт. Қатновда асосан отлардан фойдаланишган. Ахалтеке ва йомут (ёвмут) отларида юришган. Юкларни туяларда ташишган. Туркманларда уч хил туя боқилган: *якка ўрқачли туркман туялари (арваналар)*; *қўш ўрқачли туркман туялари (буғралар)* ҳамда *уларнинг чапишганлари, дуругайлари*. Йўли яхши, бирмунча текис жойларда Хиванинг икки ғилдиракли аравасидан фойдаланилган. Эшак арава, баъзан туя аравалар кўп ишлатилган.

Денгиз яқинида яшаган туркманлар кема, новларда юк ташиганлар. Узун, ингичка қайиқ (таймун, ек мердем)лар ҳам кўп бўлган.

VI. 3. Моддий маданияти

Анъанавий тураржойлар. Туркманлар бутун умрларини деярли яйловлар ва ўтовларда ўтказишган. Ўтов уларнинг асосий ва энг кўп тарқалган уйи ҳисобланиб келинган.

Туркман ўтовлари кўринишидан ҳамма ерда деярли бир хил бўлгани билан бир-биридан фарқ қилган. Ўтовни усти, атроф-теварагида боғланган йуп-тўқима лента ҳар хил жойда турли рангда ва турлича тортилган бўлган. Айрим ўтовларнинг усти ётиқ, яссирок, баъзилариники чўкки кўринишда ишланган. Чунончи йомут (ёвмут)ларда ўтовнинг тепаси, гумбази ҳамманикидан пастқам бўлиб, човдурларники эса энг баланд, учли қилиб ишланган. Ўтовнинг ташқариси билан ичкарасига дармиқ, яъни безакдор тасма боғлаб қўйилган.

Камбағал аҳоли кичкина ўтовларда яшаган. Бу хил ўтовларни туркманлар ороша ёки гуштдикме (кичкина ўтов) деб аташган. Орошаларнинг панжара – терими бўлмаган. Намат устидан палас ва гиламлар тўшалган. Хўжаликда керак бўладиган жамики нарсаларнинг ўз ўрни, жойлаштириш тартиби бўлган. Ўтовга кирган киши турли жойларга осилган нон халта, туз халта, идиш халта, ип-игна халта ва бошқа ҳар хил жун халталарни кўриши мумкин эди. Кираверишда ўнг тарафда мис, ёғоч, сопол идишлар, самовар жойлашган. Рўпарада кўрпа-ёстиқ, намат, кигиз, гиламлар, ён-верида буғдой, ун солинган қоқлар, эгар-жабдуқлар жойлашган. Ўтовнинг тўрида сандиқ, беланчак (салланчак) турган.

XIX асрда айрим уруғ, қабила одамлари ўзлари учун алоҳида қалъа кура бошлашган. Бундай қалъалар кўпроқ теке кавмига қарашли кишиларда бўлган. Теке овуллари уч-тўрт хўжаликдан иборат бўлиб, дашт чўл ерларда кудуқлар атрофида жойлашган.

Ҳовли қалъа ёнида хилма-хил хўжалик бинолари қурилган: отхона, сейисхона, дуесетиқ (туяхона), молхона (қўйхона) гоюнеток, сомонхона, омбор ва ҳ. к.

Ҳар бир ҳовлида албатта айвон қурилган. Айрим туркманлар, чунончи Хоразм туркманларида ҳовлига, яъни куёшга терс томонга қаратиб терсайвон солинган. Ўзига тўқ туркманларнинг

ховлилари ичкари ва ташқарига бўлиб қурилган. Йомут (ёвмут) лар билан емрели кавмларига карашли ховлиларда хўжалик ва тураржой бинолари ховлининг икки чеккадаги деворлари бўйлаб қурилган. Ховлининг ўртаси очик бўлган. Туркманларда чайла – чатма ҳам қурилган. Деворлари шохбутук, камиш ёки ёғочлардан бўлиб. томига шох-шабба тўшалган. Устидан лой сувок билан сувалган. Кейинги вақтда хом ёки пишик ғиштдан томи ясси, текис қилиб уй солиш одати кенг тарқалган.

Кийим-кечаклари. Туркман эркакларининг усти-бошида, қадимий миллий урф-одат. анъаналар таъсири деярли сезилмайди. Аммо аёлларнинг миллий кийимларида фарқ бор. Бундан ташқари, қайси халқ билан узок вақт кўни-кўшничилик қилиб келганига қараб турли туркман кавм одамларининг кийимида. ички ва ташқи таъсир яққол сезилиб туради. Айниқса. Кавказ халқлари, эронийлар таъсири кучли. Хива туркманлари кийим-кечагида ўзбек ва қозоқларнинг миллий кийими анъаналари ўз ифодасини топган. Сарик туркманлари Бухоро воҳаси аҳолиси кийим-кечакларига ўхшаш кийим кийиб юрадилар.

Туркман эркакларининг кийими балак (иштон), енги узун кўйлак. қавилган чопон – дондан иборат бўлиб. бөшига керлин ёки кубанка (тепаси, эни энсиз), телпак. оёғига чорик. чўпонлари эса елкен қияди. Аёллари балак (узун иштон), кўйлак, енгсиз кемзор (камзул), олди гулдор қавилган тўн – чабит, бошига бўрик, боғмач, ўрамак хасаба, топон ва бошка бош кийимларини, оёғига ковуш ёки пошналар пойабзал қияди.

Эркакларнинг кўйлаги олдин ёқасиз тикилган бўлса, эндиликда тик ёқали кўйлак кийиш одат бўлган. Лекин турли қавм эркаклари билан аёлларнинг усти-боши бир-биридан маълум даражада ё бичилиши. тикилиши ёки ташқи безағи билан бирмунча ажралиб туради. Масалан, эркаклар қиядиган дон, чопон, чакмонлар гарчи тикилиши жиҳатдан ҳамма ерда бир хил бўлса ҳам, матонинг ранги, кўриниши, номи билан турли-туман бўлади. Илгари тўнни узун енглари қўлни ёпиб турадиган қилиб тикилар, ён томонларини кесиб чўнтак ўрнатилган. Тўннинг этағи, ёқаси, чўнтақлари четига тасма, ука тикилган. Тўнлардан хивали дон, гирмизи дон, астарома чопон – октой хиллари кенг тарқалган эди. Чакмонни туя жунидан қилишган. Совуқ кунлари чопон билан тўн ёки пўстин – ичмек ки-йишган. Денгиз қирғоғида яшайдиган йомут (ёвмут)лар.

илгари курт бичим тўн кийишни ёқтирар эдилар (курдча бичимда бўлгани учун шундай дейилган).

Оёқларига чорқидан бошка чўқай, чапак (шиппак) ҳам кийиб юришган. Чўқай – бузоқ терисидан учи қайрилган, гажакдор пой-абзал тикилган. Чорик – яхлит теридан тикилган, оёқларига оқ пайтава ўрашган.

Тақинчоқлар. Туркман аёллари безак – тақинчоқларни жуда ёқтиришади. Шу сабабли уларнинг қулоқ, қўл, бош, бурунларига хилма-хил безак буюмлар тақиб юришганини кўриш мумкин. Ким қандай безак таққанига қараб каерлик ва қайси табақага мансуб эканини ажратиб олиш мумкин бўлган. Болаларга кўпдан-кўп кумуш танга ва мунчоқлардан ясалган турли-туман тақинчоқлар тақиб қўйишади. Қиз болаларнинг бош кийими – дўппи, телпак, айниқса қалпоқлари чиройли рангдор безакли бўлади. Ёши каттароқ ўгил болалар бош кийимида ҳеч қандай безак бўлмайди. Қиз болаларнинг телпагини четларига ҳар хил безак берилиб, тепасига ғупба деб аталадиган безак ўрнатилган. Бўйинларига тангалар, мунчоқлар, нишон осилган шода тақилган.

Кўйлақлари билан чопон, тўнларининг кўкрак олдида апбаси осиб юришади. Апбасини қулоқ (тешик)ли тангалар ёки тангасимон кўринишида кесилган кумуш парчаларини ипга тизиб ясайдилар. Аёллар сочларига ёсиқ осилган. Кокилларини ҳар хил танга ёки медальонлар, калитлар билан безатишган. Қўлларида бизелик деб аталадиган билакузук, қулоқларига узук – тулак ҳалқа, исирға, бурунларига иребек тақишган. Эндиликда бурун ҳалқаларини кам учратиш мумкин.

Таомлар. Ўзбеклар ва қорақалпоқ таомларига ўхшаб кетиб, асосан сут ва сут маҳсулотларини кўп истеъмол қилишади. Уларнинг чурек нони айниқса машҳурдир. Жўхори нон ёпиб ейишади. Вақти тўғиз кезларида чучук хамирдан патир нон ёпишади. Гўштдан чурба (шўрва), гайнатма, дограма шўрва, говурма, говурдок, палов, шара ёки конаб (кабоб) пиширишади. Туркманлар гўшт қокисини жуда яхши кўришади. Шунинг учун туя, қорамол гўштини ҳам шу тариқа тилим-тилим қилиб тузлашади ва шамолда қуритишади. Қўй гўштини ҳам шу тариқа тайёрлаб, қоринга солиб қўйишади. Ёки чала ковуриб идишларга солинади. Янги гўшт тугаган вақтда ана шу ковурмадан ишлатишади. Гара чўрба қайнатишади. Қадимда ковурмадан чойга солишган (чой чўрба).

Куён. жайрон. кийик. каклик гүштини. осётр балиғи гүштини кенг истеъмол килишади.

Күк чой, айрим жойларда кора чой ичилади. Күпинча күк чой билан кора чойни ичишади, нонуштага ковун коқи. жийда күйилади.

Оилавий маросимлар. Туркманларнинг тўйи аввало келин ва куёвнинг қариндошлари томонидан келишувидан бошланади. Келишувдан сўнг. келин ва куёвнинг қариндошлари томонидан тўйгача бўлган урф-одатлар бажарилади. Келин ва куёвни қариндошлари тўйга анча олдин тайёрлайдилар. Йиғилишда, яъни генеш тўйда яқин қариндошлари. дўстлари, қўшнилари маросим учун керакли нарсаларни келишиб олишган. Ҳамқишлоқлар тўйга махсус таклиф қилинмаган, жарчи эрталабдан бутун овул бўйлаб тўйга жар солган. Қариндошлар ва қўшни овулда яшайдиганларга бир неча кун олдин чопар орқали хабар берилган. Тўй маросими ни ўтказиш учун “омадли кун” (“сэхетли гун”) белгиланади. Амударёнинг ўрта оқимида яшайдиган туркманларда бу кун душанба ҳисобланади. Хосиятли ойларга қурбан. барот (мерет), рамазон ойлари энг яхши саналади. Айтиш лозимки, деҳқончилик билан шуғулланадиган туманларда тўй ва бошка маросимлар(таквим билан боғланмасдан) кузда, қишлоқ хўжалик ишлари тугагандан кейин қилинган. Туркменистоннинг шарқий қисмида тўйга 9 кун колганда. куёвнинг уйига келинни кўчириш (гез гечурмек)га тайёргарлик кўрилади (“докуз”), кизнинг сепи тайёрланган: кийимлари, гилам, гилам коп, уй анжомлари.

Маросимнинг асосий қисми куёвнинг хонадонида бўлиб ўтган. Фақатгина эрсаринларда тўй маросими ҳам келиннинг, ҳам куёвнинг уйида бир вақтнинг ўзида ўтказилган, лекин барча харажатлар куёв томонидан қопланган.

Тўй келиннинг уйида ҳамқишлоқлари даврасида бошланган. Куёвнинг уйида неча кўй сўйилса, келиннинг уйида ҳам шунча кўй сўйиларди (10 та кўй хар бирида).

Эрта тонгдан келиннинг уйига ўртоклари – тенгдошлари келинни хурсанд килиш учун тўй кўшиқлари куйлаб (“оленлер”), ўйнаб кетишарди.

Келиннинг янгалари мазкур кўшиқларда куёвнинг ижобий ва салбий томонларини ҳазил тарикасида куйлашган ва бунга жавобан куёвнинг ҳам янгалари жавоб тарикасида айтишув айтганлар.

Анъаналарга мувофиқ тўй қарвони келишида келинга янгала-

ри (салирларда келин опа, текеинлар ва ёвмутларда – едге дейилган) паранжи ташлаганлар, келиннинг дугоналари эса бу жараёнга халақит беришга уринганлар. Янга 3–4 аёлни ёрдамга чақирган, улар келиннинг ўртоқларини четга чиқариб, келинга рўмол, “накидка” ташлаганлар. Ўзаро рамзий кураш бу билан тугамаган, у тўй карвони келгунча давом этган. Келин ва куёв янгалари тўйнинг тантанали қисмида қатнашишдан ташқари, уларнинг ўзаро биринчи мулоқотида ҳам муҳим роль ўйнаганлар.

Тўй поезди ёки карвони (“гелналыжы”) текеинларда жуда ҳам жонли кўринишда бўлган: туялар, туяларнинг устига ўрнатилган тахтиравон (махсус келин учун безатилган)да байрамона кийинган аёллар олдинда. Ён томон ва орқада отлик кўриқчилардан иборат бўлган. Ҳар бир туяда 2 ёнли тахтиравон (“ян кежебе”), келин учун алоҳида кажава бўлиб, (“дик кежебе”) ёнлари ҳар хил рангли дубобалар билан безатилган. Туянинг бўйнига эса қўнғироқча осиб қўйилган. Келиннинг қариндошлари ва қишлоқдошлари туяларни олдиндан тайёрлаб қўйилган нон билан сийлашган.

Ўўлатон сариқларида тўй куни куёвнинг отаси тўй карвонини кузатиш маросимини уюштирган, бу маросимда туя ва оти бор хоҳлаган киши қатнашиши мумкин бўлган. Баъзан уларнинг сони 70 тагача етган. Сариклар тўйининг алоҳида хусусияти шундаки, тўй карвонини кузатишда аёллар қатнашмайдилар. Келиннинг овулига 500 метр қолгунга қадар кузатув давом этган. Карвоннинг келганлиги ҳақида янгалар хабар берганлар. Бу хабарни эшитган келиннинг яқинлари, карвонни кутиб олиш учун тайёргарлик кўрганлар. Қизнинг онаси келинни безатиш учун аёлларни, қўшни қизларни чорлаган.

Эрсариларда тўй карвонини кузатиш маросимида эркаклар ҳам, аёллар ҳам қатнашган. Келин учун курашда фақат аёллар қатнашган, бу кураш ҳазиломуз кўринишда бўлиб, келинни эгаллаб олиш учун ҳаракат қилинади. Текеинларда мазкур курашда келиннинг хонасига бостириб кириб, қўлидан ушлаб, тортишарди. Бунда келиннинг дугоналари халақит беришга уринганлар. Эшикка киришда гилам солинган, бу ерда эркаклар кутиб турган, аёлларнинг узоқ тортишуvidан сўнг келинни олиб чиқиб, гиламга ўтказишган. Бу урф-одатлар жанубий туркманларда азалдан мавжуд бўлган.

Назорат топшириқлари:

1. Туркман халқининг этногенези тўғрисида гапириб беринг.
2. Туркманларнинг шаклланиш жараёнида иштирок этган этник компонентлар тўғрисида нималар биласиз?
3. Туркманларнинг ҳунармандчилиги ва анъанавий тураржойлари ҳақида гапириб беринг.
4. Туркманларнинг чорвачилик хўжалиги тўғрисида сўзланг.
5. Туркманларнинг деҳқончилиги, унинг ривожланиш босқичлари тўғрисида нималарни биласиз?
6. Туркман халқининг миллий кийимлари ва тақинчоқларининг ўзига хос жиҳатларини изоҳлаб беринг.
7. Туркман халқининг қўшни халқлар билан ўзаро ўхшаш ва ўзига хос жиҳатларини кўрсатинг.
8. Туркман халқининг миллий байрамлари ва оилавий маросимлари ҳақида сўзлаб беринг?

VII БОБ. ҚОЗОҚ ХАЛҚИНИНГ ЭТНОГРАФИЯСИ, ЭТНОГЕНЕЗИ ВА ЭТНИК ТАРИХИ

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Қозоғистон Республикаси, қозоқлар, антропологик белгилари, иркий тип, жанубий Сибирь тип, этнографияси, антропологияси, синантроп, катта, ўрта, кичик жузлар, қозоқ қарлуқлари, қарлуқ жабғулари, тўралар, чорвачилик, деҳқончилик, хунармандчилик, транспорт, ўтов, саукел, қимиз, таомлари.

VII. 1. Қозоқ халқининг этногенези ва этник тарихи

Қозоқлар - Қозоғистон Республикасининг асосий аҳолиси (6,54 минг кишидан зиёд) ҳисобланади. Шунингдек, бу халқ асосан, Ўзбекистонда (808 минг киши), Туркменистон (87 минг киши), Қирғизистон (37 минг киши), Тожикистон ва Россияда (635,9 минг киши), ХХР (1 млн. 115 минг киши (1990 йиллар ўрталари), Монголия (125 минг киши) ва бошқа мамлакатларда яшайди. Умумий сони 9,42 млн. киши. Расмий тил - қозоқ тили. Дини ислом дини бўлиб, асосий аҳоли сунний мусулмон ҳисобланади.

Шунингдек, Қозоғистонда *рус, украин, немис, ўзбек, татар, уйғур* ва бошқа халқлар яшайди. Йирик шаҳарлари: Олмаота, Остона, Қарағанда, Чимкент, Павлодар, Семипалатинск.

Қозоғистон (Қазақстан), Қозоғистон Республикаси (Қазақстан Республикаси) – Евроосиё материгининг марказий қисмида жойлашган давлат. Ғарбда Каспий денгизи билан туташган. Майдони 2724,9 минг км². Аҳолиси 15 млн. киши (2005). Пойтахти - *Остона шаҳри*. Маъмурий жиҳатдан 14 вилоят, вилоятлар аудан (туман) ларга бўлинади.

Қозоғистонда 131 миллат ва элат истиқомат қилади. Асосий аҳолиси *қозоқлар* (55,7%).

Қадим замонлардан буён Марказий Осиёда ўзбеклар, қирғизлар, туркманлар, тожиклар ва бошқа халқларнинг аجدодлари билан ёнм-ён истиқомат қилиб келаётган минтақадаги йирик туб

халқлардан бири қозоқлар ҳисобланади. 1920 йил ўрталаригача, уларни нотўғри, қирғи-қайсақ ёки қирғиз деб атаб келишган.

Археологларнинг топилмаларига қараб ҳукм чиқариладиган бўлса, Қозоғистон ҳудудида қадимги одамларнинг пайдо бўлиши эрта палеолитнинг биринчи ярмига тўғри келади. Чамаси бу вақтда биринчи музлик даврининг музлари эриб, чекина бошлаган, кўплаб тоғ дарачалари оқимлари пастга отиларкан, тош ва шағалларни ҳам ўз соҳилларига суриб чиқаришган. Ана шу ўзанлар ёқалаб ибтидоий одамларнинг кичик гуруҳлари истиқомат қилишган ва ёввойи ҳайвонларни овлаб, ўсимлик мевалари йиғиб тирикчилик қилишган.

Ўрта палеолит – улкан давр оралиғи (100–40 минг йил илгари) бўлиб, асосан мустье давридан иборатдир. Бу даврда қадимги одам тараққиётининг юқориқоғонасига кўтарилгани натижасида тош қуролларни яшаш технологиялари ва яшаш тарзида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Архантроплар, палеоантроплар (ёки неандерталлар) билан алмашинди. Ҳозирги вақтда дунёнинг турли қисмларида палеонтропларнинг суяклари антропологик хулосалар яшаш учун етарли миқдорда топилган.

Палеоантроп унинг аввалги аجدодлари каби дўнг пешона, улкан ёйсимон қошли, бош суяги гумбази мўъжаз, баҳайбат жағлар ва йирик тишларга эга, энгаги унча ривожланмаган эди. У айтарли баланд эмас (150–160 см.) ва кучли қадди-қоматга эга эди. Неандерталлик миясининг ривож ҳозирги одамзодга яқин – унинг ҳажми 1200–1600 см га етганди. Аммо миясининг ички тизими кўп жиҳатдан жўн, пешонасининг унча ривож топмагани ҳам буни тасдиқларди. Марказий Осиёда А. П. Окладников томонидан Ўзбекистоннинг жанубидаги Тешиктош ғоридан топилган неандертал боланинг қабри маълум ва машҳурдир.

Милоддан аввалги I минг йилликларда ҳозирги Қозоғистон ҳудудида жойлашган шаклар, усунлар, аланлар, қангюй қабила иттифоқи ва бошқалар қозоқлар этногенезида дастлабки қатлам бўлган. Олимлар фикрича, милоддан аввалги VIII – IV асрларда бу ҳудудда қадимги шак қабилалари кўчиб юрган. Улар массагет, сармат, алан, апасиак, аугаси, дах, хунн қабилалари таъсирида ўз этник таркибини анча бойитган.

Қозоқларнинг этногенези турли кўчманчи қабилаларнинг узок муддат давомида аралашуви шароитида кечган. Қозоқларнинг

қадимги аждодларига саклар, усунлар ва бошкалар кирган. Милоннинг бошларида Орол денгизидан ғарбда козоклар этногенезига таъсир кўрсатган аланлар яшаган.

Козок халки этногенезида Турк хоқонлиги муҳим роль ўйнаган. VI – VII асрларда мазкур ҳудудда бу хоқонликка кирган турғаш, қарлуқ-чигил, яғмо ва бошка қабилалар билан кўп даврлар давомида ёнма-ён яшаш натижасида козокларнинг туркийлашиши ҳамда маҳаллий қабилаларнинг келгиндилар билан аралашуши жараёни содир бўлган.

VI – VII асрларда Қозоғистоннинг жануби-шаркида яшаган қабилалар Ғарбий Турк хоқонлиги таркибида бўлган. Бу даврда шарқдан турғашлар, телелар, қарлуқлар ва бошкалар келиб жойлашган.

IX – X асрларда ҳозирги Қозоғистон ерларида қарлуқ, ўғуз, печенег, қипчоқ, кимак ва бошка қабилалар жойлашади ва XI – XII асрларда бу ҳудудда яшайдиган барча қабилаларнинг бирикишига анча туртки бўлган. XII асрда Қозоғистон ҳудудига қорахитойлар (киданлар) бостириб кирган, улар маҳаллий туркий аҳоли билан аралашиб кетган.

XI – XV асрларда Иртишдан Дунайгача бўлган Буюк Евроосиё текислиги. Қримдан то Волга бўйидаги Буюк Булғориягача араб ва форс манбаларида “Половецлар (Қипчоқлар) даласи” деб аталадиган *қипчоқ-половецлар* кўчиб юришар эди. XVI – XVIII асрларда турк суперэтноси бир неча мустақил этносларга бўлиниб кетгандан сўнг, кудратли туркий қипчоқ қабиласининг катта қисми козок халки таркибига кирди ва “Қипчоқ чўли” ёки “Чўл” деб ҳозирги Қозоғистон ҳудуди айтила бошланди.

“Чўл-Қозоғистон” тушунчаси ва ўзининг ички мазмун-моҳиятига кўра “эркин” маъносини берувчи “қозок” этноними – “қозок халки миллий ғояси”нинг асосини ташкил этди.

XV аср охири – XVI аср бошларида Қозок хонлиги пайдо бўлган ва козок халки шаклланиши ниҳоясига етган. XVI аср бошида ғарбга қайтиб келган козок қабилалари Қозок хонлигига бирлашган (Шайбонийхон бошчилигидаги Дашти Қипчоқнинг айрим уруғлари Мовароуннаҳрга жойлашган). Шу билан козок элатининг шаклланиш жараёни якунланган.

XV – XVI асрларда козок халқининг ташкил топиши ва рус марказлашган давлатининг мустақамланиши натижасида бево-

сита козок-рус алоқалари пайдо бўла бошлайди. Россия ҳукумати ўша даврдаёқ козок халки билан кизиқар, у ҳақда турли маълумотлар тўплар эди, кайсики улар Москва буйруқларида акс этар ва подшо девонхонасида сақланар эди. Мисол учун. шох архивининг 1574–1584 йиллардаги рўйхатида “Қосим подшо давридаги казак (қозоклар)лар” китоби ва рўйхати 38-қутида сақланганлиги кўрсатилган.

XVIII асрда козок жузларининг иккитаси (Кичик ва Ўрта)нинг Россияга қўшилиши натижасида нафақат илмий маълумотлар тўпланиши, балки уларни тадқиқ қилиш орқали козок этнографиясини тизимли ўрганиш бошланди.

XX асрнинг биринчи чорагига қадар козокларга бағишланган илмий ишларда одатда историографик шарҳ берилмаган. Кўпгина илмий ишларга баёний тавсиф ва компилятивлик характерга эга эканлиги нотўғри фикрларни танқид қилмасликка олиб келди.

В. Г. Белинский, А. Герцен, Н. А. Добролюбов, Н. Г. Чернышевскийларнинг илмий ишлари рус тарихшунослигининг ривожланиши ва илмий танқид даражасини кўтарилишига туртки бўлди. XIX аср ўрталарида козок маърифатпарвари Ч. Валихонов козокларга бағишланган қарийб барча рус адабиётларини танқид қилади. Бироқ, унинг танқиди холис, ҳаққоний ва аниқ бир мақсадга қаратилганлик (собитқадам) руҳида бўлса-да, эпизодик характерда эди. Унинг ўзи махсус тарихий иш ёзмаган. Ч. Валихоновнинг қимматли танқидий мулоҳазалари битта китобда мужассамлашмасдан, тарқоқ ҳолда унинг бир неча ишларида акс этган, аксарияти сўнгги даврларгача эълон қилинмаган эди.

XX аср бошида ҳам козоклар ҳақидаги адабиётларни историографик таҳлил қилишга уринишлар бўлган. Лекин козок халқини илмий ўрганиш тарихини Россия империяси даври муаллифлари козок чўлини Россияга қўшиб олиш ва подшо қўшинларини Ўрта Осиёга кириб бориши билан узвий боғлайдилар. Аксарият ҳолда юқоридаги фикрнинг иккинчи қисмига кўпроқ эътибор қаратилар эди. В. В. Бартольд ҳам ана шу ёндашувда козокларни ўрганиш борасидаги рус фани ютуқларини кўрсатишни истаган эди. **В. В. Бартольд ўз ишларида Қозок чўлига подшонинг ҳарбий, сиёсий, иқтисодий кириб бориши тарихини ёзишга қаратиб, қозоклар ҳақидаги адабиётларнинг батафсил рўйхатини ва илмий баҳосини бермаган.**

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида баъзи олимлар XX асрнинг 20- йиллари воқеаларигача бўлган козоклар ҳақидаги адабиётларни муносиб баҳолашга уринган бўлсалар-да, бу вазифани уудалай олмадилар. Шулар жумласига 1920 йил матбуотида кайд этилган, айтарли даражада муваффақиятли бўлмаса-да, биринчилардан бўлиб уриниб кўрган А. П. Чулошниковнинг 1924 йилда чоп этилган “Очерки по истории казахо-киргизского народа в связи с общими историческими судьбами других тюркских народов” (“Козок-киргиз халқининг бошқа туркий халқлар умумий тарихи тақдири билан алоқалари тарихий очерки”) асарини айтиш мумкин. Унинг муваффақиятсизлиги ўша пайтда фанда қарор топаётган Октябрь воқеаларигача бўлган адабиётларни инкор қилиш билан боғлиқ эди. 1933 йил Ш. Альджанов: “Қозоғистоннинг XX аср бошларигача бўлган даври билан кўпгина олимлар қизикқанлар ва бу бой ўлкани ўрганишган. Аммо улар бир ёқлама, хусусан таниқли олимлардан тортиб ҳар хил миссионерларгача ўз синфининг ижтимоий буюртмасини бажариш ва ўлкани мустабид қилиш йўллари ва усулларини излаш мақсадида ўрганганлар. Халқнинг заиф томонларини билиб олиб, ирқий шовинистик назарияларини асослашга, козок миллатининг келажagini инкор этишга қаратилган илмий хулосалар қилишга уринганлар. Биз ҳеч қачон мустамлақачиларнинг илмий тадқиқотлари маълумотларига таяна олмаймиз. Бу шубҳасиз”, – деб ёзади. М. Н. Тихомиров ҳам 1956 йилда “Вопросы истории” журналининг 1-сонида эълон қилган мақоласида козок халқи тарихи фанда тадқиқ қилинмаган муаммолардан биридир”, – деб ёзади.

XX аср ўрталарида мазкур масалани ўрганишга бўлган уринишлар анча жонланди. 1956 йили Қозоғистон ФА Ижтимоий фанлар бўлимининг умумий мажлиси козок халқи этнографиясини ўрганиш ҳолати ва вазифаларига қатта эътибор қаратди. Мажлисида Қозоғистонни этнографик тадқиқ қилишдаги камчиликлар ва муаммоларни чуқур ва ҳаққоний очиб бериш, уларни бартараф этиш йўллари ва шаклларини белгилаб олишга қаратилган Қозоғистон Фанлар академияси Тарих, археология ва этнография институти директори А. Н. Нусупбековнинг “Қозоғистон халқлари этнографиясини ўрганиш ҳолати ва вазифалари тўғрисида”, В. В. Востровнинг “Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг тарихий этнографик атласини тузиш ишлари ҳақида” ва И. Захаровнинг “1955–56

йиллардаги этнографик экспедиция натижалари тўғрисида” каби маърузалари эшитилди. Маърузачилар совет даври етакчи олимлари И. М. Георги, И. К. Кирилов, В. В. Бартольд, А. П. Чулошников, Н. А. Аристов, Б. В. Левшин, Л. Мейерларнинг бой мероси эсдан чиқариб қўйилаётганлигини эътироф этдилар. Шу билан бирга Ч. Валихонов, И. Олтинсарин ва А. Қўнонбоев каби қозоқ маърифатпарварларининг этнографик тадқиқотларининг сушт ўрганилганлиги кўрсатиб ўтилди.

Қозоқ халқи этник тарихининг муҳим жиҳатларидан яна бири жузларнинг келиб чиқиши сабаблари ва даври масаласидир, қайсики Қозоғистоннинг IX – XVIII асрлар тарихига оид манбаларнинг бирортасида ҳам жузлар тўғрисида маълумотлар берилмаган.

Рус этнографияси қозоқлар ўзининг маданияти ва тарихи, этник ҳудуди ва тилига эга алоҳида (мустакил) халқ эканлигини исботлади. 1925 йилга қадар “Қозоғистон” атамаси Россия ва рус манбаларида қозоқларни – “казак ва казаклар ўрдаси” (давлати), кейинчалик “қирғизлар”, “қирғиз-қайсоқ” ва “казак-қирғизлар”, уларнинг этник ҳудудини “Қирғиз чўли” деб атаганлар.

Афсуски, XVI асрда рус манбаларида акс этган қозоқ халқи этнографиясига доир маълумотлар бизгача етиб келмаган. XVI аср охири XVII аср бошида Москвада яшаган қозоқ халқига мансуб Қодирғали Хошим Жалойир ўзининг “Жоме-ат-таворих” номи қўлёзмасида Россияда қозоқ халқининг тарихий-этнографик ўрганилишига айрим хулосалар қилади. Мазкур қўлёзма И. Березиннинг таъкидлашича, Борис Годуновнинг илтимосига биноан қозоқ-чиғатой тилида ёзилган қизиқарли тарихий-этнографик асар ҳисобланади. Мазкур қўлёзamani 1854 йилда И. Березин “Сборник летописей” номи билан “Библиотека восточных историков” тўпламининг иккинчи томида эълон қилади.

“Сборник летописей” – қозоқ халқи тарихи ва этнографияси учун, энг аввало қозоқ халқи шаклланишининг тугалланиши даврига оид кўпгина воқеаларни ёритишда муҳим аҳамиятли ҳисобланади.

Қодирғали Хошим Жалойирнинг қўлёзмасини ўрганиш буйича Ч. Валихоновнинг иши анчагина таниқли ҳисобланади. Ч. Валихонов ундан қозоқларга даҳлдор бўлган айрим жойларини таржима қилиб, этнографик атамалар луғати ва изоҳи билан бойитган.

текст мазмунини таҳлил қилган ва маълумотларни ўз мақола ва тақризларида ишлатган. У мазкур кўлёзмани козокларнинг XIV – XVI асрларга оид тарихий этнографияси учун ажойиб манба деб ҳисоблайди.

Юқорида айтганимиздек, жузлар тўғрисида IX – XVIII аср манбаларида умуман маълумот учрамайди. Ҳатто XIII – XIV ва XV – XVI аср етук тарихчилари Рашидиддин ва Файзуллох ибн Рўзбехонлар ҳам жузлар ҳақида ҳеч нарса демаганлар.

Козокларнинг жузларга бўлиниши тўғрисидаги дастлабки ҳаққоний ва аниқ маълумотларни 1931 йилда Кичик ўрдага борган таржимон М. Тевкелев маълум қилади. Унинг ёзишича, “Қирғиз-қайсоқ” ўрдаси 3 қисмдан, хусусан: Улуюз, Оретаюз, Кичиюздан иборат бўлган. Айнан шу фикрни П. И. Ричков ва В. Татишевлар ҳам ўз ишларида кўрсатиб ўтганлар. И. Георги эса “кирғизларни” қачон ва қайси сабаб билан учта ўрдага бўлинганлиги ва нима учун катта, ўрта ва кичик дейилганлигини ҳеч ким билмайди, – деб ёзади. Унинг жиддий хатоси Катта ўрдани бурут (кирғизлар) лар билан аралаштириб юборганлигида эди.

Ч. Валихонов биринчилардан бўлиб, козок халқи айтишув ва афсоналарига асосланиб, мазкур масалага ойдинлик киритишга ҳаракат қилди. У мўғул улуси намунаси бўйича козок жузларини XV – XVI асрларда пайдо бўлган, деб ҳисоблайди. У козокларни бурутлар (кирғизлар) билан аралаштириб юборган Риттер ва Георгиларни қаттиқ танқид қилади. Уларнинг фикрини инкор қилиб, “Катта, Ўрта ва Кичик” – кирғиз-қайсоқ ўрдалари битта – “козок” халқи эканлигини ёзади.

В. В. Вельяминов-Зернов XVI асрда Ҳақназархон ўз давлатини учта ўрдага бўлганлиги ҳақида ёзади.

В. В. Бартольд жузларнинг бўлиниши сабабини Қозоғистоннинг баъзи бир ҳудудларида чорвачилик учун шарт-шароитларнинг турлича бўлганлигида деб билади. У шундай ҳудудлардан биринчиси деб, Семиречье (Етгисув) ва Сирдарёнинг ўрта оқими, Сарасу ва Сирдарёнинг қуйи оқимини иккинчи, Уралбўйи ҳудудидан Ақтюбинскача, яъни замонавий Ғарбий Қозоғистон ҳудудини учинчи ҳудуд деб ҳисоблайди.

М. Вяткин ўзининг 1941 йилда Олмаотада нашр қилинган “Қозоғистон тарихидан очерклар” китобида В. В. Бартольд-

ни кўллаб-куватлаб. ушбу худудларни географик жихатидан ташқари. сиёсий ва иктисодий ўзига хослигини кўрсатиб ўтади.

Козок тарихчиси Х. Адилгиреев ўзининг 1951 йили “Вестник АН СССР”нинг биринчи сонидан эълон қилган “К истории образования казахского народа” мақоласида муаллиф Масъуди ва академик В. В. Радловларнинг фикрига кўра қозок жузларини XII асрдаёқ пайдо бўлганлар. деб ҳисоблайди.

“История Казахской ССР” китобининг муаллифлари жузларнинг пайдо бўлишини XVI аср билан белгилаб. жузларни “хўжалик ва географик жихатдан ўзига хос худуд сифатида қозок хонлиги ва халки пайдо бўлгунга қадар қозок қабилавий гуруҳи яшайдиган қабилавий иттифок худуди бўлганлигини айтадилар. “Жуз” сўзи “қисм” ёки “бўлак”, “томон” маъноларини англатади.

Ва ниҳоят. тилшунос – профессор С. Омонжўлов жамоавий ўзини ҳимоя қилиш, қабила иттифокига қирувчи қабилаларнинг тил умумийлиги, жузларнинг ўзига хослиги пайдо бўлган маълум бир табиий-географик шароитда туғилган эҳтиёж жузларнинг ташкил топишига сабаб бўлган, деб билади.

Ч. Валихонов биринчилардан бўлиб адабий манбаларни таҳлил қилиш асосида XV – XVI асрларда жузларнинг вужудга келиши даври ва сабабларини тушунтириб беради. “Жуз” атамаси ўзи “юзлик”, “юз қабиласи” эмас, балки “қисм”. “бўлак”, “шоҳобча” маъноларини билдиради. “Жузлар”нинг бу даврда ягона халқнинг бир бўлаги, “қисми” сифатида фаолият кўрсатиши сиёсий. иктисодий, тил ва маданий умумийликнинг кўп элементлари билан боғлиқ эди, дейди.

XIII асрда мўғул босқини арафасида қозокларнинг ягона халқ ва давлат сифатида шаклланиши учун қулай шароит етилган эди. Аммо бундай бўлмади. В. В. Востров ўзининг “Родоплеменной состав и расселение казахов” китобида мўғул босқини Қозоғистоннинг жанубида кўпгина шаҳар ва ўтрок аҳолини вайрон қилиб, ўлқанинг ишлаб чиқариш қучларига путур етказди, кўп сонли маҳаллий қабилаларни аралашуви ва бир-биридан ажратишга, уларни этник, иктисодий ва маданий алоқаларини йўқотишга олиб келди, деб таъкидлайди.

XVIII асрнинг бошида қозок хонлигига ҳар томондан кўп сонли душманлар ва улар ичидан энг асосийси, ғарбий мўғуллар – жунғорлар босқини бошланди. Гап ҳамма қабилаларни сиқиб

чиқариш ҳақида борар эди. 1726 йили ҳамма қабила вакиллари томонидан Абулхайр қозоқ хонининг бош кўмондони этиб тантанали равишда эълон қилинди. 1729 йилда Аниркай остонасидаги ҳал қилувчи жангда Абулхайрнинг жунғорларни тор-мор қилиши натижасида душманлар томонидан босиб олинган ҳудудларни озод қилиш бошланди. Бундай қийин ғалабадан кейин жузлар бирлашиши керак эди. лекин афсус қозоқлар орасидаги ўзаро жанглр Абулхайрхоннинг оддий бўлмаган ва 1731 йил октябридан аста-секин бошланган Россияга кўшиб олиниши тўғрисида қарор қабул қилинган шароитда ҳам давом этаверди.

Катта жузнинг кўпгина уруғлари у пайдо бўлгандан анча илгари мавжуд бўлиб, кам ўрганилган кўп асрлик ва мураккаб тарихга эга эдилар.

Катта жузларнинг уруғ-қабилавий таркиби тўғрисида ҳақиқатга яқин маълумотлар рус манбаларида учрайди. М. Тевкелев қозоқларнинг уруғ-қабилавий таркибини 1748 йилда тузган тавсифида шундай дейди: “Катта ўрдада 10 та уруғ, ҳаммаси оуйсюн асосига эга: Ботбай оуйсюн, Черм оуйсюн, Джанес оуйсюн, Сикам оуйсюн, Адбансуван оуйсюн, Сары оуйсюн, Слы оуйсюн, Чанечклы оуйсюн, Канлы оуйсюн, Чалаер. Катта жуз ҳозирги шарқий Қозоғистон ҳудудини эгаллаган, шимолда жанубий Алтай, шарқда Жунғория билан чегарадош бўлган”.

Ўрта жуз замонавий Қозоғистоннинг марказий қисмида шаклланган. У ғарбда Орол денгизи – Иргиз йўналиши бўйича Кичик жуз, Тўрғай дарёси йўналиши билан Иртиш дарёсининг шарқий бассейни, Алтай ва Тарбағатай тизмалари билан чегарадош. Жанубда Сирдарё ва Чуй дарёлари, Балхаш кўли водийлари, шимолда Омск ва Томск губерниялари билан чегарадош. Ўрта жуз ҳақидаги тўлиқ маълумотларни “Сибирские летописи”да учратишимиз мумкин. Ўрта жуз ҳудудида кипчоқ, арғин, найман, керей ва уақ қабилалари яшаганлар. Жузларнинг жанубида – Қоратау, Богнен, Шаян ва Арис дарёлари водийларида Ўрта жуз қабилалари билан иттифокда кўнғиротлар яшар эдилар. Лекин XIX асрда Валихон вафотидан кейин кўнғиротлар Ўрта жуздан ажралдилар. Ўрта жузларнинг энг катта қабиласи қадимги керайитларнинг авлодлари ҳисобланмиш – керейлар ҳисобланади.

Кичик жузлар тўғрисида дастлабки маълумотларни 1748 йилда таржимон М. Тевкелев беради. Бу жуз кучли алчин уруғидан

иборат. Ўз навбатида корасияк ва байулыга бўлинади. Кичик жуз ҳозирги ғарбий Қозоғистон ҳудудини эгаллаган. Шарқда Ўрта жуз билан. жанубда Каспий денгизи, шимолда Урал тизмаси билан чегаралош.

Қозоғистоннинг ҳудуди ғарбда Волга дарёси куйи окимидан шарқда Олтойгача ва шимолда Ғарбий Сибирь текислигидан жанубда Тяньшан тоғларигача чўзилган. Ғарбда Каспийбўйи пасттекислиги ва Манғишлоқ ярим ороли бор; бу ерда денгиз сатҳидан паст ботиклар (масалан, *Қорағиё* – 132 м) учрайди. Манғишлоқдан шарқда *Устюрт платоси* (баландлиги 340 м гача) жойлашган. Каспийбўйи пасттекислиги шимолий-шарқда Урал тоғларининг жанубий тармоқлари ва Муғожар тоғи билан чегараланган. Муғожар тоғидан шимолий-шарқда Тўрғай платоси бор. У жанубда Турон пасттекислиги (Қизилқум чўли)га тутшиб кетади. Орол денгизидан шимолда Катта ва Кичик Бўрсик қумли чўллари ва Оролбўйи Қорақуми жойлашган. Қозоғистоннинг марказий қисмини Қозоғистон паст тоғлари (Сариорка) эгаллаган. Бу ерда *Қизилрай* (1565 м), *Қарқарали* (1366 м), *Улутов* (1133 м) каби алоҳида тоғ массивлари бор. Қозоғистон паст тоғларидан жанубда *Бетпақдала чўли*, ундан жанубда *Мўйинқум чўли* жойлашган. Бетпақдаладан шарқда катта майдонни эгаллаган Еттисув ҳудуди мавжуд. Қозоғистоннинг шарқий ва жанубий тармоқлари, шунингдек, Саура, Тарбатағай, Жунғория Олатови тизмалари, Шимолий ва Ғарбий Тяньшаннинг айрим тизмалари жойлашган.

Қозоқлар асосан “Жанубий Сибирь типи”га кирадилар (бу тип ўзига ҳам монголоид, ҳам европеоид белгиларини олади). Жанубий Сибирь типи мўғул башара ирқка мансуб, кўзлари қисик, юзлари юмалок, танаси ок сарик-малла, пучуқ бурун, панжалари калта, жуссалари майда, бош чаноғи брахикефал (думалок). Бепоён даштликлар, от-улов, туя уларнинг жону дили, эркин, озод ҳаёт турмуш тарзи билан суяги котган.

Олтой тил оиласининг туркий тил гуруҳининг шимоли-ғарбий тил (қипчок тиллари) шохобчасига қорақалпоқ, қирғиз, татар, бошқирд, қорачой, балқар, кўмик, нўғой, қарайим тиллари билан бирга *қозоқ тили* ҳам киради.

Қозоқ тили – бир қанча қадимий қабилаларнинг ҳамда бошқа тиллар асосида ташкил топган бўлиб, уч асосий шевага бўлинади: *ғарбий, шимоли-шарқий ва жанубий*. Ғарбий шева *ақшин қабилалар*

иттифоқи тилидан пайдо бўлган. Шимоли-шарқий шева *аргин*, *найман*, *қирай*, *қипчоқ*, *қўнғирот* қабилаларнинг умумий тилидан келиб чикқан. Ҳозирги қозоқ адабий тили ана шу шевага асосланган. Ниҳоят, жанубий шева *уйсин*, *жалойир*, *қангли*, *дулат* ва бошқа қабилалар тилидан юзага келган.

Қозоқларнинг қабила-уруғлари тарихан *уч гуруҳга бўлиниб*, алоҳида ҳудудларда яшаганлар. Катта, ўрта ва кичик жуз.

Катта (ули) жуз *қангли*, *сара уйсун*, *шанишқли*, *асти*, *ошақти*, *дулат*, *жалойир*, *сиргели*, *шапрашти*, *абдан (албан)*, *суан*, *бес*, *тангбали* уруғларидан ташкил топган бўлиб, дулат билан жалойир уруғлари ўз навбатида яна бир қанча кичик уруғларни ташкил этади. Масалан, жалойирлар эса *шу-манақ* ҳамда *сыр-манақ* уруғ гуруҳларига бўлинади:

– *шу-манақлар андас*, *мирза*, *қора капан*, *ўрақти*, *оқ бўйим*, *калпе*, *супатой*;

– *сыр-манақлар ариқ*, *тиним*, *бойшиғир*, *сайриши*, *болгали*, *қайишли* уруғларидан иборат.

Ўрта жуз беш йирик уруғларга, яъни *аргинлар*, *найманлар*, *қипшақлар*, *қангратлар* ва *керейларга* бўлинади:

– *қипшақлар тўри айғир*, *тўйиқши*, *қитабоқ*, *бултинг*, *қора балиқ*, *кулде мен*, *танабуга*, *кўп мурын*, *узун уруғларини* бирлаштирган;

– *қўнғиротлар бейлар* – *жандар*, *оразгелди*, *қулжигаш бушман*, *тоқболат*, *жаманбой*, *қора кесек жетимаер*, *қуш сансиз* уруғларига бўлинган;

– *керейлар уақ*, *қора керей*, ҳамда *абаы ашамайли керей* уруғлар бирлашмасидан ташкил топган. Қора керейлар *мурун*, *бойжигит* ва *тўрт ул* уруғларидан тузилган. Ашамайли керейлари *жас табан*, *меркит*, *жадиқ*, *жантекей*, *итети*, *шеруши*, *қасақас*, *малқи*, *сарбас*, *шубар айғир*, *конг*, *садақ*, *шунинг* уруғларига бўлинади.

Ниҳоят, кичик (киши) жуз *алим ули*, *бой ули* ҳамда *жетеру* уруғ гуруҳларидан тузилган:

– *алим ули* гуруҳига *қора соққол*, *қора кесен*, *кете*, *тўрт қора*, *шумекей*, *шекти*;

– *бой ули* гуруҳига *адай*, *жаппас*, *алаша*, *бой бақти*, *масқара бериш таздар*, *есентемир серкеш*, *тана*, *қизил*, *курд*, *шайқилар*, *керейт* уруғлари киради.

Жузларга кирувчи кабилалар ва уруғларнинг ҳар қайсиси Қозоғистоннинг муайян ҳудудида жуда қадимдан ўрнашиб келган.

Улкан ҳудудда ёйилган кичик жузга кирувчи кабилалар ва уруғларнинг ерлари Қозоғистоннинг ғарбий қисмида бўлган. Қозоғистон жузлари Россия империяси ҳукмронлиги вақтида ҳам ана шундай бўлинган ҳолда ўз авлод-аждодлари ерларида яшаб келишган.

Козокларнинг қабила, уруғ-аймоқ бўлиб яшаш урф-одати узок аср мобайнида давом этган. Козоклар орасида тўралар алоҳида ўрин тутган. Уларнинг аجدодлари Чингизхон шажарасига бориб тақалади, деб ҳисобланади. Шунинг учун улар ўзларини оқ суйек (оқ суяк)лар деб атайдилар.

Ботирлар авлод-аждодлари *ҳарбий саркарда, лашкарбоши, аскарларнинг бошлиғидан* ташкил топади.

Уруғ оқсоқол бошлиқларидан бийлар (ёки беклар) ўсиб чиқади. Баъзи бийлар ўз уруғи (уруғ) чегарасида мутлақо мустақил бўлган, ҳатто хон, султонларга ҳам бўйсунмаган.

Оқ суяклар каторига хожи, хўжалар ҳам кирган.

Ҳар бир кўчманчи козок маълум уруғ ёки уруғ тоифасига бўйсунушидан ташқари, маълум бир жамоа аъзоси ҳам ҳисобланган. Ана шу жамоадан ажралган ҳолда мустақил кўчиб юра олмаган.

Кўчманчи деҳқонлар *ўрта ҳол* – даулетти шаруа, *кам қувват ўрта хўжаликлар* – кунгеришти шаруа ҳамда *камбағал* – кедей шаруа гуруҳларига бўлинган. Шунингдек, козоклар орасида қуллар ҳам яшаган.

Козок қарлуқлари. Қарлуқ бодун (“Қарлуқлар халқи”) ёки “уч қарлуқ” (“қарлуқларнинг уч қабиласи”) – қадимий турк ёзма манбаларида, жанубда Мўғул Олтойидан Балхаш кўлигача ва шимолда Тарбағатай тизмасигача бўлган ҳудудни эгаллаган кўчманчи қабилалар қучли уюшмасини шундай аташганди. Қарлуқ бирлашмаси таркибига учта йирик қабила: бўлак, чигил ва тошлиқ кирарди, аммо қарлуқ иттифоқининг илк тарихидаёқ ҳудудий ва сиёсий тарқоқлик кўзга ташланган. Қарлуқларнинг VI аср иккинчи ярми ёки VII аср бошларида Тохаристон ҳудудидаги қисмининг бошлиғи – жабғу унвонига сазовор бўлиб, аввал Ғарбий турк, сўнгра Турғаш хоқонларига қарам эди. Бу қарлуқлар араб босқинчиларига қарши

курашда муҳим роль ўйнадилар. Қарлуқларнинг бошқа қисми узок шарқда – мўғул даштларида истикомат қиларди.

XV аср охирида Еттисувда Қозоқ хонлиги вужудга келди. XVI аср бошларида қозоқ элатининг узок давом этган шаклланиши ниҳоясига етди. Қосимхон даври (1511–23)да Қозоқ хонлиги мустақамланиб, чегараси кенгайди, аҳоли сони ортди. XVI аср ўрталарида Нўғой Ўрдаси, кейинроқ Мўғулистон ва Сибирь хонликлари парчаланиб кетди. Қозоқ хонлиги жузларга бўлиниб, *Катта жуз* (Еттисув), *Ўрта жуз* (Марказий Қозоғистон) ва *Кичик жуз* (Ғарбий Қозоғистон) деб атала бошланди. XVII асрда жузлар ҳудудларида мустақил хонликлар пайдо бўлди. XVIII аср бошларида Қозоғистонга Жунғория хонлиги хавф солиб турди (1729 йили Жунғорлар Катта жузнинг талайгина ерларини босиб олди). 1726 йилда Абулхайрхон Кичик жуз оқсоқоллари номидан Россия подшосига фуқароликка олишни илтимос қилиб мурожаат қилди. 1731 йилда Кичик жуз Россия таркибига қира бошлади. 1731–40 йилларда Ўрта жузнинг айрим хон ва султонлари Россия фуқаролигини қабул қилдилар. XVIII аср ўрталарида қозоқ султонлари орасида низо кучайиб, пировардида Абулхайрхон ўлдирилди (1748). Унинг ўғли Нурали Кичик жуз хони бўлиб, подшо маъмуриятига таянди ва ўз ҳокимиятини Ўрта жузнинг бир қисмига, шунингдек Хивага ёйишга уринди. Аммо у муваффақиятсизликка учради. Жунғорларнинг Хитойга мағлубиятга учраши (1758) натижасида ҳудудининг катта қисми Жунғорлар ҳокимияти остида бўлган Катта жузда манчжурлар ҳукмронлиги ўрнатилиши хавфи пайдо бўлди. Қозоғистоннинг жанубий ҳудудлари, жумладан, Чимкент Қўқон хонлиги таркибига кирди. XIX аср бошларида Ўрта Жуз хонлари Буке (1815), Вали (1819) вафотидан сўнг подшо ҳукумати хон ҳокимиятини тугатиб, 1822 йилдан янгича бошқариш тизимини жорий этди. 1824 йилда Кичик жузда ҳам хон ҳокимияти тугатилди; уруғ оқсоқоллари ҳокимиятини чеклайдиган ҳудудий бошқарувга ўтилди. Дашт ерларнинг жанубий ҳудудлари Қўқон ва Хива хонликлари таркибида қолди. 1853 йили Оренбург ва Самара генерал-губернатори В. А. Перовский Қўқон хонлигига қарашли Оқмасжид кальасини ишғол қилиб, таянч пунктга айлантирилди. 1854 йили Верний истехкоми (ҳозирги Олмаота шаҳри) қурилди.

Россиянинг таъсири кучайиб бораётганлигидан хавфсирган Қўқон хони Худоёрхон 1860 йилнинг кузида русларнинг

Верний истехкомини босиб олиш учун юборган 20 минг аскарни мағлубиятга учрайди. Натижада Етгисувнинг барча қисми Россияга қўшиб олинди. XIX асрнинг 60-йилларида қозоқ ерларининг Россияга қўшиб олинishi тугалланди.

1917 ноябрь – 1918 йил февралда Қозоғистонда совет ҳокимияти ўрнатилди. 1918 йил апрелда Туркистон АССР таркибига киритилди. 1926 йил 26 августда РСФСР таркибига Қирғизистон (Қозоғистон) АССР тузилди. 1920 йил 4–12 октябрда Оренбургда бўлиб ўтган Қозоғистон Советларининг таъсис съезди РСФСР таркибига Қозоғистон АССР тузилганини эълон қилди. 1936 йили Қозоғистон АССР СССР таркибига иттифокдош республикага айлантирилди. 1991 йили 16 декабрда республика Олий Кенгаши давлат мустақиллиги тўғрисида қонун қабул қилди.

VII. 2. Аънавий хўжалиги

Қозоқ халқининг асосий машғулоти кўчманчиликка асосланган чорвачилик бўлган, фақат жанубдаги (Сирдарё бўйидаги) баъзи воҳаларда суғорма деҳқончилик ривожланган.

Асрлар мобайнида қозоқлар кўчманчи чорвадор қабилалар қатори яшаб келган. Чоравачилиқда асосан қорамол, йилқи, қўй ва туя боқилган. Қўйчивонлари қўй-қўзиларни кўпайтириш билан шуғулланган. Қўйнинг жуни, териси қатта аҳамиятга эга бўлган.

Хўжалиқнинг иккинчи муҳим тармоғи йилқичилик эди. От, бир вақтни ўзида ҳам тенги йўқ дастёр, транспорт воситаси, ҳам қимиз манбаи, гўшти, кази-қартаси эса сеvimли таом бўлган.

Қозоғистоннинг жанубий, марказий ва ғарбий қўл ва чала қўл ерларида айниқса, туячилик кенг ривожланган. Асосан бир ўрқачли (*нор туялар* билан қўш ўрқачли (*айир урқеш*) туялар боқилган. Нор туялар нисбатан бақувват ва чидамли бўлганли сабабли, уларни боқишга нисбатан кўпроқ эътибор бериб келинган. Туя яхши юк ташиш воситаси бўлиши билан бирга, унинг жуни жуда қиммат турган, туя сутидан шубат деб аталадиган тўйимли ичимлик тайёрланган.

Қозоқлар хўжалигида қорамол жуда кам бўлган. Фақат кейинги вақтлардагина қорамол сақлаш ва боқишга қатта эътибор берадиган бўлишди.

Дехқончилик. Дехқончилик қозоқлар учун иккинчи даражали бир иш деб ҳисобланиб келинган. Лекин Қозоғистоннинг айрим ерлари, чунончи Еттисувда, Қоратов ён бағирларида, Чуй, Талас, Сирдарё соҳиллари бўйлаб, Иртиш дарёсининг юқори оқими атрофида Марказий Қозоғистоннинг айрим ерлари, жумладан, Қарқарали туманида яшаётган аҳоли қадим замонлардан буён дехқончилик қилиб келган.

Дехқончилик соҳаси билан мол-ҳолидан айрилган, камбағаллашиб қолган қозоқлар шуғулланган.

Қозоқ аҳолиси суғориб экин етиштириш ишларини Қозоғистонни Россия босиб олгандан кейингина аста, секин ўзлаштира бошлади.

Ҳосилни пичоқ ва қозоқ ўроқлари билан ўриб олишган. Баъзан бошоқларни қўлда супуриб йиғиштиришган. Кирман (хирмон)ни от ёки хўкизлар ёрдамида янчишган. Донни кураклар билан совуриб, қопларга юклашган.

Қозоқ аҳли овчилик ва балиқчилик билан ҳам қисман шуғулланган. Кўпроқ тулки овлашиб терисидан бош кийим тикишган. Савдо-сотик олиб борилган. Жуда қадимдан ҳудудда сайғоқ овлашган. Қатор қилиб қопқон ичига қамаб тутишган. Баъзан от билан қувиб юриб чарчаган ҳайвонни сўйил билан уриб овлашган.

Балиқчилик билан дарё ва қўллар атрофида яшаётган аҳоли шуғулланган.

VII. 3. Моддий ва маънавий маданияти

Қозоқлар кундалик ҳаётидаги жуда кўп нарсаларни ўз хонадонларида тайёрлашган. Чорвадор хонадонларда асосан қўй ва туя жунидан ҳар хил материаллар ясашган. Хусусан, намат, кигиз тайёрлаш ҳунари билан деярли ҳар бир оила шуғулланган.

Уй ҳайвонлари терисидан қўн тайёрлаш ишлари жуда қадимдан кенг тарқалган. Қорамол, эчки, от, туя терисидан пойафзал, ҳар хил чарм идишлар тикилган. Теридан кийим-кечак ҳам ишланган.

Ёғочсозлик касб-ҳунарини деярли ҳар бир хонадон яхши билган. Бу ҳунар кўпроқ ўрмонзорларга бой шимолий ва шарқий-шимолий туманларда кенг тарқалган. Махсус уйши, яъни уй-ўтовлари, эгарчилар ҳам кўп бўлган, яна темирчилик ҳунарамандчилиги кенг ривожланган.

Транспорти. Қозоқ аҳолисида икки ғилдиракли арава (тўрт ғилдиракли куйма) XVI – XVII асрлардан буюн ишлатилиб келинади. Лекин бундай аралар жуда кам бўлган. Юк ташиш учун кўпчилик асосан от, туя ва хўкиз ишлатишган.

Тураржойлари. Қозоқ оилалари асосан ўтов (кигиз уй)ларда яшашган. Уларнинг ўтови Марказий Осиёдаги бошқа чорвадор оилалар, яъни қирғиз, туркман, қорақалпоқ ўтовларидан деярли фарқ қилмайди. Ўтовлар Қозоғистоннинг турли ерларида, бир-биридан усти беага билан анча фарқ қилган. Қозоғистоннинг жанубий ерларида, илгари Катта Жуз уруғлари яшаб келган қисмида ўтов баланд қилиб қурилган. Шимолий чўл ерларида эса ўтов пастроқ ва кенг бўлган.

Бойларнинг ўтови кенг ва баландлиги, устига қимматбаҳо наMAT – кигиз ёпилгани, беага билан ажралиб турган. Ўтовлардан ташқари омонат уйлар ҳам бўлган: кўрки (чайла), жаппа, кўс. Қамишдан ўтовсимон қилиб қурилган ертўла (казба) уйларда ҳам яшаган. Чим уй кўп бўлган.

XVIII аср охири – XIX аср бошига келиб қозоқларнинг бир қисми ўтроқ ҳаёт кечиришга ўта бошлайди. Натижада доимий, муқим туриладиган уйлар пайдо бўла бошлаган.

Кийим-кечаклари. Қозоқ оилалари ўзлари учун зарур уст-бош кийимларини хонадоннинг ўзида қўлда тикишган. Юпқа наMAT-кигиз, тери, чарм, кийим тикиш учун зарур асосий материаллардан ҳисобланган. Лекин Марказий Осиёнинг қўшни бозорларидан олиб келинадиган чит ва шойи газламалардан ҳам фойдаланишган.

Кийим-кечаклар кўчманчи ҳаёт шароитига мослаб тикилган. Эркакларнинг кийими кўйлак, иштон, бешмет, чопон, темак (жун қалпоқ), дўппи, кумис, белдик, камар, этик, пайпоқдан иборат бўлган.

Аёлларнинг кийимини бўрик – қизлар қиядиган бош кийим, саукел (*ёш жувон бош кийими*), кемшек (*аёллар бош кийими*), кўйлак, шапан, енгсиз камзул, бешмет ташкил этади.

Қиш кунлари қўй терисидан, баъзан тулки ва бўри мўйнасидан тикилган узун пўстин кийишган. Чакмон (шекпен) ҳам ишлатилган.

Қизлар сочлари майда (30 тагача) кокил қилиб ўриб, кокил учларини иккита қилиб бирлаштиришган. Айрим ерларда аёллар шош қоп кийиб, яъни сочларини махсус халтага солиб юришган.

Такинчоклари. Асосан бошларига хилма-хил безак. такинчоклар тақишни яхши кўришган. Қизлар кокилларига танга ва кумуш безаклар тикилган ленталар ўрашган. Айрим жойларда, кўпроқ Фарбий Қозоғистон ерларида бош кийимда бирон-бир безак кадаш одат бўлган. Қулоқларига турли хил зирак тақишган. Бўйин такинчоклари, билак узукузук тақиш кенг тарқалган.

Таомлари. Асосий таоми гўшт, сут ва сут маҳсулотлари. Кўчманчи козок оилалари сутни соккан заҳоти ичишни ёктиришган. Дарҳол ундан қатиқ увитиб, айрон тайёрлашган. Энг сеvimли ичимлиги кимиз ҳисобланган. Козок халқи туячилик билан кенг шуғулланган. Буғдой ундан нон бўғирсоқ, кийикша нон, тандир нон, жуқа нон пиширилган.

Козоклар айниқса пиширилган гўшт (ет)ни кўп истеъмол қилишади. Қулшетаи, бешбармоқ таомларини севиб тановул қилишади. XIX аср ўрталаридан бошлаб чой ичадиган бўлишган. Бўза ичиш козоклар ичида азалдан маълум. Уни буғдой, сули, гурчдан тайёрлашган. Таомлардан балиқ, парранда гўшти камданкам ишлатилади. Шунингдек, сабзавот, мевалар ҳам тановул қилинган.

Оила ва оилавий маросимлари. XIX асрда козоклар учун кичик оила хос бўлиб, у ота-она ва вояга етмаган болалардан ташкил топган. Мазкур оилада патриархал муносабатлари қарор топган бўлиб, хотин устидан эри, кичиклар устидан катталар ҳукмронлик қилар эди. Оила бошлиғи – эркак киши атрофида оиланинг барча аъзолари шариат ва одат қоидаларига амал қилиб, жипслашиб яшар эдилар. Бу муносабатлар козокларнинг оилавий муносабатларини тартибга солиб турар эди.

Оилада аёлнинг ўрни, унинг ёшидан қатъи назар, оила аъзолари билан бўладиган ўзаро муносабатларидан келиб чиқиб, катта фарқланган.

Қизлар оилада эркин яшаган ва бой-бадавлат оилаларда уй юмушларидан бутунлай озод қилинган. Оилада фарзанд туғилгунга қадар ёш келиннинг ҳақ-ҳуқуқлари ўта чегараланган бўлиб, янги келинга паст назарда қаралар эди. Ёш келин оиладаги барча катталарнинг буйруғига бўйсунуши лозим бўлиб, унга энг оғир ишлар юкланган. Эрининг оиласида оила аъзолари билан мулоқот ва муносабатлар, урф-одатлар, тақиқлар ва чекловлар ёш келинга уқтирилиб борилар эди. Масалан, куёвнинг отасига рўпара келиб

қолишдан қочиш. қайнотаси ва эрини, ака-укаларининг номини атамаслик. Келин болалик бўлгандан сўнг бир қанча ҳуқуқларга эга бўлган. ёши катта аёллар эса оилада анча таъсир ўтказа олишган.

Назорат топшириқлари:

1. Қозоқ халқининг шаклланиш жараёни ҳақида сўзлаб беринг.
2. Қозоқ халқининг минтақадаги бошқа туб халқлар билан ўзаро этник муносабатлари тўғрисида нималарни биласиз?
3. Қозоқ халқининг уруғ-қабилачилик анъаналари ва уларга хос хусусиятларини изоҳланг.
4. Қозоқ халқининг анъанавий хўжалиги тўғрисида гапириб беринг.
5. Бугунги кунда қозоқ халқининг кундалик турмуши ва анъаналари ҳақида нималарни биласиз?
6. Қозоқ халқининг моддий маданияти ҳақида гапириб беринг.

VIII БОБ. ҚИРҒИЗ ХАЛҚИНИНГ ЭТНОГРАФИЯСИ, ЭТНОГЕНЕЗИ ВА ЭТНИК ТАРИХИ

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Қирғизистон Республикаси, қирғизлар, қорақирғиз, антропологияси. “Жанубий Сибир типі”, монголоид, европеоидлар, Тяньшань, Иссиккўл, ўтиз ўғул. кипчок. кайман, тейит, кесеко, кийим-кечаклари, чорвачилик. ҳунармандчилик. диний қарашлари, тураржойлари.

VIII. 1. Қирғиз халқининг этногенези ва этник тарихи

Қирғизлар – Қирғизистон Республикасининг асосий аҳолиси (2,23 млн. киши) ҳисобланади. Марказий Осиёнинг халқларидан бири бўлган қирғизлар Тяньшан. Помир-Олтой. қисман Ҳиндикуш тоғ тизмалари оралиғидаги Қирғизистон Республикасида яшайди. Шунингдек, Ўзбекистон (175 минг киши), Тожикистон (64 минг киши). РФ (42 минг киши 1990 йиллар ўрталари), Хитойда (150 минг киши) яшайди. Қирғиз тилида сўзлашади. Диндорлари – сунний мусулмонлар. 1920 йилгача қирғизларни қорақирғиз деб келишган.

Қирғизистон – Марказий Осиёнинг шимолий-шарқида жойлашган давлат бўлиб, шарқдан ғарбга томон Тяньшан ва Помир-Олой бўйлаб чўзилган. Шимолда Қозоғистон билан, жануб ва жанубий-шарқда Хитой билан, жанубий-ғарбда Тожикистон билан ва ғарбда Ўзбекистон билан чегарадош. Умумий чегараси 4500 км. Худуди 198500 минг кв. км. Катта ҳудудни Тяньшан тоғли ҳудуди–(юқори чўққиси – Ғалаба 7439 м.) ва Хон–тангри (6995 м) эгаллайди. Мамлакатнинг қарийб 90% ҳудуди денгиз сатҳидан 1500 м баландликда жойлашган.

Пойтахти Бешкек шаҳри бўлиб, 1887 йилда ташкил топган. Йирик шаҳарлари: Ўш, Жалолобод, Норин, Қоракўл.

Қирғизлар тарихидаги воқеалар бир неча асрлардан бери Европа, Россия, Хитой олимлари эътиборини ўзига жалб қилиб келмокда. Қирғизлар тарихини ўрганишда Н. Ф. Миллер, В. Шотт.

В. В. Радлов, В. В. Бартольд, С. В. Киселев, А. Н. Бернштам, С. М. Абрамзон, Р. А. Абдуманнопов, А. Байтур ва бошқа олимлар катта ҳисса қўшдилар.

Қирғиз халқи этногенези масаласи милоддан аввалги I асрдан бошлаб тарихчиларни қизиқтира бошлаган. Бу масала ҳусусида илк маълумотларни хитой тарихчиси Сима Цянинг (милоддан авв. 201 й.) «Тарихий хотирлар» номли асарида учратиш мумкин. Ундан сўнг хитой тадқиқотчилари қирғиз халқи шаклланишида иштирок этган қабилалар тўғрисида ёзишган.

Шунингдек, бу борада кўпгина маълумотларни араб ва турк манбаларида ҳам учратиш мумкин: “Худуд ул олам”да Рашидиддиннинг “Жамеа ат-таворух” (“Тарихлар баённомаси”) қирғизлар мамлақати тўғрисида гапирилади (XII – XIII асрлар). XI асрда Гардизийнинг VIII – IX асрлар манбаларига асосланган “Зайн ал-ахбор”, (“Тарихлар безаги”) шунингдек, Сайф-уд-дин Ахсикентийнинг XVI асрда ёзилган “Мажму-ат-таворих” (“Тарихлар мажмуаси”) асарида Тяньшан қирғизлари тўғрисида маълумотлар баён қилинган.

XIX аср охири – XX аср бошларида қирғизлар этногенези масаласига қизиқиш яна қайта тикланади. Қирғизларнинг келиб чикиши ҳақидаги дастлабки илмий қарашлар Ф. Миллер ва Э. Фишерлар томонидан билдирилган бўлиб, улар қирғизлар жунғорлар томонидан XVII асрда Енисейдан ҳозирги Қирғизистон ҳудудига кўчирилган, деб таъкидлайдилар. Ушбу фикрни А. И. Левшин ҳам қўллаб-қувватлайди.

Қирғизлар этногенезини ўрганишда хитойшунос олим Н. Я. Бичурин муносиб ҳисса қўшган бўлиб, у ўз ишида қирғизларнинг Тяньшан ва шарқий Туркистонда яшаганлигини таъкидлаган. Н. Аристовнинг назариясига кўра, қирғизлар *Усунь* номи билан танилган.

В. В. Радлов қирғизлар мўғул босқини даврида дастлабки ҳудудларидан сиқиб чиқарилган, деб ёзади ва ушбу фикрни Ч. Валихонов ҳамда О. Караев, М. Кожобековлар ҳам маъқуллашган.

В. В. Бартольд қирғизларни Тяньшанга илк кўчишлари тўғрисида гапириш мумкин эмас, деб таъкидлайди ва у бунда хитой ва араб манбаларига таянади. А. Н. Бернштам қирғизларнинг Тяньшанга кўчиши секин-аста бўлган, деб ёзади. К. Петров эса қирғиз халқининг Тяньшанда мўғуллар босқинидан кейинги давр-

да уч этник компонент асосида шаклланганлиги борасидаги ғояни илгари суради. С. М. Абрамзон К. Петров фикрига кўшилмасдан, айти пайтда Тяньшанга қирғиз қабилалари эмас, туркий қабилалар келган эди, дейди. Ю. Худякой ўзининг “История енисейских кыргызов” (Абакан, 2000) асарида қирғизларнинг Тяньшанга кўчиши икки босқичда бўлганлигини тасдиқлайди. Умуман олганда, қирғизларнинг этник тарихига оид муаммо фанда ўз ечимини тўла-тўқис топган деб бўлмайди.

Қирғизларнинг Енисейда яшашларига боғлиқ қадимги ва ўрта асрлар тарихидаги манбалар ҳозирги қирғиз халқининг этномаданий келиб чиқиш жараёнини тушунишда муҳим аҳамият касб этади. Қирғизлар – туркий тилда сўзлашувчи қадимий халқлардан бири. Қирғизлар тўғрисида илк бора милоддан олдинги III аср охирида хитой тилидаги Хан манбаларида эслатилади. Қирғизларнинг этник гуруҳлари кўпгина туркий ва мўғулий тилларда сўзлашувчи халқларнинг шаклланишига олиб келган жараёнларда иштирок этдилар.

“Буюк давлатчилик” даври қирғизларнинг Шарқий Туркистонда пайдо бўлишига олиб келди ва уларнинг Ғарбий Тяньшан томон силжишларида муҳим босқич бўлди.

Қирғиз хонликлари Еттисойда XVIII аср бошларигача, қирғизлар жунғорлар томонидан Жунғорияга олиб кетилгунга қадар мавжуд бўлди. Жунғорлар хонлиги манчжурлар томонидан тор-мор этилгач, қирғизларнинг бир қисми Манчжурияга кўчирилган, бир қисми эса қалмиқлар билан бирга Волга бўйига қочган ва ҳозирги Волга бўйи ва Урал халқлари таркибига кирган.

Қирғизлар асосан мўғул иркига мансуб. Маълумки, мўғул иркига хос аломатлар: тана терисининг сарғишлиги, қаттиқ тўғри соч, бадандаги сочининг унча кўп бўлмаслиги, иягининг бўртиб чикқанлиги, буруннинг яссилиги (пачокроклиги), меъёрдаги калинликда лаб ҳамда мўғул ковок (эпикантус)дан иборат.

Одатда, қирғизларнинг сочи қаттиқ ва тўғри, бадандаги сочи унча кўп эмас, юзи ясси, бурни бўртиб чикмаган, юқори қовоғи эпикантус (ўғил ва киз болаларда). Аммо олтойлик, тувалик ва бурятлар билан солиштирганда, юқоридаги ҳамма белгилар қирғизларда янада яққолроқ акс этган. Шунинг учун қирғизлар соф мўғул иркига хос эмас.

Етти-саккиз юз йил аввал қадимги Қирғизистон аҳолисида

(Чуй водийси) европеоид ирки белгилари мўғул иркига нисбатан яққолроқ эканлиги аниқланган. Бу ўлка одамлари замонавий қирғизларга нисбатан кўпроқ ўзбек, уйғур ва тожикларга ўхшар эдилар.

Енисей-Иртиш дарё оралиғи (замонавий Тяньшан қирғизларининг авлодлари яшаган ҳудуд) аҳолиси европеоид иркига хос бўлганлигига эътиборимизни қаратамиз. Ўша пайтда мўғул иркига хос одамлар Байқалбўйи ва Шарқий Мўғулистонда яшар эдилар. Лекин II – IV асрларда мўғул иркига хос қабилаларнинг Енисей ва Олтойга кўчиши автохтон аҳолининг қиёфасини ўзгаришига олиб келди.

Мўғул иркига хос қабилаларнинг аста-секинлик билан Тяньшанга қараб силжиши. 2- минг йилликнинг биринчи асрида Тяньшан аҳолиси қиёфасининг ўзгаришига сабаб бўлди ва пировардида у замонавий қирғизларникидек шаклланди. Бу қирғизларнинг Жанубий Сибирь типига мансуб эканлиги тўғрисида гапиришга асос бўла олади.

Қирғиз тили Олтой тил оиласи туркий тили гуруҳининг шимоли-ғарбий тил шохобчасига мансуб.

Қирғиз адабий ёзув тили билан бир қаторда халқ диалектининг икки гуруҳи: шимолий диалект гуруҳи ва қирғиз ва ўзбек тилининг ўзаро таъсири натижасидаги аралаш диалектларнинг жанубий гуруҳи бор.

Таниқли тилшунос Б. Юнусалиев тил тарихидаги уч даврни ажратади.

Қадимги давр – VII – XII асрлар;

Ўрта давр – XII – XV асрларнинг ўрталари (Олтой даври деб ҳам аталади). Ушбу даврда қипчоқ тили билан ўзаро таъсири натижасида аста-секинлик билан ғарбий тил кўринишига эга бўлади.

Янги давр – XV асрнинг ўрталари – XVI аср. Шу даврдан бошлаб ягона халқ тили шакллана бошлайди.

Б. Юнусалиев қирғиз тилини замонавий Қирғизистон ҳудудида эмас, балки ундан шимолий-шарқда – Шарқий Туркистонда пайдо бўлган деб ҳисоблайди.

Замонавий қирғиз тилининг пайдо бўлиши сўнгги даврга тааллуқли, ҳолбуки милодий I асрда Енисейда яшаган қадимги қирғиз қабилаларининг тили унинг шаклланишида асос бўлиб хизмат қилган.

Сўнги даврларда киргиз тили қипчок тили билан асимилияциялашган, шу билан бирга бошқа тил ва тил гуруҳлари, хусусан, мўғул тили ҳам унинг шаклланишида муҳим роль ўйнаган, деган қарашлар ҳам билдирилмоқда.

Қирғиз тили лексикаси мўғул элементлари билан бирга араб ва эрон тилларидан сўзларнинг кам ўзлаштирилганлиги билан фаркланади.

Қирғиз номи илк бор геэгуь шаклида хитойча “Ханшу”, “Хан сулоласи тарихи” (милодий I аср) йилномасида мил. авв. 203 йилги воқеалар баёнида тилга олинади. Қирғизларнинг энг қадимги аجدодлари гун, шак. усунь ва динлин қабилалари иттифоқига бориб тақалади.

Қирғизларнинг келиб чиқиши ҳақида турли қарашлар мавжуд. Хусусан, уларнинг Енисей қирғизлари деб аталмиш халқдан тарқалгани масаласи мунозарали. Қирғизларнинг илк этник тарихи, қадимги қabila иттифоқлари (хуннлар, динлинлар, саклар ва усунлар) билан боғлиқ. VI – X асрларда Саян-Олтойда, Тяньшан этақларида яшовчи туркий қабилалар қирғизлар ерларига кўчиб ўтиб, қўшилиб, қирғиз давлатини тузади. Турк хоқонлиги ва кўчманчи давлат уюшмалари даврида (VI – X асрлар), кейинчалик қирғизлар таркибига қирган қабилалар Саян-Олтой, Иртиш бўйи, Шаркий Тяньшаннинг туркий аҳолиси орасида шаклланганлар. Ҳозирги ҳудудга IX – X асрларда кўчиб келган эроний тилли, турклашган кичик маҳаллий элатлар – қарлуқлар ва ўғузлар билан аралашиб кетган. XIII асргача Тяньшан аҳолиси иркий жихатдан европеоид ҳисобланган. Қирғизларнинг бир қисми IX – XII асрларда, қатта қисми эса ўрта асрлар давомида ғарбга кўчиб, Иссиккўл атрофлари, Еттисув хавзаси, Тяньшан ён бағирлари, Фарғона водийсининг тоғолди ҳудудлари ва Дашти Қипчок ўлкаларига бориб жойлашган.

Қирғизларнинг асосий қисми Тяньшан ва Иссиккўл оралиғини макон тутиб, бу ердаги бир неча туркий қабилалар билан биргаликда ҳозирги қирғиз халқини ташкил қилган. Қирғиз халқи таркибига, шунингдек, Еттисув ва Мовароуннаҳрнинг туркий қабилалари, жумладан қарлуқлар ва уйғурлар, кейинчалик мўғул қабилалари қўшилган. Бу даврда қирғизларнинг типич бўйича мўғулийлашиши ва тили бўйича туркийлашиш жараёни ниҳоясига етган. XV – XVII асрларда эса, келиб чиқиши қозоқ нўғойлар билан боғлиқ

кабилалар кириб келган. Қозоқларнинг бир қисми бошқа туркий халқларнинг этногенезига кирган. *XVI–XVIII асрларда қирғизларга қозоқ-нўғой қабилалари қўшилган. Тяньшан қирғизлари асосан шаклланди.*

Кейинги икки аср давомида Жунғор халқлари қирғизларни талаб келди. Улар XIX аср биринчи ярмигача Кўкон хонлигига тобе бўлишган. XIX асрнинг 60 – 70-йилларига келиб қирғиз ерларининг аксарият қисмини Россия босиб олади.

Этногенез масаласи. Қирғизларнинг этногенези масаласи мураккаблиги - тарихий манбаларда “қирғиз” номи билан 2 та этник жамоанинг: жанубий Сибирда – Енисейда ва Ўрта Осиёнинг шарқий қисмида – Тяньшан ва Помир-Олтой тоғларидаги жамоаларнинг таърифланганлигидадир, яъни қирғиз халқининг шаклланиши иккита ҳудудда кечган. Қирғизларнинг уруғ-аймоғи асосан уч йирик гуруҳга бўлинади: *ўтиз уғул (ўттиз ўғул) нинг ўнг ва сўл қанотлари, ичкилик.*

Ўнг қанот уч авлоддан иборат: *тоғай, адигине ва мунгуш.* Энг йириги тоғай авлоди бўлиб, унинг таркибига *сари, бағиш, буғу, солта, тинимсейит, саёк, чекир, чериқ, жедигир, азиқ, бағиш, мунғулдор, суу, мурун, баарин* уруғлари киради.

Сўл қанот қўшчи (қутчу), саруу, мундуз, жетигем, китай, басиз, тубей, чўнг бағиш уруғларидан ташкил топган.

Ичкилик гуруҳига *қипчоқ, қайман, тейит, кесеко, жос кесек, қанрди, бўстон, мойгут, авагат (ават), тўйлус (дўйлус)* уруғлари бирлашган.

Тоғай гуруҳи Тяньшаннинг асосий қисмида, адигине билан мунгуш гуруҳлари жанубий Қирғизистон ерларида жойлашган. Тоғай гуруҳининг энг йирик қабиласи – буғу Исикқўлнинг шимол-ий соҳилида, шарқий қирғоқлари, бутун жанубий чегараларидаги ерларда яшаган. Чуй дарёсининг жанубий қирғоқлари бўйлаб, Қирғиз тоғ тизмаси дараларида солто қабиласининг ерлари бўлган.

Норин дарёсининг ўрта оқими, Дунгал ва Сусамир водийлари чекир, саёк қабиласи аҳолисига қарашли ерлар ҳисобланган. Фарғона пасттекислигининг шарқий қисми, Олтой водийси ва шарқий Помир, шунингдек, Фарғона ҳамда Олтой тоғ тизмалари этакларида адигине билан мунгуш ҳамда ичкилик қабилалари яшаган.

К. Петровнинг таъбирига кўра, мўғул тилли халқлар орасида

ойрат-мўғул, баргут, баарин, керейит, маркит, дуглат, барлос, жалойир ва бошқалар қирғиз халқининг шаклланишида муҳим роль ўйнаганлар.

Петров қирғизларнинг шаклланишида мўғулларнинг муҳим ўрни бор, лекин қирғиз халқининг бирлашиши туркий тилли қабила ва халқлар орасида содир бўлди, деб ҳисоблайди. Муаллиф томонидан қирғиз халқининг этник қиёфаси, қирғизлар таркибига қирган туркий халқларнинг уруғ-қабилавий гуруҳлари аниқланди. Қирғизларга мўғуллар босқинига қадар Тяньшанни эгаллаган Енисей-Иртиш дарё оралиғи қабила ва халқлари – кипчоқлар, токуз-ўғузлар, қарлуқ қабилалари, оғуз-уйғур қабилалари энг кўп таъсир кўрсатган.

Муаллифнинг фикрича, Тяньшан қирғизлари халқ сифатида 3 та қатта массив асосида шаклланган.

Тяньшаннинг маҳаллий аҳолиси мўғул босқинига қадар мил. авв. 1- минг йилликда Олтой–Хангай қабилаларининг Тяньшанга силжишида шаклланган. Илк бор кўчманчилар милод арафасида Тяньшанда маҳаллий аҳолини ўзига сингдириб ва уни бўлиб юбордилар. Тяньшанда Ашина бошчилигидаги турклар етакчи ролни эгалладилар. VII–XII асрларда қарлуқ ва ўғуз-уйғур қабилалари етакчи роль ўйнадилар. Тяньшанга кўчган ҳамма қабилалар (ҳам мўғул, ҳам турк) қарлуқ-уйғурларнинг умумий массивига сингиб кетдилар. Лекин халқ сифатида шаклланиши жараёнида вақти-вақти билан бошқа турли қабилаларнинг бостириб кириши ҳисобига узилиш бўлди. Шундай қилиб, XIII аср бошида кўпгина ўғуз-қарлуқ қабилалари мўғуллар томонидан Ғарбий Тяньшанга сиқиб чиқарилган.

Мўғуллар қирғизларнинг шаклланишида 2- қатлам ҳисобланади. Бу қирғизларда бугунги кунда мўғул тилли уруғ-қабилавий номларнинг сақланиши билан тасдиқланади (мўғул, баарин, керейит, маркит ва бошқалар).

Енисей-Иртиш дарё оралиғида қимақ (қимоқ) – қирғиз қабилалари ва уларга яқин қариндош бўлган шарқий кипчоқ қабилалар учинчи асосий гуруҳ ҳисобланади. Мазкур гуруҳнинг ҳаракати XIII асрда мўғуллар босқинига қадар мавжуд маҳаллий аҳолининг қолдиқлари ва келгинди мўғулларнинг сиқиб чиқарилиши ёки сингиб кетишига сабаб бўлди. Айнан қимоқ-кипчоқ қабилалари сўнгги икки массив асосида халқ сифатида

Тяньшан киргизларининг киёфасини белгилаб берди.

К. Петровнинг хабар беришича, киргиз халкининг этник киёфасини кимок-киргиз кабилалари белгилаб берган, уларни Енисей киргизларининг чекка кабилалари деб шартли равишда аташ мумкин.

Чингизхон томонидан ушбу ерларнинг босиб олиниши ва унинг ўғилларига бўлиб берилиши, улусларнинг ташкил топиши натижа-сида Иртиш-Енисей дарё оралигининг шаркий қисмидаги кипчоқ-киргиз кабилалари алоҳида мавкега эга бўладилар. Улар “давлат кабилалари” мавкеида бўлиб, ҳеч ким уларга эгаликка даъво қила олмас эдилар. Бу кабилалар Обь дарёсининг юкорисидан Тяньшанга қараб силжиши Ўрда давридаёқ бошланган эди. Киргиз кабилалари буюк хонга бўйсунар, унинг ўғиллари эса киргиз кабилаларининг йўлбошчилари билан яқин алоқада эдилар. Бир муддат ўтгач, Чингизхоннинг невараси Хайду шаркий Тяньшан-дан Енисейгача бўлган барча турк-мўғул кабилаларини ҳамда таркибида киргиз қабиласи кам бўлганларни ҳам қўшиб ўзининг бошқаруви остида бирлаштиради.

1340 йили янги давлат – Мўғулистон пайдо бўлади, унинг эт-ник таркиби Тяньшаннинг мўғул босқинига қадар маҳаллий аҳоли қолдиқлари, мўғул ва кипчоқ-киргиз кабилаларидан иборат эди.

Киргизларнинг Ғарбий Тяньшангача таркалиши дастлаб бошқа мўғул-турк аҳолиси билан биргаликда кичик гуруҳларнинг ҳам кўчиши орқали рўй берди. Бу жараён Амир Темурнинг сиёсий майдонга келиши билан янада кучайди.

XV асрнинг иккинчи ярмида Аҳмадхон бошчилигида Киргиз хонлиги ташкил топди. Унинг таркибига Тяньшанда қолган мўғул-турк кабилалари ҳам кирди.

Мазкур давлат узок фаолият кўрсатмаса-да, муҳим оқибатлар: кипчоқ-киргиз кабилаларининг бирлашувига ва уларга мўғул-турк кабилаларининг қўшилишига, яъни таркиби унчалик ўзгармаган киргиз халқининг бирлашишига сабаб бўлди. Шу тариқа Тяньшан бўйлаб кипчоқ-киргиз кабилаларининг таркалиши жараёнида киргиз халқининг шаклланиши содир бўлди.

Иртиш-Енисей дарё оралигида турли хил: киргиз, алачин, кубан, кипчоқ ҳамда туркий ва мўғул тилли кабилалар яшар эдилар. Буларнинг бирортаси ҳам халқ сифатида шаклланмаган эди. Уларни “Лесные народы” (“Ўрмон халқлари”) деб аташар эди.

Диккатга сазовор жиҳати, баъзи бир қабилалар XIII асрда Тяньшанда бошқа қирғиз қабилалари билан бирга ўз номларини сақлаб қолганлар. Булгача ва кэрэмучи – ичкилик гуруҳининг ядросини ташкил этади.

Айни шу пайтда дарё оралигида кипчок ва ойрат қабилалари қирғизлар билан аралашган ҳолда яшар эдилар. Шу тарика қабилалар аралашиб кетганлар.

Олтой–Хангай тоғ олди аҳолиси уйғур ва тоқуз-ўғуз қабилалари қирғиз халқи тарихида муҳим роль ўйнаганлар.

“Худуд ул-олам” асарида XI аср қимокларининг яшаш жойи тўғрисида маълумотлар бор, айнан ундан шарқда қирғиз қабилаларидан бири, жанубда Иртиш дарёси, ғарбда қипчоқларнинг баъзи қисми, шимолда инсон яшамайдиган ҳудудлар борлиги ёзилган. Бунга кўра, Қипчоқ худуди қимоклар ўлкаси, унинг аҳолиси эса қирғизларга ўхшайди.

Гардизий қимокларнинг асосий қабилалари: ими, имек, татар, бояндар, қипчок ва бошқалар эканлигини айтади. Қимоклар халқ сифатида шаклланмаган. Улар орасида VII асрда тилга олинган қипчоқлар ажралиб турадилар.

Қимок номи X аср охири – XI аср бошигача мавжуд эди. Ундан сўнг XI асрда қипчоқлар асосий роль ўйнай бошлайдилар.

К. Петров фикрича, “қирғиз эпосининг номи “Манас” ва ундаги миллий қаҳрамон номи Манасни қирғиз қабилалари юқори Обь ҳавзасидан олиб келган. “Манас” эпоси фақат ўнг ва сўл қанот қабилаларда кенг тарқалган. Бу фақат Обнинг юқоридаги қимок ва қимок-қирғиз қабилалари қирғиз халқининг ўнг ва сўл қанот қабилаларининг авлоди эканлиги тўғрисида фикр қилишга асос бўлади. Ичкилик гуруҳи эса Енисей қирғизлари таркибининг асосини ташкил этади”, дейди.

К. Петров Обнинг юқорисида Олтой ва Енисей қабилалари ва маданияти аралашуви жараёни жуда кенг ҳудудда содир бўлган, деб ҳисоблайди. Этногенезда қимок ва Енисей бўйи қирғизлари бевосита иштирок этган. Булар “чекка” қирғизлари, уларнинг ўзига хослиги кейинчалик айнан қирғиз номининг пайдо бўлишига асос бўлган.

XII асрда Енисей –Обь дарё оралигида ойрат-мўғул, уларни шимолий қирғиз – қирғу, “чекка” қирғизлар – бурутлар яшар эдилар.

К. Петров Енисей – Обь дарёлари оралиги Тяньшан қирғизлари

авлодлари илк этногенези худуди деб ҳисоблайди. Қирғиз этногенезида кимоқ ва Енисей қирғизлари таркибидаги қабилалар қатнашган.

К. Петров “Қирғиз” атамаси этимологияси қадимги турк сифат сўзи “кириг” – “қизил”дан келиб чиққан. деб ҳисоблайди. Қирғиз шу сўзнинг кўпликадаги маъноси. Атама халқ яшаган худуд номи билан боғлиқ. халқнинг номи эса шундан олинган.

Енисей бўйи Қиргун мамлақати (“Қизил мамлақат”) эр. авв. I-минг йилликдаёқ мавжуд эди. Ўша пайтда Қиргут атамаси пайдо бўлган, кейинчалик эса қирғиз атамасига ўзгарган.

Енисей – Обь дарёлари оралиғидаги маҳаллий аҳоли ва келгинди қабилаларнинг этник бирлашуви I- минг йилликнинг ўрталарида шаклланди.

Бу даврда қирғизларда патриархал-уруғчилик тузумининг емирилиши рўй берган. Қирғизларнинг ҳудудий-давлат бирлашувининг пайдо бўлиши VI – VII асрларда қабилалараро жамоалари шаклланишининг маълум бир даражасини акс эттирган. Уйғурлар 748 йилда қирғизлар устидан ҳукмронлигини ўрнатдилар. Распрей жараёнида қирғизлар қисқа муддат ўзларини давлатлари бирлашмасини эълон қилсалар-да, ягона халқ сифатида намоён бўла олмадилар. Ўша пайтда қирғизлар бирлашмасига фурии (хори, кори), қосим ва бошқа қабилалар кирар эдилар. Қабилалар бир-биридан жуда фарқ қилар эдилар.

Хитой манбаларига кўра X асрга келиб кимоқ-қирғиз қабилалари сўнгги бирлашуви рўй берди. XI–XII асрларда кимоқ-қирғиз қабилалари найманлар томонидан сиқиб чиқариладилар.

Қирғизларнинг асосий қисмини букара, чарбалар ташкил қилган (нисбатан озгина мол-ҳолга эга бўлган кишиларни ана шундай деб аташган). Аҳолига бийлар билан манаплар бошчилик қилган.

Манаплик жуда қадимдан мавжуд бўлган. Сари бағиш қабиласидан бўлган ҳамма кишиларни илгари манап дейишган (Манап исмли қabila бошлиғи номидан келиб чиққан). Манаплар уч хил бўлган: *ога* ёки *чўнг манап*, *ўрта манап* ҳамда *чала манапга* бўлинади.

Мол-ҳолидан айрилган камбағаллар бийлар, манаплар хўжалигида малай, чўпон – кўйчи, жилқичи, жалчи (кунбай ишловчи мардикор) сифатида ишлаб. кун кечиришга мажбур бўлган. Шуни айтиш керакки, 92 ўзбек уруғига оид шажараларнинг барча-

сида киргиз этноними қайд килинган.

Кейинги икки аср давомида Жунғор халклари киргизларни талаб келди. Улар XIX аср биринчи ярмигача Қўқон хонлигига тобё бўлишган. XIX асрнинг 60 – 70- йилларга келиб киргиз ерларининг аксарият қисмини Россия босиб олади.

VIII. 2. Анъанавий хўжалиги

Кўп асрлар давомида киргизларнинг асосий машғулоти чорвачилик бўлган. Қиргиз чорвадорлари кўчманчи ва яримкўчманчи ҳаёт кечиришган. Қиргизлар жуда қадимдан ардоқлаб, эъзозлаб келаётган чорвачилик минтаканинг жанубида кенг тарқалган. Шунингдек, улар кўш ўрқачли туя урчитишган бўлиб, бу касб, айниқса, Ўш вилоятининг тоғли ерларида ривожланган.

Қиргизлар мўғул зотли отларни боқишган. Эшак, ҳачир каби уй ҳайвонларидан кенг фойдаланиш Қирғизистоннинг барча ҳудудларида тарқалган эди. Ҳар бир уруғ-аймоқ, қабила чорвадорлари, мол-ҳолини ўзларига ажратилган ерларда боққанлар. Қўй-кўзи, йилқилар олис яйловлардаги отарларда парвариш қилинган.

Дехқончилик. Қиргизларда дехқончилик Фарғона пасттекислиги ва унинг атрофларидаги ерларда азалдан ривожланиб келган. Иссиқкўл атрофи, Чуй ҳамда Талас дарёлари, шунингдек, бошқа ерларда ҳам дехқончилик билан қадимдан шуғулланиб келишган. Қолган ерларда дехқончилик яхши ривожланмаган. Асосан суғориб дехқончилик қилишган. Ариқлар, новлар, тўғонлар қуриб сув келтиришган. Лалмикор ерлардан ҳам фойдаланишган.

Ерни бурсун, исфар (омоч) билан ҳайдашган. Уруғни қўлда сепишган. Уруғни қалпоққа (телпаққа), тўннинг этагига, челақ тўрвага солишган. Отада юриб уруғ сепиш усулидан ҳам фойдаланилган. Ерни шохмола билан текислашган. Ҳосилни ўроқ ва мангал билан ўришган. Ғалла мола ёрдамида янчилган. Аввало паншаха – беш илик, сўнгра кураклар билан совурилган.

Дехқончиликда пахта, буғдой, арпа, тарик, маккажўхори, жўхори, шоли, беда, полиз экинлари етиштирилган. Қирғизистоннинг шимолий туманларида асосан буғдой, арпа, тарик экилган. Айрим жойларда қисман сули экилган.

Шимолий Қирғизистондаги муқим яшаш шароитининг юзага

келиши ва унинг ривожиди маҳаллий ва кўчманчилар ўртасидаги ўзаро алоқалар муҳим роль ўйнаган. Фарғонадаги деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳоли жойлашган майдонлар яхлит ҳисобланиб, ягона давлат бошқарувига эга бўлган.

Археологик тадқиқотлар туфайли илк ўрта асрлардаги ҳозирги Шимолий Қирғизистон шаҳар ва қишлоқларининг ташкил топиши хусусида бугунги кунгача сақланиб қолган маълумотлар тўпланган. Ёзма манбалар билан биргаликда, улар ўтмиш тўғрисида муайян маълумотга эга бўлишни таъминлайди.

I – II асрларда минтақада аҳолиси деҳқончилик, савдо ва ҳунармандчилик билан шуғулланган бир қатор воҳалар пайдо бўлган.

VI – IX асрларда шаҳардан қишлоқнинг ажралиб чиқиш жараёни ниҳоясига етмаганди. Шимолий Қирғизистонда жанубдагидек аҳолининг қишлоқ жойларида муқим туриб қолиши учун шарт-шароитлар унчалик етарли эмасди.

Йирик аҳоли яшаш жойлари яқинида ҳимоя истехкомлари, тўраржойлар оралигида эса қарвонсаройлар мавжуд бўлган. Энг катта истехкомлар, ҳозирги Қирғизистоннинг Олатоғ қояларидан бошланадиган Чуй дарёсининг сўл қирғоғидаги дараларга қириш жойда, йирик ҳимоя иншоотлари қурилганди. Мазкур ҳимоя истехкомлари тоғдан келадиган душман йўлига ғов бўлиши билан бирга, дарё суви билан суғориладиган ерларни муҳофаза қилиш вазифасини бажарар эди.

X–XII асрларда Марказий Осиёда ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши кузатилади. Бу даврда мазкур ҳудуд ҳаётида муқим ўрин тугган, йирик ҳунармандчилик, савдо марказлари ривожланди. Аммо қишлоқ ҳўжалиғи XIII асргача, яъни мўғуллар томонидан ҳозирги Шимолий Қирғизистоннинг муқим яшовчи қишлоқ аҳолисига қакшатқич зарба бергунга қадар, ҳеч қандай ўзгаришсиз қолиб кетган.

Овчилик. Қирғизларда қадимдан овчилик ривожланиб келган. Ов қушлари милтиқ ёрдамида, шунингдек, қопқон қўйиб ов қилинган. Тоғ эчкилари, бугу, айик, бўри, тулки овланган.

Тоғ-тошларда бемалол юриш учун ҳар хил мосламалар, той туёқ, жапқак, темир чуқалардан фойдаланишган. Қирғиз овчилари овда ит, бургут, лочин, қирғийлардан кенг фойдаланишган.

Қирғизлар кундалик ҳаётида XIX асрнинг охиридан бошлаб

балиқчилик муҳим роль ўйнай бошлаган. Денгиз соҳилларига яқин ерларда яшаётган қирғиз оилалари балиқ овлаш билан машғул бўлганлар. Кейинчалик асаларичилик ва пиллачилик вужудга келган.

Хунармандчилик. Минтақанинг бошқа чорвадор қабилаларида бўлгани сингари, қирғизларда ҳам кўпроқ чорвадорлик билан боғлиқ касб-хунарлар яхши тараққий этган. Масалан, баҳорда ва кузда қирқилган қўй жунидан урчук – ийик ёрдамида аёллар уйда ип йигиришган. Оддийгина қоп халта, тасма тикиш учун зарур мато тўқишган.

Ёғочсозлик, дурадгорлик ҳам кенг тарқалган хунарлардан ҳисобланган. Ўтов, эгар, идиш-товоқ ясашган ва ҳоказо. Уларни жигач уста дейишган. Бундай усталар қирма, дукўн деб аталадиган дастгоҳда ишлашган.

Қадимий касб-хунарлардан анчаси ҳозирда ҳам бутун ўлка бўйлаб кенг қўлланилиб келинмоқда. Шаҳар ва қишлоқ хунармандлари темирдан иш қуролилари, уй жиҳозлари, шунингдек, ҳарбий қуролилар тайёрлашган. Археологик қазилмалар, аф-суски, тайёрланган барча темир ускуналарнинг тури хусусида тўлиқ маълумот бермайди. Чунки темир ер остида ёмон сақланади. Шунга қарамай кўплаб маълумотлар тўпланган. Қишлоқ хўжалиги учун омов учига кийдирилган тиш, кетмон, ўроқ, боғдорчилик қайчилари, қўй жунини қирқадиган қайчи, нағал, ишга яроқли хайвонлар абзали, аравага зарур бўладиган жиҳозлар тайёрланган. Маиший буюмлардан – темир идишлар: қозон, тарози, тош, қайчи, пичоқ, қошиқ, бешилиқ, қулф, калит, занжир ва бошқаларни айтиш мумкин.

Бадий қуйма буюмлар орасида бронзадан ясалган устуннинг жуда кўплаб ўрта қисми (ҳозиргача унинг нима мақсадда ишлатилгани номаълум) ва бронза зинапоячалари муҳим аҳамиятга эга. Устунлар цилиндр шаклида ишланган, баландлиги 30 см, диаметри 15 см бўлиб, усти ўймакор нақшлар билан қопланган. Юқори бадий савияда бажарилган икки устун сиртида, турли хил нақшлар (ҳар хил ўсимликлар, гажаклар, геометрик шакллар ва ёзувлар, чўлда бораётган тўрт йўлбарс тасвири ўта мохирлик билан туширилган.

Қадимдан олтинни эритиб ишлатиш усули ривожланганидан Оқбешим (Тўқмоқ шаҳри яқинида) шаҳарчасидаги будда ибодат-

хонасидан топилган жуда кўплаб тилла қопланган нозик қирқма бронза нишонлар далолат беради.

Рангли ва қимматбаҳо металллардан аёллар учун ҳар хил безаклар ва буюмлар ясалган. Жумладан, билакузуклар, исирғалар, узуклар, кўнғироқчалар, ҳайвонлар шакли туширилган осма туморлар, ойначаларни мисол қилиб келтириш мумкин. Шоштепа ва (ҳозирги) Краснореченск шаҳарчаларидан топилган кумуш билакузуклар ўзининг бадий қиймати юқорилиги билан ажралиб туради. Билакузуклар тайёрлаш усули битта бўлган: учта силлик кумуш сим бир боғлам қилинган. икки йўгон сим ўртасидан нозик кумуш сим ўтказилган. Билакузук учи юққалаштирилиб, шунга ўхшаш махсус жиҳоз билан ҳайвон бошлари уланган.

Кулолчилик ҳунари ҳам ривожланган. Кулоллар идишларга бўлган талабни қондиришга ҳаракат қилишган. Шу боис бундай маҳсулотлардан кенг фойдаланилган. Куйдирилган лойдан ясалган буюмлар қурилишда, жамоат ва маданий биноларни меъморий безашда ва ниҳоят, диний маросимларни ўтказишда қўлланилган. Кулолчилик ҳунари VI – XII асрларда бир неча босқичда ривожланиб келган.

VI – VIII асрларда кулолчилик маҳсулотларининг асосий қисми уйда, қўлда бажарилган. Идишлар ва ёритқичлар унча такомиллашмаган. Шакллар билан ишлов беришган ҳолда, унинг устига бўёқ суртишган, сўнг пардоз беришган. Ўчоқ тиргаклари ҳайвонлар бошини эслатувчи шаклда жиҳозланган.

Шунингдек, кулолчилик буюмларидан вафот этганлар жасади солинадиган лой тобутлар сифатида фойдаланишган. Улар кўпинча бадий жиҳозлашда ишлатилган. Масалан, инсон қиёфаси ва ҳайвонлар шаклида ясалган безаклар деворларга ёпиштирилган. Шаҳарлик кулоллар бино пештоқларини безовчи ғиштлар ҳам ясаб беришган.

Кулоллар фақат тор доирада иш кўришмаган. Идиш ясаш бўйича кузатишлар шуни кўрсатадики, уларни уй шароитида тайёрлаш кенг йўлга қўйилган. Халқларнинг бир ерда муқим туриб қолиши, деҳқончилик билан шуғулланиши ва улар билан кўчманчи қабилалар ўртасида алоқаларнинг ривожланиши кузатилган. Махсус ускуналарда тайёрланган идишлар кўпайди, айрим жойларда у ўз устунлигига эга бўлди. Бу даврда кулоллар ясаган буюмлар кўплаб учрашни таъкидлаш лозим.

Ўтроқ аҳоли ҳунармандчилигининг кўпгина турлари тўғрисида ёзма манбаларда деярли маълумот йўқ. Ҳунармандларнинг меҳнат қуроли ва маҳсулотларига у ёки бу даражада тавсиф бериш учун археологик материаллари ҳам етарли эмас. Масалан, ёғочга ишлов беришни буюмларнинг (сўқа) намунасидан ва қурилиш буюмлари (устун қолдиклари, қуйган тўсин ёғочлари)дан, дурадгорлик асбоблари (искана, ранда, болта)дан тасаввур қилиш мумкин. Сурплар, шунингдек, газмол қолдиклари топилгани, йигирув ва тўқув ишлари кенг тармоқ отганидан далолат беради. Тери ошлаш, суяклардан асбоб яшаш ҳақида деярли маълумотлар йўқ.

Кўриниб турганидек, VI – XII асрлар мобайнида ҳозирги Қирғизистонда ҳунармандчилик ишлаб чиқариш, техник тараққиётнинг юксак даражасига етган. Бунда, шубҳасиз, ҳунармандларнинг юқори касбий ривожини кузатиш мумкин. Қирғизистон ҳудудида аҳолининг доимий яшаб қолишида яна бир ҳолат – олдинлари Фарғона ва Олтойдан ўтган савдо йўлининг VI – VII асрларда Еттисув ва Тяньшан орқали Узок Шарқни, Ўрта ер денгизи мамлакатлари ҳамда Европа билан боғлаши муҳим ўрин тутган. Фарбий турк ҳоконлигининг Еттисувда ўз ҳокимиятини ўрнатиши ҳамда ўз қароргоҳларини бу ерга кўчириши ҳам муҳим савдо йўлининг йўналишини ўзгартиришга сабаб бўлган.

Мазкур савдо йўлидан фойдаланган суғд савдогарлари ўз ишларини янада фаоллаштиришган. Еттисув ва Суғднинг аҳолиси муҳим яшай бошлаган даврида иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш тараққий эта бошлаган. Шу боис қадимги солномаларда айтилишича, Сиёбдан то Амударёгача бўлган туркийлар ери бир хил номланиб, одамлар бир хил ёзув ва тилга эга бўлишган. Шунингдек, бир-бирига ўхшаш уст-бош қийишган. Бу шундан далолат берадики, Суғд ва Шошдан келганлар ҳозирги Шимолий Қирғизистон воҳаси ҳаётида муҳим роль ўйнаган. Аммо кейинги даврларда суғдликларнинг тили туркий тилда сўзловчи маҳаллий аҳоли тилидан фарқ қилган. Бу Еттисув тарихидаги муҳим воқеани Махмуд Кошғарий қолдирган маълумотлар ҳам тасдиқлайди: “Суғдийлар – Боласоғунга кўчиб келган одамлар гуруҳи. Улар Бухоро ва Самарқанд ўртасидаги Суғддан бўлиб, туркийлар кўринишига эга ва уларнинг одатларини қабул қилишган”.

Муҳим аҳоли яшовчи марказларнинг юзага келиши ва ривожланишида маҳаллий туркий халқлар ўрни беқиёс бўлганлигини

тураржойларининг туркий номланишида ҳам кўрса бўлади. Жумладан, VII –X асрларда Сарик, Жўл, Хўрран-Жувон, Боласогун ва хоказо номлар бунга мисол бўла олади.

Археологик тадқиқотлардан шу нарса аниқланганки. Шош ва Сугддан келганларнинг моддий маданияти маҳаллий қабилалар таъсири остида ўзгариб борган.

VIII. 3. Моддий ва маънавий маданияти

Турар жойлари. Қирғизлар қадимдан алоҳида, бир-биридан анча олисда, 2 – 3 оила бўлиб яшашган. Чорва молларини яйловларга олиб чиқиб кетиб, ҳар бир хўжалик ажралган ҳолда кун кечиришган. Совуқ тушиб, ёғингарчилик бошланадиган вақтларга келиб, олдинги қишлоқ жойларига қайтишган. Қариндош-уруғлар бир овул бўлиб яшашган. Овуллар ораси бир чақиримгача борган.

Қирғизларнинг ҳаммаси деярли ўтовларда яшашни маъқул кўрган. Ўтовни қирғизлар бўз уй, қора уй ёки қирғиз уй дейишади.

Бийлар, манапларнинг ўтовлари билан камбағал аҳолининг ўтовлари орасида жуда катта фарқ бўлган. Бийлар, манаплар, ўзига тўқ бадавлат қирғизлар хонадонларининг ўтовлари анча катта, баланд, чиройли бўлиб, усти, атроф-тевараги қалин, сифатли намат кигизлар билан ёпилган. Безаклари кўп бўлган.

Қирғизистон ҳудудидаги ўтовлар ҳамма ерда бир хил бўлмаган. Афтидан табиий, иқлим шароитлари, урф-одат, анъаналарга қараб хилма-хил кўринишда қурилган. Ўтовлар асосан усти, гумбази билан фарқ қилади. Қирғизистоннинг шимолида ўтовнинг гумбази қонуссимон кўринишда бўлса, Талас ҳамда Чотқол водийларида сал ялпоқрок, бирмунча текис килиб қурилади.

Ўтовлар, қандай ва қанча қават кигиз билан ёпилганлиги билан ҳам бир-биридан анча ажралиб туради. Кўп ҳолларда икки қават кигиз ёпилган. Биринчи қават ўтовларнинг атрофини ёпса, иккинчи қават ўтовларнинг устига ёпилган. Ниҳоят, ўтовлар нафақат ташқи, айна бир вақтда ички безаклари билан фарқланади. Ўтов ичи бир неча бўлақларга бўлинган. Ўтовга ўчоқ жойлашган қисми (қоломта) маркази ҳисобланади. Ўчоқ орти, эшикдан кираверишда рўпарага ёғоч тош ёки эгалар устига сандиқлар, кўрпа-ёстиқлар, гилам, намат, кигиз, буюмлар, халталар, уст-бош жойланади. Бу ерда идиш-товок, рўзғор анжомлари, озиқ-овқат маҳсулотлари со-

линган коп, халталар турган. Эр жакда эгар-жабдук, аркон, милтик ва бошкалар сакланган.

Киргизлар ўтовлардан ташкари чайла, алачик уйларда ҳам яшашган. Чайлада ёғочларнинг учлари юкоридан битта қилиб боғлаб кўйилган. Хо́да – ёғочларнинг устига кигиз ёпилган. Шаркий Помир қирғизларида чайла ходаларни ҳайвон терилари билан ёпишган. Ўтовларда кишлаш учун атрофида баланд кор уюми ҳосил қилиб, ўтов усти похол, баъзан камиш билан ёпилган.

Кейинги вақтларда қирғизлар кўшнилари – ўзбек ва тожиклар сингари синч, пахса деворли уйлар кура бошладилар. Кўпгина қирғиз оилалари деворлари хом ғиштдан кўтарилган, томи текис, бир неча хонали уйларда яшайдилар. Бундай уйларнинг ховлисида ёнма-ён ёрдамчи хўжалик бинолари (молхона, отхона, кўйхона, сомонхона ва бошкалар) қурилган.

Ўрта асрларнинг ривожланган давридаги қурилмалар яхшироқ ўрганилган. X–XII асрларга оид хунарманднинг уйи ҳам Краснореченск шаҳарчасидан топилган. Бу ерда тураржой, девор билан ўралган 15x17 метр ҳажмли тўғри бурчакли ховлида барпо этилган. Ҳовли хом ғиштли девор билан иккига бўлинган: шарк томонида хўжалик иншоотлари жойлашган, ғарб томонида эса турар-жой иморати қурилган. Тураржой комплекси олти хонадан иборат бўлган. Барча хоналар 50x20x10 см ҳажмли хом ғиштдан, деворларнинг қалинлиги 25 см хоналарнинг ҳажми катта эмас – 4.5 дан 8,5 м² гача бўлган. Улардан бирида Марказий Осиёга хос бўлган оддий бир печ (тандир) бўлган. Бошқа учта хонани шароб тайёрлаш устахонаси эгаллаган: иккитасида ишлаб чиқариш мосламалари, учинчисида омборхона жойлашган.

X–XII асрда шаҳар зодагонлари ўз уйларини эски архитектура анъаналари бўйича калъа кўринишида барпо этганлар. Шундай уйлардан бири, Талас водийсидаги Октепа шаҳарчасида қазилма пайтида топилган 40x60 метр ҳажмида тўғри бурчакли кўрғонда жойлашган бўлиб, у 6 та 2,4x10 метрли узун хоналардан ташкил топган. Деворлари хом ғишт ва пахсадан ишланган. Эшик ўрни хом ғиштдан арк шаклида қурилган. Иморатдан кўрғон ховлисига чиқилган. Том тўсини хом ғиштдан гумбазли бўлган. Қурилиш уюмининг кўплигидан, қурилма бир қаватли бўлганини билиш мумкин. Иморат бой манзарали жиҳозлар билан безатилган. Ҳовли томондан ташки деворнинг юкорисига хомсувоққа наққошлик

безаклари туширилган фриз сакланиб қолган. Услуга солинган узун новдалар, тўқима усулидаги геометрик нақшлар билан тўлдирилган тўғри бурчакларнинг ўзаро бир-бирига тутшиб кетган безаклар мотиви бўлган. Ички деворларга афтидан сувоқ пайтида нақшлар ишланган, буни вайроналар ичидан топилган девор парчалари ҳам исботлаб турибди.

Аммо X–XII асрларда қалъа иншоотлари ўрнида тўла жиҳозланган шаҳар уйлари юзага келди. Улар атрофига турли ҳажмда 8 – 9 та хона жойлашган кенг марказий залга эга эди. Бундай уйнинг умумий майдони 200 кв.м.га яқин бўлган. Бинонинг ичи юксак маҳорат билан ишланган ганчли ўйма нақшлар билан безатилган. Ўсимлик ниҳоллари ҳам, геометрик тўқималар ҳам, ҳайвонлар тасвири ҳам унинг мазмунини ташкил этган. Деворларига сувоқчилик ишлари олиб борилаётганда ўйма нақшлар ишланган.

Жанубий Қирғизистонда катталиги жиҳатидан иккинчи ўринда турадиган шаҳар Ўзган саналади. Ўз вақтида бу шаҳар Мовароуннаҳр ўлкасининг пойтахти бўлган. Унда ҳам кўрғон бўлиб, шаҳристон ва бир қанча работлар жойлашган, тўртта дарвозага эга эди. Ўзган катта савдо-сотик маркази ҳисобланган. У ердан карвонлар, Ясси довони орқали Марказий Тяньшанга ва ундан кейин Еттисув ва Ғарбий Туркистонга йўл олганлар.

Қадимги Ўзганнинг қолдиқларини бугунги кунда ҳам учратиш мумкин. Харобалар Қорадарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган бўлиб, ҳар бири алоҳида муҳофаа қудратига эга ҳолдаги, уч қисмдан иборат хандақлар мавжуд. Дарё қирғоқлари ва хандақлар беқиёс моҳирлик билан тарашланганки, бу шаҳарни душмандан ҳимоя қилишда, айниқса кўл келган. Шаҳар ўртасида бир вақтлар саройлар қолдиғи сакланиб қолган. Шаҳар ўртасида бир вақтлар саройлар бўлганлигини англаувчи вайроналиклар учрайди. Уларнинг айрим жойларида кулолчилик қолдиқларини кўриш мумкин. Қатор паҳса ва катта ғиштдан қурилган девор, ҳалқа миноралар қолдиқларини ҳам кузатиш мумкин. Бу ерда пиширилган ғиштдан урилган деворни кам учратамиз. Бугунги замонавий Ўзган шаҳрининг **чеккасида** Ўрта асрнинг ажойиб меъморчилик ёдгорликлари бўлган XI –XII асрларга оид минора ва учта мақбара сақланиб қолган.

Ўшдан унча узокда бўлмаган Медва ҳам ўз мавқеига кўра Жанубий Қирғизистондаги учинчи шаҳар бўлган. Бугунги кунда ун-

дан шаҳар кальясининг бирмунча мустаҳкам ҳимоя колдиклари сақланиб қолган. Унинг қолган қисмида замонавий уй-жойлар тикланган. Помирга олиб борадиган йўл бўйлаб борилганда бир километрча атрофидаги масофада қўхна шаҳар маркази харобалари кўзга ташланади. Унинг кирраларининг баландлиги 12 метр гача етган.

Кийим-кечаклар. Қирғизларнинг уст-боши ниҳоятда хилма-хил бўлиб, ўзига хос миллий жиҳатлари билан кескин ажралиб туради.

Эркакларнинг кийими асосан иштон, қўйлақ. тўн, чопон, бош кийими, пойабзалдан иборат. Қўйлаги очик қўйлақ хилда бўлиб. бичилиши ва тикилиши жиҳатдан тўнга ўхшайди. Кейинчалик олди факат кўкрагигача очик тик ёқали қўйлақ кийилган. Бу қозок татарлари қўйлагини эслатади. Кўпгина қирғиз эркаклари бошида оппок наMAT телпагини кўриш мумкин. Эркаклар иштони чармдан тикилган. Иштонни турли жойда ҳар хил ном билан аташган: чалбар, қандай, жаргақ шим.

Қирғиз халқи кийим-кечагидаги миллий анъаналар асосан аёллар уст-бошида яхши сақланиб келмоқда. Ҳозирги аёллар қўйлаги (қўйнуқ) бичими бўйича аввалгилардан кескин фарқ қилади: анча қалта, очик ёқали, баъзан тик ёқали, бурма, кўпроқ қизил, пушти рангли газламалардан тикилади. Қўйлақ устидан ҳар хил гул, безак солиб тикилган ўнгури кийиб олишади.

Хотин-қизлар албатта нимча, камзул кийганлар (пойжен, камзур, баъзи ерларда қиямзур деб ҳам аталади). Бу ёқасиз, ўмизи кенг ёки тик ёқали қилиб тикилади. Айрим ҳолларда қумуш тугмачалар қадашади.

Қирғизистон тоғли ўлка бўлгани сабабли кўп ерларда иқлими, табиати анча салқин. Шунинг учун қишин-ёзин иссиқ кийим кийиб юришларига тўғри келган. Кўпинча духоба пальтода юрганлар.

Хотин-қизлари албатта рўмол ўрайдилар. Одатда ёрқин, рангдор чит рўмол, байрам қунлари эса шоҳи рўмол тутадилар. Кўпчилик ёш жувонлар, айниқса қизлари дўппи қиядилар. Қирқ қокил қилиб сочларини ўриш ҳозир анча қамайган. Кўпинча қўш қокил қилиб ўришади-да, устидан дўппи қияди. Қизларнинг энг сеvimли бош кийими икки чети мўйнали телпақдир. Бундай телпақнинг учига чиройли қуш патларини боғич билан тикиб қўйилади.

Кўпинча қирғиз аёллари қулоқчин қиядилар. Қулоқчин ташқи

кўриниши, безаги билан бир-биридан фарқ қилган. Номи ҳам турли жойда ҳар хил бўлган. Қирғизистоннинг шимолий туманларида аёллар қулоқчинини тақия қоп дейишса, ғарбий-жанубий туманларда, жумладан, Ўш вилояти агрофларида чачкоп номи билан аташади. Тақия қопнинг орқаси елкага осилиб туради, қоп устидан юпқа оқ матодан ё докадан салла – элечик ўралади. Қулоқчиннинг қулоқларни ёпиб турган икки томонга сочпопук осилади.

Иссиккўл, Чуй, Тяньшан атрофларида яшайдиган қирғиз қизлари саллани ўрама кўринишда ўрашади. Салланинг учи чап томондан ўрама ичига қистириб қўйилади. Талас водийси, Ўш вилоятининг шимолий туманларида салланинг илок тури кенг тарқалган (юмалоқ ёки ялпоқ кўринишда бўлади).

Айрим ҳолларда салла устидан дурия – чиройли рўмол ташлаб олишади. Баъзи жойларда нақшдор ҳошия, кумуш тақинчоқлар (танга, маржон, дур) билан безалади. Кўпроқ ичкилик тоифасига қарашли қирғиз қизларида буни учратиш мумкин.

Қирғиз аёллари, хусусан, жанубий туманларда яшаётган хотин-қизлар қўйлақ устидан белга таҳланган гулдон рўмол ёки кенг тасма (белдик) ёки безкур боғлаб олишади. Қирғизларнинг оёқ кийимлари орасида эчки тивитидан ишланган намаат этик айниқса диққатга сазовордир. Ундан бошқа чоқой деб аталадиган пастак этиги ҳам бор. Кексалар пошнаси – мазси (маҳси) ни калиш билан кийиб юрадилар. Этик, маҳси ичидан намаат байпоқ, гулдор жороб киядилар.

Таомлар. Қирғизлар мавсумга қараб хилма-хил режимда овқатланишга одатланишган. Лекин таомларининг хили унчалик кўп эмас. Илгарилари ун ва дон кўпинча етишмаслиги (деҳқончилик билан кам шуғулланганликлари) сабабли, асосан сут ва гўшт маҳсулотлари билан тирикчилик қилишган. Кун иссиқ кезлари сут ва сут маҳсулотларини кўп истеъмол қилишган. Қишда эса ун, дон, шунингдек, пишлоқ, сариёғ, шўртак сузма ишлатишган.

Кўпчиликнинг кундалик таоми ҳар хил суюқ ошдан иборат бўлган. Қирғиз тилида айтганда мақсим билан жарма ичишган. Мақсим – сули талқони ёки туйилган арпа унидир. Жарма тайёрлаш учун арпа ёки буғдойни ёғоч келида қайнаб турган сувга солинган. Атала савуганидан кейин озгина солод–ўт, ун қўшилган. Арпа, буғдой, маккажўхори, айрим ҳолларда чой ичилган. Ошқовокдан шўрва, чучвара пиширилган ёки ўзини қайнатиб, димлаб ейилган.

Тандирда нон ёпилиб, буурсок пиширилган. курд (сузма), пишлок тайёрланган. Кул кўрида кумуч, чоймо токоч, жупка, нон, каттама (катлама), тойтокоч, куймок, кесма ош, сиргуруч ва бошка таомлар пиширишган. Шўрва, бешмармок, куурук, куурма, куйган ўпка, олобо, кулчатоу таомлари ҳам бор. Сўнгги вақтларда жаркоп, манти, лагмон кўплаб пиширилмокда.

Оила ва маънавий маданият. Қирғиз оиласида яқингача ўзида патриархал оиланинг баъзи қирраларини сақлаб қолган алоҳида (кичик) оила ҳукмрон ҳисобланган. Қирғизларда оиланинг асосини оила бошлиғи, хотини ва фарзанди, баъзан ота-онаси ташкил этган. Никоҳ тузиш совчиликдан бошланган. Шу билан биргаликда бешиккерт, бола туғилиши билан ёки туғилмасидан унаштириб қўйилиши билан боғлиқ урф-одатлар бўлган. Шунингдек, ушбу халқ вакиллари орасида левират ва сорорат ҳам кенг тарқалган. Баъзан опа-сингиллар ёки қариндошлар ўртасида қалин тўламасдан алмаштириш ҳоллари ҳам бўлган. Қизларнинг розилиги билан ўғирланган. Лекин қиз ўғирлаш билан қуёв қалин тўлашдан озод этилмаган. Қалин миқдори турли хил бўлиб, қуёв томоннинг иқтисодий ҳолатига боғлиқ эди. Қалин асосан чорва маҳсулотлари билан тўланган, кейинроқ эса кийим ва сеп буюмлари билан ўрни қопланган.

Қирғизларда қизлар 13–15 ёшда турмушга берилган. Ўтмишда ота уруғи томонидан етти пуштигача яқин бўлмаган қариндошлиги бор оиладан хотинликка олинган бўлиб, кейинчалик бу удумга амал қилинмай қўйди.

Хуллас, оила асосан патриархаллик асосига қурилган. Оила бошлиғи оиладаги барча ҳолатларни ва ҳатто фарзандларнинг тақдирини ҳам ҳал қилган. Оиладаги барча юмушлар, бола тарбияси, хайвонларга қараш, кийим тикиш ва бошка майда-чуйда ишлар аёллар зиммасига юкланган.

Агарда ўтмишга янада теранроқ назар ташласак, аёлларнинг қирғиз жамиятидаги роли бошқачароқ намоён бўлади. Чунончи, қирғиз халқ достони “Манас”да ўз эрига ҳатто ҳарбий ишларда ҳам қўмақлашган жасоратли аёллар тимсолини сақлаб қолган (масалан, Манаснинг хотини қиёфасида).

Халқ ижодиёти. Қирғиз халқи ўз тарихи давомида аجدодлардан авлодларга ўтиб келаётган халқ ижодиёти ва маданияти билан боғлиқ бўлган хазинани бугунги кунгача сақлаб келмокда. Қирғиз

халк оғзаки ижодиётида халкнинг кўп асрлик ёркин тарихий тақдири ва илк маданияти, табиатан шоирона қарашлари, озодликка интилувчи, мардлик каби хислатлари ифодаланган.

Халк ижодиёти орқали қирғиз халкининг қахрамонликлари ва гўзал романтик кечинмалари ёритиб берилган. Чунончи, “Манас” достони қирғиз халкининг дуру гавхаридир.

Дарҳақиқат, Манас мисоли бир эпик асар бўлиб, у дастлаб XIX асрнинг 50- йилларида Чўкон Валихонов томонидан ёзиб олинган. Лекин у рус тилига фақат 1904 йил таржима қилиниб, нашр этилди. “Манас”нинг қисқартирилган варианты академик В. В. Радлов томонидан немис тилида чоп этилган.

“Манас” халқ орасида юксак поэтик эсдалик сифатида нафақат хотира туфайли, балки халқ орасида машҳур бўлганлиги сабабли ҳам ҳозирги вақтгача сақланиб қолган. Қирғиз эпоси қирғиз фольклорининг барча жанрларини ўз ичига камраб олган, яъни, афсона, кўшик, эртақ, айтишув ва масаллардан иборат эди.

“Манас”нинг халқ ичида кенг тарқалишида ирчи (ырчы)ларнинг роли катта бўлиб, улар “Манас”ни машҳур бўлимларини ёддан айтиб, кенг тарқатганлар.

Манас айтувчилар уни ҳеч қандай мусикасиз ўқиганлар, тингловчилар кўп бўлганда достон ҳар хил оханг ва суръатда, имошоралар билан етказилган.

Манасдаги асосий воқеалар – афсонавий қахрамон Манаснинг Хитойга, Афғонистон ва Ўрта Осиё мамлакатларига ҳарбий юришлари билан боғлиқ.

“Манас”да асосий 9 та кўшиқлар узвийлигини кўриш мумкин: Манаснинг туғилиши ва болалик йиллари, Манаснинг хон сифатида танилиши, Манаснинг Қошғар хонлигига қарши биринчи юриши, Ўрта Осиё ҳудудларига юришидан иборат. Достон Хитой пойтахти (Бейпин)га юриш ва Талас водийсида Манаснинг ўлими билан яқунланади.

“Манас”нинг қиммати шундаки, унда тарихий, этнографик, геог-рафик ва бошқа маълумотларни тақдим этгани боис, “қирғиз халқи ҳаётининг қомуси” деб ҳам аташ мумкин. Достонда жуда катта ижтимоий-майший ҳаётга доир маълумотлар: тўйлар тавсифи, дафн маросимлари, халқ ўйинлари ва машғулоти асосий ўрин эгаллаган. Шу боисдан ҳам “Манас” қирғиз халкининг тарихи ва этнографиясига оид бебаҳо манбадир.

Назорат топшириқлари:

1. Қирғиз халқининг шаклланиш тарихи тўғрисида нималарни биласиз?
2. Марказий Осиёнинг туркий тилли халқлари билан қирғиз халқининг ўзаро этник алоқаларини кўрсатиб беринг.
3. Қирғиз халқининг шаклланишида иштирок этган этник компонентлар ҳақида сўзлаб беринг.
4. Қирғиз халқининг анъанавий хўжалиги деганда нималарни тушунасиз?
5. Қирғиз халқи хўжалигининг бошқа қўшни халқлар хўжалиги билан ўхшаш жиҳатлари тўғрисида сўзланг.
6. Халқнинг моддий маданияти турмуш тарзи ҳақида гапириб беринг.
7. Қирғиз халқининг маънавий маданиятининг ўзига хос томонларини изоҳланг.
8. Қирғизларнинг миллий байрамлари ҳақида маълумот беринг?

IX БОБ. МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ БОШҚА ХАЛҚЛАРНИНГ ЭТНОГРАФИЯСИ, ЭТНОГЕНЕЗИ ВА ЭТНИК ТАРИХИ

Таянч тушунча ва иборалар: Марказий Осие, бошқа халқлар, уйғурлар, дунганлар, Ўрта Осие араблари, лўлилари, Бухоро яхудийлари, татарлар, корейслар, курдлар, балужлар, олтойлар, мўғуллар, салорлар, сахалар, бурятлар, хакаслар, руслар, белорус, украинлар, тувалилар, шорлар, европеоид, мўғулий, Марказий Осие типи, Жанубий Сибирь типи, антропологик тадқиқотлар, этник тарих.

IX. 1. Минтақадаги бошқа халқларнинг этногенези ва этник тарихи

Марказий Осие минтақасида маҳаллий ўзбек, тожик, қирғиз, қозок, қорақалпоқ, туркман халқлари билан бирга, турли тарихий даврларда келиб қолган кўплаб халқлар ҳам истикомат қилади. Айнан мазкур халқлар қаторига араблар, яхудийлар, уйғурлар, дунганлар, татарлар, корейслар, лўлилар каби кўплаб халқларни киритиш мумкин.

Ўрта Осие халқлари орасида **араблар** ўзига хос маданияти ва миллий кадриятлари билан ажралиб турувчи халқлардан бири ҳисобланади. Арабларнинг тарихий ватанлари Арабистон ярим ороли бўлиб, унинг кўп қисми чўл ва саҳролардан иборат, деҳқончилик қилиш мумкин бўлган ерлари камчиликни ташкил қилади. Шунинг учун Арабистон аҳолисининг озчилик қисмигина ўтроқ ҳаёт кечирар ва деҳқончилик билан шугулланар эди. Арабларнинг кўпчилиги эса кўчманчи-бадавийлардан иборат бўлиб, қўй, эчки ва бия боқар эдилар. Арабистоннинг деҳқончилик учун энг қулай бўлган ўлкаси Жануби-ғарбий вилоят – Яман ёки “Бахтли Арабистон” ҳисобланиб, бу ерда қадим замонлардаёқ бир неча йирик қулдорлик давлати бўлган. Ҳижознинг эса фақат айрим воҳаларидагина деҳқончилик қилиш мумкин бўлган. Ярим оролнинг энг катта қисми – Нажид – суғориладиган ерлари жуда кам бўлган, ғоят катта ясси тоғликдан иборат бир жой бўлиб, фақат

чорвачилик учунгина яротди эди.

VI асрнинг охири – VII асрнинг бошларида араблар иқтисодий ва ижтимоий инкирозга учрайди. Ярим оролнинг аҳолиси кўпайиб, тирикчилик учун ер етишмай қолади. Араблар учун катта даромад манбаи бўлиб келган карвон савдоси ҳам тушкунликка учради. VI асрда эронликлар билан ҳабашлар ўртасида узок давом этган урушлар натижасида Яман деярли бутунлай хароб ва вайрон бўлади. Шимолдан жанубга ва жанубдан шимолга махсулот сотиш учун бориш жуда камайиб кетади.

Марказий Осиё араблари – минтақа давлатларида яшовчи, ўзларини араб деб юритувчи кичик халқ ҳисобланади. Аждодлари VII – XIV асрлар давомида Марказий Осиёга келишган. Улар кўпгина ҳолларда ўзларини ўзбек, туркман ва тожик миллати таркибига киритишади. Марказий Осиё арабларининг аксарияти *Зарафшон бўйлари*, *Самарқанд шаҳри атрофларидан тортиб*, *Қорақўл соҳилигача* бўлган оралиқдаги шаҳар ва қишлоқларда, шунингдек, Шеробод, Сурхон, Кофирниҳон, Вахш, Қизилсув. Жилға дарёларигача бўлган ерларда яшашади. Фарғона водийсининг шимоли-шарқий томонида ҳам арабларнинг бир гуруҳи яшайди. Улар Бухоро, Қарши, Хўжанд, Каттакўрғон каби йирик шаҳарларда, Косон, Нурота, Шеробод ва бошқа туманларда ҳам истиқомат қилишади. Бир сўз билан айтганда, араблар бутун Ўзбекистон, Туркменистон ва Тожикистон бўйлаб ёйилиб кетган. Улар асосан икки гуруҳга бўлинади: шайбоний ва саноний. Умуман, буларнинг ҳаммасини кўшиб, Марказий Осиё араблари дейиш мумкин.

Марказий Осиё араблари уруғ-аймоқ, қариндошлик белгилари жиҳатидан ҳам бир неча қавм-қариндошларга бўлинади. Занбон, бахшибон, исқандари, рашади, хўжаги.

Марказий Осиё арабларининг аксарияти ўз она тилларини унуттишган. Ҳозирда улар ўзбек ёки тожик тилида гаплашади. Улар орасида икки шева: асосан Бухоро ва Қашқадарё шеваси кенг тарқалган. Араб тили иккинчи тил сифатида айрим қишлоқларда қариялар орасида ҳозиргача қўлланилиб келинмоқда. Уларнинг шеваларида маҳаллий аҳоли тилининг таъсири жуда кучли.

Араблар ўзлари ота-боболари араб мамлакатидан эмас, балки Афғонистоннинг шимолидан келиб жойлашган, деб ҳисоблайди. Қисман Балхдан (*Саноний қабиласининг одамлари*), қисман Ахчи, Андхўйдан (*Шайбонийлар*). Қашқадарё, Самарқанд, Каттакўрғон

арабларнинг айтишича, уларнинг аждодларини Амир Темур олиб келган. бошқалари эса, араблар Мовароуннахр ерларини истило қилган даврдан анча бурун келишган, деб ҳисоблашади. Ўзбекистонда араблар номи билан боғлиқ кўплаб жой номлари мавжуд.

Марказий Осиё лўлилари (жўғилар)—кўчманчи халқ бўлиб, уларнинг бошқа вакиллари жаҳондаги барча мамлакатларда тарқок ҳолда яшайди. Лўлиларнинг икки асосий гуруҳи: Европа лўлилари ва Марказий Осиё лўлилари мавжуд. Лўлилар катта европеоид иркининг хинд ўрта денгиз гуруҳига кириб, уларнинг яна кўплаб лахжалари учрайди.

Уларни Ўзбекистонда лўлилар, Тожикистонда жўғилар, Арманистонда боша, Англияда мисрлик, Эронда карачи, Францияда фиръавн қабиласи, Финляндияда қора, Россияда цыган ва яна бошқа мамлакатларда турли номлар билан аташган. Уларнинг келиб чиқиши номаълум.

Лўлиларнинг асл ватани, қачон ва қандай қилиб жаҳонга тарқалганлиги ҳам узоқ вақт жумбоқ бўлиб қолди. Ўзбекистоннинг айрим туманларида лўлиларни мўлтони деб ҳам аташади. Бу Қарачи ва Мўлтон шаҳарлари номи билан боғлиқ, деган фаразлар ҳам мавжуд. Марказий Осиё лўлиларининг айрим гуруҳлари жўғи (ҳиндча камбағал, қашшок), ҳиндистоний, бўлижий деб аталиши ҳам лўлиларнинг асл ватани Ҳиндистон бўлганлигини тасдиқлайди.

Баъзи маълумотларга кўра, лўлиларнинг дастлабки гуруҳлари милоннинг бошларида – V–VII асрларида ва кейинги даврларда Шимолий Ҳиндистондан тарқала бошлаган. Уларнинг айрим гуруҳлари Ҳиндистондан Балужистон–Афғонистон–Эрон–Кавказ–Туркия орқали Юнонистонда, иккинчи йўл Ҳиндистон–Эрон орқали Марказий Осиёда тарқалган.

Афсоналарда айтилишича, лўлилар узоқ ўтмишда океан ўрнида мавжуд бўлган Атлантида ороли аҳолисидан келиб қолган дейилади. Тарихий маълумотларга кўра, лўлиларнинг айрим гуруҳлари милодий 1-минг йилликнинг охирларидан Ҳиндистондан **чикиб** Балужистон, Афғонистон, Эрон, Марказий Осиё, Месопотамия, Кавказ, Сурия, Миср, Кичик Осиё ва Болқон ярим оролига **ўтиб**, 1417 йил Венгрияда, 1418 йил Германияда, 1422 йил Испания, ва Италияда, 1430 йил Англияда, 1500 йил Польшада ва Болтиқбўйи

мамлакатларида пайдо бўлган. Ўрта аср Европасида ҳукмрон синф вакиллари ўрмонларда лўлиларни ов қилишган, бозорларда лўли болалари ва айникса, гўзал лўли қизларини яланғочлаб, кўз-кўз қилиб катта пулларга сотишган.

Католик черкови гўё лўлилар Усмонли турклар томонидан Европага юборилган жосуслар, улар ёвуз руҳлар билан алоқада бўлади, кимда ким лўлиларга яқинлашса, у бир умр бахтсиз бўлади, деб лўлиларга қарши игво тарқатишади. XVIII асрга келиб Европада инсонпарварлик ғоялари ёйила бошлаган, лўлиларни қувғин қилиш чоралари бирмунча юмшатишган. Фақат 1856 йилдагина Фарбий Европада лўлилар расмий равишда қулликдан озод этилган. Кейинчалик улар фашистлар Германияси томонидан босиб олинган жойларга қувғин қилинган ва ўлдирилди.

Россияда ҳам лўлиларни қисмати оғир бўлган. Император Елизавета Петровнанинг 1759 йилдаги фармонида: “Бундан сўнг лўлилар Санкт-Петербургнинг яқинига ҳам йўлатилмасин ва уларнинг яшаш жойи чеклаб қўйилсин”, – дейилиши Россия ҳукмрон феодал синфининг уларга муносабатини яққол акс эттиради. Лўлилар аста-секин Москва ва Санкт-Петербург атрофларида ўтроклашиб қолишган.

Марказий Осиё лўлилари минтақага бир вақтда эмас, балки турли даврларда кичик-кичик гуруҳлар тарзида келиб жойлашган. Лўлиларнинг дастлабки қисми, Амир Темурнинг Ҳиндистонга қилган юриши вақтида асирга олинган аҳоли билан бирга келиб қолган бўлиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас. Лўлиларни Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарёда мўлтони дейишади (ҳозирги Покистоннинг Мўлтон вилоятидан келган бўлиши керак).

Лўлиларнинг яна бир гуруҳини Афғон ёки Мўғат қовули дейишган. Афғонлар уч гуруҳга бўлинади: *қавал, чистоний, парья*. 1920 йилларда Сурхондарёдаги Сариеё ва Юрчида Қоратоғ лўлилари яшаган. Сурхон ва Ҳисор водийсида ҳам уларни учратиш мумкин. Ҳисорда уларнинг катта мазори (хилхонаси) ҳам бўлган. Олимлар “маҳаллий лўлилар” нинг Марказий Осиёга Ҳиндистондан келганлигини ва бунга кўп вақт бўлганлигини эътироф этишади. Жумладан, тадқиқотчи А. П. Баранников бу фикрни асослаш мақсадида, Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома” достонига мурожаат қилади. Достонда Эрон шоҳи Баҳром Гўрга (V аср) Ҳиндистондан тортик сифатида 12 минг лўлилар юборилгани ҳақида маълумот

келтиради. Лўлилар хақида Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” (XVI аср), Абулғозий Баходирхоннинг “Шажарайи турк” (XVII аср). Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг “Убайдуллонома” (XVIII аср) асарларида маълумотлар мавжуд.

Буюк Соҳибкирон Амир Темурнинг Ҳиндистонга килган юриши даврида ҳам лўлиларнинг ўз ватанини тарк этиши кучайган. Амир Темур Ҳиндистондан қайтаётганида, кўплаб усталарни ўз пойтахт шаҳри – Самарқандга олиб келган. Булар ичида лўлилар ҳам бўлган. Самарқандда Амир Темур даврида лўлилар маҳалласи мавжудлиги хақида маълумотлар бор. Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Фарғона, Кўқон ва Қарши каби йирик шаҳарлар ва баъзи кишлоқларнинг чеккасида лўлиларнинг маҳалла. тўп (тўпор)лари бўлган.

Марказий Осиё лўлилари ўзларини мўғат, туб аҳоли уларни лўли. жўғи, мазанг деб аташади. Азалдан Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Фарғона, Кўқон. Қарши каби шаҳарлар атрофлари ва уларга туташ кишлоқларда яшайдилар. Улар ўзбек ва тожик тилларида сўзлашадилар, аммо тожик тили уларнинг турмушида асосий тил ҳисобланади. Марказий Осиё лўлилари, мўғат ёки арабча деб аталадиган ўзларининг махсус сўзлашув тилига ҳам эга. Марказий Осиё лўлилари асосан ўзига хос шева билан тожик тилида сўзлашадилар. Яъни, уларда арго (ўзига хос жаргон) ҳам бор. Аммо Тожикистоннинг Душанбе, Ҳисор, Кўлоб, Кўрғонтепа каби туманларида, шунингдек, Ўзбекистоннинг Бухоро вилоятида истикомат қилаётган лўлиларнинг баъзилари ўзбек тилида гаплашади.

Лўлилар, асрлар давомида ҳамма ерда муттасил қувғинда бўлган, оч-ялангоч кун кечирибган. Ўтмишда лўлиларнинг кўпчилиги ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмай, уларнинг асосий касби тиланчилик бўлган. 1920 йиллардан сўнг лўлиларнинг ўтрок маданий ҳаёт кечириб, ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш ишига алоҳида аҳамият беришди. Шўро ҳукумати кўчманчи лўлиларни ўтрок ҳаётга ва фойдали меҳнатга жалб этиш бўйича қарор қабул қилди. Собик Иттифок олий кенгаши лўлилар хақида 1956 йилда “Дайдилик билан шуғулланаётган лўлиларни меҳнатга жалб этиш хақида” Қонун қабул қилди

Марказий Осиё лўлилари давр ўтиши билан ўтрок ҳаёт кечириб, турмуш савияси тобора бойиб бормоқда. Улар ҳозирги даврда жамоа хўжаликлари, ширкатлар ва саноат корхоналарида

ишлашмоқдалар. Лўли болаларининг аксарияти мактабга жалб этилган. ёшлари ўрта махсус ва олий ўқув юртларида ҳам таълим олмақдалар.

Лўлиларда қадимдан эндогам (ички) никоҳ ҳукмрон бўлган. Ҳар бир оила бошлиғи ўз идиши билан қозон бошига келиб, оила аъзолари сонини айтиб ош суздирган ва уни ўз уйига олиб кетган. Тўйга таниқли полвонлар ҳам таклиф этилиб, ғолибларга от. хўкиз. пул берилган.

Лўлиларнинг қон-қариндошлик гуруҳи (тўп, тўпор) га обрўли оқсоқол раҳбарлик қилган. Тўп, тўпор шу оқсоқол номи билан ҳам аталган. Ўзбек хонликларида лўлилар оқсоқоллари махсус ёрлик билан тасдиқланган ва уларга муҳим вазифалар юклатилган. Лўлилар тўп, тўпор оқсоқоллари ва бошқа қариндошлари тўй, дафн-таъзия ва бошқа маросимларда бир-бирларига ҳар томонлама ёрдам беришган. Катта тадбирларда эса асосан ота раҳбарлик қилган.

Шунингдек, лўлиларда ислом динигача бўлган жин, пари, ал-васти, зиён-заҳмат ҳақидаги тасаввурлар жуда кучли. Ўтроқ ҳаёт кечираётган лўлилар ўз атрофидаги маҳаллий халқлар таъсирида айрим диний одатларни бажарадилар.

Лўлиларда санъатга иштиёқ тобора кучаймоқда. “Жўғи” кўшиқ дасталари халқ шодиёналари, базмларида хизмат қилмоқда.

Бухоро яҳудийлари – Марказий Осиё яҳудийлари (ўзларини йегудим, идн, исроэл, бани исроэл, яҳудий-тожик деб аташади) Марказий Осиёнинг турли шаҳарларида яшовчи этник гуруҳ. Бухоро яҳудийлари атамаси биринчи марта XVI асрда пайдо бўлган. Уларнинг ўтмишдаги умумий сони ҳақида аниқ маълумот йўқ. Инглиз миссионери Вольф амир Насруллоҳон ҳукмронлиги даврида (1826–1860) Бухорода 10 минг яҳудий яшаганлигини кўрсатиб ўтган. Аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра, 1926 йилда Ўзбекистонда 18172, 1982 йилда эса 28369, шу жумладан, Бухорода 4200 Бухоро яҳудийлари яшаган.

Ўзбекистонда Бухоро яҳудийлари асосан Бухоро, Самарқанд, Қўқон, Хатирчи, Шаҳрисабз, Андижон, Маргилон, Тошкент шаҳарларида яшаганлар. Уларнинг тили яҳудий-тожик тили бўлиб, *тожик тилининг жанубий гуруҳига киради.*

Бухоро яҳудийларининг Марказий Осиёда қачон пайдо бўлганлари мунозарали. Марказий Осиё қадимги афсоналарига

кўра, яҳудийларнинг аجدодлари Бобилдан келишган. Айрим маълумотларда мўғуллар истилоси даврида яҳудийларнинг бир гуруҳи Эрондан Шаҳрисабз, Бухоро, Самарқандга кўчиб келган ва Марказий Осиёнинг бошқа ҳудудларида ўрнашган, деб таъкидланади.

Марғилон, Тошкент ва бошқа шаҳарларга яҳудийлар XVIII аср охири – XIX аср бошларида келишган. Фарғона шаҳрига илк бор XX асрда кўчиб ўтишган. Кейинчалик маҳаллий яҳудийлар – яҳудийхон маҳаллий номи билан юритилган.

Яҳудийлар қадимдан бошқаларга кўп қўшилмай, ўзлари якка ҳолда яшашга ўрганиб қолишган. Эруб деб аталадиган тўсиқнинг мавжуд бўлганлигининг ўзи, уларни бошқа халқлардан ажралган ҳолда яшашга интилганлигининг ёрқин далили бўлади. Яҳудий диний таълимотининг уқтиришича, яҳудий бошқа диндаги одамларга асло яқинлашмаслиги керак. Эруб – яҳудийлар билан мусулмонлар яшаётган чегарада икки қозикқа тортилган симдир.

Баъзи олимлар (М. Занд)нинг фикрича, яҳудийлар Марказий Осиёда милоддан аввалги VI асрда пайдо бўлганлар. Яҳудийлар энциклопедиясида Бухоро ҳудуди Библиядаги Хабар билан исроилликларнинг ўн пушти сургун қилинган жойлардан бири сифатида тенглаштирилган (мил. авв. 722). Археологик тадқиқотларга кўра, яҳудийлар Марказий Осиё (Марв, Самарқанд)га II – IV – V асрлар ва VIII асрда келганлар. Ёзма манбаларга кўра милоддан аввалги I аср – милодий I асрда Марвга, VI – VIII асрларда Хоразмга келганлар. Академик В. В. Бартольднинг ёзишича, X асрда Мовароуннаҳрда яҳудийлар христианларга нисбатан кўпчиликни ташкил қилган. Туделлик сайёҳ Венламин (XII аср) нинг маълумотига кўра, Самарқанд шаҳрида 30 минг яҳудий яшаган. Яҳудийларнинг Бухорода бўлишлари тўғрисида илк маълумот XIII асрга тўғри келади. Бухоро яҳудийларининг оилавий афсоналарига кўра, XIV аср охири – XV аср бошларида яҳудий тўқувчилар Амир Темур томонидан Сабзавор, Шероз ва Бағдоддан Мовароуннаҳрга олиб келинган. Улар кейинчалик маҳаллий яҳудий жамоаларига аралашиб кетишган. XVI асрда Бухоро – яҳудийларнинг бош марказига айланган ва шу асрда шаҳарда яҳудийлар маҳалласи – “Маҳаллаи кўҳна” ташкил топган. Улар яҳудий динига эътиқод қилишади.

Татарлар. Қозон татарларининг асосий қисми Татаристон Республикасида яшашади. Татарлар Россия Федерациясининг

Бошқирдистон, Мари Республикаси, Мордовия. Удмуртистон. Чувашистон республикалари, Нижний Новгород, Киров, Пенза ва бошқа вилоятларида ҳам яшайди. Шунингдек, туркий тилда сўзлашувчи Сибирь (Сибирь татарлари), Қрим (Қрим татарлари) ва бошқа кавмларни ҳам татарлар деб аташади. Туркий тиллардан бири татар тилида сўзлашади. Диндорлари – сунний мусулмонлар. Деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчилик билан шуғулланишади.

Биринчи марта “татар” этноними VI – IX асрларда Байкал кўлининг жануби-шарқий сохилларида яшовчи кўчманчи мўғул қабилалари орасида учраган. Мўғуллар истилоси даври (XIII аср)да “татар” номи Европага маълум бўлган. Туркий тилли қабилаларнинг Урал ёни ва Волга бўйига кириб бориши милодий III – IV асрларга тўғри келиб, хуннлар ва бошқа қабилаларнинг Шарқий Европага истилоси даври билан боғлиқ. Татарлар угор-фин халқлари билан аралашиб кетган. V – VII асрларда туркий қабилалар Турк хоконлиги босқини муносабати билан Ғарбий Сибирь, Волга бўйи ва Урал ёни минтақаларига қайта кириб келишган. VII – VIII асрларда Азов бўйидан Волга бўйига булғорлар келиб, туркийлар ва маҳаллий угор-финлар билан бирга Волга-Кам Булғорияси давлатини тузганлар. XV – XVI асрлардаги давлатлар (*Қозон, Астрахон, Қрим, Сибирь ва бошқа хонликлар*) даврида татарларнинг алоҳида гуруҳлари – Ўрта Волга бўйи ва Урал ёни (*Қозон татарлари, мишарлар*), Астрахон татарлари, Сибирь татарлари, Қрим татарлари ва бошқа татарлар шакллана бошлаган.

Корейслар. Ўзларини Чосон саром – Чосон мамлакати одамлари деб аташади ҳамда Корейнинг асосий аҳолисини ташкил қилади. Улар асосан КХДР, Корей Республикаси, АҚШ, Россия Федерацияси, Хитой, Япония, Ўзбекистон, Қозоғистон ва бошқа қатор мамлакатларда яшайдилар. Корейс тилида сўзлашади. Монголоид ирқиға мансуб. Диндорлари будда, конфуцийлик ва христиан динига эътикод қилади.

Корейсларнинг аجدодлари қадим замонлардан буён Корей ярим ороли худудида яшаб келмоқда. Корейсларнинг ривожланишида учта қабила гуруҳи (палеосиё, олтой, австронез) қатнашган. Бунда етакчи ролни протоолтой қабилалари ўйнаган. Корейс қабилаларининг биринчи иттифоқи – Чосон I асрда вужудға келиб, бу аҳолининг этник таркибига катта таъсир кўрсатди. Милоддан

аввалги I- минг йилликнинг ўрталарида Манчжуриянинг жанубида ва Кореянинг шимолида Чосон давлати (ўзларини чосон деб атаганликлари шундан) ташкил топди.

Илк ўрта асрларда Корейс давлатларининг вужудга келиши, унинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти масаласи тарихда ханузгача баҳсли. Кореяда кулдорлик даври бўлганми? - деган саволга узил-кесил жавоб йўқ. Баъзи корейс тарихчилари илк феодал давлатларини кулдорлик давлатлари, деб ҳисоблашади.

Манбаларда ярим оролда яшаган турли қабилалар ҳақида маълумотлар мавжуд. Шимолда когурё, емэк, очко қабилалари, Ханган дарёсидан жануброқда хан қабиласи яшаган. У 3 та шохчага бўлинади: Махан (хан), чинхан, пёнхан. Аҳоли чорвачилик, балиқчилик, овчилик билан машғул бўлган. Лекин асосий машғулоти деҳқончилик бўлган. Асосан “беш-нон” деб аталган экинлар экилган. Кийим бўз ва шойидан тайёрланган. Синфий муносабатлар шимолда Амнокан дарёси ҳавзасида яшовчи когурё қабиласида аввалроқ бошланган. Окчо ва емэк қабилалари когурёга бўйсундирилган. Дон, материал, балиқ, канизаклар билан ўлпон тўланган. Жанубда синфлар ташкил топиш жараёни кечроқ бошланган бўлса керак. Хан қабиласи 78 уруққа бўлинган. У Хитой манбаларида тилга олинган (лекин уруғлар “давлат” деб номланган). Когурёда ҳарбий доҳий Ван (король) унвонини олган.

Когурё давлати қачон пайдо бўлганлиги хусусида тарихчиларда ягона фикр йўқ, лекин у IV аср охири – V аср бошларида ярим орол шимоли ҳамда қўшни Ляодун ярим ороли ҳудудини эгаллаган кучли давлат бўлган. Ярим орол жанубида давлат пайдо бўлиш жараёни пэкче, саро, кая қабилалари томонидан заифроқ қўшниларни бўйсундириш орқали юз берган. Бўйсундирилган ерлар аристократияси табиий равишда босқинчи зодагонлар билан қўшилиб кетган. Пэкче жамоаси III – IV асрларда қўшма жамоа ва қабилаларни бўйсундирган. Корея жанубий ғарбида Ханган ва Кимган дарёлари ҳавзаларида анча кучли Пэкче давлати пайдо бўлган. V – VI асрларда ярим оролнинг жануби-шарқий қисмида Силла давлати пайдо бўлган. Унинг ядросини сарос (собол) қабиласи ташкил этган. Янги давлатда маъмурий бўлинишнинг ҳудудий принципига асосланган. Турли даражадаги махсус чиновниклар аппарати вужудга келган. Силла давлатининг энг жанубидаги Кая қабилалар иттифоқи ва узоқ Усам оролини ўзига қўшиб олган. Шундай

килиб. VI асрга келиб, Корея ярим оролида хукмронлик учун ўзаро курашаётган Когурё, Пэкче ва Силла давлатлари бор эди. Бу давлатлардаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар характери масаласи корейс тарихшунослигида узок вақт баҳсларга сабаб бўлиб келди. Баъзи тарихчилар бу кулдорлик давлатлари эди, деб ҳисобласаларида. улар феодал характерга эга бўлган. Дехкон жамоалари давлат фуқаролари сифатида солиқ тўлаганлар.

Феодал тузумнинг шаклланивида муҳим роль ўйнаган буддизм Хитойдан кириб келган. Когурёда дастлабки будда роҳиблари 372 йили пайдо бўлганлар. Пхеньян яқинида 2та будда монастыри қурилган. 384 йили Пэкже ванни илтимосига биноан Хитойдан роҳиблар келишган. Уларга катта ерлар инъом этилган. Силла давлатига когурёдан кириб келган буддизм VI аср биринчи ярмида кенг таркалади. Силлада ҳам маъмурий бўлиниш Хитойдаги каби бўлган (вилоят, округ, уезд). Бошликлари пойтахтдан тайинланган. Давлат пойтахти Кимсон вақт ўтиб йирик шаҳарга айланган. X асрнинг бошларида корейслар ягона халқ сифатида шаклланган.

Корейслар Ўзбекистон, Қозоғистон ва бошқа МДХ республикаларига XX асрнинг биринчи ярмида келиб қолишган. Дастлаб улар XIX аср ўрталаридан Россия шаҳар ва қишлоқларига кўчиб ўта бошлашган. Қашшоқлик, оғир ҳаётга барҳам бера олмаган камбағал корейслар тирикчилик учун қулай шарт-шароитлар қидириб ўзга юртларга, биринчи навбатда Хитой ва Россияга ўз оилалари билан ёки ёлғиз ўзлари қочиб борганлар. 1920 йилгача вақти-вақти билан корейслар советлар мамлакатига кўчиб ўтишган. XX аср 20-йиллар охирига келиб собик Иттифок худудида яшаётган корейсларнинг кўпчилиги шу давлат фуқаролигига ўтдилар.

Ўзбекистонда корейслар кўпроқ Тошкент вилоятининг Бўка, Пискент, Тўйтепа, Оккўрғон, Олимкент, Охангарон каби ўнлаб шаҳар ва улар атрофидаги қишлоқларда жойлашган. Корейсларни бошқа вилоят худудларида ҳам учратиш мумкин. Хоразм, Самарқанд, Наманган, Фарғона, Андижон вилоятлари. Қорақалпоғистон Республикасида ҳам яшашади.

Қозоғистонга кўчиб ўтган корейс оилалари асосан Қизил Ўрда ва Алма-Ата вилоятларида ўрнашган. Корейсларнинг аксарияти 2 тил (ўз она тили ва рус тили) да гаплашишади. баъзилари эса 3 тилни, яъни маҳаллий тилни ҳам билишади.

1937–39-йилларда совет тузуми зўравонлик билан Россиянинг

Узок Шарқ ўлкасидан 74500 корейсларни Ўзбекистон худудига кўчирди. Бунга асосий сабаб, совет Иттифоки билан Япония ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашуви бўлган. Ўша даврда Корея ярим ороли Япония томонидан босиб олинган бўлиб, туб корейс аҳолиси билан Узок Шарқ худудидаги корейсларнинг этник келиб чиқиши бир эди. Ўзбек халқи корейсларга нисбатан ўзининг меҳмондўстлиги ва бағрикенглигини кўрсатди. Уларни уй-жой, иш билан таъминлади, уларга маиший хизмат, маданий ўчоқлар яратди, болаларининг ўқиши, таълим олиши учун мактаблар очди.

Курдлар ўзларини кура, курмааж деб атайдилар. Туркияда (7,5 млн. кишидан ошган), Эронда (5,6 млн. кишига яқин), Ироқда (Курд мухтор вилоятида 3,7 млн. киши), Сурияда (745 минг кишидан ортик) ва бошқа мамлакатларда яшайдилар. Умумий сони 18 млн. кишидан зиёд, курд тилида сўзлашадилар. Диндорлари асосан сунний мусулмонлар, йазидлар ва бошқалар ҳам бор.

Курдлар Грузия ва Марказий Осиё республикаларида яшашади. Ўзбекистон, Қирғизистон ва Туркменистонда 14 мингдан зиёд курд истиқомат қилади. Курдлар асосан Туркменистоннинг Ашхабад, Байрамали ва бошқа туманларида жойлашган. Улар қадимги Хуросон ва Туркменистонда яшаб келишган. Курдларнинг асосий машғулоти чорвачилик ва деҳқончилик. Хунармандчилик турларидан тўқувчилик кенг тарқалган.

Балужлар. Ўзларини балуч, балоч деб аташади. Покистон (4 млн. киши) ва Эрон (1,4 млн. киши)даги халқ. Шунингдек, Афғонистон, Туркменистон (28,3 минг киши) ва араб мамлакатларида ҳам яшайди. Умумий сони 5,7 млн. киши. Балуж тилида сўзлашади, улар ислом динининг сунний мазҳабиغا эътиқод қилишади.

Балужлар кўчманчи чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланади. Араб географлари маълумотларига кўра, балужлар Кермон (*Эроннинг жануби-шарқидаги шаҳар*) ва унинг шарқий қисмида Сейистонда яшаган ва кўчманчи чорвачилик билан шуғулланган. Балужлар бу ерларга араблар истилосидан тахминан 300 йил аввал келиб жойлашганлар. Инглиз олими М. Лонгудос Деймоснинг маълумотларига кўра, балужларнинг ватани Шимолий Эрон бўлиб. Эфталийларнинг шимолий Эронга қилган хужуми (VI аср) натижасида улар Кермонга кўчишган. Кейинги асрларда яйловларнинг танқислиги уларни аста-секин шарққа сил-

жишга мажбур этган. XI – XIV асрлар давомида балужлар яшган ҳудуд ҳозирги Балужистон жойлашган ерларигача кенгайди. XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида Афғонистон ва Эрон Сейистонида яшовчи балужларнинг бир қисми Туркменистон Республикаси. Мари ва Чоржўй (ҳозирги Туркманобод) вилоятларига кириб келиб жойлашадилар. Балужларнинг айрим гуруҳлари Фарғона водийси ва қуйи Қашқадарёдаги Балуч кишлоғида ҳам яшаганлар.

Марказий Осиё балужлари асосан Туркменистоннинг (Мари вилоятида) шаҳар ва кишлоқларида жойлашган, кўпроқ Байрамали туманида яшашади. Қисман Тожикистонда ҳам мавжуд. Улар асосан чорвачилик билан шуғулланишади.

Тураржойлари бошқаларникидан анча фарқ қилади. Улар орасида гедан номи билан машҳур бўлган асосий уй вазифасини ўтаган. Чодирнинг устига эчки жунидан калин қилиб тўкилган, тўқ жигарранг мато ёпишган. Қишда ярим ертўлалар ёки лой-сувоқ уйларда ва ўтовларда яшаган. Эркалари иштон шалвар, оқ кўйлак, жумаг, оқ ёки қора чит газламадан тикилган нимча воскат кийиб юришган. Оёқларига туркман пойабзалини кийишган. Бошларига калин салла ўрайдилар.

Аёллари ҳам шалвор, кўйлак жумак, бошларига рўмол ўрашади, рўмол устидан дуррача-чаргат, пат тақиб оладилар. Қўш рўмол устидан яна чодир ташлаб юришади.

Таомлари орасида хилма-хил тандир нон, турли пишлок, қовун, тарвузни кўп тановул қилишади.

Уйғурлар. Хитой Халқ Республикасидаги Синьцзян – Уйғур мухтор туманининг туб жой аҳолиси бўлиб, 8 млн. кишидан ортиқ. Марказий Осиё давлатлари, шунингдек, Ҳиндистон, Афғонистон ва Покистонда яшайди. Уйғур тилида сўзлашади. Диндорлари асосан сунний мусулмонлар.

Япон (Ютянхенг), француз (Клапрот) олимлари фикрича, “уйғур” атамаси мил. авв. III – II асрлардан маълум. Уйғурлар этногенези Хитой манбаларида 4–5 минг йил аввал тилга олинган “ди” (*турк*) ларнинг “чиди” (*қизил ди – жанубий турк*) га бориб такалади. Хитойнинг шимолида мавжуд бўлган Чиди давлати мил. авв. 594 йилда Цзинь (Жин) хонлиги томонидан тугатилгач, чидилар шимолга кетишга мажбур бўлишган. Уйғурлар хунн қабилавий иттифоқи (мил. авв. III аср – милодий III – IV асрлар) да муҳим роль

уйнаганлар. Милодий V – VIII асрларда уйғурлар Жужан (Авар) хонлиги, кейинчалик Турк хоконлиги таркибига кирган. VII асрга қадар уйғурлар таркибида *ёглиқор (хон авлоди), қутургур, турлам-вейбур, буқосқир, овчаг, хазар-қасар, хўғурсу, яғмо, аёвир* каби 9 қабила мавжуд бўлган. Кейинчалик уларга Сирдарёнинг юқори қисми (Ясси дарёси) бўйида яшаган *адиз* қабиласи қўшилиши билан 10 уйғур иттифоқи шаклланган. VII – IX асрлардаги манбаларда 15 уйғур қабила уюшмаси (*баку, хунн, байирғи, тунғро, сиҗие, чибни, изғил (сиҗе), басмил (башими), қарлуқ (гэлулу), сир, тардуш, тува, қувурқон, барсуқ, қирғиз*) қайд қилинган.

Уйғурлар 646 йил Шарқий Турк хоконлиги ҳудудида Уйғур хонлигини тиклаган. Уйғур-Ўрхун хоконлиги (Уйғур хоконлиги) даврида (744–840) унинг барча фуқаролари “уйғур” деб, IX асрда уйғурларнинг Идикут (Турфон) давлати Хитой манбаларида “Кужу хонлиги” деб номланган. XI асрда унинг ҳудуди ғарбда Кучар шаҳридан Буюк Хитой деворигача чўзилган бўлиб, араб манбаларида “билод Уйғур” ёки “Йуғур” (ал-Марвазий) деб қайд этилган.

Ҳозирги пайтда уйғурлар Қозоғистонда, Қирғизистонда, Ўзбекистонда, қисман Туркменистон ва Тожикистонда ҳам истиқомат қилишади.

Қозоғистонда уйғурлар бутун бир катта туманни эгаллаган. Иссиқ Чилик, Чунжа, Панфилов шаҳри ҳудудларида, Норинқўл, Или туманларида, Олмаотода ва Чимкент шаҳарларида ҳам кўплаб уйғурлар яшайди. Қирғизистонда Бишкек, Тўқмоқ, Прежевальск, Ўш шаҳарларида, шунингдек, айрим қишлоқларда ҳам уйғурлар оилалари, Туркменистоннинг Байрамали, Мари туманларида ва Тожикистоннинг айрим ҳудудларида яшашади. Ўзбекистонда уйғурлар Фарғона водийсининг Андижон шаҳри ва Асака, Избоскан, Пахтабод туманларида жойлашган.

1921 йилгача уйғурлар қаерда яшаётганликларига қараб ҳар хил ном билан аталган: кошғарлик, турфонлик (идукутлик), оқ суяклик, ярканлик, андижонлик ва ҳ. к. 1921 йилда уйғурларнинг Тошкентда бўлиб ўтган қурултойида барча уйғурларни ягона ном билан аташга қарор қилинди.

Тяньшан тоғ тизмалари бу ўлкани икки пастликка ажратиб туради. Жунғористон ва Қошғаристон, ана шу ерларда милoddан олдинги даврларда тоҳар, сак, сугд ва уларга яқин тилларда сўзлашадиган турли туркий қабилалар яшаган. Милоднинг би-

ринчи минг йиллиги иккинчи ярмида бу ерларга туркий тилда сўзлашадиган бир қанча қабилалар кўчиб келишган.

IX асрда бу ерларга хозирги Мўғулистонда яшаган уйғур қабилалари келади. Енисей кирғизлари билан бўлган 840 йилдаги жангда енгилиб, уйғурлар Синьцзяннинг шарки-шимолий туманларига жойлашиб олади ва кўп ўтмай Уйғур давлатини ташкил қилади. Бу қабилаларни уйғурлар билан биргаликда илгари тўққиз ўғуз деб аташган.

Қадимий уйғур қабилалари билан туркий қабилаларнинг ўзаро аралашиб кетиши натижасида янги турк-уйғур қабилалари пайдо бўлади. Кўхна уйғур ва курама қабилалар тили ўрнига янги уйғур тили юзага келади.

Уйғурларнинг Жунғористонга келиб қолишига Жунғористон давлати ҳукмронлиги вақтида (XVII – XVIII асрларнинг ўрталари) қалмик (ойрат)лар босқини сабаб бўлган. Қалмиклар ўзларига қаршилиқ кўрсатган бир қисм уйғурларни Қошғаристондан Жунғористонга, Или дарёси ҳавзаси ерларига суриб чиқаради.

XVIII асрнинг 60-йилларида Хитой Жунғористон билан Қошғаристонни босиб олади. Хитой подшолиги бу ерларни жонлаштириш, шаҳар ва қишлоқларини тиклаш, деҳқончиликни йўлга қўйиш учун ўзига қарши ғалаён кўтарган Ёрқент, Қошғар, Хўтан, Оксув, Кўчи, Уч Турфон шаҳарларининг бир қисм аҳолисини Қошғаристонга кўчириб юборади. Қошғаристондан уйғурларнинг бир қисми эса шу вақтда Фарғона водийсига, хусусан, Қўқон билан Андижон атрофидаги ерларга ўтказилади.

Қошғаристондан Или водийсига кўчирилган ва давлат ерларида деҳқончилик билан шуғуллана бошлаган уйғурлар таранчи деб аталадиган бўлади. “Таран” сўзи омов, шудгор маъноларини англатади. Шундай қилиб, Еттисув уйғурлари таранчилар, Фарғона водийси ерларидаги уйғурлар эса қошғарликлар номини олади.

XVIII аср охирида Қўқон атрофидаги ерларда 12 мингга яқин уйғурлар яшар эди. Шу даврда Қўқон хонлиги аскарлари Қошғарни босиб олишади. Лекин Хитой қўшинларини яқинлашиб келаётганини эшитиб, Қўқон хонлиги Қошғарни ташлаб чиқади. Шунда уларга қўшилиб 60 мингга яқин уйғурлар хотин ва бола-чакалари билан Қўқонга келади. XIX аср 40-йилларида қўқонликлар яна Қошғарни эгаллаб олади. Аммо Хитой қўшинлари тазйиқи остида Қўқонга қайтишга мажбур бўлади. 1847 йилда аёллар ва болалар

билан кўшиб ҳисобланганда яна 20 минг уйғур Қошғаристондан қочади. Уларнинг кўпчилиги каттиқ совуқ ва тоғлардаги қор кўчқиларидан йўлда халок бўлади. Ўн йилдан сўнг Кўкон ерларига яна 15 минг уйғур қочиб ўтади.

Марказий Осиёда анча даврдан буён яшаётган ҳозирги уйғурлар. XVIII – XIX асрларда ва XX аср бошида Хитойнинг Синьцзян вилояти, қадимги Жунғористон ҳамда Қошғаристон давлатлари ерларидан Хитой, Манчжур қувғинидан қочиб келиб, маҳаллий аҳоли. яъни ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар билан қўшилиб, чатишиб кетган янги уйғур авлодлари ҳисобланади.

XX асрнинг 50 – 60-йиллари ва ундан кейинги даврда Марказий Осиёга кўчиб келган уйғурлар бу ҳисобга қирмайди. албатта. Уйғур этноними Марказий Осиёда фақат советлар ҳокимияти даврида пайдо бўлган. Уйғурларнинг хўжалиги, турмуш тарзи, урф-одатлари кўп жиҳатдан ўзбеклар билан тожикларникига ўхшайди. Шунингдек, уйғурлар ўз миллий анъаналари билан бошқа кўшни халқлардан яққол ажралиб туради.

Юк от, хўкиз ва эшакларда ташилган. Еттисув уйғурлари орасида от ва эшак араваларда ҳам юк олиб юрилган. Ўзбекларнинг Кўкон ва Хива араваларига уйғурларнинг аравалари ўхшамаган. Ғилдирақлари бирмунча қичкина бўлиб, араваларига хўкиз ёки от қўшилган. Ғалла, дон бошоқлари ва похолни чанада ташишган.

Дунганлар. Ўзларини лохуэй, хуэй ёки чжуньюаньжин деб аташиб, асосан Марказий Осиёда яшайдилар. Қозоғистон, Қирғизистон, қисман Ўзбекистонда ҳам яшайди. Дунган тилида гаплашади. Дунганлар Хитойдаги хуэй халқи билан этногенетик жиҳатдан яқиндир. Дунганлар рус графикасига асосланган ўз ёзувига эга. Ислоннинг сунна ва шиа мазҳабларига эътиқод қилишади. Дунган аждодларининг келиб чиқиши фанда ҳали узил-кесил ҳал қилинган эмас. Баъзи олимлар дунганлар араблар билан аралашган хитойлар, баъзилар эса Хитойга келиб ўрнашиб қолган форс, турк қабилалари, деб ҳисоблайдилар. “Дунган” номи Синьцзян вилоятида XVIII асрда пайдо бўлиб, Хитойнинг ички вилоятларидан кўчиб келиб, ўтроқлашиб қолган ҳарбий хизматчилар, савдогарлар, ҳунармандлар ва бошқаларни ифодалаган (баъзан “Дунган”нинг этимологиясини тунгань – ҳаммаси Ганьсудан ёки дувинуанжин – “Хитойда яшовчилар” деб талқин этадилар). Хитойнинг Ганьсу, Шэньси, Ланьжоу ва бошқа вилоятларида яшаган-

лар. 1861–1878 йилларда Хитойнинг шимоли-ғарбида Цинь сулоласи зулмига қарши деҳқонлар кўзғолони бўлиб ўтди. Кўзғолонда дунганлар ва бошқа халқларнинг камбағал табакаси асосий куч эди. Кўзғолон енгилди. натижада 1877–1878, 1881–1884 йилларда дунганлар тўда-тўда бўлиб Қозоғистон ва Қирғизистон ерларига қочиб ўта бошлади ва шу ерларга ўрнашиб қолди. XX аср бошларида дунганлар халқ бўлиб шаклланди, тили, маданияти, адабиёти ва ўз матбуотига эга бўлди. Дунганлар асосан деҳқончилик (буғдой, шоли, жўхори, қанд лавлаги, тамаки ва б.), боғдорчилик ҳамда хунармандчилик билан шуғулланади.

Хитой шеvasида гаплашувчи дунганлар ҳақида олимлар ўртасида турли фикрлар бор. Баъзи тадқиқотчилар дунганлар туркий қабилалар – хуннлар, турк - тукю, уйғурларнинг авлодлари деб ҳисобласалар, бошқалари эса уларни мўғул истилоси даврида Марказий Осиёдан Хитойга олиб кетилган маҳаллий халқларнинг бола-чақалари деб уқтирадилар. Учинчи гуруҳ олимлар фикрича, дунганлар мусулмон динини қабул қилган хитойлик туб халқ. Кўпчилик кейинги фикрга қўшилмоқда.

Хитой олимлари бу хусусида ўзгача фикрда. Уларнинг далил-исботига караганда, дунганлар бир вақтлар Хитойга Марказий Осиё тарафларидан келиб қолган ва маҳаллий хитой аҳолисининг тили, маданияти, турмуш тарзини сингдириб олган туркий, араб ёки эроний аҳоли.

Аммо Қозоғистон билан Қирғизистон ерларида яшаётган дунганлар ўзларини лохуэй, хуэй ёки чжуньюаньжин (дувинуанжин) деб ҳисоблайдилар. Дунганларнинг қўшнилари хитойликлар, уларга сяо-цзя – кичик оила деб ном беришган.

Ҳар ҳолда дунганларнинг алоҳида этник гуруҳ бўлиб шаклланиш жараёни кўп асрлар мобайнида давом этиб келган анча мураккаб жараён. Бу жараён, афтидан, хитойнинг шимолий ва шимоли-ғарбий вилоятларида рўй берган.

Дунганлар Қозоғистон ва Қирғизистон ерларига XIX асрнинг сўнгги йилларидан эътиборан кўчиб кела бошлаган. Хитойда Цинь сулоласи ҳукмронлик қилаётган йилларида (1644 – 1912) бошланган ва вақти-вақти билан янгидан кўзғалиб турган халқ ғалаёнлари, айниқса, 1860-йиллардаги халқ кўзғолонлари дунганларнинг ўз ерларини ташлаб, ўзга юртларга кўчиб кетишларига сабабчи бўлади.

Улар асосан уч гуруҳ бўлиб келишган. Ҳар қайси гуруҳ Хитой-

нинг маълум бир вилоятдан, Ўш, Қорақўл ва Соқулук атрофидаги ерларда ўрнашган. Дунганларнинг кўпчилигини Хитойнинг Ганьсу вилоятдан кўчиб келган уйғурлар ташкил этади. Жамбул вилоятининг Қорақунуз ва Шўр–Тебе кишлокларида яшайтган дунганлар, асосан Шаньси вилоятдан келган. Қолганлари Шаньси, Ланьчжоу, Иньчуан ва Хитойнинг бу шаҳар кишлокларига қўшни ерлардан чиккан дунганлардир.

Дунганлар Ўзбекистон ҳудудига дастлаб 1862–1878 йилларда Хитойнинг ғарбий қисмида бўлиб ўтган дунганлар кўзғолонидан сўнг 1877–1883- йилларда кўчиб келганлар. Айнан шу даврда Фарғона водийсининг Ўш вилоятига атиги 343 дунган кўчиб келган. Тошкентда дастлаб дунган савдогарлари XIX аср охири – XX аср бошларида кўчиб келганлар. Айнан 1917 йилгача Тошкентга Еттисувда бир неча дунган савдогар оилалари кўчиб келган. Дунганларнинг асосий қисми Хитойнинг Шэньси вилоятдан 1930 йиллардан бошлаб Тошкент вилояти ҳудудига кўчиб кела бошлаганлар. 1935-36 йилларда улар томонидан Тошкент вилоятида “Лунмингунхо” ва “Стахановский рисороб” номли жамоа хўжаликлари ташкил қилинган. Ҳозирги кунга келиб дунганларнинг асосий қисми Тошкент вилояти Ўрта Чирчик туманида, Андижон ва Фарғона водийсининг шаҳарларида яшайдилар.

Хитойлар – ўзларини ханцзу, хань деб аташиб, ХХР нинг асосий аҳолиси ҳисобланади. Шунингдек,, улар Таиланд, Малайзия, Индонезия, Сингапур, Вьетнам, Бирма, Филиппин ва Комбоджада яшайди. Дунёда сон жиҳатдан энг кўп халқ ҳисобланади. Умумий сони тахминан 1,325 млн. киши (2003 йил) хитой тилида сўзлашадилар. Хитойнинг асосий қисми монголоид иркининг Тинч океан тармоғига, Хитойнинг кичик гуруҳлари эса Шарқий Осиё ва Жанубий Осиё вариантыга мансуб. Ёзуви – иероглифлардан иборат. Диндорлари–асосан будда динига, даосизм, конфуцийликка эътиқод қилади. Мусулмонлар, христианлар ҳам бор. Қадим замонда Хитой Ся, Хуося деб номланган. Ся этнонимининг Ханга айланиши Хань сулоласи номи билан боғлиқ. Хань этноними муомалага киргандан сўнг, ушбу халқ тили ханьой, ёзуви ханцзи деб аталди. Хитой 4000 йиллик ёзма тарихга эга бўлиб, улар илж бор Хуанхе (Қорамурон) дарёси қуйи оқими бўйларида яшашган. Хитой аждодлари қаторига милоддан аввалги II минг йилликда ҳозирги Хенань, Шэньси, Шаньси вилоятлари ҳудудида ибтидо-

ий жамоа муносабатларининг асосий белгилари сақланиб қолган Инъ давлати пайдо бўлди. Инликларнинг ғарб томонида уларга қардош бўлган Чжоу қабиалари яшаб, улар милоддан аввалги XI асрда Инъ давлатини истило қилишган. Милоддан аввалги XI – III асрларда ҳозирги Хитой ҳудудида Инъ ва Чжоу халқларининг авлодлари билан аралашиб кетган турли халқлар (манъ, жун. ди, и) яшаган.

Салорлар, салурлар (ўзларини салир деб атайдилар) – Хитойдаги туркий халқ. Асосан, Цинкай вилоятининг Сюнхуа туманида яшайдилар (90 минг киши. 1990- йиллар ўрталари). Салор тилида сўзлашади. Диндорлари – сунний мусулмонлар.

Хитой йилномаларида салорлар XIV асрдан тилга олинган. В. В. Бартольд, салорларнинг Туркменистонда яшайдиган туркманлар (ўғузлар) таркибида бўлган салор (салир) қабиласи билан тарихан боғлиқлигини исботлаб берди. Абулғозий Баҳодирхоннинг ёзишича, Ўғузхоннинг ўғли Тоғхоннинг 4 ўғли бўлиб, каттасининг исми Салур эди. Ҳозир ХХР да яшайдиган салорларнинг ҳаётида туркистонликлар, айниқса, ўзбеклар урф-одати сақланиб қолган. Масалан, улар уйларининг атрофини, кўчаларини ва ҳовлиларини мевали дарахтлар экиб боғга айлантиришади, уй-жой қуришда тўсинларни безатишади, ҳовлига қаратилган катта айвон барпо этишади. Маҳаллаларда масжид солишга алоҳида эътибор беришади. Биргина Сюнхуа туманида катта-кичик 79 та масжид мавжуд. Рўза ва Қурбон ҳайитларини катта тантана билан нишонлашади.

Хитой халқи билан яқин яшашига қарамай, ислом бўйича ҳаром ва макруҳ деб кўрсатилган нарсалар ейилмайди. Эраклар оқ ёки қора дўппи киядилар. Ёш йигитлар оқ кўйлак, унинг устидан нимча кийишади, белларига қизил белбоғ боғлашади. Катта ёшдагилар тўн кийишади. Қизлари қизил кўйлак, унинг устидан қора нимча дўппи кийишади, қулоғига бир неча ҳалқадан иборат бўлган зирак тақади. Ёш аёллар яшил, ўрта ёшдагилар қора, катта ёшликлар оқ рангли рўмол ўрайдилар. Никоҳ ва мотам маросимлари ўзбек ва уйғурларникига ўхшайди. Сўнгги йилларда салорлар ҳаётида, айниқса, кийинишда анча ўзгаришлар пайдо бўлган бўлса-да, миллийлик яхши сақланиб қолган. Салорлар қадимдан дехқончилик ва чорвачилик билан шуғулланишган. Савдогарлик, боғбонлик, олтин қазииш каби касблар улар ҳаётида катта ўрин тутди. Кўп оилалар хунармандчилик билан шуғулланади. 1954 йил 24 февралдан

Ўз мухторият уездига эга.

Мўғуллар (ўзларини мўғул деб атайди) – Мўғулистонда яшайдиган асосий халк бўлиб, XX асрнинг ўрталаридан мўғуллар яшаган ҳудуднинг жанубий қисми ХХР таркибига киритилиб, унга Ички Мўғулистон деб ном берилгандан сўнг, улар Мўғулистон мўғуллари ва ХХР мўғулларига бўлиниб кетишган.

Мўғулистонда 1.64 млн. киши. ХХР да 5,24 млн. киши. Россия Федерацияси таркибидаги Бурятияда ҳам яшайди. “Мўғул” этноними Чингизхон даврида тарихга кириб келган бўлиб, у таркиби мураккаб бўлган қабилалар иттифоқи номини англаган.

Мўғулларнинг этногенези масаласида ҳам турли фикрлар мавжуд. Айрим Хитой манбаларида мўғулларнинг келиб чиқиши туркий бўлиб, уларнинг илк аجدодлари татарлар (тат. дадан)га бориб тақалади, деб кўрсатилади. Хорижий олимларнинг аксарияти, жумладан, айрим Япония ва Хитой тадқиқотчилари мўғуллар хуннларнинг авлоди, деб ҳисоблайди.

Мўғул олимлари, жумладан, Сурен Бадалах (Сури-бадалака) мўғулларнинг қадимий туркий халк бўлмиш “ди” ларнинг авлоди, милоддан аввалги III асрларда говчилардан ажраб чиққан Муоге қабиласи мўғулларнинг илк аجدодидир, деб ҳисоблайди. Ҳозирги замон Хитой олимлари ичида мўғул тунгуслардан (дунгу – шарқий хўрлар демақдир) келиб чиққан, деган фикр чуқур ўрнашиб бормоқда.

Хитой манбаларининг гувоҳлигига қараганда, мўғул нилун-мўғул (*соф мўғул*) ва хамухе-мўғул (*омухта, яъни аралашган мўғул*) каби икки тоифага бўлинади. Биринчи тоифага дастлаб 30 қабилла кирган. Булар ичида кўк кўзликлар кўп учраб турган. Чингизхоннинг отаси Ясугай баходир (Асугай-батур) тобе бўлган авлод ҳам кўк кўз бўлган. Шу боис у Хитой манбаларида “ланьян чияти” (*кўккўз чият*) деб номланган. Булар таркибига кирган қабилаларнинг энг йириклари татар (*дадан-алухай, дутсут, алчи ва чаган* каби йирик қабилалардан ташкил топган иттифок), қиёт (*кэле*), найман, жалойир, меркит (*меэрчитти, вудуйивути, меличи, мелижи*) ва бошқалар бўлган.

XII асрнинг биринчи чорагида татар ва бошқа халқлар Чингизхон бошчилигида ўзларининг ғарбдаги ва жанубдаги қўшинларини (*киданлар, қипчоқлар, уйғурлар, найманлар, кераитлар, меркитлар (марқитлар) ва тангутар*) бўйсундириб, йирик давлатни барпо

этганлар. Мўғул элати шу даврда шаклланган. Шу сабабли мўғул номи XIII асрлардан бошлаб Чингизхонга тарафдор ва тобе барча қабила ва элатларнинг умумий номига айланган.

XIII – XIV асрлар кўчманчиликка асосланган мўғул салтанатининг гуллаган даври ҳисобланади. Айни замонда мўғуллар халқ сифатида шаклланган. XV аср бошларида маълум сиёсий воқеаларга кўра, мўғулларнинг ғарбий қисми (4 та катта қабиладан иборат бўлган *ойротлар*, *дербен ойрот*) ажралиб чиқиб, 1635 йилда ўз давлати – Жунғор хонлиги (1635–1758) ни ташкил этган ва Марказий Осиёдаги йирик кучга айланган. XVI аср ўрталарида эса шарқий мўғуллар шимолий (*халхаликлар*) ва жанубий (*узумчинлар*, *ордалар*) каби қисмларга бўлиниб кетишган. XVI – XVII асрларда мўғуллар ламаизмга эътиқод қила бошлади.

XVII аср бошларида Мўғулистонни манчжурлар босиб олган. Мўғуллар деярли уч аср (1691–1911) мобайнида миллий асоратда яшаб, 1921 йилда ғалаба қилган. Халқ инқилобидан кейин мўғуллар социализм ғоясига берилиб, ўз давлатини Мўғулистон деб эълон қилган. ХХРда яшайдиган мўғул элатлари (*хочинлар*, *баринлар*, *ордослар*, *узумчинлар* ва б.) ўз номларини сақлаб келмоқда. Уларнинг хўжалиги ва моддий маданиятида хитойлар ва манчжурларнинг таъсири кучли.

Мўғулларнинг азалий машғулоти чорвачилик ҳисобланади. Деҳқончилик мўғулларга киданлар давридан бери маълум. Асосий экинлари лалмикор ғаллачилик (буғдой, арпа) ҳисобланади. Шунингдек, овчилик хўжалиги анъаналари ҳам сақланган.

Бурятлар–ўзларини буряят деб аташиб, Россия Федерациясининг Бурятия Республикасидаги асосий аҳоли 250 минг киши (25%). Россия Федерациясида 421 минг киши, уларнинг умумий сони 520 минг кишидан ортиқ. Бурятлар (*булагатлар*, *эхиритлар*, *харинлилар*, *хўндхўрлар*) Мўғулистоннинг шимолида ва Хитойнинг шимолий-шарқида ҳам яшайдилар.

Бурятлар монголоид ирқига мансуб. Бурят тилида сўзлашади. Улар орасида Будда–ламаизм, шунингдек, христианлик (православ) тарқалган ва қадимий диний эътиқодлар (шаманизм) ҳам сақланган.

Бурятлар икки қисмга бўлинган: ғарбий ўтроқ чорвадорлар ва деҳқонлар (православ динида ҳамда шарқий Байкалбўйида кўчма чорвадорлар қисми (ламаизм динида) XX асрнинг 20–30-йиллари-

да бурятлар ўтроқлашишган.

Бурятлар хўжалигини, асосан чорвачилик ташкил этади, баъзи туман (аймок)ларда деҳқончилик, овчилик ва хунармандчилик билан шуғулланишади.

Сахалар—рус манбаларида якутлар дейишади. Улар Россия Федерацияси Саха Республикасининг туб аҳолиси ҳисобланади. 365 минг кишидан зиёд (33.4 %) Россия Федерациясида сахалардан жами 380 минг киши яшайди. Шунингдек, сахалар Амурт, Метадан, Сахалинск вилоятларида, Таймур ва Эвенк мухтор вилоятларида ҳам тарқалишган. Улар Лена дарёси ўрта оқимида, Жанубий Олдан ва Вилюда, қисман Олекманинг қуйи оқими ва чекка Шимол худудларида жойлашишган.

Сахалар тили туркий тилларнинг шарқий тармоғига мансуб бўлиб, саха тилида сўзлашишади. Диндорлари - православлар.

Сахалар этноними жуда мураккаб. Улар Бойкўл кўлидан Лена дарёсининг ўрта оқими бўйига кўчиб келиб (X – XV асрлар), туб аҳоли (*эвенклар, юкагирлар*) билан қўшилиб кетишган. Милоднинг дастлабки даврида Саха худудига эвенкларнинг аجدодлари кўчиб келишган.

Сахалар этноними милоднинг II минг йилликлари биринчи ярмида Лена дарёсининг ўрта оқими хавзасида, Бойкўл сохилларидан келган туркий кабилаларнинг қадимги палеосиё ва тунгус тилларидаги элатларнинг ўзида сингдириши натижасида пайдо бўлган.

X – XV асрларда Бойкўл кўли атрофидан келган туркий кабилалар билан туб аҳоли аралашиб, Саха халқи вужудга келган. XVII асрда сахаларнинг катта гуруҳлари Лена, Яна, Индигирка ва бошқа йирик дарёларнинг водийларига ёйилиб, маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетган. Сахаларнинг этник бирлашуви XVII асрнинг 20–30- йилларида Россияга кўшилгандан кейин тугалланган.

Сахалар туркийзабон халқлардан узоқлашиб кетган. Чорвачилик билан шуғуллансалар-да, лекин ўз кўшнилари – шимолда яшовчи овчилик хўжалик юритувчи кичик халқлардан кескин фарқ қилишмайди. Шунингдек, сахалар деҳқончилик ва хунармандчилик билан шуғулланишади.

Олтойликлар—ўзларини олтой-кижи деб аташиб, Ғарбий Сибирдаги Олтой Республикасида 59 минг киши яшайди (31%). Россия Федерациясида олтойликлар жами 70 мингдан зиёд кишини ташкил этади.

Олтой хуудиди қадимдан олонлар яшаганлар. Қуйи ва юқори палеолит даврларига оид манзиллар (Усалинка, Укан) топилган. Бу ерлардан хуннлар, турк қабилалари, уйғурлар, Энасой кирғизлари, қорахитойлар. мўғуллар ўтишган.

XIII аср бошларида Олтой ҳудуди мўғуллар давлатига тобе бўлган. 1756 йилда олтойлар Россия Федерацияси таркибига ўтишган.

Ўтмишда ойротлар деб нотўғри аталган Олтой халқи қадимий самовий, кет. утар ва турк қабилаларининг аралашуш жараёнига сабаб бўлган. Жанубий олтойликлар эса Саян-Олтой қадимий турклар (VI – VIII асрлар) билан ва кўчиб келган мўғул қабилалари (XIII. XV – XVIII асрлари) билан аралашуши оқибатида пайдо бўлган.

Олтойликлар қуйидаги этнографик гуруҳларга бўлинади: *олтой-кижи, теленгитлар, телеслар, телеутлар, тубаларлар, чиканлар, қумандинлар*. Улар олтой тилида сўзлашади. Диндорлари – православ, бир қисми баптистлар, анъанавий диний эътиқодлар сақланган. Аҳоли асосан чорвачилик ва овчилик билан шуғулланган.

Олтойликлар ҳозирги даврда юқори Обь дарёси ҳавзасидаги ва Олтой оралиғи водийларида яшайдилар.

Тувалилар – асосан Россия Федерациясининг Тува (Тива) Республикасида яшашади (166 минг киши). Ўтмишда урянхайликлар, сойотлар ва саянликлар деб номланган. Тувалиларнинг келиб чикиши VII – VIII асрлардаги Урхун-Энасой ёзувларини яратган туркий қабилалар билан бевосита боғлиқ бўлган. Улар этногенезида самодий қабилалари (*ненецлар, селькуплар*) ҳам қисман иштирок этишган.

Тувалилар тили туркий тиллар оиласига мансуб бўлиб, бу тил Тува Республикасида, қисман Мўғулистон ва Хитойда тарқалган. Бу тилда 250 мингдан зиёд киши гаплашади.

Хакаслар – Шарқий Сибирь жанубида жойлашиб, ўзларини *хакас* деб аташади. Эски номлари Абакан ёхуд Минусинск татарлари ҳисобланган. Улар асосан Россия Федерациясининг Хакасия Республикасида яшашади (62,9 минг киши). Россия Федерациясида хакаслар сони жами 80 минг кишидан ошади. Улар хакас тилида сўзлашади. Диндорлар православлар бўлиб, анъанавий эътиқодлар ҳам сақланган.

Хакаслар асосан чорвачилик, овчилик ва деҳқончилик билан шуғулланишди.

Шорлар – Россия Федерациясининг Кемерово вилоятида (Тоғли Шория), қисман Олтой ва Хакас Республикасида яшайдилар. Улар 16 мингдан зиёд кишини ташкил этади. Шор тилида сўзлашади. Бу тил туркий тилларнинг уйғур-ўғуз гуруҳлари хакас гуруҳчасига киради. Диндорлари деярли расман христиан бўлсаларда, аммо шаманлик сақланган. Кетлар, угорларга хос бўлган маҳаллий этнослар асосида шаклланган. VI – VIII асрларда шорлар Турк, Уйғур ва Енисей хонликлари таркибига кириб, қадимги олтой, уйғур, енисей қирғизлари таъсирида тили бўйича туркийлашган. XVII – XVIII асрларда шорлар шимолдан кириб келган телеутлар билан аралшиб кетган. XVII – XVIII асрларда руслар шорларни “темирчи татарлар”, “кондом ва мрас татарлари, абинлар” деб аташган. Шорлар бўлса ўзларини уруғ (қарға, қий, қабий), ҳудуд (Таяш чони-Таяш ҳудуди) ёки дарё номлари (Мрас кижии-Мрас одамлари, Кандум чани-кондум халқлари), яшаш жойларидан ташқарида бўлса, аба кижии (аба-уруғ, кижии-одамлар), чжи кижии (тайга одамлари) номлари билан аташган.

Олтойликлар ва хакаслар уларни уруғ номи билан шорлар деб аташган. Ушбу атама кенг тарқалиб, XX асрдан бошлаб шу ном билан расмий аталиб келинган. XIX асргача шорларнинг асосий машғулотларидан бири темирчилик бўлган. Улар темир ва темир маҳсулотлари билан Турк хоқонлигига ўлпон тўлашар, қўшни чорвадорлар билан бўлса қорамолга алмаштирар эди. XVIII асрдан бошлаб ишлаб чиқарган темир маҳсулотларини рус савдогарларига ўтказишар эди. Руслар шорларни темирчи одамлар, ўлкасини бўлса, “Темирчилар ери” деб аташган. XVIII асрнинг охирларидан бошлаб, кўчманчилар билан алоқаларининг сусайиши, аксинча, руслар билан кучайиши оқибатида, шор темирчилик маҳсулотлари рақобатга бардош бера олмай қолади ва аста-секинлик билан йўқолиб, асосий машғулотлари овчиликдан иборат бўлиб қолди. Қундалик озиқ-овқатларининг негизини балиқчилик ташкил этиб, шорларнинг 40–70 % шу машғулот билан банд бўлган (1899). Қўшимча машғулотларидан яна бири термачилик бўлиб, баҳор ва ёз ойларида шор аёллари турли ўрмон мевалари, ейимлик ўтўланларни териб, саклашган. Ўлкага руслар кириб келгунига қадар шорлар деҳқончилик билан ҳам шуғулланишиб, асосан буғдой

экишган. Ўлкага кириб келган руслардан шорлар отчилик, отларни кўпайтириш (урчитиш), арава ва чана кабиларни яшашни ва улардан фойдаланишни ўзлаштириб олган. Шор аёллари хонаки усуллардаги тикувчилик билан ҳам шуғулланишган. XX асрнинг 20-йилларидан сўнг шорлар анъанавий хўжалик юритиш шакллари йўқотиб, ўрмон, ёғоч тайёрлаш, олтин қазииш ишлари билан банд бўлган.

Шорларнинг дастлабки озик-овқат маҳсулотлари – турли хайвонлар гўшти, балик, парранда ва ёввойи ўсимликлардан иборат бўлган. Кейинчалик дехқончилик ривож топгач, ун маҳсулотларидан кенг фойдаланиш урф бўлган. Дашт худудларида яшовчи шорлар, кундалик турмушларида сут ва сут маҳсулотларини кўплаб истеъмол қилишган. Шорларда бой анъанавий фольклор ривожланган бўлиб, халқ орасида эртақлар, овчи хикоялари, афсоналар, ашула, айтишув, мақоллар ва топишмоқлар кенг тарқалган.

1980- йиллардан бошлаб шор анъанавий маданиятига бўлган кизикиш ортмоқда. 1989 йилда “Тоғли шорларнинг уйғониши” дастури қабул қилинди. Бугунги кунда шор миллий парки, турли фольклор ансамбллари ташкил қилинмоқда.

Руслар - Россия Федерациясининг асосий аҳолиси ҳисобланиб (120 млн. дан зиёд киши), Украинада 11.35 млн. киши, Қозоғистонда 6.73 млн. киши, Ўзбекистонда 1,65 млн. киши, Белоруссияда 916,6 минг киши, Латвияда 900 минг киши, Молдавияда 560 минг киши, Эстонияда 475 минг киши, Озарбайжонда 390 минг киши, Тожикистонда 390 минг киши, Литвада 345 минг киши, Грузияда 340 минг киши, Туркменистонда 330 минг киши, Арманистонда 51 минг киши, шунингдек, Америка мамлакатларида (асосан, АҚШда 1 млн. киши, Канада ва бошқа мамлакатларда тахминан 1,4 млн. киши) ва Ғарбий Европада яшайдилар. Умумий сони 146,5 млн. киши. Рус тилида сўзлашади. Диндорлари - асосан, православлар. Руслар украин ва белоруслар каби уруғ-қабилачилик муносабатларининг емирилиши ва Киев атрофида Қадимги Русь давлати вужудга келиши жараёнида шарқий славянь қабилаларидан шаклланган қадимги рус элатидан пайдо бўлган.

Шарқий славянлар (рус, украин ва белоруслар) нинг ҳозирги аждодлари Еттисув, Сирдарё, Каспий денгизи атрофлари, Самарқанд, Тошкент, Фарғона вилоятлари худудларида кўпдан буён яшаб келади. Ўша даврдан то XX аср 80- йилларигача минглаб рус, украин

ва белоруслар Марказий Осиёга кўчиб келишган.

Рус дехқонлари Қозоғистонда XVII аср охири – XVIII аср бошида илк марта пайдо бўлган. Бу рус оилалари асосан Бухтарма дарёсининг тоғли тизмаларига яқин водийларда уй-жойлар қурганлар. XVIII асрнинг 60- йилларида рус старобрядчилари (Польшада яшаётган ва диний эътиқодлари учун таъқиб қилинаётган руслар) ҳисобига кўпая боради. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошида крепостнойлик ҳуқуқи бекор қилинганлигига қарамай ҳамон оғир аҳволда яшаётган жанубий великорус ва украинлар Марказий Осиё томонларга кўча бошлашган. Руслар Қозоғистоннинг 4 вилоятида ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари етти вилоятида мутлақ кўпчиликни ташкил этади. Қирғизистоннинг кўплаб қишлоқларида ҳам руслар яшайди.

Русларнинг Марказий Осиё халқлари билан алоқалари қадимга бориб тақалади. Рус князлари ўрта асрларда Марказий Осиё ҳукмдорлари билан алоқада бўлишган. 986 йилда князь Владимир Хоразмга элчилар юборган. Шунингдек, Плано Карпини, Иоан де Рубрук кундаликларида ҳам Марказий Осиёда яшовчи руслар ҳақида маълумотлар мавжуд.

XVII асрда Бухоро ва Хивага рус саёҳатчилари Иван Хохлов ва ака-ука Пазухинлар келишган. XVIII аср саёҳатчилари маълумотларида Марказий Осиёдаги рус асирлари тилга олинади. 1820 йилда Бухоро амирлигига А. Ф. Негрининг дипломатик миссияси келган. 1723, 1840- йилларда илмий экспедициялар уюштирилган.

XIX аср ўрталарида Туркистон Россия томонидан истило қилинган, русларнинг минтақадаги сони ошган. 1897 йили аҳоли рўйхатига кўра руслар Қўқонда 197 минг, Бухоро ва Хива хонликларида 16 минг киши яшаган ва улар Оренбург ва Самара гуруҳлари деб аталган. XX аср бошида Бухорода 19 минг рус яшаган.

Ўзбекистонда 1926 йилда руслардан 275 000 киши, 1979 йилда 1 665 658 киши, 1989 йилда 1 653 478 киши, 2000 йилда 1 199 015 киши истиқомат қилишган.

Украин, белоруслар ҳам қарийб руслар яшаган туман ва шаҳарларда умргузаронлик қилишади. Улар айна бир вақтда кўчиб келганликлари туфайли, урф-одати, турмуш тарзи, анъаналари бир-бирига ўхшайди. Лекин уларнинг миллий анъана ва удумлари бир-бирларидан ажралиб туради.

Украинлар - Украинанинг асосий аҳолиси бўлиб, жами 37.42

млн. кишини ташкил этади. Россия Федерациясида 4362.8 минг киши. Қозоғистонда 896.2 минг киши, Белоруссияда 291 минг киши, Ўзбекистонда 153.2 минг киши. Қирғизистонда 108 минг киши. Латвияда 92.1 минг киши, Канадада 530 минг киши, Польшада 300 минг киши. Аргентинада 100 минг киши яшайди. Умумий сони 46 млн. киши. Украин тилида сўзлашади. Дини – православ дини бўлиб, бир қисми униятлар. Украинлар руслар ва белоруслар қатори шарқий славянларга мансуб. Уларнинг умумий этник асосини X асрга келиб яқин қардош шарқий славян қабилалари асосида шаклланган ва ўз давлати – Киев Русини барпо этган қадимги рус элати ташкил қилган. Кейинчалик, ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёт ва қадимги рус ерларининг сиёсий тарқоклиги шароитида (XII – XIV) қадимги рус элати асосида учта қардош халқ – *рус, украин ва белорус* халқлари шаклланган. Тахминан XIV – XVII асрларда ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан тараққий этган, халқларнинг литва, поляк, венгер агрессияларига, турк-татар босқинчиларининг талончилик ҳужумларига қарши кураши натижасида украин элати уюшган ва мустақкамланган.

Россия империясининг расмий ҳужжатларида Украина, Малороссия, украинлар эса малоруслар дейилган. Илк бор украин этноси вакиллари тахминан XVII аср бошларида Қозоғистон кенгликларидида пайдо бўлган. Марказий Осиё хонликларига эса бундан олдин тутқун сифатида олиб келинган.

Украинани Марказий Осиё билан алоқаси украин шоири Т. Г. Шевченко номи билан боғлиқдир. Шоир сургунда бўлиб, 1848–1849 йилларда А. И. Бугаков раҳбарлигидаги экспедицияда катнашган эди.

XIX аср ўргаларида Туркистонга келган рус харбийлари ичидида украинлар ҳам бўлган. Туркистон ўлкасига украинларнинг оммавий тарзда келиши 1885 йилдан бошланган. 1861 йилги ислохотдан сўнг, украин дехқонлари Сирдарё вилояти, Фарғона вилояти, Мирзачўлга келиб жойлашган. Улар ғаллачилик, пахтачилик, боғдорчилик ва полизчилик билан, 1890- йилларда келганлари чорвачилик билан машғул бўлишган.

Украинларнинг Бухорога келиши, Россия унинг қармоғига ўтгандан сўнг бошланган. Дехқонлардан сўнг хунармандлар, темирўлчилар келишган. Ишчилар Тошкент, Самарқанд ва Фарғона вилояти шаҳарларида жойлашишган.

XX аср 20- йилларида Туркистонда 500 минг украин яшаган. Ўзбекистонда 1926 йилда украинлардан 25 804 киши, 1979 йилда 113 826 киши. 1989 йилда 93197 киши. 2000 йилда эса 104 720 киши яшаганлиги манбаларда қайд этилган.

1966 йил Тошкент шаҳридаги зилзила оқибатларини тугатишда украиналик 2600 муҳандис-қурувчи қатнашган.

Белоруслар – Беларус Республикасининг асосий аҳолиси (39 млн. кишидан ортиқ). Шунингдек, Россия Федерациясида (1206 минг киши), Украинада (440 минг киши), Қозоғистонда (183 минг киши), Латвия (120 минг киши), Эстония (27,7 минг киши), Литва (63 минг киши), Ўзбекистонда (63 минг киши) яшайди. Польшада 300 мингга яқин киши белорус тилида сўзлашади. Динга эътиқод килувчилари – асосан православлар, қисман католиклар ҳам бор.

Тарихий манбаларда белорусларнинг дастлабки пайдо бўлиши, XIX асрнинг 60- йиллари биринчи ярмида К. Калиновский раҳбарлигидаги халқ кўзғолони даврига тўғри келиши қайд этилган.

Белорусларнинг озчилик қисми XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия империяси босқини даврида рус армияси таркибида талабгорлар сифатида Туркистонга келишган. Беларус деҳқонлари эса XIX асрнинг 90- йиллари бошида келиб жойлашган. Беларуслар руслар, украинлар, молдованлар билан биргаликда яшашган. Улар Самарқанд вилояти, Мирзачўл, Фарғона водийси ҳамда Тошкент, Қўқон шаҳарларида яшашган.

Биринчи жаҳон уруши йилларида ҳам белоруслар кочоқ сифатида Туркистонга келишган. Туркистонда фуқаролар уруши тугатилган сўнг белорусларнинг келиши кучайган. Бу ҳолат 50- йиллар бошларида ҳам кузатилади. 1966 йилги Тошкент шаҳри зилзиласини тугатишда 2 минг белорус қурувчиси қатнашган. 1970–1975 йилларда Тошкент трактор заводи қурилишида белорус мутахассислари қатнашган. 1990- йиллардан белорусларнинг этник ватанига қайтиш жараёни бошланди.

Ўзбекистонда 1926 йилда 3 515, 1979 йилда 19 073, 1988 йилда 29 427, 2000 йилда 20 397 белорус яшаган.

IX. 2. Анъанавий хўжаликнинг ўзига хос хусусиятлари

Марказий Осиё **араблари** хўжалигида чорвачилик етакчи

ўринда туради. Суғориладиган ҳудудларда деҳқончилик билан шуғулланишади. Араблар ҳўжалигида қоракўл кўйлари ва туя боқилган. Рўзғор хунармандчилигида кўпроқ гилам тўқишган. Шеробод ва Денов араблари гиламдўзлик билан шуғулланган. Тураржойлари асосан ўтов ва қапа ҳисобланган. Уй ичининг тузилиши, буюмларнинг жойлашиши ва кийим-кечаклари ўзбекларникига ўхшаш бўлган.

Кадимда уйғурларнинг аксарияти деҳқончилик билан шуғулланиб, ўтроқ ҳаёт кечирган. Шу сабабли уларда қабиларуғдошлик муносабатлари йўқолиб, яшаган жойлари номи билан аталиб келган. Уйғурларнинг тоғли ўлкаларидаги ва чорвачилик билан шуғулланган қисми кўчманчи ҳаётга мослашган. Еттисув ва Фарғона водийси ерларига кўчиб ўтган уйғурларнинг аҳволи унчалик яхши бўлмаган: ер етишмас, ер бўлса ҳам ярқисиз, унумсиз ерлар мавжуд эди. Унумдор ерлар бойлар кўлида эди.

Уйғурлар янги ерларга кўчиб келганларидан кейин янгидан сув чиқариш, ариқ, каналлар қазिशга мажбур бўлишган. Кўп жойларга сув етишмас эди. Уйғур деҳқонлари буғдой, арпа, тарик, қунак, маккажўхори, жўхори, шоли экишган. Қаноп, кунжут етиштиришган. Деҳқончиликдан уч пайқаллик тизими қўлланилган. Ерларни гўнг ва кунжут билан озиклантиришган. Ёғоч сапан (бугуса) билан ҳайдалган ва кўлда экилган. Ҳосил ўроқ (оғақ) билан ўрилган. От ёки хўкизлар, тулуқ (тош) билан янчилган.

Деҳқончиликда ишлатиладиган асбоблари ўзбекларникидан фарқ қилмаган. Қетмон, омон, мола ва х. к., ерни юмшатиш учун чанчаба (кичкина қрак) ишлатилган. Уйғурларда боғдорчилик яхши ривожланган. Умуман, уларнинг кўпи яхши боғбон ва полизчи бўлган. Қувғинликда (полиз ерларида) қовун, тарвуз, ҳар хил қовоқ, сабзавотлардан пиёз, сабзи, редиска, гаримдори, укроп ва бошқа хил кўкат етиштирилган.

Фарғона водийси ва Еттисувдаги ҳар бир хонадонда албатта боғ бўлган. Унда узум, шафтоли, ўрик, анор, олма, нок, жийда дарахлари экилган. Фарғона уйғурлари пиллачилик билан шуғулланган. Ҳар бир уйғур қишлоғида сув тегирмони, жувоз бўлган.

Дунганларнинг аждодлари деҳқон бўлган. Улар буғдой, арпа, маккажўхори, кунжут, кунгабоқар, кўкнори, беда, жўхори экишган.

Қирғизистон, Қозоғистон ва Марказий Осиёнинг бошқа ерла-

рига келганларидан сўнг атроф-тевараги ерларига қараб турли хил экин экиш бўйича ихтисослаша бошлади. Жумладан, Боткент шаҳри атрофидаги ерларга ўрнашган дунганлар шоликорлик. Ўш дунганлари пахта етиштириш, Алма-Ати, Ёркент атрофидаги ерларга ўрнашган дунганлар ғалла-дон экиш, тармоқчилик билан шуғуллана бошлади. Дунганлар орасида боғдорчилик, сабзавотчилик, полизчилик, соҳалари ҳам ривожланган.

Дехқончиликдаги иш тартиби, қўлланадиган қуроолари жиҳатидан дунганлар бу ерларнинг туб аҳолисига яқин туради.

Корейсларнинг асосий машғулоти шоликорлик, чорвачилик, балиқчилик, ипакчилик, хунармандчилик ҳисобланади. Корейсларнинг кўпчилиги деҳқон одамлардир. Жуда меҳнатқаш, сергайрат халқ. Шу сабабдан ҳам бу ерга кўчиб келган йиллардаёқ, ерни суғориб, деҳқончилик қилиш билан шуғулланганлар.

Кейинги йилларда Марказий Осиёда шоли етиштиришнинг бир неча баравар кўпайишида уларнинг улкан ҳиссаси бор. Шоликорликда янги нав – кёнжо номли навнинг жорий этилиши хўжаликнинг бу соҳасини тез суръатлар билан ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлди. Бу хил шоли Тошкент вилоятидаги “Политотдел” жамоа хўжалиги шоликорлари томонидан 1928 йилда етиштирилган эди. Кёнжо шолиси экилган ерларда ҳар гектардан 50 центнерга етказиб, яъни маҳаллий нав шоли экилган ерлардагига нисбатан қарийб 20 центнер ортиқ ҳосил йиғиштириб олинган.

Корейслар шолчилик билан бир вақтда сабзавотчилик, полизчилик, резаворчилик билан ҳам яқиндан шуғулланиб келадилар. Бу ота-боболаридан қолиб келаётган азалий касбдир. Корейслар кўчиб келганларида жуда кўп ва хилма-хил сабзавот экинлари уруғларини олиб келган эдилар. Улар Марказий Осиё ерларига кириб келган вақтдан бошлаб корейс карами, саримсоқ пиёз, пиёз, турп, бодринг, бир қанча дуккакли экинлар анча кўпайди. Каноп етиштирила бошланди. Ўзбекистон билан Қозоғистонда бир қанча корейс фермер хўжаликлари ташкил этилган. Бу хўжаликлар ҳозирда ҳосилдор хўжаликларга айланган.

Хунармандчилик. Уйғурлар жуда қадимги турли-туман хунарлар билан шуғулланиб келишган. Улар орасида тикувчи, тўқувчи, этикдўз, телпакчи, ғишт терувчи, сувоқчи, темирчи, кўнчи, заргар, дурадгорларни учратиш мумкин. Камроқ бўлса ҳам нонвой, саргарош, саватчи, совунгар каби касб эгалари топилади.

Ёркент, Андижон, Ўш ва бошқа йирик шаҳарларида усталар нафақат ўз эҳтиёжлари, кўни-кўшнилари учун, шунинг билан бирга бозорларга олиб чикиб сотиш учун ҳам хар хил буюмлар ясашган. Шу сабабдан ҳам кўплари йирик бозорларга яқин жойларда яшар эди.

Уйгурлар орасида пахта ва пилла толасида чархда ип йигириш хунарлари ҳам кенг тарқалган эди. Бу ишлар билан асосан аёллар ўз уйларида шуғулланар эди. Яна камишдан бўйра тўкиш билан кизикадиганлар ҳам кўп эди.

Еттисув ва Фарғона водийсига кўчиб келган уйгурлар маҳаллий аҳоли, айниқса ўзбеклар, тожиклар, қозоклардан бир қанча хунарларни ўрганади. Масалан, қозоклардан кигиз тайёрлашни билиб олишган.

Дунганлар орасида энг кўп тарқалган касб-хунарлар: савдо-гарчилик ва аравақашлик – юк ташувчилик бўлиб, улар Бишкек, Тўқмоқ, Верний (Алма-Ата), Тошкент, Прежевальск орасига қатнаб, ўсимлик ёғи, ун, бугдой, гуруч билан савдо қилишган.

Шаҳарларда яшаётган дунганларнинг кўпи ошхона, карвонсаройларига жойлашиб олган эди. Баъзилари дунган таомлари билан савдо қилишарди. Ҳолва–тунжин пишириш, шунингдек, чигачилик (динва) билан шуғулланган.

IV – V асрлардаги урушлар ва ҳужумлар даврида Хитойнинг деярли барча шаҳарлари таланган ва ёндирилган. Қадимий пойтахтлар Чанъан ва Лоян харобазорга айлантирилган. Хитой жанубидаги шаҳар ҳаёти қишлоқникидан фарқ қилмасди.

VI асрга келибгина шаҳар ҳаёти ва шаҳарсозлик қайта тикланди. Шаҳарлар чегара қасрлари, савдо хунарамандчилик марказлари сифатида хомашё мавжуд бўлган жойларда, дарё бўйлари, денгиз қирғоқларида пайдо бўлди.

Ўрта аср дунёсининг йирик шаҳри Чанъан режали қурилганлиги билан ажралиб турарди. Унинг шарқий қисмида император саройи ва аристократия хонадонлари жойлашган. VIII аср бошларида даосизм, буддизм, несториан, зардуштийлик, маздакийлик, монийлик ибодатхоналари мавжуд эди. Бир неча бозорлар бўлган.

XII аср бошларида буюк канал бўйида Ханчжоу шаҳри қурилди, шимолда Кайфин пайдо бўлди. Чэнду, Ченгжоу, Сучжоулар йирик савдо-хунар марказларига айланди. Гуанжоу, Цюанжоу, Учан каби порт шаҳарлар кенгайтирилди.

Шахарлар харбий-мудофаа, маъмурий, иктисодий, маданий функцияларни бажарган. Юкори даражадаги амалдорлардан ташкари, фукароларнинг кечаси кўчаларда юриши тақиқланган. Шахарлар девори ва тўсиклардан ошиб ўтганлиги учун 70 дарра жазо усули жорий этилган. Илк ўрта асрлар конунларида, шахарликлар учун алоҳида нормалар бўлмаган.

Суй ва Тан империялари даврида тоғ саноати ва металл эритиш саноати пайдо бўлди. Цзянсида сопол ва чинни маркази, Янчжоуда кемасозлик маркази шаклланди. Ченду шойилари, Буюк ипак йўли орқали дунёга тарқалган.

Хунарманд буюртмага қараб ишлар, ортиқчасини бозорда сотарди. Монастирлар хузурида ҳам устахоналар бўлган. Бир соҳа хунармандлари бир кўча ёки маҳаллада яшаган. VI асрда унинг асосида савдо-хунар бирлашмалари таркиб топди – туан ва хан (Европада цех – XI – XII аср). баъзи ханларга 400 тагача оила кирган. Ханни оксоқоллар бошқарган. Ханлар шогирдлар олиб, иш вақтини белгилаганлар, касб сирини сақлаганлар.

VII – VIII асрларда давлат хунармандчилиги ҳам анча тараккий этди. Конлар, устахоналар, малака талаб қиладиган хунарлар меросий бўлган. Катта шахарларда бозор амалдорлар назоратида бўлиб, кун ботиши билан бекитилган. Дўконлар, устахоналар жойлашган ер учун, сотилаётган чой учун алоҳида солиқ солинган, (те – яшил барг) контрабанда чойини сотган савдогар уч марта қўлга туширилса ўлдирилган.

Хитой манбаларида Янцзи дарёсидан жанубда яшаган кўп сонли Юэ қабиласи ҳам тилга олинган. Бу қабилаларнинг кўпчилиги асосан тай халқларининг, шунингдек, индонезлар, вьетнамлар ва монкхмер халқларининг аجدодлари ҳисобланган. Хитойнинг ўзига хос менталитети, анъанаси, урф-одатлари, ахлоқ нормалари, миллий ғояси ва маданияти мавжуд. Асосан, қишлоқ ҳўжалигида шоли, пахта етиштириш, пиллачилик, боғдорчилик, чой етиштириш билан шуғулланадилар. Хитой чинниси дунёга жуда ҳам машҳур ҳисобланади.

Марказий Осиё халқларидан бири ҳисобланган **яхудийлар**, қадимдан бошқа миллатларга деярли қўшилмай, ўзлари алоҳида ҳўжалик юритиб келишган. Уларнинг хаттоки ўз ерлари ҳам бўлмаган. Амирлар, Россия империяси ҳукумати **яхудийларга** ер бермаган. Шу сабабдан турли хунар ва савдо-сотик, қисман

тўқувчилик билан шуғулланишган. Улар орасида оз бўлса-да, ўз заргарлари, машиндўз (тикувчи), телпакдўз, сартарош (мўйсаргир), кир ювувчилари (жомашўй) бўлган.

Яхудийлар орасида энг кўп тарқалган касб – бўёқчиликдир. Уларни кабудгар дейишган (кўк индиго – нил бўёқ билан бўёвчиларни кабудгари дейишган).

Олимлар лўлиларни учта этнографик гуруҳга бўлади: 1) асосан кўчманчилик қилиб, хайр-садака йиғиб кун кўришадиган, фолбинлик, табиблик, заргарлик қилувчи лўлилар; 2) товоқтарош, улар ярим ўтроқ ҳаёт кечиришади, асосан, ёғочга ишлов бериш билан шуғулланишади, хусусан ёғочдан бешик, товоқ, қошиқ, чўмич ясашади. Қадимда уларнинг асосан ёғоч товоқларига эҳтиёж катта бўлган, шу сабабли уларни товоқтарошлар деб аташган; 3) мазанг, ўтроқ лўлилар (жўгилар), асосан майда савдогарчилик билан, шунингдек, деҳқончилик билан шуғулланишади.

Лўлиларнинг эркаклари от урчитиш, овчилик, темирчилик, металл эритиш, сават тўқиш, ғалвир, элак қаби буюмлар яшаш ҳамда айиқ, маймун, илон ўргатиш билан шуғулланишган. Аёллари эса тиланчилик, фолбинлик қилишган.

IX. 3. Моддий ва маънавий маданияти

Тураржойлар. Яхудийлар алоҳида маҳалла-маҳалла бўлиб яшашган. Уларнинг уй-жойлари эски шаҳар қисмида жойлашган. Кўп ерларда яхудий маҳалла ёки гузарлари бир неча бўлакка бўлинган. Жуда қадимдан яшаётган яхудийларнинг жойи кўҳна маҳалла (гетталари) деб юритилган.

Марказий Осиё яхудийларининг уй-жойлари, ўзбеклар билан тожиклар уй-жойларидан деярли фарқ қилмайди. Лекин уларда ичкари-ташқариси бўлмайди. Хоналари одатда деразасиз қурилади. Туйнук панжара (*яхудийларда тобадон*) ёки хона эшикларидан тушиб турадиган ёруғда ўтиришади. Ҳар бир хона олдидан сени (*даҳлиз*) қурилади. Хона полига бўйра тўшалади. Устидан шолча, намат, гилам солинади. Қишда, совуқ кунлари асосан сандал ёнида ўтиришади ва ўша ерда тамадди қилишади. Хўжалик хоналарида ошхона, хезумхона (*ёқилхона*), ангиштхона (*кўмирхона*), говхона (*огил, молхона*), аспхона (*отхона*) лар қурилган.

Мамлакатимизга кўчиб келган корейслар янгича уйларда яшай бошладилар. Лекин улар ўз миллий анъаналарини давом эттиришмоқда. Чунончи, уйни иситиш, хоналарнинг жойланиши ва улардан фойдаланиш бобида ўзларига хос тарзда иш тутадилар.

Корейс хонадонидида албатта алоҳида ошхона – *пуок* бўлади. У ерда икки-уч қозон ўрнатилган лой ўчок – печь қурилади. У одатда хонанинг ярмини эгаллайди.

Ётоқхонани *уккан* дейишади. Хонанинг полига қамиш бўйра солинади. Поли остида уйғурларнинг *қонгли ўчоқ* сингари ўчок қувири ўтқазилган бўлади. Учоқда олов ёкилганда бу хонанинг поли ҳам исийди. Хонадон аъзолари иссик полда ўтириб иссик полда ётадилар.

Корейслар уйда учинчи хона *марупань* ёғоч полли қилиб қурилади. Одатда, бу хона меҳмонхона вазифасини ўтайди. Меҳмон келмаган пайтда аёллар ётиб юрадилар.

Қайси вақтда, кимлар билан келганларига қараб уйғур оилалари ҳар хил ерларга жойлашади. Синьцзян туманида кўни-кўшни бўлиб яшаган ва қавм-қариндошлик алоқалари билан боғланган оилалар бир ерда бўлишга ҳаракат қилишган ҳамда алоҳида-алоҳида қишлоқ бўлиб жойлашган. Қишлоқларнинг номлари ҳам эскича, яъни Синьцзянда нима деб аталган бўлса, шу ном билан юритила бошланган. Қишлоқларда ҳовли хонадонлари сони ҳар хил бўлган. Йирикларида 500 – 900 хонадон жойлашган.

Қишлоқларда уйлар ёнма-ён, бир-бирига тақаб қурилган, ҳар бир ҳовлида мевали боғ, уй орқасида ўзига яраша томорқаси мавжуд бўлган.

Ҳовли-жойларни йўл чеккалари, сув бўйлари, тоғ этакларида қуришган. Кўчаларга дарахтлар (тоқ, терак, чинор) ўтқазилган. Ҳовлиларига кўплаб хилма-хил гул ёкилган, чунки уйғурлар гулларни ниҳоятда яхши кўришади.

Йирик қишлоқларнинг ўз бозори бўлган. Қишлоқнинг энг яхши, тепа жойида масжид қурилган. Дўқондорларнинг турли дўқонлари жойлашган.

Уйларни паҳса ва хом ғиштлардан қуришган. Деворларининг юқори қисмида очик жой-туйнуқ қолдириб, дераза, панжалар ўрнатилган. Уйнинг бурчаги ёки деворларнинг ўртасига ўчок – морочоқ қуришган. Илгари ўзига тўқ, бадавлат уйғурларнинг уйларида қонгли ўчок бўлган. Хоналарнинг биридан қаттами-кичик

супа – конг килиб, ўчоқ қувури ана шу супа ичидан ўтказилган. Ўчоқ тутуни хона бурчагига девор бўйлаб ўрнатилган қувурдан ташқарига чикиб кетади.

Қадим уйғур ҳовлисида усти берк, кенг ички ҳовли – долан (дахлиз) бўлган. Дарвозадан тўғри шу доланга кирилган. Доланнинг бир ёғи меҳмонхона (сарой), ўчоқхона, ошхона, кейин ҳар хил катта-кичик хоналар (омбор, санг, қазнок) келади. Доланнинг бошқа тарафига молхона (егил), сомонхона (сомонлик) каби турли ёрдамчи хўжалик хоналари қурилган. Бу хоналарга ҳам дахлиз–доландан кирилган. Доланнинг орқа тарафида ҳовли, томорқа, боғига чиқадиган айвон – лампа бўлади. Бу ерга ўчоқ қурилган бўлиб, ёзда овқат шу ерда пиширилади. Боғда баранглик бир ёғига пахса девор урилиб, усти шох-шаббалар билан ёпилган айвонда ўтириш мумкин.

Уйғурлар орасида кенг тарқалган ҳовлилардан яна бирини айтиб ўтиш керак бўлади. Юқорида кўрсатилган ҳовли тўрида хоналарнинг ҳаммаси ёнма-ён қурилиб, бир том остида бўлса, кейинги хил ҳовлида хоналар алоҳида-алоҳида жойлаштирилади. Дарвоза орқали дахлизга эмас, ҳовлига кирилади. Ҳовлининг ўнг ва чап тарафларига алоҳида икки-уч хонали уйлар қурилган, уйларнинг энг каттасида ота-оналари туради. Кичикроқ уйлар – уйланган ўгиллариники. Хўжалик хоналари алоҳида жойлаштирилган. Уларнинг олдига бошидан-охиригача чўзилган айвон қурилган.

Дунганларнинг уйлари шимолий Хитой ерларидаги фаиза уйларига ўхшайди. Деразалари ҳовли ичига қаратиб ўрнатилади. Ҳовли чор атрофдан баланд лой девор билан ўраб олинади. Баъзан дунган уйлари хом ғишт ва тошдан ишланган синчли деворлар билан ўралган. Ғиштни бир хил эмас, навбатма-навбат бир қатор узунасига, бир қатор тиккасига ўрнатиб кетилади. Деразага панжара ўрнатиб, мой қоғоз ёпиштириб қўйишади, хонанинг ташқариси (ҳовли томони) айвон билан тўсилади. Хонанинг бири, уйғурларники сингари, конг билан иситилади.

Ҳовлида шийпон тахлит айвон қурилади. Икки тарафидан ток кўтарилган бўлади. Атрофига турли-туман гуллар экиб, гулзор қилиб қўйилади. Хуайян (гулзор) чор атрофидан пастак қамиш девор билан ўраб чиқилади.

Хоналарга пастак, кичик шкафлар (комод, гуйжусе, юмалоқ ва тўртбурчак нарсалар) ўрнатилган.

Уйлари лойдан пастаккина бўлиб, усти камишдан ёпилган. XX асрнинг 30-йилларида ва иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда пахсали уйлар пайдо бўлган. Ўтмишда лўлиларда шоманда одати бўлган. Қариндош-уруғ лўлилар оксокол раҳбарлигида эрта баҳордан то кеч кузгача дарё водийларига чодир тикиб кўчиб кетишган. Совук тушиши билан яна ўз жойларига қайтиб келишган ва шу одат ҳозир ҳам баъзан сақланиб қолмоқда. Лўлиларнинг икки хил чодир бор: чодир зимистон (қишки) ва чодир соябон (ёзги).

Кийим-кечаклар. Арабларда жунли матолар кўп ишлатилган. Масалан, кигиз астарли тўн – **чайдамия** бошка этник гуруҳларда кебенак деб аталади. Шунингдек, ичи мўйнали пўстин мўйнасини турига кўра кўзи пўстин, барра пўстин, тулки пўстин каби турларига бўлинган. Чўпонлар эса совук киш пайтларида пўстин билан биргаликда ичи мўйнали чолвар ҳам кийганлар.

Кекса арабларда эса рўмол шаклидаги белбоғлардан эмас, балки узунлиги 3–4 метрли бўлган бир неча марта ўралган вазра-камардан фойдаланганлар.

Эркаклар анъанавий бош кийим сифатида салла ўраганлар. Салла 4–5 метрли мато бўлагидан ўралган бўлиб, уни ҳамиша кийганлар. Аммо иш пайтлари кичкинарок, байрам, тўй пайтлари эса каттароқ ҳамда салобатлироқ қилиб ўраганлар. Салла ипак, пахта ва жун матоларидан турли рангларда тайёрланган. Диккатга молик томони шундаки, араблар ёшига қараб турли рангдаги саллалар ўраган. Ёш эркаклар одатда кизил салла, ўрта ёшлилар кўкиш рангда ва кексалар эса оқ рангдаги саллаларни ўраганлар. Бўйдоқ ёшлар ва уйланган ёш эркаклар оддий **гарди салла** кийганлар. Албатта, саллани тўғридан-тўғри бошга эмас, балки калапуш кийиб, уни устидан ўралган, кексалар салла остидан кўлоқ кийганлар. Араблар қадимдан мўйнали телпак ҳам кийганлар.

Анъанавий оёқ кийимлари ҳам турлича бўлиб, одатдаги **этик**, махси-кавуш билан кийганлар. Чўпонлар эса юмшоқ чарм **чирик**дан ва энг сифатли ҳисобланган **калла хасани** номли чармдан **этик** тайёрлаганлар. Шунингдек, қора ва яшил теридан тайёрланадиган кавуш энг кимматбаҳо ҳисобланиб, эшак терисидан тикилган. Бундан ташқари, арабларда оқ теридан қора рангли кавушлар ҳам бўлган. Этик-муъзалар эса оқ дағал теридан тайёрланган.

Кувёв тўй пайтида очик рангдаги кўйлак, йўл-йўл пахтали мато-

дан иштон, беқасб (ўзбекларда беқасам) чопон, унинг ичидан оқ матодан енгил ятак, шойи атласдан келин томондан махсус тайёрланган белбоғ ва камар такқанлар. Куёвнинг бош кийими қизил, тўқ қизил ёки қизил салла бўлиб, бир учига кашта тикилган ва жиға тақилган.

Аёллар кийими таркибига кўйлак, иштон, камзул ва пахтали халат кирган. Араб аёлининг қадимги кўйлаги Ўрта Осиё учун хос бўлган нов шаклдаги кийимдир. Шундай одат бўлганки, устма-уст икки кўйлак кийиб, устидаги кўйлак кенгроқ ва узунроқ бўлган. Кекса аёллар оқ ёки кўк рангдаги кўйлак кийганлар ва унинг узунлиги тўпикқача етиб, янги ва ёқаси қора кашта билан безатилган. Араб қизлари яқин кунларгача “мунди ёқа кўйлак” кийганлар. Турмушга чиққан аёлларнинг кийимлари тик ёқали бўлган. Кўйлак – кенг ва узун ҳамда узун енгли бўлиб, анъана бўйича қизларнинг кийимлари ўрта ёш ва кекса аёлларнинг кийимларидан узун бўлган. Араб қизлари турмушга чиққандан сўнг қизлик кўйлагини вертикал ёқали қисқа қирқимга эга бўлган кўйлакка алмаштирадilar. Бундай фасондаги кўйлак келиннинг ота-оналари томонидан тайёрлаб кўйилади. Янги оилада биринчи фарзанд туғилгач, аёл оналар кўйлаги–субинморони кийишни бошлайдилар. Унинг ёқаси узун вертикал қирқимга эга бўлади.

Араб аёлларининг анъанавий кийимларида ўзига хосликни сақлаб қолган бош кийими **гиззадир**. У қизил сатин, алвондан тикилади, ёқаси ўйма, қора сатиндан жияк тикилади. Бу жияк устидан оқ ипдан ҳошия каштали бўлади. Гиззанинг олди белигача тушади, енги эса калта, тирсаққача ётмайди. Орқа томони кўйлак узунлигида бўлади. Кўкрак томони оқ ипак билан чиройли кашталанган бўлади. Бўйигача бўлган қисми уч-тўрт хил рангдаги материалдан кўндаланг тикилади. Устидан эса саккиз-ўн қатор кумуш танга балдоқ мусулха ва бошқа ялтироқ тақинчоқлар териб тикилади. **Гизза** икки хил: биринчиси, қизил гизза, буни араб қизлари 4 ёшдан бошлаб киядилар. Қиз гиззаси қизил рангда бўлиб, уни қизлар турмушга чиққунларигача киядилар. Иккинчиси, оқ матодан тикилади. Уни турмушга чиққан кунларидан бошлаб киядилар. Араб қизлари турмушга чиққанларидан кейин уч кун ўтгач, “**қасабандан**”, яъни кўрпа йиғди деган маросим ўтказилади. Бу маросимда кишлоқ аёллари қатнашадилар. Куёвнинг отаси мол сўйиб, кишлоқ аёлларига зиёфат беради. Келиннинг яқинлари совға-салом олиб келади. Шу

куни келинга кизил газмолдан тикилган қалин каштали, ҳошияли бош кийим—**бухнак** кийдирилади. У пешонадан бетгача тушиб, пешона, кулок-чаккани ёпиб туради. Боғичи билан ияк остидан боғланади. Бухнак устидан эса тақинчок **синсила** тақилади. Бош ва пешона тақинчоғи бўлган синсила байрам кийими билан бирга тақиладиган кийим тақинчоклар мажмуасидир.

Барча табақадаги араб кизлари ва аёллари илгаридан ҳаммабоп тақинчокларни таққанлар. Уларнинг сифати ва сони оиланинг иқтисодий ҳолатига боғлиқ бўлган. Тақинчоклар ичида энг кўп тарқалгани ва барча аёллар тақиши зарур бўлган тақинчок—билакузук ва узук ҳисобланган. У мовий, яшил кўзли бўлиб, қумуш ёки тиллодан ясалган. Шуниси характерлики, Ўрта Осиёнинг бошқа маҳаллий халқларида кенг тарқалган кулок тақинчоғи сирға арабларда жуда кам учрайди. Фақатгина бурунга тақиладиган сирға (измак, нагги, чет-нагги)ни олдинлари араб аёллар кўп таққанлар. Ҳозирда эса кекса ёшли момолардагина сақланиб қолган.

Марказий Осиё яҳудийларининг усти-бошида ўзига хос миллий анъаналар яхши сақланган. Эркакларнинг кийими узун кўйлак (курта) ва иштон (эзор) дан иборат бўлиб, улар ҳар хил бичимда тикилган. Аёлларнинг кийими эса (ич кўйлак), куртаи рў (устки кўйлак), иштон (эзор) дан иборат бўлган. Бош кийимлари ҳақида шуни айтиш керакки, эркаклари телпак, коракўли, каллапўш, дўппи, кишда бараги, аёллар эса ёшига қараб дурра рўмол ўрашган. Эмизикли боласи бор жувонлар лачак кийиб юришган.

Уйғурларнинг усти-боши кўп жиҳатдан кўни-кўшнилари, маҳаллий аҳолиникидан кескин фарқ қилади. Эркаклар тор тик ёқали кўйлак билан кенг боғичли иштон – танбал кийиб юришган. Иштоннинг пойчаси этик ичига тикиб юрилган. Кўйлак устидан энги тор, тик ёқали бешмет, кейин узун чопон кийилган. Чопон устидан узун чит белбоғ боғланган. Қишда кўй терисидан тикилган пўстин жуга кийилган. Оёққа маси (махси), чарим калиш, этик кийилган. Аёллари – узун кенг қилиб тикилган кичкина тик ёқали кўйлак, пастга торайиб борадиган иштон кийиб юришган. Турмушга чиққан аёлларнинг кўйлаги олдида кўкрагидан, киз болаларники эса елкасидан тугмаланадиган қилиб тикилади. Кўйлак устидан уйда ҳам, кўчада ҳам кўпинча тугмаланмайдиган этаги тиззага тушиб турадиган, энгсиз камзул кийиб олишган. Хитойда кўйлак ҳам кийишган. Бошларига дўппи ёки рўмол ўрашган. Қишда чети

мўйнали япалок телпак кийишган. Бойроқ аёллар байрам кунлари четлари майда бурма рангдор тошлар билан безатилган учли юмалоқ телпак – кимхоб бўрк билан кўчага чиқишган. Камбағал аёллар телпакларини мунчок, тангачалар билан безатишган.

Фарғона водийси уйғурлари билан Еттисув уйғурларининг кийими бир-биридан анча фарқ қилади. Фарғоналик уйғурлар яқтак, ўзбекларникига ўхшаш қавилган пахтали чопон кийишади. белбоғларига қинига солинган пичоқ билан ностўрва ёки носковок осиб олади. Қишда чопон устидан чакмак кияди.

Дунганларда эркакларнинг усти-боши куртка (гуаза) ва узун чопондан иборат бўлган. Куртка кора ёки кўк матодан тикилган. Кенг кўйлак (санза), богичли иштон (кўзи), оёқларига пайпоқ, чуқур, узун, паст пошна туфли, бошларига мўйна телпак, оқ ёки кулранг юпка наamat қалпоқ кийишган. Шаньси дунганлари ёзда айвони кенг катта сомон шляпа кийиб юришган. Остидан дўппи кийиб олишган. Дунган аёлларининг кийими эркакларникидан деярли фарқ қилмаган. Кўйлакларнинг ранги ёрқин газмоллардан бўлиб, анча узун қилиб тикилган. Иштонларнинг пойчаси қора шойи ёки сатин парча кўйиб тикилади. Ингичка лента билан безатилган бўлади. Кўйлак-иштон устидан чопон кийиб олган. Чопон ичидан албатта энгсиз нимча (жинжизи) кийишган.

Ҳозирги корейслар орасида ўз миллий кийимида юрадиганлари анча камайиб кетаяпти. Фақат қария аёлларда, у ҳам бўлса кўпинча байрам-тантана кунлари бундай ҳолатни кузатиш мумкин. Ёши катта эркак ва аёллар асосан оқ кийимни яхши кўрадилар. Кекса хотинлар бурмали одми юпка, энглари узун оқ кофта, калта кўйлак кийиб юрадилар. Оқ чесуча ва газламадан кўп фойдаланишади.

Корейс аёллари энглари узун оқ калта кўйлак, чотари ва узун бурма юбка – чхима кийиб юришади. Юбканинг ранги сариқ, пушти, яшил ранг газламадан бўлади.

Эркакларнинг кийими кенг иштон – падзи ва аёллар кўйлаги сингари тикилган, лекин нисбатан узун кўйлак, кўйлак устида одми матодан нимча – чокки киядилар.

Бош кийимлари орасида сомон шляпа – кат кўп ишлатилади. Аёллари бошяланг ёки рўмол, дурра ўраб юрадилар.

Марказий Осиё лўлилари ўзбек ва тожикларнинг кийим-кечаклари ва урф-одатларини қабул қилишган. Лўлилар кийинишда, асосан, ерли аҳолидан фарқ қилмасликка интилишади. Эркаклари

чопон (тўн), этик, телпак, баъзан белбоғ ўраб юришади. Аёллари ҳам маҳаллий аҳолидек кийинишса-да, лекин рўмол ўрашлари фақат лўлиларга хос. Лўлиларнинг эркаклари ҳам, аёллари ҳам асосан кора ва кўк ранглари ёқтиришади.

Таомлар. Яхудийлар овқатланиш масаласида диний урф-одатларига жуда катта эътибор беришган. Овқатлари икки турга бўлинади: сут ва гўшт таомлари. Чўчка, от, туя гўштini ёйишмаган. Улар орасида энг таркалган ош турларидан палов, оши поракарда, сирканиз, ошимохи, бахшни алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. Булар яхудийларнинг миллий таомлари ҳисобланади. Улар обинон, қуймоқ, чалган, арқонпак пиширадилар, шинни, кама истеъмол қиладилар. Боғдорчилик, резаворчилик билан ҳам банд бўлишган. Ҳунармандчилик соҳасида ғиламдўзлик эркакларга хос соҳа бўлган.

Корейслар дастурхонида ҳамма вақт албатта гуруч билан сабзавотлар бўлиши шарт бўлган. Корейслар гуруч қайнатиб истеъмол қилишади. Уни корейс тилида пап дейишади. Ширгуруч ҳам тайёрлашади. *Кимчхи* номли аччиқ-чучуги салати жуда ейимли бўлади. Одатда тузланган карамдан ёки бодринг ва турпдан тайёрланади. Корейс пиёзи ва саримсоқ тўғраб, қалампир сепилади.

Байрам кунлари, турли сайил, маросимлар вақтида, меҳмондўстликда кукси ва чхалток тайёрлашади. Кукси хамир овқат угра, хамирошга ўхшаб кетади. Хамирни ниҳоятда ингичка, соч толаси қалинлигида тўғралади. Кейин майда тўғралган қайнатма ёки қовурма гўшт, ловия, кимчхи, қалампир солинган шўрвада пиширилади.

Чхалток таоми жуда қизиқ усулда тайёрланади. Дамлаб пиширилгач, гуручни катта ёғоч идишга ағдариб, икки эркак галма-гал катта болғалар билан уриб янчадилар. Гуруч эзилиб хамирға ўхшаб қолади ва дастурхонга қўйилиб ловия, нўхат ва бошқа кўкатлар билан қўшиб истеъмол қилинади.

Уйғурлар овқатга маккажўхори, ун, гуруч, сабзавот ва гўштни кўп ишлатади. Ундан хилма-хил таомлар тайёрланади. **Қатлама**, ёғли ёки ёғсиз пошқал, сангза – ўрама пиширадилар.

Хамир овқатларнинг хили кўп. Ҳамма яхши биладиган **чўзма** лағмон, чушура, манти, мампарлардан ташқари, хавилваш (**узма** ош), манжура ош, умоч (хамирни ғалвирдан ўтказиб ёғли гўшт, думба тўғраб, кўкат аралаштириб тайёрланади). Булардан **ташқари**.

хулук нон (хоним сингари), гўшт нон, сомса, палау, шавла, шовла, суюк ош хам тайёрлашади.

Уйғурлар ар чина ёки пакура чина (кичик ва катта пиёла)ларда аткан чай (сут чойи) ичишни яхши кўради. Мехмондорчиликда мехмон келган заҳоти ва кечкурун кетишидан олдин албатта ана шу аткан чой беришади.

Уйғурлар хамирдан юзга якин турли-туман таомлар пиширишни билади. Биргина мантининг ўзи бир неча хил бўлади. Пунтуча (пунтуза) таомлари, айникса мош унидан тайёрлангани жуда маза-ли бўлади.

Дунган овкатлари Хитой таомларига ўхшаб кетади. Улар хам хамир ва сабзавотларни кўп истеъмол қилишади. Таом пиширишда ўсимлик ёғидан ташқари, мол ёғи хам қўлланилади.

Дунганлар мол ва қўй гўштини истеъмол қилади. Суюк ошни яхши кўрадилар. Ун оши, нўхат, ловия шўрва ичади. Дунганларнинг энг сеvimли полиз экинлари қовун билан тарвездир. Оби нон, айникса, димлама нон ейишади. Қурук мева билан чой ичишни ёктиришади. Овқатни ёғоч, суяк ёки бамбукдан ясалган таёкчалар (қуэзи) билан истеъмол қилишади.

Дунганлар қишда ёғли, ёзда эса ёғсиз овқатлар тайёрлайдилар. Илк баҳорда витаминларга бой ёввойи ўтларни кўп ишлатади. Ёзнинг дастлабки кунлариданоқ кўк ловия, янги картошка, сабзи ишлатилади. Июль ойидан ширин кўк булғори гаримдориси, баклажон, синьчуан карами – сунзи, помидор ва бошқа сабзавотлардан фойдалана бошлайди.

Дунганлар киши организмнинг талаб эҳтиёжларини назарда тутиб, кун давомида муайян тартибда овқатланадилар. Нонуштага одатда совук ош, мастава, атала (бантон), тушдаги овқатланиш пайтида лағмон, ширгуруч, турли бошқа хамирли овқатлар тайёрланади. Сабзавот билан қўшиб пиширилган гўшт, сабзавотлардан тайёрланган салат хам қўйилади.

Маънавий маданият. Араб тилидаги маданият сўзи ўз замонаси учун жуда юксак цивилизация хисобланиб, Ғарбий Европа ўрта асрлар жамиятига катта таъсир кўрсатган эди. Маданиятнинг вужудга келишида араблар катта роль ўйнаганлиги сабабли араб маданияти деб аталган бу тушунча халифалик таркибидаги кўп халқлар учун хос эди. Араб тараққиётининг турли соҳаларида Греция-Сурия (Византия), Эрон(Форс), Кавказорти (Озарбайжон),

Марказий Осиё. Ҳиндистоннинг таъсири ҳам бор, албатта.

Шу нарса диққатга сазоворки, византияликлар сингари араблар ҳам антик давр аъёналарини давом эттирдилар. Грек классикларининг асарларини кунт билан ўргандилар ва араб тилига таржима қилдилар. Аристотель, Гиппократ, Птоломей, Евклид асарларини араб олимлари яхши билар эдилар. Европаликлар Аристотелнинг асарлари билан дастлаб арабчадан лотин тилига таржима қилинган нусхалар орқали танишганлар.

Араблар жуда яхши сайёҳ эдилар. Улар нафис адабиёт соҳасида ҳам машҳур асарлар яратдилар.

Араблар монументал бинолар, масжидлар, саройлар, мақбаралар, ҳаммомлар ва бошқа жамоат биноларини жуда антика қилиб қурганлар. Араб архитектурасининг энг қадимги ёдгорликларидан бири Қуддусдаги Умар масжид деб аталган масжид бўлиб, у Умавийлар даврида 688 йилда қурилган. Ҳаддан ташқари сипо, ўзининг ниҳоятда нозик санъаткорона ишланганлиги билан кишини ҳайратда қолдирадиган, жуда зийнатли нақш солиш, араб рассомчилигининг характерли хусусиятидир. Кўл-ёзмалар, китоб муқовалари ва шу кабилар мана шу хилдаги расмлар билан безатилар эди. Қундалик турмуш ҳаётидан олинган хилма-хил мавзудаги ажойиб миниатюралар ҳам кўл-ёзмаларга безак бўлиб хизмат қилар эди.

Барча шаҳарларда яҳудийлар гавжум. ғуж (*яҳудийлар гетталари*) бўлиб яшашган. Маҳаллаларда синагогалар жойлашган. XX асрнинг 30- йиллари бошларида сталинча қатағон даврида 100 га яқин бухоро яҳудийлари ҳибсга олинган, синагогалари, яҳудий мактаблари, театр, музей ва газеталари ёпилган. Улардан адабий эсдаликларнинг машҳур муаллифларидан бири Соломон бен Самуэл бўлган. У 1338 йилда Урганчда яҳудий тили луғатини тузган. Моис бен Довуд форсийда поэмалар битган. XVII аср охири– XVIII аср биринчи ярмида шоир Юсуф Ягуди (Моллах Иосиф бен Исаак) нинг “Етти ака-ука” асари Бухорода машҳур бўлган.

Бухоро яҳудийларининг асосий машғулоти савдо, мушиқашунослик, санъат, хунармандчилик бўлиб, кейинчалик **маиший** хизмат, педагоглик соҳалари, муҳандис, шифокорлик **касблари** ни эгаллашган. Улар орасидан фан ва маданиятнинг **йирик** **ар-**боблари етишиб чикқан; фан докторлари – проф. Ю. И. Исҳоқов, И. А. Калантаров, Б. И. Пинхасов, Н. М. Маллаев, композиторлар –

М. Левиев. С. Юдаков. рассомлар – Ю. М. Елизаров. Ўзбекистон халқ артистлари – Л. Бобохонов, Б. Давидова, И. Окилов. М. Ёкубова, М. Шамаева шулар жумласидандир.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг (1991) Республика Конституциясида барча миллат ва элат вакилларининг тили. урф-одати, анъаналарига ҳурмат билан муносабатда бўлишни, уларнинг ривожланиши учун шароит яратиш кафолатланди. Шундан келиб чиқиб, Бухорода иккита синагога, яхудий тилида ўқитиладиган мактаб ва болалар боғчаси фаолият кўрсатмоқда. Самаркандда “Шофар” газетаси нашр қилинади (1998). Турли диний маросимлар эркин ўтказилади.

Уйғурлар қадимги маданият вакиллари билан биринчи хисобланади. Уйғурлар қадимдан турли ёзувлардан (26 та ҳарф) фойдаланган. Улар V – VI асрлардан бошлаб махсус уйғур ёзувидан фойдалана бошлашган.

Қадимги уйғур мусиқа санъати хитой мусиқасига катта таъсир кўрсатган. Уйғур халқи мусиқасининг гавҳари бўлган 12 мақом XVI асрда Омоннисохон томонидан тартибга солинган.

Уйғурлар ҳаётида тош, суяк, қумуш, мис ва темирдан турли зеб-зийнат буюмлари яшаш ривожланган. Улар қадимдан жун, ипак, пахтадан махсус дастгоҳларда матолар тўқишган. Милоднинг бошларида (III аср) улар томонидан ишлаб чиқарилган қоғоз, археологик казишмалар натижасида топилган, қоғоз нусхаларининг энг қадимгиси хисобланади.

Учта давлат даврида ўрта аср умумкорейс маданиятига асос солинган. Бу давр мафқурасида ибтидоий эътиқод ва тасаввурлар сақланиб қолган. Конфуцийлик ва буддизм кириб келиши билан (расмий дин ва мафқура сифатида) корейс маданиятига хитой адабиёти ва ёзуви таъсир қилган. Дастлабки тарихий асарлар хитой тилида ёзилган. Кореяда (кансо анака) сақланиб қолган мақбаралар, меъморчилик ва тасвирий санъат ривожланганидан далолат беради. Тасвирий санъатнинг фреска тури билан (бўртма сурат) мақбара деворлари безатилган (рухлар фантастик ҳайвон ва қушлар тимсолида). Кенджу туманидаги археологик ёдгорликлар, Силла давлати хунармандчилиги юксак бўлганлигидан далолат беради (V асрга оид соф олтиндан ишланган тож, узук, билагузук, сирга, қуроллар).

VII аср ўрталарида Кенджуга астрономик расадхона қурилган.

Айнан шу даврда умумхалқ тили шаклланган. VII аср охирида олим Сольчхон хитой иероглифлари асосида корейс тили фонетикаси ва грамматик тузилишига мос ёзув системасини яратган. Конфуцийлик буддизм асосидаги ўрта аср мафкураси бирлиги, Кореянинг Тан сулоласи билан мустаҳкам маданий алоқада бўлишига ёрдам берган. Кўпчилиги Чанъан (Хитой)да ўқиб келган. Улар орасида будда роҳибни Хе Чхо (VII аср) ҳам бор эди. У Хитойдан Ҳиндистон ва Марказий Осиёга саёҳат қилган. (“Ҳиндистон подшоҳликлари ҳақида ҳикоялар”). Хитойда таълим олганлардан бири, олим ва ёзувчи Чхве Чхуван (858 – 951) поэзия ва ҳикоячилик жанрларида сермахсул ижод қилган.

Назорат топшириқлари:

1. Марказий Осиёнинг бошқа халқлари деганда қайси халқларни тушунаси?
2. Минтақанинг бошқа халқлари этник тарихи ва этногенези тўғрисида нималарни биласиз?
3. Марказий Осиёнинг кам сонли халқлари этногенези ва этник тарихи ҳақидаги манба ва адабиётларни изоҳлаб беринг.
4. Минтақага турли тарихий даврларда кириб келган халқлар ва уларнинг этник тарихи тўғрисида сўзланг.
5. Яҳудий, уйғур ва корейс халқлари этнологияси тўғрисида гапириб беринг.
6. Марказий Осиёнинг бошқа халқлари анъанавий хўжалиги ҳақида баён қилиб беринг.
7. Марказий Осиёнинг бошқа халқлари маънавий ҳаёти тўғрисида гапириб беринг.
8. Маънавий ва моддий маданият тушунчаларини изоҳланг.
9. Марказий Осиё халқларининг миллий урф-одатлари, анъана ва қадриятларининг умумийлиги ва ўзига хос жиҳатлари ҳақида маълумот беринг.

ХОТИМА

Қадимги Турон, Туркистон номлари билан аталиб келган минтақамизга нисбатан “Ўрта Осиё” атамаси, асосан, XIX асрдан бошлаб Россия шарқшунос ва географлари томонидан қўллана бошланган. Бу атама XX аср давомида, асосан, собиқ Иттифок таркибига кирган республикаларга (Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон, Қирғизистон, қисман Қозоғистонга) нисбатан қўлланиб келинди. Европа ва умуман Ғарб олимлари томонидан эса анча кенг географик ҳудудларни (ҳозирги Покистон, Афғонистон, Туркменистон, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Хитойнинг шимолий қисмини ўз ичига олган Шарқий Туркистон, Мўғулистон) камраб олувчи ерларга нисбатан “Марказий Осиё минтақаси” термини ишлатилган.

1991 йилда Иттифок парчалангач, унинг таркибидаги Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари ҳам миллий мустақилликка эришдилар. Мустақиллик минтақа халқлари тақдирида туб ўзгаришларни бошлаб берди ва янгидан-янги истикболлар учун кенг йўл очилди. Минтақадаги мустақил давлатлар жаҳоннинг нуфузли ташкилотлари томонидан тенг ҳуқуқли субъект сифатида эътироф этилиб, халқаро ҳамжамятнинг диққат-эътиборини торта бошлади. Бундай эътироф минтақадаги янги мустақил давлатларга улкан ишонч билан бир қаторда юксак масъулият ҳам юклайди.

Минтақа халқларининг миллий мустақиллик туфайли ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва этномаданий ҳамкорлиги янгича мазмун касб этиб, халқларнинг миллий ўзлигини англаш ҳамда этнотарихий ва маданий меросларига мансублик ҳиссининг ўсиши бевосита минтақада умумий тақдир учун масъуллик ҳиссини ҳам ривожлантирмоқда.

Шу билан бирга бозор муносабатлари тамойилларига асосланган ҳуқуқий демократик, очик фуқаровий жамият пойдеворининг қурилиши халқимизнинг миллий менталитети, геосиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиб, ушбу хусусиятларни ўзида мужассам этган ҳолда амалга ошмоқда.

Минтақанинг мустақил давлатларида миллий-этник соҳадаги ҳамкорлик ҳамда минтақа халқлари тафаккурида муштарак жиҳатлар табиий равишда ижтимоий тараққиётни таъминла-

ди. Бундай ҳамжиҳатликка элтувчи томонлар амалий этник баркарорликнинг ривожини, жамиятнинг этносиёсий тараққиётида ҳам жуда аҳамиятлидир.

Манбаларга кўра, бу салоҳиятли минтақада ўтмишда Бактрия, Хоразм, Суғдиёна, Парфия, Паркана, Шош каби қадимий давлатлар мавжуд бўлиб, улар аниқ минтақада хўжалик юритишган ва ҳарбий жиҳатдан ўз чегараларини қўриқлашган, танга (пул), тамга ва байроқларга эга эди.

Милоднинг дастлабки асрларида қарор топган Кушон, Эфталлийлар давлатлари ҳам ўзларининг куч-қудрати билан ажралиб турган. Бу даврда Шаркни Ғарб билан боғлаб турган Буюк Ипак йўли марказида жойлашган Турон–Мовароуннаҳрда турли мамлакатларнинг вакиллари савдо-сотик, ишлаб чиқариш, илм-фан асосларини ўрганиш билан машғул бўлишган.

Турк хоқонлиги даврида эса ҳудуддаги давлатлар нисбатан озод ва эркин фаолият юритишган. Ҳокимиятни мустақил бошқариш юксак даражада бўлган. Ҳар бир уруғ, эл ва шахснинг тенглиги давлат томонидан ҳимоя қилинган. Давр ўтиши билан турли уруғ, қавм ва элатлар ўзаро бирлашишган, мустақил халқлар ҳам пайдо бўлган. “Турк” атамаси ва туркий халқлар ана шу жараёнда вужудга келган.

Жаҳонда ҳозирги даврда 24 та туркий давлат мавжуд бўлиб, уларда 200 миллиондан зиёд туркий тилли миллатлар вакиллари яшашади. Турк, ўзбек, козоқ, қирғиз, туркман, озорий, тува, ёкут, уйғур, татар, бошқирд ва яна бошқа миллат, элат, халқлар ана шулар жумласига киради. Кўхна Туронзаминида истиқомат қилаётган тожиклар билан туркий (ўзбек, козоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ)лар шу даражада яқинки, уларнинг тилларидаги айрим тафовутларни ҳисобга олмаганда ажратиш жуда қийин. Бу минтақа халқлари тарихи, дини, маданияти ва маънавияти муштаракдир.

Бу минтақа халқлари бутун Марказий Осиёни Ватан деб билиб, қўлни-қўлга бериб, бир ёқадан бош чиқариб истиқлолни ҳимоя қилишлари шарт. Фақат шу йўл билангина бугунги иқтисодий қийинчиликлардан тезроқ қутулиб, ривожланиш сари қадам янада жадаллашади.

Марказий Осиё мамлакатлари географик жиҳатдан бир-бирига яқин ва туташ жойлашган. Кўп миллионли аҳоли тарихан ягона тақдирга, бир-бирига уйғунлашиб кетган дунёқараш ва анъаналар-

га эга. Минг йиллар мобайнида маънавий, маданий, ахлокий. диний муштараклик ҳам мавжуд.

Бу мамлакатларда аҳоли жойлашиши ҳам ўзига хос. Масалан, ҳозирги Тожикистоннинг 23% аҳолисини ўзбеклар ташкил этади. Қозоклар ва туркманлар ҳам анча салмокли ўринда туради. Қозоғистоннинг айрим вилоятларида (Шимкент ва бошқа), Қирғизистоннинг Ўш, Жалолобод, Туркменистоннинг Тошхөвүз, Туркманобод вилоятларида асосан ўзбеклар яшашади. Ёки аксинча, Ўзбекистоннинг айрим вилоятларида нисбатан кўпроқ қозоклар, айримларида туркманлар ва тожиклар истикомат қиладилар.

Ўрта Осиёга кирган давлатларда ўзига хос табиий ишлаб чиқариш мавжуд. Собик СССР да қазиб олинган кўмирнинг 20%, газнинг 18%, олтиннинг 33%, ўсимлик ёғининг 26%, пахтаинг 92% и ана шу минтақага тўғри келади. Суғориладиган ерларнинг умумий ҳажми 9,5 миллион гектарга этади. Бу экин майдонлари жиҳатдан 3—4- ўринни ташкил этади. Бу мамлакатлар МДХда ишлаб чиқарилган пахтаинг 90% ини, қорақўлни 60% ини, ипакни 70 ва чорвачилик маҳсулотини 30% ини беради. Юқоридаги кўрсаткичлар минтақанинг халқаро сиёсатда ва жаҳон бозорида ўз таъсирини дадил ўтказиш имкониятига эга эканлигини яққол исботлайди. Мутахассислар фикрича, бу минтақа давлатлари куч ва ғайратларини бирлаштирса, жаҳон бўйича пахта етиштиришда АҚШдан сўнг иккинчи ўринга, нефть, газ маҳсулотлари қазиб чиқаришда иккинчи-учинчи ўринга чиқиши мумкин экан. Шунингдек, бу минтақа энг кулай геополитик ҳудуд ҳам ҳисобланади.

Марказий Осиёнинг юраги, “фалсафий тафаккур бешиги” (Гераклит) ҳисобланган Ўзбекистонда ҳозирги даврда 138 миллат ва элат вакиллари яшашади. Айни вақтда 27 миллат вакиллари томонидан тузилган 150 га яқин миллий-маданий марказлар самарали фаолият юритмоқда. 31 корейс, 23 рус, 10 тожик, 9 татар, 8 озарбойжон, 7 туркман, 8 украин ва қирғиз, 3 тадан уйғур ва бухоро яҳудийлари ҳамда араблар, қорақалпоқлар, хитойлар, дунганлар миллий-маданий марказлари ишлаб турибди.

Республика телевидение ва радиосида 10 тилда эшиттириш ва кўрсатувлар олиб борилади, газета 10 тилда, журналлар 8 тилда чиқади. Ўрта ва олий ўқув юртларида ўқишлар 7 тилда амалга оширилмоқда.

Президентимиз И. А. Каримов айтганидек, ҳозирги ўзбек,

туркман, тожик, козок, кирғиз деган миллатлар нисбий тушунча. Дарҳақиқат, бу тарихимизга ҳам, олис истикболимизга ҳам аждодларга хос донишмандлик билан маънавий-ахлокий юксакликдан туриб карашимиз лозим. Ана шундагина Марказий Осиё худуди мамлакатлари ҳозирги мустақиллигини сақлаб қолган ҳолда умумий тараққиёт ва келажак сари яна ҳам кўпроқ ишонч билан боришимиз мумкин бўлади.

Минтака халқлари азалдан бир оила фарзандларидек аҳил яшаб келишмоқда. Зеро, мазкур минтақада осойишталик, тараққиёт ва салоҳият учун кураш замирида миллий маданиятлар янада уйғунлашади, тарихий кадриятлар тикланади, халқлар ўртасидаги дўстлик ва кардошлик ришталари тобора мустаҳкамланиб бораверади.

Бугунги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиётнинг бош омили сифатида минтақада этник баркарорлик, яхши кўшничилик руҳида яшаб келатган халқларнинг янада яқинлашиб, муносабатларининг ижобий мазмунга эга бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, энг муҳими, интеграция жараёнларининг ижобий ривожини минтақада этник тараққиётни таъминлаш билан бир қаторда, ҳозирги даврдаги глобал муаммо-минтақавий хавфсизликни ҳам таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Минтақада бозор муносабатларига асосланган ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт республикаларда туб миллатлар манфаатлари билан бирга, барча этник гуруҳларнинг ижтимоий манфаатларига ижобий моҳият касб этаверади.

Ўлка халқларига хос бағрикенглик тамойили ўзаро яхлитликни таъминлаш билан бирга, мазкур давлатларни жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашув жараёнларининг ривожини ҳам таъминлайди.

Марказий Осиё давлатлари БМТ (1945), ЮНЕСКО (1946), Европа Иттифоқи (1993), ЕХХТ (1975), МДХ (1991), Евроосиё Иқтисодий Ҳамжамияти (ЕврАзЭС) (2005), Жаҳон банки, ЕТТБ (1991), Ислом ташкилоти конференцияси (1969), ШХТ (2001) каби халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ҳам яқиндан ҳамкорлик қилмоқдалар.

Умуман олганда, Марказий Осиё халқлари этногенези ва тарихини теран ўрганиш минтақадаги анъанавий ва замонавий этномада-

ний жараёнлар хусусиятлари ва йўналишларини аниқлаштиришга, минтақанинг жаҳон цивилизацияси ривожда турган ўзига хос салоҳиятли ўрнини кўрсатиб беришга яқиндан ёрдам беради. Шу боисдан ҳам бу йўналишда кенг қамровли изланишларни янада изчил давом эттирилса мақсадга мувофиқдир.

РЕФЕРАТ МАВЗУЛАРИ

1. Этнография фанининг шаклланиш жараёни ва тадқиқот предмети.
2. Этнография фани тарихи ва этнос назарияси.
3. Этнографиянинг асосий мактаблари ва йўналишлари.
4. Этногенез ва антропогенез муаммолари.
5. Этногенез фанига оид махсус атамалар, тадқиқот усули ва муаммолари.
6. Жаҳоннинг этник киефаси.
7. Этнос назарияси.
8. Марказий Осиё этнографиясига оид энг асосий манбалар.
9. Марказий Осиё этнографиясининг долзарб муаммолари.
10. Марказий Осиё халқларини этнографик ўрганиш.
11. Ўзбек халқи этнографиясига оид энг муҳим манбалар.
12. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи.
13. Ўзбеклар анъанавий ҳўжалиги.
14. Ўзбеклар моддий маданияти.
15. Ўзбеклар маънавий маданияти.
16. Қорақалпоқлар этногенези ва этник тарихи.
17. Қорақалпоқлар анъанавий ҳўжалиги ва маданияти.
18. Тожиқ халқи этногенези ва этник тарихи.
19. Тожиқ халқи анъанавий ҳўжалиги.
20. Тожиқ халқи моддий маданияти.
21. Тожиқ халқи маънавий маданияти.
22. Туркман халқи этногенези ва этник тарихи.
23. Туркман халқи анъанавий ҳўжалиги.
24. Туркман халқи моддий маданияти.
25. Туркман халқи маънавий маданияти.
26. Қозоқ халқи этногенези ва этник тарихи.
27. Қозоқ халқи анъанавий ҳўжалиги.
28. Қозоқ халқи моддий маданияти.
29. Қозоқ халқи маънавий маданияти.
30. Қирғиз халқи этногенези ва этник тарихи.
31. Қирғиз халқи анъанавий ҳўжалиги.
32. Қирғиз халқи моддий маданияти.
33. Қирғиз халқи маънавий маданияти.

34. Уйғурлар этнографияси.
35. Дунганлар этнографияси.
36. Татарлар этнографияси.
37. Марказий Осиё араблари этнографияси.
38. Марказий Осиё лўлилари этнографияси.
39. Марказий Осиё яхудийлари этнографияси.
40. Курдлар этнографияси.
41. Балужлар этнографияси.
42. Корейслар этнографияси.
43. Хитойлар этнографияси.
44. Мўғуллар этнографияси.
45. Бурятлар этнографияси.
46. Сахалар ва олтойлар этнографияси.
47. Тувалилар, хакаслар ва шорлар этнографияси.
48. Руслар, украинлар ва белоруслар этнографияси.
49. Марказий Осиёда замонавий этномаданий жараёнлар.
50. Марказий Осиё халқларининг антропологияси, дини ва анъанавий хўжалиги.

Талабалар учун мустақил ишлар (ТМИ) *мавзулари:*

1. Этнография фанининг мақсад ва вазифалари.
2. Марказий Осиё халқлари этнографияси ҳақидаги маълумот берувчи қадимги манбалар.
3. Марказий Осиё халқлари этнографиясига оид илк ўрта асрлар манбалари.
4. Марказий Осиё халқлари этнографияси ҳақида маълумот берувчи ривожланган ўрта асрлар манбалари.
5. XVI – XIX асрларда олиб борилган этнографик тадқиқотлар.
6. XX асрдаги этнографик тадқиқотлар.
7. Этник белгилари ва этносни шакллантирувчи омиллар.
8. Этногенезни ўрганишда антропологиянинг роли.
9. Этногенезни ўрганишда археологиянинг ўрни.
10. Этник тарихни ўрганишда лингвистик тадқиқотларнинг аҳамияти.
11. Этник тарихни ўрганишда эпиграфик манбаларнинг аҳамияти.
12. Марказий Осиёда инсониятнинг пайдо бўлиши жараёни.

13. Марказий Осиёда палеолит даври аҳолиси.
14. Марказий Осиёда неолит даври аҳолиси.
15. Марказий Осиёда энеолит даври аҳолиси.
16. Бронза даври чорвадор қабилалари этногенези.
17. Бронза даври ўтроқ қабилалар этногенези.
18. Марказий Осиёда илк темир даври аҳолиси.
19. Сак ва массагет қабилалари.
20. Туркий этносларнинг Турон заминига кириб келиш муаммоси.
21. Юнонлар босқинининг Марказий Осиё халқлари этногенезига таъсири.
22. Юечжи қабилаларининг Марказий Осиё халқлари этногенезига таъсири.
23. Қанғ давлати давридаги этник жараёнлар.
24. Араблар босқинининг Марказий Осиё халқлари этногенезига таъсири.
25. Мўғулларнинг Марказий Осиё халқлари этногенезига таъсири.
26. Дашти Қипчоқ кўчманчи қабилаларининг ўзбек халқи этник тарихида тутган ўрни.
27. Марказий Осиёнинг замонавий этнографияси ҳақида.
28. Ўзбек халқининг шаклланиш босқичлари.
29. Марказий Осиё халқлари этнографияси ҳақида маълумот берувчи манбалар.
30. Марказий Осиё этнографиясининг ўрганилиши тарихи.
31. Марказий Осиё халқлари этногенези ва этник тарихи муаммолари.
32. Этногенетик тадқиқотлар муаммолари.
33. Эпиграфика ва ёзма манбаларнинг этногенез ва этник тарихни ўрганишдаги аҳамияти.
34. Этнография ва этногенезни ўрганишда лингвистик тадқиқотлар аҳамияти.
35. Марказий Осиё ҳудудида инсониятнинг пайдо бўлиши муаммоси.
36. Марказий Осиёда мезолит даври аҳолиси.
37. Марказий Осиёда энеолит даври аҳолиси.
38. Марказий Осиё ҳудудида энеолит ва бронза давридаги этник жараёнлар.

39. Бронза даври чорвадор қабилаларнинг этногенези.
40. Бронза даври ўтроқ қабилалари этногенези.
41. Марказий Осиёда илк темир даври аҳолиси.
42. Сак ва массагет қабилалари.
43. Эфталийлар, хионийлар, кидарийлар.
44. Халқларнинг буюк кўчиши.
45. Марказий Осиё туркий қабилалари тарихи.
46. Туркий қабилаларнинг Марказий Осиё халқлари этногенезида тутган ўрни.
47. Ўзбек халқи этник тарихида Дашти Қипчоқ кўчманчи аҳолисининг ўрни.
48. Ўзбек элатининг шаклланиши.
49. И. А. Каримов асарларида ўзбек халқи этногенези ва этник тарихига оид долзарб масалаларнинг кўтарилиши.
50. Марказий Осиё халқлари этнографияси, этногенези ва этник тарихи фани предмети ва вазифалари.
51. Марказий Осиё халқлари этнографияси ҳақида маълумот берувчи қадимги манбалар.
52. Марказий Осиё халқлари этнографияси ҳақида маълумот берувчи илк ўрта асрлар манбалари.
53. Марказий Осиё халқлари этнографияси ҳақида маълумот берувчи ривожланган ўрта асрлар манбалари.
54. Марказий Осиё халқлари этнографияси ҳақида маълумот берувчи совет даври олимларининг асарлари.
55. Марказий Осиё халқлари этнографияси ҳақида маълумот берувчи ўзбек олимларининг асарлари.
56. Инсониятнинг пайдо бўлиши ҳақидаги таълимотлар.
57. Марказий Осиё ҳудудида инсониятнинг пайдо бўлиши муаммоси.
58. Бронза давридаги этник жараёнлар.
59. Марказий Осиёнинг 1 минг йиллик этник харитаси.
60. Марказий Осиёда туркий этник қатлам муаммоси.
61. Марказий Осиё халқлари этногенезида юечжи қабилаларининг ўрни.
62. Туркий қабилаларнинг Марказий Осиё ҳудудига кириб келиши.
63. Туркий қабилаларнинг ўзбек халқи этник тарихига таъсири.
64. Араб тилли аҳолининг Марказий Осиё халқлари этногенезига

таъсири.

65. Мўғул боскинининг ўзбек халқи этник тарихига таъсири.

66. Дашти Қипчоқ аҳолисининг этник тарихи.

67. Марказий Осиё халқлари этнографияси, этногенези ва этник тарихи.

68. Қозоқ халқи этнографияси, этногенези ва этник тарихи.

69. Этник белгилар моҳияти.

70. Этносни шакллантирувчи омиллар.

71. Ирклар ва уларнинг турлари.

72. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихини ўрганиш.

73. Этногенез ва этник тарихни ўрганишда турли фанлар ангиликларига комплекс ёндашиш.

74. Этногенез ва этник тарихни ўрганишда этнография фанининг аҳамияти.

75. Ўзбек халқининг шаклланиш босқичлари.

76. “Турк” ва “ўзбек” этнонимлари таърифи.

77. Субстрат ва суперстрат иборалари таърифи.

78. “Ўзбек” агамасининг пайдо бўлиши.

79. “Миграция”, “асимиляция” иборалари таърифи.

80. Одамнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, эволюцион занжири.

81. “Автохтон” (абориген), “ойқумен” иборалари таърифи.

82. “Уруғ”, “гуруҳли никоҳ”, “экзогамия”, “эндогамия” иборалари таърифи.

83. Этногенез ва этник тарихни ўрганишнинг халқнинг маънавий дунёкараши шаклланишида тутган ўрни.

84. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихини ўрганишда академик К. Шониёзовнинг роли.

85. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихини ўрганишда А. Асқаров ўрни.

86. Ўзбек халқи этнографиясини ўрганишда И. Жабборовнинг ўрни.

87. Ўзбек халқи этногенези ва антропологиясини ўрганишда Т. Қ. Хожайовнинг ўрни.

88. Тошкент антропология мактабининг фаолияти.

89. Антрополог Л. В. Ошанин тадқиқотлари.

90. Антрополог Қ. Нажимов асарларининг мазмуни.

91. Амир Темур ва темурийлар антропологик белгиларининг

ўрганилиш тарихи.

92. Ўзбекларнинг иркий тавсифи.
93. Қозоқларнинг иркий тавсифи.
94. Тожикларнинг иркий тавсифи.
95. Туркманларнинг иркий тавсифи.
96. Қирғизларнинг иркий тавсифи.
97. Дриопитек ва австралопитеклар.
98. Зинжантроп, синантроп ва питекантроплар.
99. Неандерталь ва кроманьон одамлари.
100. Марказий Осиё ҳудудида палеолит даври маданияти.
101. Марказий Осиё ҳудудида неолит даври маданияти.
102. Марказий Осиё ҳудудида бронза даври маданияти.
103. Марказий Осиё ҳудудида илк темир даври маданияти.
104. Л. В. Гумилевнинг “Қадимги турклар” асари.
105. Ҳасан Ато Абушийнинг “Туркий қавмлар тарихи” асари.
106. К. Шониёзовнинг “Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни” асарининг ўзбеклар этногенези ва этник тарихини ўрганишда аҳамияти.
107. А. Асқаровнинг “Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи” китоби мазмуни.
108. Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажарайи турк” асари.
109. Б. Аҳмедовнинг “Ўзбек улуси” асари.
110. Ўзбек уруғлари таркиби.
111. Дашти Қипчоқ қабилаларининг Ўрта Осиёга келиб жойлашуви.
112. Марказий Осиё цивилизацияси тушунчаси.

Тест намунавий саволлари

1. Тожик халқи шаклланган давр.

- А) VI – VII асрлар
- Б) VIII аср боши
- С) VII аср охири
- Д) IX – X асрлар

2. “Хуф водийси тожиклари” китоби муаллифи?

- А) Н. Г. Маллицкий
- Б) Л. Ф. Моногарова
- С) Р. Р. Раҳимов
- Д) М. С. Андреев

3. Қозоқ хонлиги пайдо бўлган давр?

- А) X – XI асрлар
- Б) XIII аср охири – XIV аср бошлари
- С) XIII аср
- Д) XV аср охири – XVI аср бошлари

4. 1921 йилда уйғурларнинг қурултойи бўлиб ўтган шаҳар?

- А) Алма-Ата
- Б) Душанбе
- С) Самарқанд
- Д) Тошкент

5. Қорақалпоқлар аجدодлари кирган уюшма?

- А) Помир тожиклари
- Б) Уйғурлар
- С) Дунганлар
- Д) Сак - массагетлар

6. “Қадимги Хоразм” китобининг муаллифи?

- А) О. Бўриев
- Б) Н. А. Кисляков
- С) Г. П. Снесарев
- Д) С. П. Толстов

7. Ўзбеклар шаклланган давр?

- А) VII – VIII асрлар
- Б) VIII – IX асрлар
- С) VIII аср охири
- Д) IX – XII асрлар

8. Хуросонни Мухаммад Шайбонийхон забт этган вақт?

- А) 1491 – 1494 йиллар
- Б) 1501 – 1502 йиллар
- С) 1496 – 1500 йиллар
- Д) 1504 – 1507 йиллар

9. “Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни” асари муаллифи?

- А) Я. Фуломов
- Б) Ҳ. Исмоилов
- С) И. Жабборов
- Д) К. Шониёзов

10. Марказий Осиё халқлари ҳамкорлиги ташкилотига асос солинган йил?

- А) 1991 йил
- Б) 1994 йил
- С) 1992 йил
- Д) 1993 йил

11. Жанубий Хоразм ўзбекларининг анъанавий хўжалигини ўрганган элшунос?

- А) Н. А. Кисляков
- Б) Б. Аҳмедов
- С) Б. Х. Кармишева
- Д) М. В. Сазонова

12. Қозок халқи таркибидаги асосий табақалар?

- А) Саркардалар, беклар, келдейлар
- Б) Арғинлар, бойлар, қоратойлар
- С) Беклар, бийлар, арғинлар
- Д) Ботирлар, бийлар ва бойлар

13. Қозок халқининг оила тарихини ўрганган олим?

- А) М. С. Муқонов
- Б) У. Х. Шалекенов
- С) В. В. Шахматов
- Д) Х. Арғинбоев

14. Қозокларнинг худудий бўлиниши?

- А) Вилоят
- Б) Туман
- С) Беклик
- Д) Жуз

15. Осиёда хўжалик маданий типлар пайдо бўлган давр?

- А) Бронза даври
- Б) Темир даври
- С) Мис даври
- Д) Қадимги тош даври

16. Марказий Осиё халқларига мансуб тип?

- А) Мўғулий
- Б) Европеоид
- С) Австролоид
- Д) Ўрта Осиё антропологик типи

17. Тожиклар этногенези даври?

- А) III – IV минг йилликлар
- Б) IV минг йиллик
- С) III минг йиллик
- Д) II – I минг йиллик

18. Қорақалпоқлар тили қайси тил гуруҳига мансуб?

- А) Уйғур тил гуруҳига
- Б) Қарлук тил гуруҳига
- С) Ўғуз тил гуруҳига
- Д) Қипчоқ тил гуруҳига

19. Марказий Осиё лўлиларининг асл ватани?

- А) Мўғулистон
- Б) Афғонистон
- С) Эрон
- Д) Ҳиндистон

20. Қадимдан уйғурлар яшаб келган ҳудуд?

- А) Исикқўл, Чуй, Тьяншан ҳудудлари
- Б) Дунган ва Сусамир водийлари
- С) Сарикқамиш, Кулез атрофлари
- Д) Цин Цзян вилояти

21. “Дунган таомлари” рисоласи муаллифи.

- А) Р. Итс
- Б) В. Решетов
- С) М. Шинло
- Д) М. Савуров

22. Кўчманчи қозоқ халқининг анъанавий тураржойи?

- А) Пахсали уй
- Б) Ертўла

С) Чайла

Д) Ўтов

23. Туркманларда теке кавми гурухлари?

А) Чекич. курайш

Б) Гурома. ажи

С) Чекир. сулаймон

Д) Атамиш ва тўхтамиш

24. Ёзгулом, шўғнон, рўшон, бартанг, яғноблар қайси халқлар таркибига киради?

А) Туркманлар

Б) Уйғурлар

С) Ўзбеклар

Д) Тожиқлар

25. Қорақалпоқлар этнографиясини чуқур ўрганган олим?

А) Н. А. Кисляков

Б) М. В. Сазонова

С) М. С. Андреев

Д) Т. А. Жданко

26. Қозоқ халқининг шаклланиши ниҳоясига етган давр?

А) XIV – XIII аср

Б) XII – XIII аср

С) XVI – XVII аср

Д) XV – XVI аср

27. Қарлуклар, барлослар ва бошқа туркий халқлар қачондан бошлаб хом ғишт ёки гувала пахсадан қурилган уйларда яшаган?

А) XVII аср

Б) XVIII аср

С) XVI аср

Д) XIX аср

28. Ўзбекистонда бир маҳаллага уюшган хонадонлар сони?

А) 40–60 хонадон

Б) 50–70 хонадон

С) 70–80 хонадон

Д) 30–80 хонадон

29. Ўзбек қавмларининг бир-бирига сингишиш даври?

А) XVII – XVIII

Б) XVI – XII

С) XV – XVI

Д) XIX – XX

30. “Туркман қишлоқ жамоаси” китобининг муаллифи?

А) М. Аннанепесев

Б) О. Жикиев

С) О. Жўракулов

Д) Ч. Ёзиев

31. Туркманларнинг йирик қавмлари сони?

А) 3 қавм

Б) 5 қавм

С) 4 қавм

Д) 7 қавм

32. Қозоқлар ўтрок ҳаёт кечиришга ўтган давр?

А) XVI асрда

Б) XVII асрда

С) XVI аср охири

Д) XVIII аср охири – XIX аср бошлари

33. Турк ҳоконлиги ҳукмронлик қилган давр?

А) III – IV асрлар

Б) V – VI асрлар

С) V аср

Д) VI – VII асрлар

34. Марказий Осиё халқларининг неча фоизи туркий тилда сўзлашади?

А) 40 %

Б) 55 %

С) 45 %

Д) 60 % дан ортиқ

35. Марказий Осиёда форс тилида сўзлашадиган халқлар?

А) Руслар, украинлар, ўзбеклар, лўлилар

Б) Тожиқлар, қозоқлар, қирғизлар, ўзбеклар

С) Тожиқлар, ўзбеклар, қирғизлар, уйғурлар

Д) Тожиқлар, балужлар, қурдлар, эронийлар

36. Марказий Осиёнинг туб аҳолиси антропологик жиҳатидан мансуб ирқлар?

А) Европоид, австролоид

Б) Европоид, негроид

С) Монголоид ва негроид

Д) Монголоид ва европоид

37. Х. Исмоилов асари?

А) “Ўзбек карлуклар”

Б) “Қадимги Хоразм”

С) “Хоразм осмони остида”

Д) “Ўзбек тўйлари”

38. Эроний тилларнинг шимоли-ғарбий гуруҳи?

А) Яғноб тили

Б) Парфия тили

С) Курд тили

Д) Балуж тили

39. Қорақалпоғистон Республикасининг ўзбеклар кўпрок яшайдиган туманлари?

А) Нукус, Тўрткул, Шумонай

Б) Нукус, Беруний, Тахтакўпир

С) Манғит, Чимбой, Кегайли

Д) Тўрткўл, Беруний, Амударё

40. Қадимий Хоразм тили қўлланилган давр?

А) Милоддан аввалги II – I асрлар

Б) Милодий II – III асрлар

С) Милоддан аввалги V – IV асрлар

Д) Милоддан аввалги VII – VI асрлар

41. Ўзбек элшунослиги мактабининг асосчиси?

А) Б. Аҳмедов

Б) Я. Ғуломов

С) И. Жабборов

Д) К. Шониёзов

42. Жанубий Ўзбекистон аҳолиси этнографиясини чуқур тадқиқ қилган олим?

А) М. В. Сазонова

Б) Т. Қ. Ходжайов

С) Н. А. Кисляков

Д) Б. Х. Кармишева

43. Ўзбеклар анъанавий хўжалигининг энг асосий тармоқлари

А) Овчилик, балиқчилик

Б) Чорвачилик, шолічилик

С) Балиқчилик, овчилик

Д) Дехқончилик ва чорвачилик

44. Шахрисабз воҳасидаги салоҳиятли қавм?

- А) Қарлуқлар
- Б) Қўнғиротлар
- С) Мўғуллар
- Д) Кенагаслар

45. Ўзбек халқи дафн мароеимларини этнографик жиҳатдан ўрганган олим?

- А) К. Шониёзов
- Б) Б. Аҳмедов
- С) И. Жабборов
- Д) Қ. Насриддинов

46. Бойсун воҳасида яшовчи йирик туркий қавм?

- А) Барлослар
- Б) Катағонлар
- С) Кенегаслар
- Д) Қўнғиротлар

47. Эроний, форсий халқлар Ўзбекистоннинг қайси энг йирик шаҳарларида истиқомат қилишади?

- А) Тошкент, Самарқанд
- Б) Хива, Урганч
- С) Шахрисабз, Китоб
- Д) Самарқанд, Бухоро

48. Марказий Осиёда энг кўп аҳоли яшайдиган мамлакат?

- А) Қозоғистон
- Б) Тожикистон
- С) Қирғизистон
- Д) Ўзбекистон

49. Профессор И. Жабборовнинг китоби?

- А) “Қадимги турклар”
- Б) “Ўзбек тўйлари”
- С) “Ўзбек улуси”
- Д) “Ўзбеклар: ижтимоий турмуши ва маданияти”

50. “Қадимги Нахшаб” китобининг муаллифи?

- А) И. Жабборов
- Б) Б. Аҳмедов
- С) А. Асқаров
- Д) Р. Сулаймонов

51. Президент И. А. Каримов ташаббуси билан Марказий Осиё республикаларининг ҳар томонлама ҳамкорлигига асос солинган вақт?

- А) 1991 йил август
- Б) 1993 йил март
- С) 1992 йил сентябрь
- Д) 1993 йил январь

52. Марказий Осиё республикаларининг аҳолиси сони?

- А) 50 млн
- Б) 70 млн дан зиёд
- С) 40 млн.
- Д) 60 млн дан зиёд

53. Марказий Осиёда туркий халқлар салмоғи?

- А) 70 %
- Б) 5.5 %
- С) 60 %
- Д) 40 %

54. Марказий Осиё қачондан бошлаб Туркистон деб номланган?

- А) XVI аср охири – XVII аср бошидан
- Б) XV асрдан
- С) XVII асрдан
- Д) XIX асрдан

55. Марказий Осиё туб туркий халқлари қайси тил оилаларига мансуб?

- А) Олтой
- Б) Ҳинд-Европа
- С) Ўрол
- Д) Сомий-Ҳомий

56. Жаҳонда туркий тилли халқлар салмоғи?

- А) 50 млн.
- Б) 30 млн.
- С) 200 млн.
- Д) 150 млн.

57. Минтақадаги Ҳинд-Европа тиллари оиласига мансуб халқ?

- А) Дунганлар
- Б) Тожиклар

С) Қирғизлар

Д) Уйғурлар

58. Эроний тиллари уруғига қирувчи тил ва шеваларда гаплашувчи оз сонли халқлар?

А) Уйғурлар, дунганлар

Б) Белоруслар, курдлар

С) Балужлар, козоклар

Д) Қирғизлар, тожиклар

59. Ўғуз тиллар гурухига қирувчи халқ?

А) Қозоклар

Б) Туркманлар

С) Қирғизлар

Д) Тожиклар

60. Қипчоқ тиллар гурухига қирувчи халқлар?

А) Қозок, қирғиз, қорақалпоқ

Б) Ўғуз, тожик, дунган

С) Ўзбек, тожик, уйғур

Д) Қорақалпоқ, тожик, уйғур

61. Ўрта Осиёдаги қадимги тиллар?

А) "Авесто" тили, Суғд тили

Б) Парфия, Бактр тили

С) Ўзбек, тожик, козок тили

Д) А ва Б тўғри

62. Марказий Осиёда яшовчи европоид ирқига мансуб халқлар?

А) Ўзбеклар, тожиклар

Б) Уйғурлар, козоклар

С) Корейлар, дунганлар

Д) Лўлилар, яхудийлар

63. Монголоид ирқига мансуб Марказий Осиё халқлари?

А) Ўзбеклар, тожиклар

Б) Туркманлар, ўзбеклар

С) Қирғизлар, қорақалпоқлар

Д) Помир халқлари

64. Ўзбек халқининг илк аجدодлари?

А) Шаклар, хоразмийлар, суғдийлар

Б) Хоразмийлар, форслар, қурамалар

С) Эронийлар, хиёнийлар, қанғиллар

Д) Қовчинлар, араблар, эфталийлар

65. Ўзбек халқи шаклланишининг илк даври?

А) Мил. авв. V аср

Б) Энг қадимдан мил. V асргача

С) Мил. IV аср

Д) IX–X асрнинг биринчи ярми

66. Ўзбек халқи шаклланишининг иккинчи даври?

А) IV – V аср

Б) VI – VII аср

С) X аср биринчи ярми – XI аср

Д) Мил. авв. IV асрлар

67. Ўзбек халқи шаклланишининг учинчи даври

А) XIII –XIV аср 70- йиллари

Б) XI аср

С) XI аср иккинчи ярми – XII аср

Д) IX аср

68. Чирокчи воҳасидаги қавм?

А) Дўрмонлар

Б) Узлар

С) Қўнғиротлар

Д) Қарлуқлар

69. XV асрдаги ўзбек қавмлар сони?

А) 36 та

Б) 22 та

С) 24 та

Д) 92 та

70. XVI –XVII асрлардаги манбаларда ўзбек қавмлар сони?

А) 92 та

Б) 26 та

С) 32 та

Д) 20 та

71. Қайси манбада 92 та ўзбек уруғи рўйхати келтирилган?

А) “Бобурнома”

Б) “Авесто”

С) Ўрхун- Энасой битиклари

Д) “Мажмуа ат-таворих”

72. Ўзбек қавмларининг йириклашуви ва қўшилиши жараёнлари содир бўлган давр?

- А) XVI аср
- Б) XIX аср охири – XX аср бошлари
- С) VIII аср
- Д) XIX асрнинг биринчи ярми

73. Ўзбек халқи этногенезига бағишланган асар муаллифи.

- А) Ҳ. Исмоилов
- Б) Т. Файзиев
- С) М. Эрматов
- Д) С. Миркосимов

74. Жанубий Ўзбекистондаги ўтрок ўзбеклар?

- А) Чиғатойлар
- Б) Хўжалар
- С) Қаршилиқлар
- Д) А, Б, С

75. Аввалги ўзбек қабилалари таркиби?

- А) Қалтағойлар, мусабозорилар
- Б) Турқлар, барлослар, қарлуқлар, мўғуллар
- С) А, Б, Д
- Д) Холақлар, тоғчилар, чиғатойлар

76. Кейинги ўзбек уруғлари таркиби?

- А) Найманлар, жалойирлар, саройлар
- Б) Қатағонлар, дўрмонлар, семизлар, кесамирлар
- С) А, Б, Д
- Д) Қўнғиротлар, юзлар, лақайлар

77. Қирғизистонда ўзбеклар яшайдиган вилоят?

- А) Аравон
- Б) Бишкек
- С) Ўш
- Д) Норин

78. Қозоғистонда ўзбеклар яшайдиган вилоят?

- А) Алма-Ата
- Б) Семипалатинск
- С) Окмулла
- Д) Шимкент

79. Тожикистонда ўзбеклар яшайдиган вилоят?

- А) Дарвоз
- Б) Тоғли Бадахшон
- С) Хўжанд

Д) Кўлоб

80. Туркманистонда ўзбеклар яшайдиган вилоят?

А) Туркманбоши, Ашхабат

Б) Мари, Туркманбоши

С) Туркманбоши, Тошҳовуз

Д) Тошҳовуз, Туркманобод

81. Афғонистонда ўзбеклар яшайдиган вилоят?

А) Шибирғон

Б) Балх

С) Ҳирот

Д) Қандаҳор

82. Ўзбек халқи этногенезига бағишланган рисола муаллифи?

А) С. П. Толстов

Б) А. Ю. Якубовский

С) И. Жабборов

Д) А. Н. Бернштам

83. Ўзбек-қарлуқларни ўрганган олим?

А) Қ. Кубаков

Б) К. Шониёзов

С) Я. Ғуломов

Д) Т. Файзиев

84. “Ўзбек улуси” асари муаллифи?

А) К. Шониёзов

Б) Х. Бобобеков

С) Б. Аҳмедов

Д) У. Абдуллаев

85. Ўзбек халқи этногенезига бағишланган илмий конференция бўлиб ўтган вақт?

А) 1940 йил

Б) 1942 йил

С) 1941 йил

Д) 1943 йил

86. “Тўрт улус тарихи” асари муаллифи?

А) Захириддин Мухаммад Бобур

Б) Али Қушчи

С) Мирзо Улуғбек

Д) Қозизода Румий

87. Ўрта асрлардаги комусий этнографик асар?

- А) “Шайбонийнома”
- Б) “Бобурнома”
- С) “Қобуснома”
- Д) “Тўрт улус тарихи”

88. Абулғозий асари?

- А) “Девону лугатит-турк”
- Б) “Шажарайи турк”
- С) “Қобуснома”
- Д) “Тўрт улус тарихи”

89. “Қобуснома” муаллифи?

- А) Бобур
- Б) Хондамир
- С) Улуғбек
- Д) Қайковус

90. Ўзбек дунганлари этнографиясини тадқиқ этган олим?

- А) М. Савуров
- Б) Н. Борозна
- С) С. П. Толстов
- Д) К. Шониёзов

91. Юкори Қашқадарё воҳаси этнографиясини ўрганган олим?

- А) Ҳ. Исмоилов
- Б) Қ. Кубаков
- С) Ҳ. Тошев
- Д) Т. Файзиёв

92. К. Шониёзов тадқиқ этган уруғ?

- А) Юз
- Б) Қагагон
- С) Курама
- Д) Қарлуқ

93. “Қашқадарё манғитлари” асари муаллифи?

- А) Қ. Кубаков
- Б) К. Шониёзов
- С) О. Жўрақулов
- Д) Ҳ. Исмоилов

94. Фарғона водийси аҳолиси этник тарихини ўрганган тадқиқотчи?

- А) А. Абдулхамидов

- Б) С. Губаева
- С) Р. Шамсутдинов
- Д) С. Жалилов

95. Зарафшон водийси аҳолиси этнографиясини тадқиқ этган олим?

- А) Я. Ғуломов
- Б) Х. Тошев
- С) М. Жўрақулов
- Д) М. У. Аминов

96. С. П. Толстовнинг Хоразм археологик этнография комплекси экспедицияси қачон ўз фаолиятини бошлаган?

- А) 1940 йил
- Б) 1950 йил
- С) 1937 йил
- Д) 1960 йил

97. Я. Ғуломов асари?

- А) “Хоразмнинг суғорилиш тарихи”
- Б) “Қобуснома”
- С) “Қадимги турклар”
- Д) “Бобурнома”

98. Жанубий Ўзбекистон аҳолиси антропологиясини тадқиқ этган олим?

- А) К. Шониёзов
- Б) Қ. Нажимов
- С) Қ. Кубаков
- Д) Р. Сулаймонов

99. Соҳибқирон Амир Темур қавми?

- А) Дўрмонлар
- Б) Барлослар
- С) Юзлар
- Д) Манғитлар

100. Бухоро хонлари қавми?

- А) Барлос
- Б) Қатағон
- С) Манғит
- Д) Қовчин

ТАЛАБА ЛУҒАТИ

Абориген (юнон) - жойнинг туб аҳолиси, қадимдан шу мамлакатда яшовчи халқлар.

Аванқулат (лотинча “авунсулис” – тоға маъносида) – тоға билан жиян ўртасидаги алоҳида муносабатлар тизими; бунда тоға ўз жиянининг тарбиясига ва унинг ҳаётий тақдирига асосий масъул киши ҳисобланади.

Автохтон (юнон) – туб аҳоли, маҳаллий ер эгаси бўлган халқ, мамлакатнинг ибтидоий аҳолиси ёки аборигенлар.

Агнат (лотинча) – ота насаби бўйича қариндошлик.

Адопция (лотинча) – ўғил ёки қиз қилиб асраб олиш.

Ака-ука тутиниш (побратимство). Мазкур бўлимдаги атама-лардан қуйидагиларни қайд этиб ўтамиз: келиб чиқиши турлича бўлган эркакларнинг қариндошлик муносабатида бўлиш ҳақида олган мажбурияти, бу мажбурият қон билан ёки битта аёл билан яшаб кетиш орқали мустақамланади.

Аккомодация (адаптация) (лот) – одамларнинг янги муҳитга мослашуви.

Аккультурация (инглиз-лотинча) - маданиятларнинг ўзаро бир-бирига ўтиш жараёни.

Алоҳида оила, кичик оила - узок вақт давомида бирга яшашдан иборат бўлиб, уруғчилик– ота уруги ижтимоий институтига қарама-қарши туриш белгиларига эгадир.

Анимизм (лотинча “аниму” - рух) – табиатдаги барча нарсаларни, табиат қучлари ва ҳодисаларини жонли деб тушуниш, уларда ғайритабиий қуч бор деб тушунишдир. Анимистик тасаввурлар мана шундай маънода ибтидоий эътиқодлар ва динларнинг барчасида у ёки бу тарзда мавжуддир. Бу тушунчани ўтган асрда илм-фанга олиб кирган Э. Тайлор анимизмни “энг кам қуйи дин”, умуман, диннинг дастлабки босқичи деб қараган.

Антропогонез (юнон) – одамнинг пайдо бўлиш жараёни.

Антропология (юнон) – одам ҳақида тушунча, одамни ўрганувчи фан. Одамнинг суяк тузилиши, тери ва сочининг ранги ва белгиларига қараб унинг келиб чиқиши, ирқи, морфологик типлари, физиологик, жинсий ва бошқа хусусиятларини ўрганади.

Аппартейд, апартхейд (бур)- Жанубий Африка Республикаси ерли халқлари тилида “ажралиб яшаш” ёки “ажралиб ривожланиш” деган маънони англатади. Озчилик келгиндилар ҳукуматининг туб халқлар ва бошқа европалик бўлмаган аҳолига нисбатан қўллайдиган шафқатсиз ирсий камситиш, хўрлаш ва жисмоний қириб юборишга қаратилган сиёсати.

Ассимиляция (лотинча) – бир халқнинг иккинчисига ўхшатиб, қўшилиб сингиб кетиши. Баъзи этник гуруҳларнинг узок давр мобайнида йирик миллатлар орасида яшаб, уларнинг тили ва маданиятини ўзлаштирилиши ва шу миллатга сингиб кетиши. миллий психологик маънода ва ўзини шу миллат вакили деб ҳисоблаши. Ассимиляция ихтиёрий ва зўрма-зўракилик оқибатида ҳам бўлиши мумкин.

Бигменлар (инглиз) – жамоада мавқеи билан ажралиб турувчи лидер эркаклар, йўлбошчилар.

Билингвизм (лотинча) – икки тиллик. Бир иктисодий-ижтимоий шароитда яшовчи турли этносларнинг ўзаро бир-бирининг тилларидан эркин фойдалана олиши.

Генезис (юнон) – келиб чиқиш. Этнологияда халқларнинг келиб чиқиши.

Геронтократия (юнон) – оксоқоллар ҳокимияти.

Гинекратия (юнон) - оила ва жамиятда аёлларнинг ҳукмронлиги.

Гипергамия (юнон)- юқори даражага мансуб бўлган киши билан никоҳга кириш.

Дислокал (лотинча) – эр-хотиннинг ажралган ҳолда яшаши.

Жуфт оила (*парная семья*) – жуфтларнинг бирга яшаш ва ўзига ўхшаш авлодларни етиштириши учун барқарор бўлмаган қўшилмаси; у группавий никоҳга анча мос келади ва уруғчилик жамияти шароитида оиланинг мустақил эмаслигини акс эттиради.

Ижтимоий-этник жамоа – табиий-тарихий шаклланган кишиларнинг барқарор уюшмаси, унга келиб чиқиш ва ривожланиш умумийлиги белги ва хусусиятлари ҳосдир. Ижтимоий-этник жамоа тушунчаси “этнос”, “этник-тарихий умумийлик”, “этник умумийлик” тушунчаларининг мазмуни билан ўхшаш, булар этнография ва бошқа ижтимоий фанлар доирасида тадқиқ этилади.

Инициация – бағишлаш, ибтидоий даврда ўсмирларни вояга етган эркак ва аёллар сафига ўтказиш маросими. Исломда ўғил

болалар суннати инициация ҳисобланади. Ўзбекча “қўли ҳалол бўлди” ибораси болани жамиятга аъзо бўлиши деб қаралади.

Инновация (лотинча) – янгиланиш, мерос ва анъаналарнинг авлоддан-авлодга ўтиши натижасида маданиятда вужудга келган янги хусусиятлар.

Интеграция (лотинча) – тикланиш, тўлдириш, турли халқларнинг бирлашуви, турли халқларнинг бирлашуви, турли этносларнинг бир ҳудудда этник-маданий алоқаларни ўрнатиш жараёни.

Ирк (арабча) – илдиз, томир; одамларнинг келиб чиқиши, гава тузилиши ва қиёфаси ўхшаш бўлган тарихан таркиб топган ҳудудий бирлигидир. Кишилар ўз тана тузилиши, ташқи қиёфаси, тери, кўз ва суягининг ранги, соқолининг сийрак ёки қалинлиги, бўй-басти, юз тузилиши, бош суягининг шакли, қон гуруҳи ва бошқаларига қараб гуруҳ-гуруҳларга ажратилади. Жаҳондаги барча халқлар тўртта катта иркқа бўлинади. Ҳар бир ирк бир қанча кичкина гуруҳларга ҳам бўлиниб, уларнинг сони 25 дан зиёд.

Каста (лотинча, португал) – тоза, бенуксон, оқ суяк; бошқа тоифа билан аралашмаган тоифа, табақа. Қадимги Миср, Ҳиндистон ва Шарқдаги бошқа мамлакатларда ўз аъзоларининг насабга тегишли имтиёзли ҳуқуқлари. Аждодлари ва касб-ҳунарларига қараб ва алоҳида табақага ажралган ижтимоий гуруҳ (руҳонийлар, савдогарлар, деҳқонлар, брахманлар) кастаси мавжуд.

Клан (гель) – уруғ, қабиланинг қариндошчилик асосидаги ижтимоий ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватловчи уюшмаси. Ўзбек халқида клан тушунчасига тўп атамаси мос келади: хўжа тўпи, мерган тўпи ва ҳ. к.

Конгломерат (лотинча) – бирикиш, қўшилиш, бошланиши, тўпланган турли тоифа ва элатларнинг уюштирилишидан ташкил топган ижтимоий-сиёсий тузум (масалан, қулдорлик, феодализм даврида тузилган йирик давлатлар).

Консолидация (лотинча) – мустаҳкамлаш, йириклашув, тил ва маданият жиҳатдан яқин ва қон-қариндош халқларнинг ягона бўлиб бирлашуви, этносларнинг бир-бирига яқинлашиб кетиши.

Когнат (лотинча) – туғилиш бўйича қариндошлик, ота ва она насаби бўйича қариндошлик.

Креоллар, криоллар (француз-испан)–Америкада туб жой аҳолисидан ва метрополиядан келганлардан тубдан кескин фарқ

киладиган этник гурухлар.

Крос-кузен (инглиз-француз)—тоға ёки амманинг кизи билан никоҳда бўлиш.

Кувада (француз)—тухум босиш. Отанинг болага нисбаган ўз ҳуқуқини тасдиқлаш учун ўтказиладиган одат. Масалан, хиндуларда она тугаётганда ота ҳам ўзи тугаётгандек кўрпа ичига кириб олиб, оғир кучаниб ётиши расм бўлган.

Кунсткамера (немисча) – ноёб этнографик, табиий-тарихий ва санъат асарлари музейи. Россияда Пётр 1 томонидан 1714 йилда Петербургда ташкил этилган. Ҳозирги Россия Фанлар академиясининг Антропология ва этнология музейи.

Кузен (лотинча)—тоға, жиян.

Левират (лотинча “левир” – эрнинг акаси ёки укаси) – акаси ёки укасининг бевасига уйланиш, беванинг ўлган эрининг акаси ёки укасига эрга тегиш ҳодисаси.

Ленидж (инглиз) – аниқ бир авлоддан келиб чиккан яқин қариндошларнинг уруғ ичидаги гуруҳи.

Локалик (*локальность*) – никоҳдан ўтган жуфтларнинг ўрнашиш жойи (куйидагича вариантлар бўлиши мумкин: *матрилокалик* – она уруғида, *патрилокалик* – ота уруғида, *билокалик* – навбат билан ота ва она уруғида ўрнашиш; *авунқулокалик* – эрининг онасининг укасиникида, *неолокалик* – эр-хотин ота-оналаридан алоҳида яшайдилар, *дислокалик* – эр-хотин ҳар бири ўзининг уруғи ўрнашган жойда яшайди).

Магия (лотинча “магия” – жодугарлик, афсунгарлик) – инсоннинг ғайритабиий воситалар ёрдамида воқеаларнинг табиий жараёнига, моддий предметларга ёки бошқа кишига таъсир кўрсата олиш қобилияти. Ўзининг функционал вазифасига кўра магия бир неча хил номларга эгадир – овчилик, ишлаб чиқариш, севгимухаббат, шифоловчи, зарар келтирувчи, уруғга ёрдамлашувчи магиялар. Магия ўзининг умумий йўналиши бўйича адолатли равишда таъсир кўрсатиш (унинг мақсади – таъсирга учраган объектни магик ҳаракатни бажаришга, кутаётган ҳаракатни амалга оширишга ёки шундай ҳолатда бўлишга мажбур қилишдир) ва *сақловчи магия* (унинг мақсади – шахсни ёки жамоани душманининг ҳар қандай магик таъсир кўрсатишидан ёки ташқи кучларнинг номақбул таъсиридан ҳимоя қилишдир). Баъзан бу икки хил типни қора ва оқ магия деб аташади. Магик ҳаракатларни амалга

ошириш расмларига кўра улар якка тартибдаги ва жамоа тарзидаги ҳаракатлар бўлиши мумкин.

Матрилокал (лотинча) – она атрофида тўпланиш, бу ибтидоий никоҳга кўра. эр хотининикига кўчиб ўтган.

Матронимия (юнон) – умумий бир одамлар гуруҳи.

Метис (француз) – аралаш, ҳиндулар билан европаликларнинг аралаш никоҳидан пайдо бўлган авлод.

Миграция (лотинча) – кўчиш, жойни ўзгартириш. аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга ёки бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга кўчиши.

Миллат – этнос тури, кишиларнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий умумийлиги асосида тарихан юзага келади. Миллат худуд, тил, иқтисодий алоқалар, қиёфасининг тузилиши, маданияти ва ўзлигининг ўхшашлиги билан тавсифланади.

Миллатга мансублик – кишининг у ёки бу ижтимоий-этник умумийлик: миллат, элат, миллий гуруҳ ёки этник гуруҳга тааллуқлилиги.

Миллатчилик – миллий хусусият талабларида намоён бўлувчи ғоявий-руҳий ва ижтимоий-сиёсий оқим. Оддий тушунчага кўра миллатчилик ўзига хос ижтимоий-руҳий мажмуа сифатида намоён бўлади, у барқарорлиги ва давомий мавжудлиги, унсурларнинг тизимлаштирилмаганлиги, намоён бўлишининг чуқур ва кучлилиги билан фарқланади. Унда, бир томондан, ўз халқига бўлган муносабат мезонлари, яъни севги, кўникканлик, фидойилик, садоқат, мағрурлик ва ҳоказолар бирлашади. Шахснинг этник ўхшашлиги билан таққослашнинг бу ўзига хос тури ҳисобланади, бунда мазкур гуруҳ бошқалардан ажралиб туради, ижобий эмоционалликда аён бўлади, турли хил хайрихоҳликка эга бўлади.

Миллий гуруҳ – 1) у ёки бу миллат ёки элатнинг катта бўлмаган қисми; 2) бошқа миллат муҳитидаги миллий озчилик; 3) айни этник (этнографик) гуруҳ; 4) бошқа мамлакатга саёҳатга ёки чет элга ўқиш учун борган бир миллатга мансуб кишилар гуруҳи.

Миллий озчилик – чегаранинг ўзгариши, миграция ёки куч билан кўчириш натижасида у ёки бу халқдан бирор қисм ёки гуруҳнинг ажраши натижасида юзага келган этник жамоа шакли.

Миллий муносабатлар – кўпмиллатли ва умуммиллий жамият ичидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий, тил ва бошқа муносабатларининг синтезлашуви. Улар турли даражада мавжуд

бўлади ва ривожланади. яъни давлатлараро ва миллатлараро, ижтимоий ва шахсий микёсда.

Миллий урф-одатлар – тарихан шаклланган. муайян миллатга мансуб шахсларнинг кундалик турмушига хос одатлар. Булар муайян миллий муҳит, миллий гуруҳда намоён бўлади ва унинг аъзолари барчаси учун одатга айланади. Бундай урф-одатлар миллий ривожланишда ворисликни сақлайди, маданият турмуш тарзига миллий кўриниш бахш этади, диний ақидаларининг сақланиб қолишига имкон яратади. Шу билан бирга эскирган миллий урф-одатлар аста-секин тарихий ривожланиш жараёнида янгилари, анча илгор ижтимоий муносабатларни ўрнатишга ёрдам берувчи янгилари билан алмашади. Тегишли тарзда миллий урф-одатлар янги ва эскига, шаҳар ва қишлоқ, шунингдек, тарихий, ватанпарварлик, диний ва маиший қисмларга бўлинади.

Миллий тузилма – 1) мамлакат аҳолисининг миллий таркиби; 2) миллий белгилар бўйича кўп миллатли давлат тузилмаси; 3) миллатлар, элатлар ва этник гуруҳларнинг жамиятда ўзаро жойлашуви; 4) айна этник тузилма.

Миллий рухият – инсон рухиятининг миллий асосдаги ривожланиши, унинг борлиғи, онги ва шахсининг миллий маданиятда шаклланиши, умуминсоний маданиятга бориб такаладиган унинг ижодидаги миллийликнинг ворисийлиги.

Моногамия (юнон)- якка никоҳлилик; бир эрнинг бир аёл билан мустақил никоҳи заминида бирга яшашга асосланган оилавий ҳаёт бўлиб, ибтидоий жамоа тузумининг емирилиши даврида вужудга келган.

Моногам оила (*моногамная семья*) – жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ячейкаси. Этнографияда ижтимоий омил ҳисобланган оиланинг абадийлиги ҳақида гап кетганда худди ана шу моногам оила ҳақида гапиришади.

Монотеизм (юнон) – якка худолик, фақат битта худога сифинувчи, биргина худони эътироф этувчи диний эътиқод.

Мулат (испан) – никоҳсиз бола; қора танлилар билан европалик оқ танлиларнинг аралаш никоҳи натижасида пайдо бўлган авлод.

Мулк белгиси, баъзан “тамға” атамаси (*знак собственности*) ишлатилади, (у рус тилига турк тилларидан кирган) – у уруғга ёки унинг айрим аъзосига тегишли бўлган нарсалар ёки бошқа буюмдаги (масалан, чорва молларидаги) махсус белгини акс

эттиради.

Муқаддас жойлар ва объектлар – этнос томонидан алоҳида ҳурмат-эҳтиром билан қараладиган жойлар ва ўша жойлардаги моддий объектлар бўлиб, улар аجدодлар ва руҳларнинг яшаган жойлари ёки таъсир кўрсатиш соҳалари деб қаралади. Ана шундай жойлар ва объектларни алоҳида ажратиб кўрсатиш анимистик, тотемистик тасаввурлар билан, ўлганлар ва ота-боболарнинг руҳлари билан боғлиқдир. *Қабр* – яқка тартибда (камдан-кам иккита ва ундан кўп) марҳумларни дафн этиш учун одатга хос тарзда махсус шаклда ҳозирланган чуқур, ҳандақ. *Қадимги гўристон* – одатда этник хусусиятга эга бўлган айрим қабрларнинг тизими (мазкур этник гуруҳ аъзоларини дафн этиш жойи). *Майит билан бирга қўйиладиган жиҳозлар* (сопроводительный инвентарь) – қабрга ёки қабр устига марҳум билан бирга қўйиладиган эски-туски нарсалар, меҳнат куруллари, кийимлар, курул-яроғлар, озиқ-овқат ва шунга ўхшаш нарсалар жами. *Кўмиш маросимлари* – вафот этган уруғ ёки оила аъзосини кўмиш билан боғлиқ бўлган саъй-ҳаракатлар жами бўлиб, кўпинча барқарор анъанавий хусусиятга эга бўлади.

Ойкумен (юнон) – жойлаштириш; ер шарининг баъзи қисмларига одамларнинг дастлабки жойлашуви. Маълум ҳудудий ижтимоий ҳўжалик маданий муҳитининг комплекс тушунчаси.

Патрилокал (лотинча)–ота номи, ота насаби бўйича номланиш; бир отадан тарқалган қон-қардош одамлар гуруҳи.

Полиандрия (юнон)–кўп эрлилик. Ҳозирги пайтда Тибет халқларида, баъзан Ҳиндистонда ҳам учрайди. Баъзи туркий халқларда қолдиқ шакллари бор. Масалан, қозоқ халқида яқин ўтмишда ҳурматга лойиқ меҳмондан “уюр” олиш, яъни насл олиш маъносида мезбоннинг хотинига қўшиш одати бўлган.

Полигамия (юнон) – кўп хотинлилик, кўп никоҳлилик.

Политеизм (юнон) – кўп худолик, бир неча худога сиғиниш. Ибтидоий даврларда вужудга кела бошлаган дастлабки даврларда келиб чиққан турли худоларга ишониш; жин, дев, руҳ ва шу кабиларга эътиқод қилиш. Қадимги Миср, Греция ва Римда кўп худолик мавжуд бўлган.

Популяция (лотинча) – халқ. Ташқи (экзогамия) никоҳга нисбатан кўпроқ ички никоҳ тузумидаги одамлар гуруҳи.

Потестар ташкилоти (лотинча) – ҳокимият; этнологияда дав-

лат ва синфлар вужудга келгунгача бўлган даврдаги бошқарув ташкилотларига айтилади.

Промискуитет (лотинча) – аралашган. умумий ибтидоий жамиятда никоҳ ва оила пайдо бўлишидан бурун одамлар гала-гала бўлиб яшаган даврда жинсий алоқаларнинг тартибсизлиги.

Пуналуа (гавай) – яқин ўртоқ, гавай йўлбошчиларидан бир неча қариндош бўлмаган аёллар билан никоҳи.

Самбо (испан) – хиндулар билан қора танлиларнинг аралаш никоҳидан пайдо бўлган авлод.

Сорорат (лотинча “сорор” – опа ёки сингил) – бир неча опа-сингиллар билан бир вақтнинг ўзида никоҳда туриш ёки кейинчалик ўлган хотинининг сингисига ўйланиш вазифаси ёки имконияти.

Субэтнос – этник бирлашма ичидаги субъект, маданияти, тили ва турмуши билан фаркланадиган миллатнинг бир қисми ёки этносни ажратувчи жараён – сепарация натижасида ажралиб чиққан йирик этноснинг бир қисми.

Табакка (сословие) – мерос бўлиб ўтган касби ва жамиятдаги алоҳида (кўпинча юридик жиҳатдан мустақкамланган) мавқе билан боғланган шахслар гуруҳини акс эттиради. Этнографияда кўпинча “жинс ва ёшга қараб бўлиш” деган тушунча учрайди. у кишилар жамоасининг хўжалик ва ижтимоий ҳаётда жинси ва ёшига қараб дастлабки ижтимоий бўлинишини акс эттиради.

Травестизм (французча “травестир” – қайта кийиниш) – жинсий ўзгариш, бунда эркак ўз жинсидан воз кечиб, аёл кийимини кийган, аёллар бажарадиган ишларни адо этган.

Урбанизация (лотинча) – аҳоли ва саноатнинг йирик шаҳарларда тўпланиш жараёни – шаҳарлашув. Ижтимоий-тарихий жараён сифатида цивилизациянинг, шаҳар маданияти марказларининг вужудга келиши.

Уруғ (эски ўзбекча) – кишиларнинг энг қадимги бирлиги бўлиб, қариндош авлод, бир неча ота-онадан тарқалган авлод, кишилик жамиятининг ибтидоий гала даврдан кейинги босқичи. Уруғчилик қон-қариндошликка асосланган бўлиб, ҳар бир уруғ одамлари бир-бирлари билан хўжалик ва иқтисодий жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлади. **Она уруғи** (*материнский род*) – она томонидан қон-қариндошлик ришталари билан боғланган қондош қариндош-уруғлар иттифоқи, **ота уруғи** (*отцовский род*) – ота томонидан қон-қариндошлик ришталари билан боғланган қондош

қариндош-уруғлар иттифоқи. Ғарбий Оврўпа адабиётида ота уруғи атамасининг синоними “клан” дир – шотландияликлар ота уруғи ташкилотини ана шундай деб атаганлар.

Уруғчилик жамияти – ибтидоий жамоа тузумининг ибтидоий гала давридан кейин бошланган босқичлардан бири бўлиб, матриархат ва патриархат даврларини ўз ичига олади. Хўжалик ва ижтимоий муносабатлар билан боғланган қон-қариндошлар гуруҳи бу даврда асосий ишлаб чиқариш воситаларининг бир қисми (ер, ов қилиш, жойлар ва бошқалар)га қон-қариндош бўлган кишилар гуруҳи эгаллик қилган.

Уруғ жамоаси – ибтидоий жамоа тузумининг асосий ижтимоий-иқтисодий ташкилоти. Унинг илк босқичида матриархат ва патриархатнинг бошланғич давридаги қон-қардош кишилар гуруҳининг хўжалик, ижтимоий ва ғоявий уюшмаси.

Уруғ кенгаши – уруғнинг барча тенг ҳуқуқли аъзолари ҳамда қарияларнинг мазкур жамоа ҳаёти билан боғлиқ муҳим ишларни ҳал қилиш учун йиғилиши.

Учуруғли иттифок (*трехродовой союз*) – уч уруғнинг иттифоқи бўлиб, улар никоҳ алоқаларини ўзаро бир неча тип бўйича амалга оширадилар: А уруғи эркакларни В уруғига беради, В уруғи С уруғига, С уруғи эса А уруғига беради. Исм, ном (имя) – уруғнинг номи, у уруғ аъзосининг номига қўйилади, бу ном мерос сифатида бўлиб, ижтимоий-ҳуқуқий аҳамиятга эгадир: фамилия – оилавий ном, оиланинг аталиши, ҳозирги маъносида Россияда бундан уч аср илгари пайдо бўлган.

Фетишизм (португал. “абретас” – тумор маъносида) – ғайритабиий кучга эга бўлган жонсиз буюмларга сиғиниш, топинишдир. У ўзига топинган кишиларга ёрдам кўрсатишга қодирдир. Фетишизмнинг варианты бутпарастликдир. Фетишга, яъни энг моддий буюмга топиниш дастлаб унда алоҳида руҳ борлиги билан унчалик боғланмас эди (фетишларни жонлантириш кейинроқ содир бўлди). Фетишлар одатда ўзининг шакли жиҳатидан одатдан ташқари нарса-буюмлар (тошлар, шох-шаббалар, ҳайвоннинг бўлақлари ва шу қабилар) бўлди.

Фольклор (инглиз) – халқ билими, халқ оғзаки ижоди. Фольклор маълумотлари энг муҳим этнографик манбадир.

Фратрия (юнонча) – қабиланинг бўлинмаси бўлиб, дастлаб кўпроқ битта уруғдан пайдо бўлган бир неча ўзаро никоҳли

уруғларни бирлаштирган. Қабиланинг энг бирламчи шакли – кам деганда икки уруғнинг қисмлари. Баъзан “фратрия” атамаси уруғнинг аналоги сифатида хато ишлатилади. Экзогамиянинг муқаррар таъсир кўрсатиши фактини ҳисобга олиб, Н. А. Бутинов уруғ ичида алоҳида микроструктура – уруғ ўзагини ажратиб кўрсатишни таклиф этган. Бу тузилма уруғга никоҳ туфайли кириб қолган келгиндиларга қарши турувчи қондош қариндош-уруғларнинг жипслашган гуруҳидир.

Халқ–кишиларнинг кўп қиррали. кенг жамоаси, унинг маъноси куйидагича: 1) давлат аҳолиси, мамлакат фуқаролари; 2) элат, ижтимоий миллат; 3) мамлакат аҳолисининг асосий меҳнат оммаси; 4) кишиларнинг муайян ёш ёки касбий тоифаси. Бунда тушунишнинг икки асосий даражаси мавжуд: одатдаги ва назарий. Биринчи маънода халқ, бу давлат, мамлакатнинг бутун аҳолиси. Иккинчи маънода, бу тарих субъекти, халқ оммаси, у ўз ичига синфлар ва ижтимоий гуруҳларни олади, бу ўзининг объектив ҳолатига кўра жамиятни тараккий эттириш масалаларини ижобий ҳал этишга қодир. Этносоциал жиҳатдан халқ, бу – уруғ, яъни қабилани элат, миллатга айлантурувчи шаклланиш. Муайян социологик жиҳатдан халқ, бу меҳнатнинг ижтимоий тақсимланиши нуктаи назаридан фаолиятнинг оммавий турларида банд бўлган ижтимоий гуруҳлар мажмуи.

Халқ ягона ижтимоий бир бутунликни ташкил этади, чунки умумий тарихий тақдир турмуш тарзи ва ахлоқнинг ўхшаш белгиларига эга, шунингдек, ягона тарихий умумийликка тааллуқлилиқни ҳис этади. Биргалиқдаги меҳнат фаолияти туфайли халқ жамоавий ижтимоий тажриба (тил, тарихий хотира, маданий қадриятлар ва меъёрлар, турли малака ва ўқувлар) эгаси ҳисобланади.

Худо (бог) – барча синфий динларда ишонишнинг хаёлий объекти, инсонлар тақдирига таъсир кўрсата оладиган олий мавжудот (инстант) бўлиб, унинг қудратидан динга ишонувчилар фойдасига ва зарарига фойдаланиш мумкин. Динга ишонувчининг онгида худо одатда ижобий мавжудот сифатида қаралади, шунинг учун атамалар соҳасида уни ишлатишда руҳлар – ғайритабиий мавжудотлар билан алмаштириб юбормаслик керак.

Шомонлик (туңгус-манчжурларда руҳоний – “самань” сўзидан) – ибтидоий диний эътиқодларнинг шаклларида бири, инсоннинг махсус шахс – шомон (афсунгар) томонидан амалга

ошириладиган алоҳида маросим ҳаракатлари ёрдамида руҳлар билан алоқа ўрнатиш мумкинлигига ишонишидир. Бундан мақсад касалликларни даволашда, ҳайвон ва балиқ овлашда, нариги дунёда эсон-омон сайр-саёҳат уюштиришда ва шу қабиларда ана шу руҳларнинг ёрдамига ишонишдир. Шомонлик Сибирь ва Шимол халқларида кенг тарқалган. Эски Дунёдаги халқларда сўнги палеолит ва неолит даврида, шунингдек, мулкий табақаланган жамиятнинг вужудга келиш даврида учрайди (археология маълумотлари ва қадимги ёзув ёдгорликлари ана шундан далолат беради).

Экзогамия (юнонча “ташки, ташқари никоҳ”) маъносини билдириб, уругнинг муҳим белгисидир. Экзогамия принципига сўзсиз роя қилиниши уруғ наслининг тозаланиши, ирсий барқарорликни таъминлаш хўжалик ва оилавий никоҳ ҳаётида муҳим роль ўйнаган.

Элат (халқ - народность) – ягона ҳудуд, тил, маданият, хўжалик ҳаёти ва турмуш миқёсида қабилавий муносабатларнинг бузилиши натижасида юзага келган кишилар уюшмаси. Элат этноижтимоий умумийлик шаклларида бири ҳисобланади, тарихан уруғ, қabila бирлашмаларидан келиб чиқади ва улардан муайян мажмуа бўлиб ажралади. Агар уруғ-қабилачилик хусусиятлари уларнинг қон-қариндошлик алоқаларининг моҳиятга белгиси бўлса, бунда миллат учун ривожланган иктисодий макон ҳосилдир. Ижтимоий-иктисодий жиҳатдан элатга аввало кулдорлик ва феодализм ҳосилдир, шу билан бирга у бирор шаклдаги миллий давлатчилик тузилмасини барпо этади. Лекин элат ижтимоий ривожланишнинг кейинги босқичларида ҳам мавжуд бўлади, чунки бир қатор сабабларга кўра у миллат бўлиб шакллана олмайди.

Элат – тарихий бирлиги табақаланган жамиятнинг барча давларида Ер юзининг турли минтақаларида бошқа этник бирликлар билан бир қаторда мавжуд бўлиб келган. Шуни ҳисобга олиш керакки, “элат” ва “миллат” атамаларининг айна бир вақтда мавжуд бўлиши бир-бирини тўлдириб туриши ҳақида тасаввур беради.

Адабиётларда “*этник гуруҳ*” атамаси ҳам учрайди, уни баъзан этник бирликнинг қандайдир бир ўтиш шакли деб қарашади. Кўпинча бу атама тарих майдонидан тушиб кетган бирликларни таърифлаш учун қўлланади.

Умумий илмий атамаларнинг катта гуруҳи этнография томонидан этник тарихга, жаҳон маданияти тарихи муаммоларига нисба-

тан ишлатилади. Улардан кўплари биология, социологиядан олинган.

Ҳозирги замон сиёсий матбуотидан этнографик адабиётга **“трейбализм”, “трайбализм”** атамалари ҳам кириб келган (инглизча “трибе” – қабила маъносини билдиради), у Африка ва Осиёдаги ёш давлатларда мавжуд бўлган этник вазиятни тавсифлаб беради. У жойларда мустамлака режими даврида мавжуд бўлган қабилавий алоҳидалик ҳозирги вақтда ҳам сақланиб қолган. Трейбализм бирлашиш жараёнларига салбий таъсир кўрсатади ҳамда қабилалар ўртасида зиддиятлар келтириб чиқаради. Сиёсий матбуотда трейбализм атамасидан миллатчиликнинг синоними сифатида фойдаланилади.

XX асрнинг иккинчи ярми этнография учун ибтидоий жамият тарихининг энг муҳим муаммоларига тааллуқли мунозаралар характерлидир. Даврларга бўлиш муаммолари ижтимоий ячейкани таърифлаш, матриархат–она уруғининг тутган ўрни хусусидаги мунозаралар шулар жумласидан.

Эндогамия (юнонча ички никоҳ маъносини билдиради) – бу қабиланинг фақат биринчи этник бирлиги сифатидаги муҳим белгиси бўлиб қолмай, шу билан бирга ибтидоий даврдаги ижтимоий ташкилотнинг олий шакли сифатида ҳам муҳимдир.

Эндоканнибализм (юнон-испан)–ички одамхўрлик, ўлган қариндошлар, уруғ-қабила йўлбошчиларининг гўштини истеъмол қилиш.

Эпигамия (юнонча “аралаш никоҳ”)–Д. А. Ольдероге экзогамиядан олдин мажбурий хайрихоҳ никоҳ шакли мавжуд бўлганлигини айтиб, уни **эпигамия** (юнонча **“аралаш никоҳ”**) деб атаган. Эпигамия Д. А. Ольдерогенинг фикрича, иккита ибтидоий гуруҳ ўртасида ўзаро ёрдам ва ҳимоя муносабатларини ўрнатган. Шунингдек, улар ўртасида ўзаро никоҳлар мажбуриятини йўлга қўйган. Бу ўзининг табиий натижаси сифатида **экзогамиядан** (ўз гуруҳида никоҳларни тақиқлаш), шунингдек, **эндогамиядан** (иккита ёки ундан кўпроқ дўстона гуруҳлар доирасида никоҳ мажбуриятлари) иборат бўлган.

Этник гуруҳ – тил, маданият, дин, турмушга хос энг аҳамиятли жиҳатларни сақлаган элат ёки миллатнинг ўзига хосланган қисми. Ундай гуруҳлар миллий-этник, диний-жамоавий, тил, маданий-маиший белгиларга кўра ўзига хосланиб субэтник, этноконфессия,

этнолингвистик жамоаларни ташкил қилади, булар кейинчалик муайян этносиёсий мавқени даъво қила бошлайди.

Жаҳон ғажрибасидан кўринадикки, этник озчиликнинг мавқеи, тутган ўрни ижтимоий-сиёсий турмушнинг баркарорлигига боғлиқ экан. Баркарор бўлмаган вазиятларда кўпинча ўз ҳуқуқларини таъминлашга кўпроқ ишонч бўлишига муҳтож этник гуруҳлар ўзларини ноқулай сезади. Чунки булар ўзига ҳос маданиятларини йўқотиш хавфи. камситилиш ва ҳўрланиш хавфи остида бўладилар.

Этнослараро муносабат барча қолган турлар билан тарихан бирга кечаётган гуруҳлараро муносабат тури ҳисобланади. У инсоният ўтмиши билан чуқур боғлиқ, шу билан бирга ижтимоий ҳаётни ташкил этишнинг рухий қонуниятларига алоқадор. улар қадим антропогенез вақтида туғилган, биринчи галда этник гуруҳга мансублик белгиси бўйича “биз” – “улар” қарама-қаршилиги оша ривожланади.

Этник жараёнлар – этносадаги унинг исталган компонентининг ўзгариши: маданият, тил, ижтимоий тузилма ва ҳоказо айрим унсурларининг ўзгариши. Этник жараёнлар орасида этноэволюция ва этнотрансформацияни алоҳида ажратиш мумкин. Биринчи ҳолда этник тизимнинг айрим компонентлари ўзгариши юз беради, бу ҳол умуман тизимнинг парчаланишига олиб келмайди, у илгари қандай бўлса, унинг сакланиб қолишини таъминлайди, кўпинча тизим янги ҳолатга ўтади. Шундай қилиб, этноэволюция жараёни аввало барча этник ўз-ўзини саклаб қолувчи жараён бўлса, этнотрансформацияда бунинг акси юз беради – барчаси ўзгаради.

Этник конструктивизм – миллат, этносларни қандайдир интеллектуал конструкция сифатида белгиловчи методологик ёндашиш. Бундай ёндашиш асосан К. Поппернинг “Очик жамият ва унинг душманлари” (1945 йил) китобидаги ғояга асосланади. “Миллатлар, лингвистик ёки иркий гуруҳлар каби унсурларнинг мавжуд бўлиши тўғрисидаги фикр соф уйдирмадир”. Инглиз тадқиқотчиси Б. Андерсон “Тасаввурдаги жамият. Миллатчиликнинг келиб чиқиши ва тарқалиши ҳақидаги ўйлар” китобида миллатларни тасаввурдаги жамоавий фикр деб атади, чунки уларнинг ўзи эса инсонлар ҳаёлидаги қандайдир шерикчилик тарзида мавжуддир. Э. Хобсбаум миллатларнинг сунъий эканлигини таъкидлаб, уларни давлат томонидан очилган кашфиёт, ўзига ҳос ихтиро деб ҳисоблайди. Этнолог В. А. Тишков миллатни гуруҳ ичидаги

дефиниция деб ҳисоблайди, унга “катъий илмий ёки конструкциявий шакл бериш мумкин эмас”.

Конструктив ёндашиш этнологлар учун самарасиздир, чунки унинг предметини аниқлик чегарасидан четга чиқаради, уни фикрий ҳодисага айлантиради, унга нореаллик. диний тавсиф бағишлайди.

Этникос (юнон) – халқчил, халқ томонидан яратилган.

Этногенез (юнон. “туғилиш”) – халқларнинг келиб чиқиши. Этногенез этнослар мавжудлигининг сезиларли қисмини камраб олади, ҳам бирор халқнинг юзага келиш бошланғич босқичлари, ҳам унинг этнографик-лингвистик ва антропологик жихатдан ўзига хос тарзда кейинги ривожланишини ўз ичига олади.

Этнография (юнон “этнос” – халқ, “графо” – таърифлаш) – халқни таърифлайман.

Этнографизм – бирор манба (масалан, китоб)да этнографик ўзига хосликларнинг мавжудлиги, тавсифлар, тафсилотлар.

Этногеография – этнография қисми бўлиб, ўтмишда ва ҳозирдаги этнослар тарқалишининг ўзига хос томонларини ўрганади.

Этнократизм – кенг маънода миллий масалани ижтимоий ривожланишнинг бошқа барча муаммолари ичида устувор эканлигини англатади, тор маънода бир ёки бир неча миллий гуруҳнинг бошқалари устидан ҳукмронлигини билдиради.

Этнолингвистика – халқ, қабила руҳий, этник ва ҳоказоларни ўзига хосликларини тадқиқ этувчи, улар тил тизимини ўрганувчи тилшуносликнинг бўлими.

Этнология (юнон. – тушунча, таълимот+халқ) – этнографияга яқин бўлган тушунча, лекин ундан фарқли ўлароқ, халқлар маданиятининг ривожланишини умумлаштирувчи илмий соҳадан иборатдир. Бунда этнография аввало тавсифий фан саналади, шу билан бирга умумлаштиришнинг муайян даражасини инкор этмайди. Турли мамлакатларда бу фан турлича номланади. Уни кўпинча этнослар ҳақидаги фан, аҳолишунослик, ижтимоий антропология ва ҳоказо тарзда номлайдилар.

Этномаргинал шахс – икки миллат ёки элат орасидаги ўтиш ҳолати, оралик ҳолатини эгалловчи шахс. Бу чегаравий вазият бўлиб, турли маданиятларнинг бир-бирига таъсири остида индивид шаклланади. Этномаргинал шахс иккиланганлик, ички қарама-

каршилик таъсири остида бўлади.

Этноним (юнон) – халқларнинг номини англатувчи атама.

Этнонимика – халқ, элат, қабила ва ҳоказолар номини ўрганувчи ономастиканинг бўлими.

Этнопсихология – муайян халқ, қабила руҳий тарзини ўрганувчи психологиянинг бир йўналиши.

Этнополитология – этник ва сиёсий ҳаёт ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги фан.

Этнос (юнон) – халқ.

Этнос чегараси – турли тўсиқлар – табиий (тоғ, ўрмон, сахро, денгиз ва б.) тўсиқлар туфайли юзага келадиган этнослар ўртасидаги ҳад; тураржойга боришнинг кийинлиги (баланд тоғлик ва х. к.); ижтимоий алоқаларнинг муайян турларига катъий чекловлар ва тақиқлар; тарқалиш шакли.

Этносиёсий уйғунлашиш (лотинча “Сонсолидо” – мустаҳкамлайман) – этнос, этник ташкилотнинг умумий-сиёсий ва ижтимоий мақсадлар учун курашини кучайтириш мақсадида айрим гуруҳларнинг бирлашиши, мустаҳкамланиши, кўшилиши, жипслашиши. Этносиёсий уйғунлашиш асосида этнослар алоқасининг ривожланиш жараёни кучаяди, шунингдек, этнослар ўртасида йирик этник гуруҳлар шаклланади.

Этносоциология – социология ва этнографиянинг бир-бирига алоқадорлик жиҳатлари туфайли юзага келган илмий йўналиш, чегарадош билим соҳаси. Унинг юзага келишига саноати ривожланган мамлакатлардаги этнография фанининг тадқиқот объекти ўзгарганлиги сабаб бўлади. бу мамлакатларда ижтимоий ҳодисаларнинг миллий жиҳатдан кўпайганлиги ва миллий жараёнлар ижтимоий дифференциацияси мураккаблашганлиги туфайли буларни анъанавий этнография усуллари билан етарлича ўрганиш мумкин бўлмай қолади.

Этноцентризм – (юнон. “гуруҳ, қабила, халқ”) – қандайдир эталон ёки оптимум сифатида намоён бўлувчи этник гуруҳлар анъаналари ва ўз кадриятлари орқали ҳаёт ҳодисаларини идроклаш ва баҳолашдаги этник идроклашга хос хусусият.

Қабила (племя) – эндогамияни амалга ошира бориб, олий макроструктурадан иборат бўлди, у ишлаб чиқаришнинг икки тури бўйича қабила ичида доимий алоқада бўлган эндогамия туфайли уруғнинг макроструктурасини ҳам этник жиҳатдан, ҳам хўжалик

жиҳатидан бирлаштиради. **Қишлоқ жамоаси (общинаси)**нинг аънаналари советлар давридан олдинги рус кишлоғи учун хос нарсаси эди. Чунки бундай жамоага ўхшаш ижтимоий тузилмалар ҳақиқатда нафақат деҳқонлар ва қишлоқ аҳолиси ўртасида, балки барча халқларда ҳам мавжуд эди. Шунинг учун ҳам совет даври этнографиясида “**қишлоқ жамоаси**” атамасига ўхшаш **қўшнилар жамоаси** (бундай бегона уруғларнинг ёнма-ён ҳудудий алоқалари кўзда тутилган), **кўчманчи жамоа** (чорвадорлар учун), **қишлоқ жамоаси, овул жамоаси, айил жамоаси (қишлоқ, овул, айил** номидан олинган) атамалари пайдо бўлди.

Қабилалар иттифоқи – уруғ ёки қўшни қабилаларнинг вақтинча уюшмаси бўлиб, у аввало душман ҳужумини қайтариш учун ташкил топган. Баъзи ҳолларда мудофаа мақсадларида вужудга келган қабилалар иттифоқи ўз фаолиятини давом эттирди, лекин энди ижтимоий-иқтисодий манфаатлар йўлида улар таркибида мавжуд бўлди. Одатда ҳарбий хавф-хатар бартараф этилгач, иттифоқлар тарқалиб кетган.

Қабилалар сиёсий уюшма хусусиятларига эга бўлиб, унга бирлашган қабилаларнинг мавқеига қараб ички иерархия принципига бўйсинган ҳарбий демократия даври номини олди. Бу вақтда оддий сайлаб қўйиладиган йўлбошчи билан бир қаторда, қабиласи аъзолари ёки қабилалар кенгаши томонидан демократик йўл билан сайланадиган ҳарбий бошлиқларнинг ижтимоий роли ортиб боради. Бу иттифоқларни давлатнинг нишонлари (даракчилари), ҳарбий йўлбошчиларни эса қирол, князь ҳокимиятининг илк босқичидаги кўриниши деб ҳисоблаш мумкин эди.

Қабиласи кенгаши – хўжалик ишларини ёки уруғлараро муносабатларни ҳал қилиш уруғ ва қабиласи учун оқсоқолларининг вазият талаби билан бўлиб турадиган йиғилишлари, шунингдек, фавқулодда сабаблар (уруш, кўчиш, табиий офат ва шу қабилалар) бўйича қабиланинг барча ижтимоий ҳуқуқли жами аъзоларининг умумий йиғилиши.

Қария – уруғдаги катта авлоднинг ҳурматли вакили, уруғ аънаналарини сакловчи ва уни талқин этувчи. Оқсоқол – уруғнинг сайлаб қўйиладиган бошлиғи бўлиб, кўпинча диний ва дунёвий вазифаларни бирга қўшиб олиб борган. Оқсоқол уруғ аънаналари ва уруғ-одатларига қатъий риоя этилишини кузатиб боради, уруғ ва қабилаларнинг манфаатларини ҳимоя қилади. **Йўлбошчи** –

қабилаладаги ёки қабилалар иттифокидаги сайлаб қўйиладиган олий шахс. Қабилла йўлбошчисининг вазифаси – хўжалик ишларига раҳбарлик қилиш, уруғлар ўртасида келиб чиқадиган низо ва келишмовчиликларни бартараф этиш, ташқарида қабилла манфаатларини ҳимоя этиш, ҳарбий ишга раҳбарлик қилишдир. Одатда ҳарбий демократия даврида қабилла йўлбошчисининг дунёвий ва ҳарбий вазифалари сайлаб қўйилган иккита тенг ҳуқуқли йўлбошчи ўртасида тақсимланган. Шунини яна бир қарра таъкидлаш керакки. Йўлбошчи дунёвий ҳокимиятга, оксоқол эса ҳам дунёвий, ҳам диний ҳокимиятга бошчилик қилган, бу ҳеч бўлмаганда уруғ жамоасида қохинлар ёки шаманларнинг алоҳида табақаси пайдо бўлмагунча давом этган. Баъзан ибтидоий жамиятда йўлбошчилар қабилла хусусиятини уруғчилик хусусиятлари билан узвий боғлаб иш қўрганлар. Зеро, қабилла иттифоклари таркибида уруғчилик муносабатларининг анъанавий таъсири параллел ҳолда яшовчи ҳодисадир.

Курс ишлари учун намунавий мавзулар

1. Қорақалпоқ халқи этнологияси
2. Тожиқ халқи этнологияси
3. Туркман халқи этнологияси
4. Қозоқ халқи этнологияси
5. Қирғиз халқи этнологияси
6. Уйғурлар этнологияси
7. Дунганлар этнологияси
8. Лўдилар этнологияси
9. Бухоро яҳудийлари этнологияси
10. Курдлар этнологияси
11. Балужлар этнологияси
12. Корейлар этнологияси
13. Руслар этнологияси
14. Украинлар этнологияси
15. Беларуслар этнологияси
16. Шорлар этнологияси
17. Ўзбекистон мустақиллиги ва ўзбеклар этногенезининг долзарб масалалари.
18. Ўзбеклар этногенези ва этник тарихига оид асосий манба-

лари.

19. Академик К. Шониёзов асарларида ўзбек халқи шаклланиш жараёнининг ёритилиши.

20. Этнос назарияси кеча, бугун ва эртага.

21. Турк хоконлиги даврида этник жараёнлар.

22. Президент И. А. Каримовнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” рисоласининг мазмуни.

23. Ўзбеклар этногенези ва этник тарихи бўйича манба ва адабиётлар.

24. Қадимги хитой солномаларида аجدодларимиз ҳақида маълумотлар.

25. Академик К. Шониёзовнинг “Қарши давлати ва қарлуқлар” китобининг мазмуни.

26. Уруғ, қабила тушунчаларининг моҳияти.

27. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихини ўрганишга доир археологик манбалар.

28. Ўрхун-Энасой ёзувларида аجدодларимизнинг этник тарихи ҳақида .

29. Элат тушунчасининг моҳияти.

30. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 28 июлдаги қарори мазмуни.

31. Академик В. В. Бартольд асарларида ўзбек халқи этник тарихига оид маълумотлар.

32. Антик муаллифлар асарларида Марказий Осиё халқлари таърифи.

33. Миллат тушунчаси.

34. Илк ўрта асрларда ўзбекларнинг этник тарихига оид энг муҳим манбалар.

35. Ўзбеклар этногенези ва этник тарихини ўрганишдаги лингвистик манбалар ўрни.

36. А. Ю. Якубовскийнинг ўзбеклар этногенези ва этник тарихини ўрганишга бағишланган рисоласи мазмуни.

37. Ўзбекларнинг дастлабки аجدодлари.

38. Аждодларимизнинг этник тарихи араб муаррихлари асарларида.

39. Рус саёхатчилари асарларида Марказий Осиё халқлари (ўзбеклар) ҳақида маълумотлар.

40. Ўзбеклар этногенезини ўрганишда нумизматик манбалар-

нинг ўрни.

41. Форсий манбаларда Марказий Осиё халқлари этник тарихи.

42. С. П. Толстов асарларида аждодларимиз этник тарихига доир маълумотлар.

43. Хориж саёҳатчилари асарларида Марказий Осиё халқлари ҳақида этнографик маълумотлар.

44. Кушонлар даврида содир бўлган этник жараёнлар.

45. XIX аср рус олимлари асарларида ўзбек халқи тарихига доир маълумотлар.

46. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбеклар этногенезининг ўрганилиши.

47. Элат шаклланишида ҳудуднинг роли.

48. Муаррих Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асари этнографик манба сифатида.

49. Элатнинг шаклланишида тилнинг роли.

50. Эфталийлар даврида Марказий Осиёда этник жараёнлар.

51. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари–этнографик манба.

52. Абу Райҳон Беруний асарларида аждодларимиз ҳақида маълумотлар.

53. Араблар истилоси давридаги этник жараёнлар.

54. Турк хоқонлиги емирилганидан кейинги даврда этник жараёнлар.

55. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда Ўзбекистонда этнографик тадқиқотлар.

56. И. Жабборовнинг ўзбеклар элшунослигига кўшган ҳиссаси.

57. Элатнинг шаклланишида диннинг роли.

58. Хитой саёҳатчилари Марказий Осиё халқлари ҳақида.

59. Элатнинг шаклланишида иқтисодий ҳаётнинг роли.

60. М. Ғ. Ваҳобовнинг “Ўзбек социалистик миллати” китоби.

61. IX–X асрларда Мовароуннаҳр ва унга туташ минтақаларда этномаданий жараёнлар.

62. Элатнинг шаклланишида давлатнинг роли.

63. XIX аср охири–XX аср бошларида ўзбек халқи этник тарихининг ўрганилиши.

64. Л. Н. Гумилев асарларида туркий халқлар этник тарихи масалаларининг ёритилиши.

65. IX – XII асрларда Насаф ва Кеш вилоятларидаги этник жа-

раёнлар.

66. IX – X асрларда Фарғона, Сугдиёна ва Тохаристондаги этно-маданий жараёнлар.

67. Рашидиддиннинг “Мажмуа ат-таворих” асарида аждодларимиз этник тарихи ҳақида маълумотлар.

68. XX асрнинг 50- йилларида ўзбеклар этногенезининг ўрганилиши.

69. Ўзбек халқи шаклланишининг энг асосий боскичлари.

70. Фольклор маълумотлари–ўзбеклар этногенези ва этник тарихи учун муҳим манба.

71. Марказий Осиё минтақасида этносиёсий аҳвол (IX–XII асрларда).

72. IX–XII асрларда Хоразм воҳасидаги этник жараёнлар.

80. XX асрнинг 20- йилларида ўзбек халқи этнографиясининг ўрганилиши.

73. Қорахонийлар даврида этник жараёнлар.

74. Ўзбеклар этногенези ўрганилишида С. П. Толстов бошлик Хоразм археологик-этнографик комплекс экспедициясининг роли.

75. Б. Х. Кармишева асарларида Жанубий Ўзбекистон аҳолиси этногенези ва этник тарихи ҳақида маълумотларнинг ёритилиши.

76. Муаррих Табарий асарлари муҳим этнографик манба.

77. Ўзбек халқи шаклланишида қарлук қавмининг роли.

78. Элатнинг шаклланишида иктисодий-маданий ҳаётининг роли.

79. Абулғозийнинг “Шажарайи турк” асари этнографик манба сифатида.

80. Ўзбек халқи шаклланишида фаол иштирок этган энг муҳим этник компонентлар.

81. “Турк” атамаси ва унинг пайдо бўлиши.

82. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Кутадғу билиг” асари этнографик манба сифатида.

83. Ўзбек халқининг шаклланиши тарихи.

84. Академик Б. Аҳмедов асарларида ўзбеклар этник тарихи ҳақида маълумотларнинг ёритилиши.

85. Этник ҳудуд ҳақида тушунча.

86. Элатнинг шаклланишида онг тизимининг роли.

87. “Тарихи Абулхайрхоний” асарида ўзбек қавмлари тавсифи.

88. XX асрнинг 60 – 90-йилларида этногенези ва этник тарихи-

нинг ўрганилиши.

89. Моддий маданият ҳақида тушунча.

90. Захириддин Муҳаммад Бобур асарлари этнографик манба сифатида.

91. Ўзбеклар этнографиясини ўрганишда тараққийпарвар рус зиёлиларининг ўрни.

92. Амир Темур ва темурийлар даврида этник жараёнлар.

93. Ҳ. Вамбери асарлари муҳим этнографик манба сифатида.

94. XIII –XV асрларда Мовароуннаҳр аҳолисининг этник таркиби.

95. Мўғуллар истилоси даврида этник жараёнлар.

96. Ўзбеклар этногенезида қипчоқларнинг роли.

97. В. В. Радлов асарлари муҳим этнографик манба сифатида.

98. “Насабномайи ўзбек” – этник тарих учун муҳим манба.

Вариант саволлари

1- вариант

1. Марказий Осиё халқлари этнографияси бўйича энг асосий манбалар ва адабиётлар

2. Тожик халқи этногенези ва этник тарихи

3. Қорақалпоқ халқи этнографиясига оид энг муҳим манбалар.

4. IX–XII асрлардаги манбаларда Мовароуннаҳр халқлари

5. Ўзбекларнинг илк аجدодлари

2- вариант

1. Марказий Осиё халқларининг географик таснифи

2. Тожикларнинг анъанавий хўжалиги

3. Қозоқ халқини этнографик ўрганиш

4. Қирғиз халқи этногенези ва этник тарихи

5. Ўзбек халқи этнографияси бўйича рус сайёҳлари асарлари энг муҳим манба сифатида

3- вариант

1. Марказий Осиё халқларининг ирқий (антропологик) таснифи

2. Ўзбек халқининг шаклланиш босқичи

3. Қозоқ халқи этнографиясига оид энг муҳим манбалар ва адабиётлар

4. Қирғиз халқи анъанавий чорвачилиги ва овчилиги
5. Марказий Осиё халқларини этнографик ўрганиш

4- вариант

1. Марказий Осиё халқларининг лингвистик жихатдан таснифи
2. Тожиқ халқининг анъанавий деҳқончилиги
3. Қозоқ халқи этногенези ва этник тарихи
4. Ўзбек халқи анъанавий деҳқончилиги
5. Марказий Осиё арабларининг этногенези ва этник тарихи

5- вариант

1. Марказий Осиё халқларининг диний таснифи
2. Тожиқ халқи тураржойлари
3. Қозоқ халқи анъанавий чорвачилиги
4. Қирғиз халқи анъанавий хунармандчилиги
5. Ўзбек халқи анъанавий чорвачилиги

6- вариант

1. Марказий Осиё халқларининг хўжалик- маданий типлари
2. Тожиқ халқи анъанавий кийим-кечаклари
3. Ўзбек халқи этник тарихи қадимги манбаларда
4. Қирғиз халқи анъанавий тураржойлари
5. Марказий Осиё лўлиларини этнографик ўрганиш

7- вариант

1. Марказий Осиё халқларининг қадимги тиллари
2. Тожиқ халқи анъанавий таомлари
3. Қозоқ халқи анъанавий хўжалиги
4. Қирғиз халқи кийим-кечаклари ва таомлари
5. Ўрта Осиё лўлиларининг этногенези ва этник тарихи

8- вариант

1. Марказий Осиё халқлари этнографиясини ўрганиш тарихи
2. Тожиқ халқи анъанавий хунармандчилиги ва транспорт воситалари
3. Қозоқ халқи анъанавий хунармандчилиги

4. Қирғиз халқи анъанавий ҳунармандчилиги
5. XV –XVI асрларда Мовароуннаҳрдаги этник жараёнлар

9- вариант

1. Марказий Осиё халқлари этнографиясини ўрганишда қадимги юнон манбаларининг ўрни
2. Ўзбек халқи анъанавий транспорт воситалари
3. Қозоқ халқи анъанавий тураржойлари
4. Марказий Осиё лўлиларининг анъанавий машғулотлари
5. Қорақалпоқ халқи этногенези ва этник тарихи

10- вариант

1. Марказий Осиё халқлари этнографиясини ўрганишда Ўрхун-Энасой ёзувлари ва эпиграфик (қабртош битиклари) муҳим манба сифатида
2. Тожик халқи анъанавий деҳқончилиги
3. Қозоқ халқи анъанавий кийим-кечаклари
4. Уйғур халқи этногенези ва этник тарихи
5. Марказий Осиё яҳудийларининг этногенези ва этник тарихи

11- вариант

1. Марказий Осиё халқлари этнографиясини ўрганишда Хитой манбаларининг ўрни
2. Тожик халқи анъанавий чорвачилиги
3. Қозоқ халқи анъанавий таомлари
4. Ўзбек халқи анъанавий деҳқончилиги
5. Марказий Осиё яҳудийларининг анъанавий машғулотлари

12- вариант

1. Марказий Осиё халқлари этнографиясини ўрганишда археологик манбаларнинг ўрни
2. Помир халқлари этногенези ва этник тарихи
3. Туркман халқи этнографиясига оид энг муҳим манбалар ва адабиётлар
4. Уйғур халқи анъанавий хўжалиги
5. Марказий Осиё яҳудийларининг турар жойлари

13- вариант

1. Марказий Осиё халклари этнографиясини ўрганишга оид энг муҳим тарихий манбалар

2. Помир халклари анъанавий хўжалиги
3. Туркман халқи этногенези ва этник тарихи
4. Қорақалпоқ халқининг шаклланиш жараёни
5. Марказий Осиё яхудийларининг кийим-кечаклари

14- вариант

1. Марказий Осиё халқларини ўрганишда этнографик манбаларнинг ўрни

2. Помир халклари анъанавий тураржойлари
3. Ўзбек халқи амалий санъати
4. Уйғур халқи анъанавий деҳқончилиги
5. Марказий Осиё яхудийларининг анъанавий таомлари

15- вариант

1. Марказий Осиё халклари этнографиясини ўрганишда антропологик манбаларнинг ўрни

2. Помир халклари анъанавий кийим-кечаклари
3. Ўзбек халқи анъанавий тураржойлари
4. Уйғур халқи анъанавий чорвачилиги
5. Қурд халқи этнографияси

16- вариант

1. Марказий Осиё халқларини ўрганишда лингвистик манбаларнинг ўрни

2. Помир халклари анъанавий таомлари
3. Туркман халқи анъанавий хўжалиги
4. Ўзбек халқи анъанавий хунармандчилиги
5. Корейс халқи этногенези ва этник тарихи

17- вариант

1. XIV – XVI асрлар манбаларида Марказий Осиё халқлари

2. Ўзбек халқи этник тарихи ва этнографияси хорижий шарқшунослар наздида

3. Туркман халқи анъанавий тураржойлари
4. Дунган халқи этногенези ва этник тарихи
4. Корейс халқи анъанавий таомлари

18- вариант

1. XVII – XIX асрлар манбаларида Марказий Осиё халқлари
2. Қорақалпоқ халқи анъанавий деҳқончилиги
3. Туркман халқи анъанавий кийим-кечаклари ва тақинчоқлари
4. Дунган халқи анъанавий хўжалиги
5. Марказий Осиёда яшовчи руслар, украинлар ва белоруслар этнографияси

19- вариант

1. XIX аср охири – XX аср бошларидаги тарихий-этнографик асарларда Марказий Осиё халқлари
2. Қорақалпоқ халқи анъанавий чорвачилиги
3. Туркман халқи анъанавий таомлари
4. Курд халқи анъанавий хўжалиги
5. Академик К. Шониёзов асарларидан ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи масалаларининг ёритилиши

20- вариант

1. Марказий Осиё халқлари этнографиясини ўрганишда нумизматик манбаларнинг ўрни
2. Туркман халқи анъанавий чорвачилиги ва овчилиги
3. Уйгур халқи анъанавий ҳунармандчилиги ва таомлари
4. Корейс халқи анъанавий хўжалиги
5. Марказий Осиё халқларининг этник тарихида Дашти Қипчоқ ўзбекларининг ўрни

21- вариант

1. Марказий Осиё халқлари этнографиясини ўрганишда фольклор маълумотлари муҳим манба сифатида
2. Ўзбек халқини этнографик ўрганиш
3. Туркман халқи анъанавий деҳқончилиги
4. Корейс халқи анъанавий турар жойлари
5. Академик А. Асқаров асарларида ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи масалалари

22- вариант

1. Илк ўрта асрлар манбалари Марказий Осиё халқлари этнографиясини ўрганишда муҳим манба сифатида

2. Қорақалпоқ халқи этногенези ва этник тарихи
3. Туркман халқи анъанавий хунармандчилиги
4. Ўзбек халқи анъанавий хунармандчилиги
5. Корейс халқи анъанавий кийим-кечаклари

23- вариант

1. XX асрнинг 30–40-йиллари адабиётларида Марказий Осиё халқлари
2. Ўзбек халқи анъанавий хунармандчилиги удумлари
3. Қирғиз халқи этнографиясига оид муҳим манбалар ва адабиётлар
4. Дунган халқи анъанавий дехқончилиги, чорвачилиги ва хунармандчилиги
5. Марказий Осиёдаги замонавий этномаданий жараёнлар

24- вариант

1. XX асрнинг 50–80-йилларидаги тарихий-этнографик адабиётларида Марказий Осиё халқлари
2. Қорақалпоқ халқи анъанавий транспорти ва уй-жойлари
3. Қирғиз халқи этногенези ва этник тарихи
4. Балуж халқи этнографияси
5. Ўзбекистонда ҳозирги даврдаги этномаданий жараёнлар

25- вариант

1. XX аср охири – XXI аср бошларида Ўзбекистонда этник жараёнлар
2. Қорақалпоқ халқи кийим-кечаклари
3. Ўзбек халқи оилавий-турмуш анъаналари
4. Дунган халқи анъанавий кийим-кечаклари
5. Президент И. А. Каримов асарларида Марказий Осиё халқлари этногенези ва этник тарихини ўрганиш масалалари.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

1. Умумий адабиётлар

1. Бўриев О. ва бошқ. Марказий Осиё халқлари этнографияси. – Қарши. 1997.
2. Басилов В. Н. Шаманство у народоv Средней Азии и Казахстана. – М., 1992.
3. Гинзбург В. В., Трофимова Т. А. Палеантропология Средней Азии. – М., 1972.
4. Гумилев Л. Н. Қадимги турклар. – Т., 2007.
5. Дониёров А. Х. Марказий Осиё халқлари этнографияси, этногенези ва этник тарихи. – Т., 2003.
6. Древние обряды, верования и культы народоv Средней Азии. – М., 1982.
7. Жилище народоv Средней Азии и Казахстана. – М., 1982.
8. Занятия и быт народоv Средней Азии // СЭС. – М.-Л., 1971.
9. История, археология и этнография Средней Азии. – М., 1968.
10. Кисляков Н. А. Очерки по истории семьи и брака у народоv Средней Азии и Казахстана. – Л., 1969.
11. Костюм народоv Средней Азии и Казахстана. – М., 1979.
12. Материальная культура и хозяйство народоv Кавказа, Средней Азии и Казахстана. – Л., 1978.
13. Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этномаданий жа-раёнлар. – Т., 2005.
14. Народы Средней Азии и Казахстана, Кн. 1. – М., 1962; Кн. 2. – М., 1962.
15. Очерки по истории хозяйства народоv Средней Азии и Казахстана. – М., 1980.
16. Поляков С. П. Историческая этнография Средней Азии и Казахстана. – М., 1980.
17. Семья и семейные обряды у народоv Средней Азии и Казахстана. – М., 1984.
18. Ходжайов Т. К., Джуракулов М. Д. Антропология Средней Азии: Самарканд. – М., 1978.
19. Ходжайов Т. К., Этнические процессы в Средней Азии в эпоху средневековья. – Т., 1987.
20. Ходжайов Т. К., Абдуллаев К. Аждодларимиз киёфаси. – Т., 1990.

21. Хозяйственно-культурные традиции народов Средней Азии и Казахстана. – М., 1980.

22. Этнические процессы у национальных групп Средней Азии и Казахстана. – М., 1980.

2. Этнографияга оид адабиётлар

1. Алексеев В. П. Историческая антропология. – М., 1979.

2. Алексеев В. П. Становление человечества. – М., 1984.

3. Алексеев В. П. Этногенез. – М., 1986.

4. Бесик А. А., Резик В. Социальная антропология. – М., 1998.

5. Бромлей Ю. В. Современные проблемы этнографии. – М., 1981.

6. Бромлей Ю. В. Очерки теории этноса. – М., 1983.

7. Бромлей Ю. В. Этносоциальные процессы: теория, история, современность. – М., 1987.

8. Брук С. И. Население мира (этнодемографический справочник.) 2- е/изд. – М., 1986.

9. Аширов А. А., Атаджанов Ш. Этнология. Ўқув кўлланма. – Т., 2007.

10. Бўриев О. Этнология атамаларининг кискача изохли лугати. – Қарши, 2004.

11. Гумилев Л. Н. Этногенез и биосфера Земли. – М., 1992.

12. Жабборов И. М. Жаҳон этнологияси асослари. – Т., 2005.

13. Итс Р. Ф. Введение в этнографию. – Л., 1991.

14. Карабаев У. Этнокультура. – Т., 2006.

15. Козлов В. И. Этническая демография. – М., 1977.

16. Краткий этнологический словарь. – М., 1995.

17. Культурная антропология. – СПб., 1996.

18. Лурье С. В. Историческая этнология. – М., 1998.

19. Марков Г. Е. История хозяйство и материальной культуры. – М., 1979.

20. Народы мира. Т. 1–13. – М.-Л., 1954–1966.

21. Народы мира. (Историко-этнографический справочник). – М., 1988.

22. Народы и религии мира. – М., 1969.

23. Орлова А. Введение в специальную и культурную антропологию. – М., 1994.

24. Рыбаков С. Е. Философия этноса. – М., 2001.

25. Основы этнографии / Под ред. С. А. Токарева. – М., 1968.
26. Очерки общей этнографии. Вып. 1–5. – М., 1954–1968
27. Пучков П. И. Современная география религии. – М., 1975.
28. Садохин А. П., Грушевиская Т. Г. Этнология. – М., 2001.
29. Свод этнографических понятий и терминов. – М., 1995.
30. Скворцов Н. Г. Проблемы этничности и социальной антропологии. – СПб., 1997.
31. Страны мира. – Смоленск, 2004.
32. Тишков В. А. Этнология и политика. – М., 2001.
33. Токарев С. А. Истоки этнографической науки. – М., 1978.
34. Токарев С. А. История зарубежной этнографии. – М., 1978.
35. Этнография. Краткий этнологический словарь. – М., 1999.
36. Этнография и смежные дисциплины. – М., 1994.
37. Чебоксаров Н. Н., Чебоксарова И. А. Народы, расы, культуры. 2-е изд. – М., 1985.
38. Чеснов Я. В. Лекции по исторической этнологии. – М., 1998.

3. Ўзбеклар хақида адабиётлар

1. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т., 1998.
2. Каримов И. А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т., 2008.
3. Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т., 2011.
4. Абдуллаев У. С. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар. – Т., 2005.
5. Абулғозий Баходирхон. Шажарайи турк. – Т., 1992.
6. Алихон Аман. Миграция населения Узбекистана (1980–1989). – Т., 2000.
7. Аскарлов А. Ўзбеклар қандай келиб чиққан? // Фан ва турмуш, 1985. № 2. – 6–7-бетлар.
8. Аскарлов А. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий-методологик асослари. // O'zbekiston tarixi, 2002. № 4, – 54–60-бетлар.
9. Аскарлов А., Аҳмедов Б. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. // Ўзбекистон овози. 1994, 20 январь.
10. Аскарлов А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Т., 2007.
11. Атамирзаев О., Гентшкне В., Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный: историко демографический аспект. – Т., 1998.

12. Аширов А. “Авесто”дан мерос маросимлар. – Т., 2001.
13. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимги эътиқод ва маросимлари. – Т., 2007.
14. Аҳмедов Б. Ўзбекларнинг келиб чиқиш тарихидан. – Т., 1962.
15. Аҳмедов Б. Ўзбек улуси. – Т., 1992.
16. Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. 2- нашри. – Т., 2001.
17. Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. 1- т. – Т., 1968.
18. Бартольд В. В. Соч., I–IX. – М., 1963–1977.
19. Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. – Т., 1989.
20. Бунёдов З. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати. (1097–1231). – Т., 1998.
21. Бўриев О. ва бошқ. Ўзбекистон оиласи тарихидан. – Т., 1995.
22. Бўриев О. ва бошқ. Ўзбекистон тарихини ўрганишда этнография материалларидан фойдаланиш. – Т., 1996.
23. Бўриев О. Этнографияга доир қизиқарли саволлар ва жавоблар. – Т., 1994.
24. Бўриев О. Этнография фани бўйича ўқув-методик кўлланма. – Т., 1999.
25. Бўриев О. Ўзбек халқи боқий қадриятлари. – Қарши, 2005.
26. Бўриев О., Усмонов М. Ўзбеклар: этник тарихи ва этномаданий жараёнлар. – Самарқанд, 2008.
27. Ваҳобов М. Ф. Ўзбек социалистик миллати. – Т., 1960.
28. Гинзбург А. И. Узбекистан: этнографическая панорама. – М., 1994.
29. Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. Олтин Ўрда ва унинг қулаши. – Т., 1950.
30. Губаева С. С. Этнический состав населения Ферганы в конце XIX–начале XX в. – Т., 1983.
31. Давлатова С. Ўзбек миллий кийимлари: анъанавийлик ва замонавийлик. – Т., 2006.
32. Дониёров А. Х. Организация этнографической науки в Узбекистане (20–30-е годы XX в.). Учебно-методическое пособие. – Т., 2002.
33. Дониёров А. Х. Развитие этнографических знаний в Узбекистане (40–50-е годы XX в.). Учебно-методическое пособие. – Т., 2002.

34. Дониёров А. Х. Историография этнографии Узбекистана (60–70-е годы XX в.). Учебно-методическое пособие. – Т., 2002.
35. Дониёров А. Х. Мустақил Ўзбекистон этнографияси, тарих-шунослигининг айрим масалалари. – Т., 2003.
36. Дониёров А. Х. Марказий Осиё халқлари этнографияси, этногенези ва этник тарихи фани бўйича ўқув-ўқувчи кўлланма. – Т., 2003.
37. Дониёров А. Х. Историография этнографии независимого Узбекистана (1991–2001 гг.) – Т., 2003.
38. Дониёров А. Х. Мустақил Ўзбекистон этнографияси тарих-шунослигининг айрим масалалари. – Т., 2003.
39. Дониёров А. Х. Ўзбекистон этнографияси тарихидан айрим лавҳалар (XX аснинг 20–80- йиллари). – Т., 2003.
40. Дониёров А. Х. Ўзбекистон этнографияси тарихшунослиги очерки (XIX аснинг иккинчи ярми – XX аср 30- йиллари). – Т., 2005.
41. Дониёров А. Х. Хоразм археология-этнография экспедицияси Ўзбекистон этнография фанида. – Т., 2007.
42. Дониёров А. Х. Марказий Осиё халқлари этнографияси, этногенези ва этник тарихи фанидан таълим технологияси. – Т., 2010.
43. Жабборов И. Ўзбеклар. – Т., 2007.
44. Жабборов И. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти. – Т., 2003.
45. Заки Валидий Тўғон. Ўзбек уруғлари. – Т., 1992.
46. Зиёев Х. Сибир, Волга ва Урал бўйларига ўзбеклар. – Т., 2005.
47. Исмоилов Х. Ўзбек тўйлари. – Т., 1994.
48. Камалиддинов Ш. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX–начала XIII в. – Т., 1996.
49. Кармышева Б. Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М., 1976.
50. Кармышева Б. Х. Узбеки-локайцы Южного Таджикистана. – Душанбе, 1984.
51. Кисляков Н. А. Патриархально-феодалные отношения среди оседлого сельского населения Бухарского ханства в конце XIX–начало XX в. – М.-Л., 1962.
52. Назаров Н. Лоқайлар. – Т., 2007.

53. Ошанин Л. В. Антропологический состав населения Средней Азии и этногенез народов. Ч. 1–3. – Ереван, 1957–1959.
54. Маликов А. Узбеки группы кунгират долины Зарафшана в XIX – начале XX вв. – Самарканд, 2007.
55. Махмуд Саттор. Ўзбек удумлари. – Т., 2007.
56. Радлов В. В. Из Сибири. – М., 1989.
57. Турсунов С. Н. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи ва маданияти. Сурхондарё этнографияси. – Т., 2005.
58. Шаниязов К. Узбеки-карлуки. – Т., 1964.
59. Шаниязов К. К этнической истории узбекского народа. – Т., 1974.
60. Шаниязов К., Исмаилов Х. И. Этнографические очерки материальной культуры узбеков конце XIX – начале XX в. – Т., 1980.
61. Шониёзов К. Қанг давлати ва қанглилар. – Т., 1990.
62. Шониёзов К. Қарлуқ давлати ва қарлуқлар. – Т., 1999.
63. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т., 2001.
64. Этнический атлас Узбекистана. – Истанбул, 2002.
65. Этнографическое очерки узбекского сельского населения. – М., 1969.
66. Эрматов М. Этногенез и формирование предков узбекского народа. – Т., 1968.
67. Якубовский А. Ю. К вопросу об этногенезе узбекского народа. – Т., 1941.
68. Ўзбеклар этнологияси: янгича қарашлар ва ёндашувлар. – Т., 2004.
69. Ўзбекистон этнологиясининг долзарб муаммолари. – Т.-Наманган, 2007.
70. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 1–12 томлар. – Т., 2000–2006.
71. Фуломов Я. Ф. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Қадим замонлардан то ҳозиргача. – Т., 1959.
72. Ўзбекистон ҳудудида анъанавий этнослараро жараёнлар. – Т., 2011.

ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР

1. Абдулғозий Баходирхон. Шажарайи турк. – Т., 1992.
2. Абдурахмонов Ғ. Ўзбек халқи ва унинг шаклланиши ҳақида. – Т., 1999.
3. Авеста. Избранные гимны / Пер. с авестийского И. М. Стеблин–Каменского. – Душанбе, 1990.
4. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Т., 2000.
5. Аскарлов А. Ўзбекистон тарихи (энг қадимги даврлардан милоднинг V асригача). – Т., 1994.
6. Аскарлов А. Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихидан // Халқ таълими. 1996.
7. Аскарлов А. А. Новые подходы к проблеме этногенеза тюркоязычных народов Центральной Азии // Тезисы докл. “Независимость и история: новые подходы к изучению истории Узбекистана”. Ташкентский университет, – 1997.
8. Аскарлов А. Қадимги Хоразм тарихига доир баъзи бир масалалар. // “Ўзбекистон этнологияси: янгича қарашлар ва ёндашувлар”. Илмий тўплам. Б. 76–84 б. – Т., 2004.
9. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Т., 1994.
10. Аҳмедов Б. Ўзбек улуси. – Т., 1999.
11. Ashirov A. On the concept Uzbek Ethnic mentality // Central Asian Studies. Vol. 8. – Seoul. 2003. P. 261–267.
12. Аширов А., Атажанов Ш. Этнология. (Ўқув қўлланма). – Т.: 2008.
13. Аширов А. Ўзбек миллий менталитети ҳақида баъзи бир мулоҳазалар. // “Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих” мавзусидаги Республика илмий-назарий семинар материаллари. – Т., 2004.
14. Ватан туйғуси. – Т., 1996.
15. Дониёров А. Ўзбекистон этнографияси тарихидан лавҳалар. (XX асрнинг 20–80- йиллари). – Т., 2003.
16. Дьяконов И. М. Прородина индоевропейцев (по поводу книги Е. Е. Кузьминой “Откуда пришли индоарии?”) // ВДИ. – М., 1995. №1. ВДИ. № 1. – М., 1995.
17. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. – Т., 1994.
18. Жўраев Н. Ўзбек мавсумий байрамлари ҳақида. – Т., 2008.

19. Зияев З. Турон қавмлари. – Т., 2008.
20. Заки Валидий Тўғон. Ўзбек уруғлари. – Т., 1992.
21. Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. – Т., 1998.
22. Исҳоқов М. М. Номи азал Туркистон. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1993, 12 ноябрь.
23. Иброҳимов А. Биз ким ўзбеклар. – Т., 1999.
24. Камалиддинов Ш. К вопросу об употреблении географических названий “Мавераннахр” и “Туркестан” // Ўзбекистон тарихи. – Т., 2001. № 4.
25. Наршахий. Бухоро тарихи. – Т., 1991.
26. Сағдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. – Т., 1996.
27. Т. Пўлатов. Тарих. – Т., 2010.
28. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. – Т., 1997.
29. Шаниязов К. К вопросу о тюркоязычных компонентах в сложении узбекской народности, // Проблемы этногенеза и этнической истории народов Средней Азии и Казахстана. – М., 1991.
30. Шаниязов К. Ўзбеки-карлуки. – Т., 1964.
31. Шониёзов. К. Қанғ давлати ва қанғлилар. – Т., 1990.
32. Шониёзов К. Ўзбек халқининг этногенезига оид баъзи назарий масалалар// ЎИФ. 1998. № 6.
33. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т., 2001.
34. Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганиш бўйича материаллар (“Тафаккур сарчашмалари” туркумидан). – Т., 2007.
35. Ўзбекистон тарихи. Олий ўқув юртларининг номутахассис факультетлари талабалари учун дарслик. Р. Муртазаева таҳрири остида. – Т., 2003.
36. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2- китоб. Ўзбекистон совет мус-тамакчилиги даврида. 1- қисм. – Т., 2000.
37. Ходжайов Т. Ўзбек халқи этногенези тарихидан. – Т., 1995.

Қорақалпоқлар

1. Баллиева Р. Каракалпакский этнос и традиционное природопользование. Автореф. дисс... докт. истор. наук. – М., 2003.
2. Бекмуратова А. Т. Быт и семья каракалпаков в прошлом и на-

стоящем. – Нукус, 1970.

3. Жданко Т. А. Очерки исторической этнографии каракалпаков. Т. IX. – М.-Л., 1950.

4. Камолов С. Қорақалпоқлар // Халқ сўзи. 1993, 9 февраль.

5. Нурмухамедов М. К., Жданко Т. А., Камалов С. К. Каракалпаки. Краткий очерк истории с древнейших времен до наших дней. – Т., 1971.

6. Толстова Л. С. Каракалпаки Ферганской долины (Историко-этнографический очерк). – Нукус, 1979.

7. Толстова Л. С. Каракалпаки за пределами Хорезмского оазиса в XIX–начале XX в. Нукус – Т., 1963.

8. Толстова Л. С. Исторические предания Южного Приаралья (К истории ранних этнокультурных связей народов Арало-Каспийского региона). – М., 1985.

9. Хозяйство каралпаков в XIX начало XX вв. – Т., 1972.

10. Этнография каракалпаков XIX начала XX вв. – Т., 1980.

Тожиклар

1. Андреев. М. С. По этнографии таджиков // Таджикистан – Т., 1925.

2. Андреев М. С. Таджики долины Хуф. Вып. 2. – Душанбе, 1958.

3. Бартольд В. В. Таджики. Энциклопедия ислама. – М., 1963.

4. Бушков В. И. Население Северного Таджикистана: формирование и расселение. – М., 1995.

5. Гафуров Б. Г. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. Кн. 1–2. – Душанбе, 1989.

6. Гребенкин А. Д. Таджики // Русский Туркестан. – М., 1877.

7. Ершов Н. Н. Традиция общинного землепользования у таджиков // СЭС. Т. 24. – М., 1957.

8. Зуннунова Г. Таджики (Историко-этнографические очерки). – Т., 1991.

9. Кандауров А. Н. Патриархальная домашняя община и общинная дома у ягнобцев. – М.-Л., 1940.

10. Кисляков Н. А. Семья и брак у таджиков. – М.-Л., 1959.

11. Кисляков Н. А. Следы первобытного коммунизма у горных таджиков Вахио-Боло. – М.-Л., 1936.

12. Маллицкий Н. Г. Учебное пособие по географии Таджикистана. Т. 1. – Т.-Самарканд. 1929.

13. Моногарова Л. Ф. Материалы по этнографии язгулумцев // СЭС. – М., 1959

14. Мухитдинов И. Особенности традиционного земледельческого хозяйства припамирских народностей в XIX начале XX вв. – Душанбе, 1984.

15. Рахимов Р. Р. “Мужские дома” в традиционной культуре таджиков. – Л., 1990.

16. Таджики Каратегина и Дарваза. – Душанбе, Вып. 1. 1960; Вып. 2. 1970. Вып. 3. 1976.

17. Этнография Таджикистана. – Душанбе, 1985.

18. Эшанкулов Х. Г. Брак у населения Ходжента в новое время. – Душанбе, 1972.

Туркманлар

1. Агаджанов С. З. Очерки истории огузов и туркмен Средней Азии (IX–XIII вв). – Ашхабад. 1969.

2. Аннанепесов М. А. Хозяйства туркмен в XVII–XX вв. – Ашхабад. 1972.

3. Бабаков О. Б. Антропологический состав туркменских народов связи с проблемой этногенеза. – Ашхабад. 1977.

4. Васильева Г. П. Туркмены-нохурли. // ТИЭ. Т. 21. – М., 1954.

5. Васильева Г. П. Переобразования быта и этнический процессы в Северном Туркменистане. – М., 1969.

6. Васильева Г. П. Туркмены (к вопросу этнических этнокультурных традиции) АРД. – М., 1990.

7. Джикиев А. Традиционные туркменские праздники, развлечения и игры. – Ашхабад. 1983.

8. Джикиев А. Туркмены Юго-Восточного побережья Каспийского моря. – Ашхабад. 1961.

9. Дурдыев М. Туркмены Центральной Азии. Ашхабад. 1993.

10. Марков Г. Е. Очерки истории формирования северных туркмен. – М., 1961.

11. Поляков С. П. Этническая история Северо западной Туркмении в средние века. – М., МГУ, 1973.

12. Поляков С. П. Этнические процессы и хозяйства туркмен в

XIX–начале XX вв. – Ашхабад, 1983.

13. Оразов А. Этнографические очерки хозяйства туркмен Ахала в XIX–начале XX вв. – Ашхабад, 1985.

14. Этнические процессы и хозяйство туркмен XIX–начала. XX в. – Ашхабад, 1983.

15. Язлыев Ч. Туркменская сельская община. – Ашхабад, 1992.

Қозоклар

1. Аргынбаев Х. Семья и брак у казахов. – Алма-Ата, 1978.

2. Вотров В. В., Каунов Х. А. Материальная культура казахского народа на современном этапе. – Алма-Ата, 1972.

3. Исмагулов О. Этническая антропология Казахстана. – Алма-Ата, 1982.

4. Масанов Э. А. Очерки истории этнографического изучения казахского народа в СССР. – Алма-Ата, 1966.

5. Толыбеков С. Кочевое общество казахов в XIX–начале XX вв. – Алма-Ата, 1971.

6. Толыбеков С. Хозяйство казахов на рубеже XIX–начале XX в. – Алма-Ата, 1980.

7. Шахматов В. Ф. Казахская пастбишно-кочевая община. – Алма-Ата, 1964.

8. Шалекенов У. Х. Казахи низовьев Амударьи. К истории взаимоотношений народов каракалпаки в XVIII–XX вв. – Т., 1966.

9. Шаханова Н. Ж. Традиционная пища казахов как историко-этнографический источник. Автореф. дисс... канд. истор., наук. – Алма-Ата, 1987.

Қирғизлар

1. Абрамзон С. М. Киргизы и их этногенетические и историко-культурные связи. – Л., 1971.

2. Джумагулов А. Семья и брак у киргизов Чуйской долины. – Фрунзе, 1960.

3. Петров К. И. Очерки происхождения киргизского народа. – Фрунзе, 1963.

4. Бактыкулов Д. Ж. Формирование киргизского народа. – Бишкек, 1996.

5. Кайчугеев Т. и др. Киргизы и их предки. – Бишкек, 1994.
6. Петров К. И. Очерки происхождения киргизского народа. – Фрунзе, 1963.
7. Труды Киргизской археолого-этнографической экспедиции. Т. 1–2. – М., 1956–1959.

Уйгурлар

1. Амитин–Шапиро З. Л. Юабов И. М. Национальные меньшинство Узбекистана (1925–1935). – Т., 1935.
2. Материалы по истории и культуры уйгурского народа. – Алма-Ата, 1978.
3. Позднеев Л. М. Исторический очерк уйгуров. – СПб., 1899.
4. Радлов В. В. К вопросу об уйгурах. – СПб., 1893.
5. Рузиев М. Возрождённый уйгурский народ. – Алма-Ата, 1976.
6. Тихонов Д. И. Хозяйство и общественный строй Уйгурского государства X–XIV вв. – М.-Л., 1966.
7. Хамраев М. К. Расцвет культуры уйгурского народа. – Алма-Ата, 1967.
8. Чвырь Л. А. Обряды и верования уйгуров в XIX–XX вв. Очерки народного ислама в Туркестане. – М., 2006.

Дунганлар

1. Джон А. Материальная культура дунган: поселения, усадьба, жилище (конец XIX – XX в). – Фрунзе, 1986.
2. Очерки истории советских дунган. – Фрунзе, 1967.
3. Савуров М. Д. Дунган гаомлари. – Т., 1989.
4. Савуров М. Д. Дунганы Узбекистана: история, культура и межнациональное согласие. – Т., 2006.
5. Сушанло М. Я. Дунгане. – Фрунзе, 1971.
6. Сушанло М. Я. Семья и семейный быт дунган. – Фрунзе, 1979.
7. Шинло Л. Т. Культура и быт советских дунган. – Фрунзе, 1979.

Марказий Осиё араблари

1. Бурыкина Н. И., Измайлова М. М. Некоторые данные по языку арабов Джугары Бухарского округа и кишлака Джейнав Кашкадарьинского округа Узбекской ССР / Зап. Коллегии востоковедов при Азиатской музее АН. – Л., 1930.
2. Винников И. И Арабы в СССР / Сов. этногр., IV. М. – Л., 1940.
3. Винников И. И. Фольклор среднеазиатских арабов. – М., 1969.
4. Мадаминжонова З. Арабы Южного Таджикистана. Историко – этнографические очерки. Душанбе. 1995.
5. Ражабов Р. Ўзбекистон араблари (Тарихий этнографик таджикот). – Т., 2011.
6. Ражабов Р. Ўрта Осиё этномаданий жараёнларида араблар. – Т., 2011.
7. Волин С. Л. Из истории Среднеазиатских арабов // Труды ИВАН. Вып. 36. – М.-Л., 1941.
8. Церетели Г. В. Арабские диалекты Средней Азии. – Тбилиси, 1956.

Марказий Осиё лўлилари

1. Атаханов Ш. Фарғона водийси лўлилари.: Тарих фан номзод. дис. автореф. – Т., 2005.
2. Баранников А. П. Цыгане в СССР. – М., 1931.
3. Снесарев Г. П. Среднеазиатские цыгане // КСИЭ, – М., 1969, Вып. 34.
4. Бўриев О. Жахонгашта лўлилар // Сирли олам. 2000, № 6.

Марказий Осиё яҳудийлари

1. Абрамов М. М. Бухарские евреи в Самарканде. Самарканд, 1993.
2. Альмеев Р. Бухарские евреи. – Бухара, 1998.
3. Бабаханов И. М. К вопросу о происхождении группы евреев мусульман в Бухаре // Сов. этногр., 1951, № 3.
4. Датхаев Ю. В. О бухарских евреях (краткие очерки). Душанбе, 1992. Евреи Бухары Средняя Азия. Кн. 2. – Т., 1921.
5. Исхаков П. К. К истории бухаро-еврейского этноса. – Нью-Йорк, 1996.

6. Калантаров Я. И. Среднеазиатские евреи // Народы Средней Азии и Казахстана. Т. 2. – М., 1963.

Курдлар

1. Алекперов А. К вопросу об изучение культуры курдов. // Труды Азербайджанского ФАН. – Баку, 1963, Вып. 25.

2. Аристова Т. Ф. Курды Закавказья. – М., 1966.

3. Аристова Т. Ф. Материальная культура курдов XIX – первой половина. XX вв. – М., 1990.

4. Бугай Н. Ф. и др. Советские курды: версия перемен. – М., 1993.

5. Мамедназаров А. Свадебные обряды курдов Туркмении // Изв. АН Туркменистана, СОН. – Ашхабад, 1963, № 1.

Балужлар

1. Винников Я. Р. Белуджи Туркменской ССР // Сов. этногр., 1952, № 1.

2. Гафферберг Э. Г. Поездка к белуджам Туркмении в 1958 г. // Сов. этногр., 1960, № 1.

3. Пикулин М. Г. Белуджи Пакистанского Белуджистана // Сов. этногр., 1958, № 6.

Корейслар

1. Джанг Джун Хи. Похоронно-поминальные обычаи об обрядах корейцев Узбекистана (на материалах Ташкентского вилоята). Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Т., 2006.

2. Джарилгасинова Р. Ш. К вопросу о культурном сближении корейцев Узбекской ССР с соседними народами // Сов. этногр., 1966, № 5.

3. Джарилгасинова Р. Ш. Традиционная и новая семейная обрядность корейцев Средней Азии // История, археология и этнография Средней Азии. – М., 1968.

4. Джарилгасинова Р. Ш. Новое в культуре и быту корейцев Средней Азии и Казахстана // Сов. этногр., 1977, № 6.

5. Ким П. Г. Корейцы Республики Узбекистана. – Т., 1993.

6. Ионова Ю. Б. У корейцев Средней Азии // КСИЭ. – М., 1963,

Вып. 38.

7. Хан В.С. Коре сарам: Кто мы? – Бишкек. 2010.

Татарлар

1. Томилов Н. А. Современные этнические процессы среди сибирских татар. – Томск, 1978.

2. Халиков А. X/ Происхождения татарского народа. – Казань, 1978.

3. Халиков Н. А. Земледелие татар Среднего Поволжья и Приуралья XIX – нач. XX вв. – М., 1981.

4. Сулова С. В. Женские украшения казанских татар середина. XX - начала. XX в. – М., 1980.

5. Уразманова Р. К. Современные обряды татарского народа. – Казань. 1984.

6. К вопросу этнической истории татарского народа. – Казань, 1986.

7. Мухамедова Р. Г., Федянович Т. П. Татары // Народы мира. – М., 1998.

Хитойлар

1. Симония Н. А. Население китайской национальной Юго-Восточной Азии. – М., 1959.

2. Садиков В. С. Материальная культура китайцев КНР. – М., 1967.

3. Сычев Л. П., Сычев В. Китайский костюм. – М., 1975.

4. Крюков М. В., Сафонов М. Г., Чебоксаров Н. Н. Древние китайцы. Проблемы этногенеза. – М., 1978.

6. Крюков М. В. Китайцы // Народы мира. – М., 1988.

Салорлар

1. Решетов А. М. Салары, салыр // Народы мира. – М., 1988.

2. Саларлар // ЎзМЭ, 7-том. – Т., 2004.

Мўғуллар

1. Викторова Л. Л. Монголы. Происхождение народа и истоки культуры. – М., 1980.
2. Владимирцев Б. Я. Общественный строй монголов. – Л., 1934.
3. Козин С. А. Сокровенное сказание. Монгольская хроника. Т. 1. – М.-Л., 1941.
4. Татаро-монголы в Азии и Европе. 2-е/изд. – М., 1977.
5. Жуковская Н. А. Монголы // Народы мира. – М., 1988.
6. Смоляк А. В. Этнические процессы у народов нижнего Амура. – Л., 1975.

Бурятлар

1. Вятника К. В. Очерки культуры и быта бурят. – Л., 1969.
2. Басаева К. Л. Преобразование в семейно-брачных отношениях бурят. – Улан-Удэ, 1971.
3. Быт бурят в настоящем прошлом. – Улан-Удэ, 1980.
4. Брук С. И. Буряты // Народы мира. – М., 1988.

Сахалар

1. Парникова А. С. Расселение якутов в XVII – начала XX вв. Якутск, 1981.
2. Гурвич И. С. Культура северных якутов-оленоводоов. – М., 1977.
3. Гоглев А. И. Историческая этнография якутов. – Якутск, 1977.
4. Гоглев А. И. Историческая этнография якутов. Народные знания и обычное право. – Якутск, 1983.
5. Токарев С. А. Якуты // Народы мира. – М., 1988.
6. Социальная организация и культура народов Сибири. – М., 1974.

Олтойлар.

1. Потапов Л. П. Очерки по истории алтайцев. – М.- Л., 1953.
2. Потапов Л. П. Этнический состав и происхождение алтайцев. – Л., 1969.
3. Этнография народов Алтая и Западной Сибири. – Новосибирск, 1978.

4. Шатинова Н. И. Семья у алтайцев. – Горно-Алтайск, 1981.
5. Потапов Л. П., Сатлаев Ф. А. Алтайцы // Народы мира . – М., 1988.

Тувалилар

1. Вайнштейн С. И. Тувинцы - таджинцы. – М., 1956.
2. Вайнштейн С. И. Историческая этнография тувинцев. Проблемы коиваго хозяйство. – М., 1972.
3. Потапов Л. П. Очерки народного быта тувинцев. – М., 1969.
4. Сердобов Н. А. История формирования тувинской нации. – Кызыл. 1971.
5. Вайнштейн С. И., Денисова Н. П. Тувинцы // Народы мира. – М., 1988.

Хакаслар

1. Потапов Л. П. Происхождение и формирование хакасской народности. – Абакан, 1957.
2. Потапов Л. П. Хакасы // Народы мира. – М., 1988.
3. Бутанаев В. Я. Происхождения хакасов по данным этнонимике. Историческая этнография. – Л., 1983.
5. Проблемы антропологии и этнической истории Сибири. – М., 1992.

Шорлар

1. Потапов Л. П. Очерки по истории Шории. – М.-Л., 1936.
2. Васильев В. И. Шорцы. Народы мира. – М., 1988.

Руслар, украинлар ва белоруслар

1. Бломквист Е. Э. Этнографическая работа среди Уральцев // КСИЭ. 1947. Вып. 3.
2. Брусина О. И. Славяне в Средней Азии. Этнические и социальные проблемы. (конец XIX–начало XX в). – М., 2001.
3. Гинзбург А. И. Русское население в Туркестане. – М., 1991.
4. Клименко Н. Н., Левтеева Л. Г. Русские в Туркестане. Культу-

ра и быт русскоязычного населения Средней Азии (Втор. пол. XIX – первой половина XX в.). – Т., 1994.

5. Станюкович Т. В. У русских переселенцев Средней Азии. // КСИЭ. – М., 1948. Вып. 14.

6. Станюкович Т. В. Русское, украинское и белорусское население Средней Азии и Казахстана // Народы Средней Азии и Казахстана. Т. 2. – М., 1961.

7. Этнография русского населения Сибири и Средней Азии. – М., 1962.

8. Этнография восточных славян. – М., 1987.

Интернет маълумотлари:

1. <http://www.Ethnology.Edu.ua>.
2. www.Edu.sib.ru.
3. www.harkov.gender.ua.
4. www.genisled.ua.
5. www.iea.ru.

UDK: 39 (575) (09) (075)

63.5(54)

Д71

Дониёров, А.Х.

Д71

Марказий Осиё халклари этнографияси, этногенези ва этник тарихи: ўқув қўлланма / А.Х.Дониёров, А.А.Аширов, О.Б.Бўриев; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. Тошкент давлат шарқшунослик ин-ти. – Т.: Yangi nashr, 2011 316 б.

ББК 63.5(54)